

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

---

АНДИЖОН МУХАНДИСЛИК ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

"БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ" КАФЕДРАСИ

"ТАСДИКЛАЙМАН"  
факультет декани

"\_\_\_\_\_" 2005 й.

"Иктисодиёт", "Менежмент" ва "Қасбий педагогик таълим"  
3-курс йуналиши талабалари учун

«БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ, ИКТИСОДИЙ ТАХЛИЛ  
ВА АУДИТ» ФАНИДАН

**МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ**

Курс 3  
Семестр 5,6  
Маъруза 72  
Амал.маш 36

Кафедранинг 2004 йил 26 август  
кунги № 1 йигилишида  
тасдиқланган

«\_\_\_\_» 2005 й.

Тайёрлади:

Проф. И. Каюмов  
И.ф.н. М. Юсупова  
Кат. ук. А. Исмоилов

Такризчилар:

1. доц. Э. Муйдинов
2. доц. А. Содиков

Андижон - 2005 йил

1. Ушбу маърузалар матнлари институт **Илмий–Услубий Кенгашида** кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган.

«\_25\_» \_\_02\_\_ 2005 йил. Баённома № \_5\_

## 2. Тақризчилар:

1. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси доценти,

и.ф.н. Э. Муйдинов.

2. «Молиявий менежмент» кафедраси, и.ф.н. доцент

А. Содиков

3. Ушбу маърузалар матнлари **Факультет Кенгашида** кўриб чиқилган ва фойдаланишга тавсия этилган.

«\_20\_» \_\_01\_\_ 2005 йил. Баённома № \_6\_

Факультет кенгаши раиси:

Н. Тўйчибоев.

## **I қисм. БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ**

### **1-мавзу. Бухгалтерия хисобининг концепциялари ва тамойиллари.**

- 1. Бухгалтерия хисобининг таърифи.**
- 2. Бухгалтерия хисобининг концепцияси.**
- 3. Бухгалтерия хисобининг тамойиллари.**

#### **1.Бухгалтерия хисобининг таърифи**

Бухгалтерия хисоби—бу корхона ва ташкилотлар хужалик муомилаларини кузатиш ҳамда тулигича, узлуксиз равишда, узаро боғлиқ ҳолда ҳужжатлар ердамида руй хатга олиш орқали корхона мулкнинг, мажбуриятлари ва хисобкитобларининг уз маблаглари ҳолати ва ҳаракатини акс эттирувчи моделлаштирилган ахборот тизимидир.

Бухгалтерия хисоби корхоналарни бошқаришдаги режалаштириш, ташкил этиш, назорат ва таҳлил каби функциялардан биридир. Унинг маълумотлари асосан назорат ва таҳлил қилиш учун хизмат қилади, уларнинг натижаларидан эса корхонани режалаштириш ва истикболини белгилаш учун фойдаланилади.

Бозор иқтисодиети шароитида эса бухгалтерия хисоби корхона фаолияти ва унинг натижалари билан кизикувчи барча шахсларга жумладан ички ва ташқи фойдаланувчиларга тегишли маълумотларини тайёрлайди ва тақдим этади. Бухгалтерия хисоби маълум бир хужалик юритувчи субъект тугрисидаги молиявий маълумотларни аниқлаш, қайта ишлаш ва кизикувчиларга етказиб беришни амалга оширади. Яъни;

- молиявий хисобот орқали маълумотларни кизикувчиларга етказиб бериш.
- фойдали маълумотларни чиқариб олиш учун маълумотларни қайта ишлаш.
- корхона тугрисидаги маълумотларни қайд қилиш орқали хужалик фаолиятини улчаш.

Молиявий маълумотлардан фойдаланувчиларнинг, турли гуруҳлари-нинг мавжудлиги бухгалтерия хисобининг ягона тизим сифатидаги 2га бўлинишига олиб келди:

#### **1)Молиявий хисоб**

#### **2)Бошқарув хисоби**

Хисобнинг бу 2 тури узининг вазифаси, яъни ахбороти ва услуби-яти билан бир-биридан фарқ қилади.

**Молиявий хисоб** — корхоналар томонидан жамоатчилик ҳукмига тақдим этиладиган ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун мулжалланган хисобдир.

**Бошқарув хисоби** — ички фойдаланувчилар эҳтиёжини иқтисодий хужалик муомалалари ва маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назорат урнатишда, бюджет бажарилиши ва фойда олишнинг мониторингини урнатишда бухгалтерия хисоби маълумотларининг ролини, шунингдек компаниянинг келажакда мувофаккиятга эришишидаги бухгалтерия хисоби маълумотларини қуриб чиқади.

Хужалик фаолиятининг ташкилий-хукукий шакллариининг асосий 3 шакли булиб, улар куйидагилар:

-якка тартибдаги

-икки еки ундан ортик мулкдорлар томонидан ташкил этилган шерикчилик

-корпорация еки акционерлик жамиятлари

Бухгалтерия хисоби хужалик фаолиятининг ташкилий хукукий шаклларига мос холда хусусиятларини намоён килади. Бухгалтерия хисоби ягона тизим сифатида шаклланган. Бу тизим узига хос холда бир нечта вазифаларни бажаради:

Бухгалтерия хисоби сётларида активларнинг холати ва харакати, мулкый хукуklar ва мажбуриятларнинг холати тугрисидаги тулик хамда аник маълумотларни шакллантириш. Самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия хисоби маълумотлари-ни умумлаштириш.

Молиявий, соликка доир ва бошка хисоботларни тузишдан иборатдир.

## **2. Бухгалтерия хисобининг концепцияси.**

Молиявий хисоботлар бухгалтерия хисобининг маълумотларини ташки фойдаланувчиларга етказиб бериш воситаси булиб хисобланади. Шу сабабли халқаро амалиёт талабларига кура молиявий хисоботни тузиш ва топширишнинг концептуал асослари ишлаб чикилади. Концептуал асос бухгалтерия хисобининг концепцияларини узида акс эттиради.

Молиявий хисобот концепциялари томонидан куйидагилар аникланиши керак:

-молиявий хисоботни тузиш мақсадлари

-маълумотлар тизимини тузиш тамойиллари

Тизимнинг сифат тавсифлари

Молиявий маълумотларни тан олиш ва улчаш мезонлари

Молиявий хисоботларни тузишнинг катор мақсадлари мавжуд булиб, улар куйидагилардан иборатдир:

1. Инвестицион қарорларни ва кредитлар бериш буйича қарор қабул қилиш

2. Хужалик субъектига ишониб топширилган ресурслар сабабли, уларнинг ресурслари ва мажбуриятларини баҳолаш

3. Хужалик субъектининг келгуси пул оқимларини баҳолаш

4. Раҳбарият фаолиятини баҳолаш

5. Ҳаққоний акс эттириш

Молиявий хисоботларда субъектнинг уз мажбуриятларини бажариши ва сармояларини қайтариши учун даромад ва келгусида нақд пул тушумларини олиш қобилиятини амалга ошириш учун ердам берадиган ахборотларни акс эттириши керак. Хисоботдан қорхона раҳбарининг фаолиятини баҳолаш мақсадида ҳам фойдаланилади.

Хисоботлар куйидаги ахборотлардан иборат булиши керак:

-қорхона иқтисодий холати

-корхонанинг иктисодий ресурслари, мажбуриятлари ва капитали (соф активлар корхонанинг иктисодий ресурслари, мажбуриятлари ва капитали\соф активда содир булган узгаришлар

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги Қонуни”га мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги умумий ҳисобот шаклидан иборат:

1. Бухгалтерия баланси — шакл № 1
2. Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот — шакл №2
3. Асосий воситалар ҳаракати тугрисидаги ҳисобот — шакл №3
4. Пул маблағлари ҳаракати тугрисидаги ҳисобот — шакл №4
5. Хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот — шакл №5
6. Молиявий ҳисоботга иловалар, ҳисоб-китоблар ва изохлар

Бу молиявий ҳисоботлар БХМСга мувофиқ ишлаб чиқарадиган корхона ҳисоб сисемасига мувофиқ таерланиши керак ҳамда уларда барча масалалар буйича шундай молиявий ахборотлар берилиши керакки улар корхона фаолияти натижаларини тулиқ ва аниқ тушуниши нуктаи назаридан фойдаланиш учун муҳим аҳамият касб этиши керак.

### **БУХГАЛТЕРИЯ АХБОРОТИНИНГ СИФАТ ХУСУСИЯТЛАРИ**

МХК қарор қабул қилиш жараида бухгалтерия ахборотининг фойдалилигини ақс эттирувчи хусусиятларини аниқлайди ва белгилайди. Тушунарлилик, аҳамиятли, ишончлилик ва солиштириш имконининг мавжудлиги бухгалтерия ахборотининг 4 асосий хусусиятидир:

**ТУШУНАРЛИЛИК** — қарор қабул қилишда ахборотдан туларок фойдаланиш мақсадида у тушунарли бўлишини ифодалайди.

**АҲАМИЯТЛИЛИК** — молиявий ҳисоботлардан фойдаланишда қарор қабул қилиш вақолатига эга булган турли тоифадаги ташки фойдаланувчилар учун бухгалтерия ахбороти нинг яроқчилигини ифодалайди

Улар бухгалтерия ахборотининг қуйидаги мақсадларини қузлаб фойдаланилади:

- иктисодий келажакни истикбол қилиш
- истикбол қилишнинг келгуси услубини такомиллаштириш мақсадида олдинги истикболнинг тугрилигини тасдиқлаш .

Бухгалтерия ахборотининг аҳамиятлилик даражасининг сифати қуйидаги 3 жиҳат ердамида баҳоланади:

- Айни пайтлилик
- Истикбол қилиш муҳимлилиги
- Тесқари алоқа

**ИШОНЧЛИЛИК** — бухгалтерия ахборотининг ишончлилиги аввало унинг ҳатолар ва қамчиликларидан ҳолислигини билдиради. У ахборотнинг асосий мазмунини тугри очиб бериши керак.

Ахборотнинг ишончлилиги 3та мезонга мувофиқ текширилади.

1. Тугри ақс эттириш , баъзида ишончлилик дейилади.
2. Текшириш имкониятининг мавжудлиги, аниқлиги, текшириш мумкин булган ҳужжатлар маълумотлар манбаси мавжудлиги.

3. Бетарафлик — молиявий хисоботлардан фойдаланувчиларга таъсир этиш учун хисоботда буртирилган нуктаи назарлар еки асосланмаган фикрдан фойдаланиш мавжуд булмаганда маълумотлар бетарафлик мезонига мувофик келади.

**СОЛИШТИРИШ ИМКОНИНИНГ МАВЖУДЛИГИ** — бу турдаги ахборотлар ичида эмас, балки 2 хил турдаги ахборот орасидаги муносабатга хос белгидир.

У фойдаланувчиларга молиявий хисоботларнинг 2 тупламида берилган ахборот орасидаги ухшашликлар ва фаркларни топиш имкониятини беради.

Солиштириш имконининг 2 томони мавжуд — бухгалтерия хисобининг ягона сиесатидан, йилдан-йилга фойдаланишни белгилаб берадиган кетма-кетлик, ҳамда ухшаш хужалик муомалаларини куллайдиган ва ухшаш шароитда ишлайдиган компанияларнинг бухгалтерия хисобининг бир хил тамойиллардан фойдаланишни билдирадиган бирдамлик.

### **КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТЛАРИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

**Элементлар** — молиявий хисоботларга киритилиши лозим булган моддаларнинг гурухларидир.

МХК 7 та элементи мавжуд: 1-3 гурух элементлар (активлар, мажбуриятлар, ва акционерлик капитали \соф активлар) тугридан-тугри баланс хисоботида кейинги 4 элемент эса (даромад, харажат, фойда ва зарарлар) молиявий натижалар тугрисидаги хисоботларга тегишлидир.

### **МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ:**

**активлар** — бу утган хужалик муомилалари ва ходисалари натижасида хужалик субъекти томонидан назорат килинадиган иктисодий ресурслар булиб, улар келажакда фойда келтириш эхтимолига эга.

**мажбуриятлар** — бу хужалик субъектининг утган хужалик муомилалари ва ходисаларни амалга ошириш натижаси асосидаги мажбуриятлари булиб, буларни хисоб-китоб килиш активларнинг топширилиши еки бошқалар келгуси иктисодий фойданинг капиталимайишига олиб келиши мумкин.

**акционерлик капитали** — бу мажбуриятлар чиқариб ташлангандан сунг хужалик субъектининг активлардаги эгалик улушидир.

**даромад** — бу субъектнинг хужалик фаолияти натижасида, одатда ижара хаки, фоизлар, лицензия туловлари, дивидентлар шалидаги даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларни сотилиши, хизматларнинг курсатилиши еки бошқа шахсларнинг хужалик субъектининг ресурсларидан фойдаланиш натижасида активларнинг келиб тушиши еки мажбуриятларнинг камайиши орқали руй берадиган иктисодий ресурсларнинг купайишидир.

**харажат** — бу фойдани купайтириш максатида хужалик фаолиятидан келиб чиқадиган активларнинг камайиши еки мажбуриятларни уз зиммасига олиш орқали руй берадиган иктисодий ресурсларнинг камайишидир.

**фойда** — бу хужалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий булмаган фаолият, ходисалар, шароитлар натижасида капиталнинг купайиши булиб, хусусий капиталга туланадиган бадаллар улардан мустаснодир.

**зарарлар** — бу асосий фаолият ва барча бошқа хужалик муомилалари ходисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши булиб, харажатлар еки

хусусий капиталининг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

### **УЛЧАШ, ЭЪТИРОФ ЭТИШ, БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**Эътироф этиш** — бу модданинг молиявий ҳисоботга киритилиши жараёнидир. Эътироф этилган моддага ном ва улчам берилади. Эътироф этиш барча элементларига тааллуқли бўлади. Элемент ҳисобда қуйидаги ҳолларда эътироф этилиши керак:

1. Элемент улчаш учун мақбул асосга эга бўлиши керак ва белгиланган пул миқдорини асосланган равишда баҳолаш мумкин.
2. Қўтилаётган даромадлар ҳақидаги молиявий моддалар эҳтимоллиги даражасига эга бўлиши керак.

**Улчаш ёки ҳисоблаш мезонлари** 4 та миқдорий курсаткичларга асосланади ва тегишли тартибда олинган моддалар тушунарлилиги, аҳамиятлилиги, ишончлилиги ва шунингдек таққосланувчанлиги билан фарқ қилади деб фараз қилинади:

**Элементнинг аниқланиши** — модда молиявий ҳисоботнинг элементи таърифига мос келиши лозим.

**Ўлчанувчанлик** — модда аниқ ўлчанилиши мумкин бўлган мос келувчи атрибут (таъсиф)га эга.

**Долзарблик** — моддада мавжуд бўлган маълумотлар фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир этишга қодир.

**Ишончлилик** — моддада мавжуд бўлган маълумотлар ишончли ва бетарафли ва текшириш қобилиятига эга ҳисобланади.

### **Баҳолаш мезонлари.**

**Баҳолаш** — бу молиявий ҳисоботларда ҳисобга олиннадиган моддаларнинг қийматини аниқлаш жараёнидир.

## **3. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари.**

Тамойиллар ва чекловлар - концептуал тузилмага риоя қилиш учун бухгалтерлар маълум бир қўлланмадан фойдаланади. Уларга муҳит, сотиш, ҳамда чеклов тамойиллари қиради.

### **Муҳит тамойили.**

**Алоҳида ҳужалик субъекти тамойили.** Бухгалтерия ҳисоби унга хосхусусиятли ҳамда бир - биридан алоҳида бўлган ҳужалик субъектлари билан ишлайди. Уларнинг ҳаражат бири ўз эгалари ва бошқа ташкилотлардан алоҳида мустақил бўлган бухгалтерия ҳисоби бирлиги сифатида қўриб чиқилади. *Мисол учун*, корпорация ва унинг акциядорлари алоҳида шахслардир.

**Давомийлик тамойили.** Қўпинча доимий аҳамиятга эга бўлган тамойил деб қўйилади. Бу тамойилга қўра қўрхонанинг яқин келажакда тўғатилиши назарда тутилмайди, шу билан бирга бухгалтерия ҳисоби қўрхоналарнинг қўғараланмаган давр давомида фаолият қўрсатишини назарда тутди деган маъно бу тамойилдан қўлрб қўқмайди.



**Баҳолаш тамойили.** Ташкилотнинг иктисодий фаолиятини баҳолаш ва бу борада ҳисобот тақдим этиш учун пул бирлигида ифодаланиши керак

**Даврийлик тамойили.** Алоҳида олинган корхона фаолиятининг натижаларини иш ниятига етмагунча шубҳасиз аниқлик билан истикбол қилиш мумкин бўлганда молиявий ҳисобот барибир зарурдир, чунки улардан фойдаланувчилар вақтида етказилган ахборотларга муҳтождир.

**Сотиш тамойили.**

Иш юритиш даражасида ҳисоботларни таёрловчи шахслар тушумлар, харажатлар, фойда ва зарарларни ҳисобга олиш ва шу тугрисида ҳисоботларни таёрлашда сотиш тамойилларидан фойдаланадилар. Сотиш тамойилга қуйидагилар қиради:

**Таннарх тамойили** бирламчи таннарх бўйича баҳолаш мезонини ифода қиладиган яна бир усул бўлиб, учун ҳисобга олишда харажатларни эътироф этиш учун пул билан ифодалашдан фойдаланишини курсатади. Таннарх тамойили хужалик муомилалари ва босқичларини жорий ҳисобга олишда ишлатилади.

**Ҳисоблаш тамойили.** Даромадни ҳисобга олишда ҳисоблаш методидан фойдаланишни талаб қиладди. У ҳисобга олиш мезонларига мувофиқ даромадни қачон ҳисобга олиш ва уларни қачон ҳисоботларда акс эттириш кераклигини белгилайди. Ҳисоблаш тамойилига мувофиқ товарлар сотилишидан олинган даромад харидорлар ушбу товар эгаси бўлганда яъни эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган риск ва муқофотлар унга утган пайтда ҳисобга олинади. Сотувчи уз мажбуриятларини бажармагунча даромад ҳисобига олинмаслиги лозим. Ҳисоблаш тамойили ҳисобга олишда касса тушумлари усулини эмас, балки ҳисоблаш усулининг қулланилишини талаб қиладди.

**Мувофиқлик тамойили.** Харажат ва даромадларнинг мувофиқлик тамойили бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули билан кузда тутилади, бироқ бу ҳолда бухгалтерия ҳисобини тақдим этишда харажатлар акс эттириладиган ҳисобот даври муҳим бўлади. Маълум бир ҳисобот даври учун тушумларни ҳисоблаш тамойилига мос равишда бухгалтерия ҳисобини тақдим этишда тушумларни киритиш учун ҳамма шароитлар мавжуд бўлганда ҳисобга олиниши керак. Даромадни олиш жараёнида вужудга келадиган харажатлар даромад ҳисобга олинган даврда акс эттирилиши керак. Агар даромадлар ҳисобот даврида олинган бўлса ёки келгуси ҳисобот даврида ҳисобга олиниши зарур бўлса, унда у ёки бу даромадларга тегишли бўлган харажатлар ҳам бурунги ёки келгуси даврда ҳисобга олиниши керак. Харажатлар худди даромадлар каби молиявий ҳисоботда бир давр учун акс эттирилади. Қуйида келтирилган жадвал харажатлар ва даромадларнинг мос қилиш тамойилига мос ҳолда харажатларни ҳисобга олишда эътироф этилишида ёрдам бериши мумкин.

| Фойда олишнинг вақт системаси.                                  | Харажат элементи бўлиши шарт.      |
|-----------------------------------------------------------------|------------------------------------|
| Келгуси иктисодий манфаат                                       | Активлар қисмида ҳисобга олинган   |
| Мавжуд иктисодий манфаат ёки аниқлаш мураккаб бўлган манфаатлар | Харажатлар қисмида ҳисобга олинган |
| Ҳеч қандай иктисодий манфаат йук.                               | Зарарлар қисмида ҳисобга олинган   |



Хисобда соф фойда хисоблаш жараёни ҳамда харажатлар ва даромадлар мос келиши тамойили бир вақтда кулланган ҳолда хисобланади.

### **Тулик очиб бериш тамойили.**

Молиявий ҳисобот тугрисидаги ҳисоботда корхонанинг иктисодий ҳолати буйича керакли ахборотлар берилишини талаб килади.

Чекловчи тамойил.

**Чекловчи тамойил** — булар ҳам молиявий ҳисоботларда узгаришларга олиб келиши мумкин. Чекловли тамойилларга куйидагилар киради:

**1. Таннарх даромад.**

**2. Мухимлилик.**

**3. Тармок хусусиятлари.**

**4. Консерватизм.**

**Таннарх даромад** -- таннарх даромадга боглик булган чекловлар купгина ҳолларда бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига таъсир курсатадилар. Бундани асосий мазмун шунлаки, фойдаланувчиларнинг махсус ахборотлардан оладиган даромадлари уларнинг шу ахборотларини кулга киритиш харажатларидан юкори булишидадир.

**Мухимлилик** -- ахборотларнинг маълум бир кисми ёки жами ахборот шундай вақтда мухим буладики, агарда шу ахборотнинг берилмаслиги ёки унинг натижалари талкин килиниши қарор қабул килишга таъсир курсатса ёки мазкур қарорни узгартиришга эҳтимоли мавжуд булса.

**Тармок хусусиятлари** -- бухгалтерия ҳисоби асосий эътиборни фаолликка қаратганлиги учун тармок (масалан, коммунал хизмат курсатиш, темир йул, банк хизмати, сугурта, казиб чиқарувчи саноат) фаолиятидир. Хусусиятлар бухгалтерия ҳисоби тамойилларини куллашда танланган истиснолар килишни талаб этишлари муқаррар.

**Консерватизм** -- бу тамойил буйича чекловга кура концептуал тамойиллар ва кулланилиши тамойилларини бир ҳилда қониктирадиган икки алтернатив мавжуд булса, у ҳолда соф фойда ёки активлар жами сумасига энг кам ижтимоий таъсир курсатадиган алтернатив танланиши керак. Даромадларни баҳолашнинг икки алтернатив усулига йул қуйилган булса, ҳисоботни тақдим этишда баҳолаш суммасининг энг кичиги акс эттирилиши керак.

Қарзларнинг даражаси ҳақида гап борар экан унда қарзларнинг икки алтернатив даражасидан энг катта булган миқдор ҳисоботда акс эттирилиши керак. Даромад, харажат, фойда ва зарарларнинг иккита тугри қеладиган алтернатив миқдорини бирини танлашда асосланган шубҳа мавжуд буладиган булса, соф даромадга энг кам тжобий таъсир этадиган миқдор курсатилиши керак.

## **4. Бухгалтерия ҳисоби усули**

Бухгалтерия ҳисоби ҳам фан сифатида, ҳам энг замонавий касб сифатида факат узигагина хос булган усулга эгадир. Одатда фаннинг усули деганда доимо унинг предметини урганиш усулини тушунамиз. Бухгалтерия ҳисоби узининг

предмети ва уни ташкил килувчи объект-ларини махсус усуллар мажмуи оркали урганади.

**Бухгалтерия хисобининг махсус усуллари куйидагилардир:**

**-хужжатлаштириш**

**-инвентаризация (йуклама килиш)**

**-баҳолаш ва калькуляция килиш**

**-сметлар ва икки ёклама ёзиш**

**-баланс ва хисобот**

**Хужжатлаштириш** - бу корхона ва ташкилот маблағлари ҳаракатини белгиловчи, ҳисобга олувчи жараёндир. Бухгалтерия ҳисобида қайд қилинган ҳар қандай маблағлар узғариши ҳужжат билан расмий-лаштирилган бўлиши ва унга қуйиладиган ҳуқуқий талабларга жавоб бера оладиган бўлиши керак.

**Инвентаризация.** Мулк шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотларнинг маблағларини, яъни асосий ва айланма маблағлари ва уларнинг ҳолатини назорат қилиш тегишли моддий жавобгар шахслар зиммасида бўлади. Ҳар бир моддий жавобгар шахс узига бириктирилган маблағлар ҳисоби бўйича корхона бухгалтериясига белгиланган муддатларда ҳисобот топшириб турадилар. Моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товар ва моддий бойликларни санаб, улчаб, пул ифодасида қурсатиб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари би-лан таккослаб, уртадаги камомад ёки ортиқ чиқиш ҳолларини аниқлаш-инвентаризациядир. Инвентаризация ўтказиш ёрдамида товар ва моддий қийматликларнинг сифати, келтирилган моддий зарар бўйича жавобгар шахсларни аниқлаш имконияти яратилади.

**Баҳолаш ва калькуляция.** Корхона ва ташкилотлардаги ҳужалик маблағларининг ҳаракати бухгалтерия ҳисобида акс эттириш имко-ниятига эга бўлиш учун пул бирлигида ифода қилинган бўлиши керак. Тегишли ҳужалик маблағларининг жойланиши ва ташкил топиш ман-балари бўйича пул бирлигида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаш-тириш баҳолаш жараёнидан келиб чиқади. Маблағлар ҳаракатини тугри баҳолаш биринчидан уларни натура ўлчовларида тугри ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилади, иккинчидан баҳоларни бир-бири би-лан таккослаш ва умумлаштириш туфайли корхона ҳужалик фаолияти-нинг натижалари аниқланади. Калькуляция қилишда ишлаб чиқаришга сарф қилинган харажатлар тартибга солинади. Сарф қилинган хара-жатларни тартибга солиш манбаи бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот тури ҳисобланади. Калькуляция қилиш ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотни таннархи ҳисоблаб чиқарилади.

**Сметлар ва икки ёклама ёзув.** Ҳужжатлар ёрдамида маблағлар ҳаракатини гуруҳлаш сметлар ёрдамида амалга оширилади. Бухгал-терия ҳисоби сметларида маблағларнинг жойланиши, уларнинг манба-лари, турлари алоҳида-алоҳида олиб борилади. Масалан, "Асосий воситалар" сметида фақат асосий воситаларнинг ҳаракати ҳисобга олинади ва х.к.

Бухгалтерия ҳисобида сметларни очишдан асосий мақсад шунда-ки, ҳужжатларда керакли пайтда умумлаштирилган маълумотни олиш имконияти қийинроқдир. Сметларда эса доимо умумлаштирилган маълумотлар тайёр ҳолда келтирилади. Сметларда амалга оширилган опе-рациялар фақат умумлаштирилибгина қолмай,

балки уларни уз вақтида назорат қилиш осонлашади. Амалга оширилган хужалик операциялар таъсирида счетларда акс эттирилган маблағларнинг купайиши ёки озайиши ҳисобидан тегишли узгаришлар бўлади. Бундай узгаришларни счетларда акс эттириш учун счетлар икки томондан иборат тархга эга, счетнинг чап томони “дебет” ва унғ томони эса “кредит” деб аталади.

Бухгалтерия ҳисобида счетлар икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси бу хужалик маблағларининг турларини ва жойлашишини билдирувчи счетлар, иккинчиси хужалик маблағларининг ташкил топиш манба-ларини акс эттирувчи счетлар. Уз навбатида хужалик маблағларининг турларини ва уларни жойлашишини курсатувчи счетлар “актив” счетлар ва хужалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини акс эттирувчи счетлар “пассив” счетлар деб юритилади. Бундан ташқари ҳам “актив”, ҳам “пассив” счетлар бўлиб, бу счетлар ҳам хужалик маблағларининг турларини ва уларнинг жойлашишини билдирса, ҳам хужалик маблағларининг ташкил топиш манбаларини ҳам билдиради.

Бухгалтерия ҳисоби счетларининг тархи қуйидагича:

| Дебет | счет | Кредит |
|-------|------|--------|
|       |      |        |

Хужалик маблағларининг турини ва жойланишини курсатувчи актив счётларнинг тархи қуйидагича:

| Дебет                                             | актив счетлар | Кредит                  |
|---------------------------------------------------|---------------|-------------------------|
| мблағларнинг бошлангич колдиги( бошлангич сальдо) |               |                         |
| мблағларнинг купайиши +                           |               | мблағларнинг камайиши - |
| Дебет оборот (айланиш)                            |               | Кредит оборот (айланиш) |
| Маблағларнинг охирги колдиги ( охирги сальдо)     |               |                         |

Демак, счетлар тархидан қурииб турибдики актив счётларда маблағларнинг купайиши дебет, маблағларнинг озайиши эса счётнинг кредит томонида курсатилади.

Счётдаги маблағлар ҳаракатини формула тарзида қуриб чиксак қуйидагича:

$S_o = S_b + O_d - O_k$  бунда

$S_o$ - охирги колдик

$S_b$ - бошлангич колдик

$O_d$ - дебет обороти

$O_k$ - кредит обороти

Хужалик маблағларининг манбаларини акс эттирувчи, яъни пасив счётларнинг тархи қуйидагича:

| Дебет                   | пассив счѐт | Кредит                                             |
|-------------------------|-------------|----------------------------------------------------|
|                         |             | маблағлар манбаининг бошлангич колдиги ( Сальдо )  |
| камайиши -              |             | қупайиши +                                         |
| дебет айланиш (оборот ) |             | Кредит айланиш (оборот )                           |
|                         |             | маблағлар манбаларининг охириги колдиги ( сальдо ) |

Демак, юкоридаги тархдан қуриниб турибдики пасив хужалик маблағларининг манбаларини акс эттирувчи счётларда қупайиши кредитда, озайиши эса счётнинг дебет томонида қурсатилади. Формула шаклида қуйидагича қурсатилади:

$$C_o = C_b + O_k - O_d$$

$C_o$ - охириги колдик кредит томонида

$C_b$ - бошлангич колдик кредит томонида

$O_d$ - дебет обороти

$O_k$ - кредит обороти

Қорхонанинг хужалик фаолияти ҳар томонлама кенг қамровли операциялар мажмуидан келиб чиқади. Ҳар томонлама амалга оширилган хужалик операцияси маблағлар ҳаракатини, яъни уларнинг қупайиши ёки озайиши бухгалтерия ҳисобининг тегишли счѐтларида икки ёклама ёзув усули билан расмийлаштирилади.

***Икки ёклама ёзув деб маълум бир хужалик операциясининг бир вақтнинг узида бир счѐтнинг дебети ва иккинчи бир счѐтнинг кредитида акс эттиришга айтилади.***

Бухгалтерия ҳисобининг счѐтлари ёрдамида хужалик операциялари амалга оширилган даврдан бошлаб икки ёклама ёзувда акс эттирилади. Икки ёклама ёзув ҳам уз навбатида иккига бўлинади:

**-оддий икки ёклама ёзув,**

**-мураккаб икки ёклама ёзув.**

***Оддий икки ёклама ёзув деб маълум бир хужалик операцияси фақат бир счѐтнинг дебетида ва фақат бир счѐтнинг кредитида акс эттирилади.***

***Мураккаб икки ёклама ёзув деб маълум бир операция бир счѐтнинг дебети, бошқа бир қанча счѐтларнинг кредитида акс эттирилади ёки аксинча, бир счѐтнинг кредитида ва бир қанча счѐтларнинг дебетида акс эттирилади.***

**Баланс ва ҳисобот.** Қорхона ва ташкилотлар мулк шаклидан қатъий назар мавжуд асосий ва айланма маблағлари ҳолатини доимо назорат қилиб боришлари керак. Бухгалтерия балансида хужалик маблағлари жойланиши ва ташкил топиш манбалари маълум муддатга пул ифодасида қурсатилади. Хужалик маблағлари балансида акс эттириш нуқтаи назардан иккига бўлинади:

1.Хужалик маблаглари жойланишини курсатувчи томон (балансининг “актив” томони)

2.Хужалик маблагларининг ташкил топиш манбаларини курсатувчи томон (балансининг “пассив” томони)

Бухгалтерия балансининг актив ва пассив томонлари бир-бирига тенг келиши керак, чунки актив томонида хужалик маблагларининг жойланиши, пассив томонида эса ташкил топиш манбалари курсатилади.

Бухгалтерия балансининг актив ва пассив томонлари ҳам уз навбатида белгиланган булимлардан иборатдир. Хозирда иктисодиётимизнинг турли тармокларида жорий килинган корхона баланси тузилиши куйидагича:

### КОРХОНА БАЛАНСИ

200\_\_ йилга

| Актив томон булимлари     | Сумма | Пассив томон булимлари    | Сумма |
|---------------------------|-------|---------------------------|-------|
| 1. Узок муддатли активлар |       | 1.Уз маблаглари манбалари |       |
| 2. Оборот активлари       |       | 2. Мажбуриятлар           |       |
| БАЛАНС                    |       | БАЛАНС                    |       |

Бухгалтерия балансининг актив ва пассив томони уз навбатида икки булимдан ташкил топган. Хар бир булим уз ичига тегишли баланс моддаларини олади. Мулк шаклидан катъий назар маблагларнинг узгариши, яъни уларнинг турли хужалик операциялари таъсиридаги узгариши балансда ҳам, унинг моддаларида ҳам узгаришларга олиб келади.

Балансининг актив ва пассив томонининг хар иккала булими тегишли моддаларни уз ичига олади, яъни бухгалтерия хисобининг счётлари уз ифодасини тегишли баланс булими моддаларида топади.

### Таянч иборалар

**Молиявий хисоб** — корхоналар томонидан жамоатчилик ҳукмига такдим этиладиган ҳамда ички ва ташки фойдаланувчилар учун мулжалланган хисобдир.

**Бошқарув хисоби** — ички фойдаланувчилар эҳтиёжини иктисодий хужалик муомалалари ва маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назорат урнатишда, бюджет бажарилиши ва фойда олишнинг мониторингини урнатишда бухгалтерия хисоби маълумотларининг ролини, шунингдек компаниянинг келажакда мувофаккиятга эришишидаги бухгалтерия хисоби маълумотларини куриб чиқади.

**Тушунарлилик** — қарор қабул қилишда ахборотдан туларок фойдаланиш максадида у тушунарли бўлишини ифодалайди.

**Аҳамиятлилиқ** — молиявий хисоботлардан фойдаланишда қарор қабул қилиш вақолатига эга бўлган турли тоифадаги ташки фойдаланувчилар учун бухгалтерия ахбороти нинг яроклилигини ифодалайди

**Ишонччилик** — бухгалтерия ахборотининг ишончилиги аввало унинг хатолар ва камчиликларидан холислигини билдиради. У ахборотнинг асосий мазмунини тугри очиб бериши керак.

**Солиштириш Имконининг Мавжудлиги** — бу турдаги ахборотлар ичида эмас, балки 2 хил турдаги ахборот орасидаги муносабатга хос белгидир.

**Элементлар** — молиявий хисоботларга киритилиши лозим булган моддаларнинг гурухларидир.

**активлар** — бу утган хужалик муомилалари ва ходисалари натижасида хужалик субъекти томонидан назорат килинадиган иктисодий ресурслар булиб, улар келажакда фойда келтириш эхтимолига эга.

**мажбуриятлар** — бу хужалик субъектининг утган хужалик муомилалари ва ходисаларни амалга ошириш натижаси асосидаги мажбуриятлари булиб, буларни хисоб-китоб килиш активларнинг топширилиши еки бошкалар келгуси иктисодий фойданинг капиталимайишига олиб келиши мумкин.

**акционерлик капитали** — бу мажбуриятлар чикариб ташлангандан сунг хужалик субъектининг активлардаги эгалик улушидир.

**даромад** — бу субъектнинг хужалик фаолияти натижасида, одатда ижара хаки, фоизлар, лицензия туловлари, дивидентлар шалидаги даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларни сотилиши, хизматларнинг курсатилиши еки бошка шахсларнинг хужалик субъектининг ресурсларидан фойдаланиш натижасида активларнинг келиб тушиши еки мажбуриятларнинг камайиши оркали руй берадиган иктисодий ресурсларнинг купайишидир.

**харажат** — бу фойдани купайтириш максатида хужалик фаолиятидан келиб чикадиган активларнинг камайиши еки мажбуриятларни уз зиммасига олиш оркали руй берадиган иктисодий ресурсларнинг камайишидир.

**фойда** — бу хужалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий булмаган фаолият, ходисалар, шароитлар натижасида капиталнинг купайиши булиб, хусусий капиталга туланадиган бадаллар улардан мустаснодир.

**зарарлар** — бу асосий фаолият ва барча бошка хужалик муомилалари ходисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши булиб, харажатлар еки хусусий капиталининг таксимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

**Эътироф этиш** — бу модданинг молиявий хисоботга киритилиши жараенидир. Эътироф этилган моддага ном ва улчам берилади. Эътироф этиш барча элементларига тааллукли булади. Элемент хисобда куйидаги холларда эътироф этилиши керак:

**Элементнинг аникланиши** — модда молиявий хисоботнинг элементи таърифига мос келиши лозим.

**Ўлчанувчанлик** — модда аник улчанилиши мумкин булган мос келувчи атрибут (тавсиф)га эга.

**Долзарблик** — моддада мавжуд булган маълумотлар фойдаланувчилар томонидан кабул килинадиган карорларга таъсир этишга кодир.

**Ишонччилик** — моддада мавжуд булган маълумотлар ишончли ва бетарафли ва текшириш кобилиятига эга хисобланади.



**Баҳолаш** — бу молиявий ҳисоботларда ҳисобга олинадиган моддаларнинг қийматини аниқлаш жараёнидир.

**Алоҳида ҳужалик субъекти тамойили.** Бухгалтерия ҳисоби унга хосхусусиятли ҳамда бир - биридан алоҳида бўлган ҳужалик субъектлари билан ишлайди.

**Давомийлик тамойили.** Купинча доимий аҳамиятга эга бўлган тамойил деб юритилади. Бу тамойилга кура корхонанинг яқин келажакда тугатилиши назарда тутилмайди, шу билан бирга бухгалтерия ҳисоби корхоналарнинг чегараланмаган давр давомида фаолият курсатишини назарда тутаяди деган маъно бу тамойилдан келиб чиқмайди.

**Баҳолаш тамойили.** Ташкилотнинг иқтисодий фаолиятини баҳолаш ва бу борада ҳисобот тақдим этиш учун пул бирлигида ифодаланиши керак

**Даврийлик тамойили.** Алоҳида олинган корхона фаолиятининг натижаларини иш ниятига етмагунча шубҳасиз аниқлик билан истикбол қилиш мумкин бўлган молиявий ҳисобот барибир зарурдир, чунки улардан фойдаланувчилар вақтида етказилган ахборотларга муҳтождир.

**Сотиш тамойили.** Иш юритиш даражасида ҳисоботларни таёрловчи шахслар тушумлар, харажатлар , фойда ва зарарларни ҳисобга олиш ва шу тўғрисида ҳисоботларни таёрлашда сотиш тамойилларидан фойдаланадилар. Сотиш тамойилга қуйидагилар қиради:

**Таннарх тамойили** бирламчи таннарх бўйича баҳолаш мезонини ифода қиладиган яна бир усул бўлиб, учун ҳисобга олишда харажатларни эътироф этиш учун пул билан ифодалашдан фойдаланишини курсатади. Таннарх тамойили ҳужалик муомилалари ва босқичларини жорий ҳисобга олишда ишлатилади.

**Ҳисоблаш тамойили.** Даромадни ҳисобга олишда ҳисоблаш методидан фойдаланишни талаб қиладди. У ҳисобга олиш мезонларига мувофиқ даромадни қачон ҳисобга олиш ва уларни қачон ҳисоботларда акс эттириш кераклигини белгилайди.

**Мувофиқлик тамойили.** Харажат ва даромадларнинг мувофиқлик тамойили бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули билан кузда тутилади, бироқ бу ҳолда бухгалтерия ҳисобини тақдим этишда харажатлар акс эттириладиган ҳисобот даври муҳим бўлади.

тда қўлланган ҳолда ҳисобланади.

**Тулик очиб бериш тамойили.** Молиявий ҳисобот тўғрисидаги ҳисоботда корхонанинг иқтисодий ҳолати бўйича керакли ахборотлар берилишини талаб қиладди.

**Чекловчи тамойил** — булар ҳам молиявий ҳисоботларда ўзгаришларга олиб қилиши мумкин. Чекловчи тамойилларга қуйидагилар қиради:

**Таннарх даромад** -- таннарх даромадга боғлиқ бўлган чекловлар қўпгина ҳолларда бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига таъсир курсатадилар. Бундани асосий мазмун шунлаки, фойдаланувчиларнинг махсус ахборотлардан оладиган даромадлари уларнинг шу ахборотларини қўлга қиритиш харажатларидан юқори бўлишидандир.



**Мухимлилик** -- ахборотларнинг маълум бир қисми ёки жами ахборот шундай вақтда муҳим бўладики, агарда шу ахборотнинг берилмаслиги ёки унинг натижалари талқин қилиниши қарор қабул қилишга таъсир қурсатса ёки мазкур қарорни узгартиришга эҳтимоли мавжуд бўлса.

**Тармок хусусиятлари** -- бухгалтерия ҳисоби асосий эътиборни фаолликка қаратганлиги учун тармок (масалан, коммунал хизмат қурсатиш, темир йул, банк хизмати, сугурта, казиб чиқарувчи саноат) фаолиятidir. Хусусиятлар бухгалтерия ҳисоби тамойилларини қўллашда танланган истиснолар қилишни талаб этишлари муқаррар.

**Консерватизм** -- бу тамойил бўйича чекловга қўра концептуал тамойиллар ва қўлланилиши тамойилларини бир ҳилда қониктирадиган икки алтернатив мавжуд бўлса, у ҳолда соф фойда ёки активлар жами сумасига энг кам ижтимоий таъсир қурсатадиган алтернатив танланиши керак.

**Хужжатлаштириш** - бу қорхона ва ташкилот маблағлари ҳаракатини белгилувчи, ҳисобга олувчи қараёндир. Бухгалтерия ҳисобида қайд қилинган ҳар қандай маблағлар узғариши ҳужжат билан расмий-лаштирилган бўлиши ва унга қўйиладиган ҳуқуқий талабларга қавоб бера оладиган бўлиши керак.

**Инвентаризация.** Мулк шаклидан қатъий назар қорхона ва ташкилотларнинг маблағларини, яъни асосий ва айланма маблағлари ва уларнинг ҳолатини назорат қилиш тегишли моддий қавобқар шахслар қиммасида бўлади.

**Баҳолаш ва қалькуляция.** Қорхона ва ташкилотлардаги ҳужалик маблағларининг ҳаракати бухгалтерия ҳисобида акс эттириш имқо-ниятига эга бўлиш учун қул бирлигида ифода қилинган бўлиши керак.

**Счетлар ва икки ёклама ёзув.** Хужжатлар ёрдамида маблағлар ҳаракатини қуруқлаш счетлар ёрдамида амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисоби счетларида маблағларнинг қойланиши, уларнинг манба-лари, турлари алоҳида-алоҳида олиб қорилади.

**Икки ёклама ёзув деб** маълум бир ҳужалик операциясининг бир вақтнинг узида бир счетнинг дебети ва иккинчи бир счетнинг қредитида акс эттиришга айтилади.

**Оддий икки ёклама ёзув деб** маълум бир ҳужалик операцияси факат бир счетнинг дебетида ва факат бир счетнинг қредитида акс эттирилади.

Муракқаб икки ёклама ёзув деб маълум бир операция бир счетнинг дебети, бошқа бир қанча счетларнинг қредитида акс эттирилади ёки аксинча, бир счетнинг қредитида ва бир қанча счетларнинг дебетида акс эттирилади.

### **Утилган мавзу бўйича назорат саволлари**

1. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари нималардан иборат?
2. Бухгалтерия ҳисобини биз нечага бўлиб урганамиз?
3. Молиявий ҳисоб нима?
4. Бошқарув ҳисоби нима?
5. Тушунарлилик деганда нимани тушунаси?
6. Аҳамиятлилик деганда нимани тушунаси?
7. Ишонқилик деганда нимани тушунаси?
8. Элементлар деганда нимани тушунаси?

9.активлар нима?

10.мажбуриятлар нима?

11.акционерлик капитали нима?

## 2-мавзу. Молиявий ҳисоботлар тавсифи.Счетлар режаси

- 1.Молиявий ҳисобот турлари
- 2.Молиявий ҳисобот элементлари
- 3.Молиявий ҳисоботларни очиб бериш тартиби
- 4.Счетлар режаси

### 1.Молиявий ҳисобот турлари

Молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотларга булган эҳтиёжларини тула кондириши керак. Шу туфайли унинг таркиби турли далаатларда турлича булади.

Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботлар молиявий хужалик фаолиятининг турли жихатларини акс эттиради ва яхлит туплам сифатида қаралади. Молиявий ҳисоботлар таркиби қуйидагича:

1. Бухгалтерия баланси - шакл № 1
2. Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот - шакл № 2
3. Асосий воситалар ҳаракати тугрисидаги ҳисобот- шакл № 3
4. Пул маблағларининг ҳаракати тугрисидаги ҳисобот - шакл № 4
5. Хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот - шакл № 5
6. Молиявий ҳисоботга илова тарзда келтириладиган маълумотномалар.

Халқаро андозалар бўйича шунингдек “Таксимланмаган фойда” тугрисидаги ҳисобот ҳам молиявий ҳисобот жумласига киритилади.Ушбу ҳисоботларнинг туртгаси тенгламалар кетма-кетлиги билан боғлиқ.

Молиявий ҳисоботлар  
тенгламалар

(тенгламанинг ҳамма элементлари киритилмаган)

#### Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот

Соф фойда = Даромадлар - Харажатлар + Фойда- Зарарлар

|                                                |                                                   |                    |              |                                    |
|------------------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------|--------------|------------------------------------|
| Таксимланмаган<br>фойда тугрисидаги<br>ҳисобот | Якуний<br>таксимланмаган=таксимланмаган+<br>фойда | Бошлангич<br>фойда | Соф<br>фойда | Эълон<br>- килинган<br>дивидендлар |
|------------------------------------------------|---------------------------------------------------|--------------------|--------------|------------------------------------|

|                                                   |                                                         |                                                   |                                    |                                        |
|---------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|---------------------------------------------------|------------------------------------|----------------------------------------|
| Хусусий капитал<br>нинг<br>тугрисидаги<br>ҳисобот | Якуний<br>Эълон<br>хусусий= хусусий<br>капитал капитали | Бошлангич<br>+ фойда+ жорий давр куйил-<br>малари | Соф<br>жорий давр куйил-<br>малари | Акционерлар<br>килинган<br>дивидендлар |
|---------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|---------------------------------------------------|------------------------------------|----------------------------------------|

|                        |                         |                                 |                              |
|------------------------|-------------------------|---------------------------------|------------------------------|
| Бухгалтерия<br>баланси | Якуний<br>умумий актив= | Якуний<br>умумий мажбуриятлар + | Якуний<br>хусусий<br>капитал |
|------------------------|-------------------------|---------------------------------|------------------------------|

#### Бухгалтерия балансининг тавсифи

Бухгалтерия баланси субъектнинг ресурслари (активлар) ресурсларга билдирилган даъволар (мажбуриятлар) ва мулк эгасига тегишли улуш (хусусий капитал) тугрисида иктисодий ахборотлар беради. Молиявий ҳолат тугрисидаги ҳисобот- бухгалтерия баланснинг расмий атамасидир. Бирок ҳисобот тузувчилар ва улардан фойдаланувчилар орасида бухгалтерия баланси атамаси купрок тарқалган чунки у асосий бухгалтерия формуласи ёки моделига мувофиқ ушбу ҳисоботнинг муҳим томонини акс эттиради:

**активлар= мажбуриятлар+ хусусий капитал**

**А = М + Х К**

Молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб бошқарув қарорлари қабул қилувчи шахсларга ёрдам бериш мақсадида баланс моддалари умумий тавсифлар бўйича гуруҳлаштирилади. активлар-ликвидлик даражасининг пасайиб бориши тартибида: мажбуриятлар тулов муддатининг камайиб бориши тартибида ва хусусий капитал консолидация қилинишининг камайиб бориши тартибида гуруҳлатирилган. молиявий ҳолат тугрисидаги ҳисоботда фойдаланиладиган маълумотлар туркумланиши ва уларнинг баланс бўлимлари бўйича жойлашиши БХМС да қурсатилади. Бирок қулланиладиган туркумлаш тармоқлар хусусияти кучли таъсир этади. Ўзбекистонда жорий актив балансида узок муддатли активлардан кейин акс этирилган.

#### ***Узок муддатли активлар***

**Асосий воситалар**- бу узок муддатли активлар бўлиб у ишлаб чиқариш маъмурий мақсадлар учун фойдаланилади ёки ижарага берилади аммо қайта сотиш учун мулжалланмагандир. асосий воситалар уз ичига қуйидагиларни олади: (1) амортизация қилинишига тегишли бўлган активлар масалан бинолар иншоотлар ускуналар мебель қурилма фойдали қазилмалар урмон бойликлари (2) амортизацияга тегишли бўлмаган активлар масалан - ер. Ер участкалари қиймати алоҳида қурсатилиши лозим. асосий балансида одатда жамғарилган эскириш ёки табиий ресурслар бўйича емирилиши суммаси чиқариб ташланган дастлабки қиймати (сотиб олиш баҳоси) қурсатилади.

**Номоддий активлар** балансида алоҳида модда сифатида акс этирилади. Халқаро қоидаларга қура жамғарилган амортизациянинг суммаси камдан кам ҳолларда балансида алоҳида қурсатилади чунки номоддий активларнинг бошқа узок муддатли активлардан фарқи шундан иборатки унда номоддий активларнинг баланс қиймати жамғарилган амортизация суммасига дарҳол камаяди. амортизация ҳисобларида сакланидиган ахборотлар маълумотнома тавсифига эга.

**Инвестициялар ва қўйилмалар.** Инвестиция ва қўйилмаларнинг туркумланиши уз ички узок муддатли сармоялар ва эҳтиёж тўғилганда узок муддатда ишлатиш учун махсус мақсадли жамғармалардаги пул маблағларини олади. *Ушбу бўлимга қуйидаги узок муддатли активлар қиритилади:*

*-Йил давомида сотишга мулжалланмаган бошқа компаниянинг акцияларига йўналтирилган узок муддатли инвестициялар*

-Бошка компаниянинг облигацияларига йуналтирилган узок муддатли инвестициялар. Хар кандай амортизация килинмаган устамалар инвестицияларга кушилади ва амортизация килинмаган хар кандай чегирмалар айрилади.

-Шуьба корхоналарининг узок муддатли олинадиган счётларини кушган холда шуьба корхоналарига йуналтирилган инвестициялар

-Махсус максадлар учун тузилган жамгармаларга йуналтирилган инвестициялар

-Компаниялар сугурта полисларининг сотиб олинши бахоси

-Хужалик фаолиятида ишлатилмайдиган ер майдонлари ва бинолар (инвестицион мулк каби моддий активларга йуналтирилган узок муддатли инвестициялар) каби моддий активларга йуналтирилган узок муддатли инвестициялар

-Жорий активлар ва узок муддатли инвестициялар уртасида куйидаги мухим фарклар мавжуд

-Узок муддатли инвестициялар корхонанинг асосий фаолиятида ва хужалик муомалаларида катнашмайди.

-Узок муддатли инвестициялар баланс санасидан бир йилдан ортик ёки бир операцион жараёндан ортик булган муддатда (кайси бир узун булса) фойда олиш учун мулжалланган

Узок муддатли имнвестиялар бухгалтерия хисобида сотиб олиш киймати (таннархи)ёки соф сотиш киймати буйича курсатилади. Агар инвестициянинг бозор бахоси таннархиданпаст булса уни бозор бахосига тенглаштириш максадида кайта бахолаш амалга оширилади.

Муддати узайтирилган харажатлар одаптда келгуси хисобот даврига карашли узок муддатли харажатларнинг олдиндан тулови натижалари хисобланади. Бунга асосланиб шуни айтиш мумкинки тегишли хисобот даврида харажат булиб ёзилмагунча улар активлар булиб хисобланади. Жорий активлар деб тавсифланган олдиндан буланган харажатлар муддати узайтирилган орасидаги фарк уларни хисобдан чикариш муддати булиб хисобланади. Муддати узайтирилган харажатлар деганда бунак тарикасида туланган харажатлар хизматлар тушунилади.

#### *Жорий активлар*

Жорий активлар уз ичига пул маблаглари ва корхонанинг нормал иш цикли ё бухгалтерия баланси санасидан 1 йил давомида (кайси бири узунрок булишига боглик холда пул маблагларига айлантирилиши сотилиши ёки сарфланиши кутиладиган бошка активларни олади. Корхонанинг нормал иш цикли - товар ва хизматлар учун пул харажатлари (ёки туланадиган счётларни тузиш ) билан пул маблагларига айлантирилган товар ва хизматлар санасининг уртача вакт муддатидир. Жорий активларни туркумлаш нисбатан енгил лекин бу ерда хам муаммолар келиб чикиши мумкин сабаби нормал иш цикли ва пул маблагларини айлантириш учун окилона кутиладиган давр каби иборалар хар хил мулохазалар келтириб чикаради.

**Товар моддий захиралар** таннархи ёки сотиш кийматидан энг кам киймати буйича бахоланади. Кушимча килиб шуни таъкидлаш керакки, таннархни белгилашда ишлаб чикариш фирмаси тугалланиш боскичларини курсатиши лозим (хом-ашё материаллари, тугалланмаган ишлаб чикариш ва тайёр махсулотлар)

**Олдиндан туланган харажатлар** туркумлашда хисобга олинадиган яна бир сохадир. Олдиндан туланган харажатлар буюртма килинган хизматларни амалга оширгунга кадар туланган пул мабларидир: масалан июнь ойи учун ижара хаки 31 майда туланган. Киска муддатли олдиндан амалга оширилган туловлар эса узок муддатли активлар деб класификацияланиши керак.

**Олинадиган счётлар** - уз ичига шубхали счётларни олади. Дисконтланган суммалар кавс ичида ёки алохида шаклда курсатилиши керак.

**Киска муддатли инвестициялар**-куп холларда уз ичига давлат хазина кимматбахо когозларни пул бозори жамгармаларини ва тижорат когозларини олади. Киска муддатли инвестициялар пул маблаглари ёки пул эквивалентлари деб тушунилиши мумкин ва улар сотиб олиш киймати ва жорий бозор кийматидан энг паст киймати буйича бахоланади.

Пул маблаглари жамгарма хисоби ёки бошка инвестицияларга йуналтирилиши мумкин булиб маъмуриятнинг максадидан келиб чиккан холда жорий ёки узок муддатли инвестициялар сифатида курилиши мумкин. Корхона кассаси ва жорий хисобида мавжуд булиши лозим булган чеклашлар очиб берилиши лозим.

### **Хусусий капитал**

**Хусусий капитал** - бу фирмадаги мулкдорларнинг эгалик килиш улушидир. У колдик улуш хисобланади чунки у узида фирманинг активларидан мажбуриятлар чегирилгандан кейин колган суммани акс эттиради. Хусусий капитал уз ичига куйилган капитал ва таксимланмаган фойдани олади. Конунчилик талабларига мувифик манбаларни аниқрок акс эттириш учун хусусий капитал куйи булимларига эга. Корпорациялар учун купинча куйидаги манбалар характерлидир:

1. Акционерлик капитал
2. Кушимча киритилган капитал
3. Бошка киритилган капитал
4. Таксимланмаган фойда

**Акционерлик (киритилган) капитали.** Ушбу моддада эмиссия суммасидаги хусусий капитал хакида ахборот мавжуд. Хар бир турдаги акция оддий ва имтиёзли эълон килинган (номинал) киймат буйича акс эттирилади. Акциялар хар бир турининг узига хос хусусиятлари буйича алохида хисобга олиниши керак.

**Номинални ошириш учун киритилган капитал** корпорациянинг уз акцияларини номинал кийматидан ортик нархда сотилиши натижасида юзага келган активлари тушрисида ахборот беради.

**Захира капитали.** Киритилган капиталнинг ушбу манбаси куйидаги операцияларнинг натижаси булиб хисобланади: компанияга совга килинган активлар ва компания капитали тузилишининг узгариши натижасида пайдо булган капитал

**Таксимланмаган фойда.** таксимланмаган фойда жамгарилган (корхонанинг бутун фаолияти давомида) соф фойдасидан дивидендларинг айримасини акс эттиради. Таксимланмаган фойда дивидендларни тулашга каратилган суммага (Чекланмаган таксимланмаган фойда) ва маъмурият ёки конунчилик талабларига кура чекланиши мумкин булган (чекланган таксимланмаган фойда) суммага булиниши мумкин.



## ***Мажбуриятлар***

**Узок муддатли мажбуриятлар**-бу кейинги бизнес цикли ёки кейинги хисобот йили (кайси узунрок булса) давомида жорий активларни тулаш учун ишлатилишини талаб қилмайдиган мажбуриятлардир. Узок муддатли мажбуриятлар берилган мажбуриятларнинг келиб чиқишига олиб келган активлар ёқт қурилган хизматларнинг қийматлари буйича тан олинади. Узок муддатли мажбуриятлар уз ичига давр харажатлари деб акс эттирилган фоизни олади. Узок муддатли мажбуриятларга мисол қилиб туланадиган облигациялар туланадиган узок муддатли векселлар нафакалар муддати узайтирилган узок муддатли даромадлар (мижозлардан узок муддатли туловлар) ва узок муддатли ижара мажбуриятларини келтириш мумкин.

**Муддати узайтирилган мажбуриятлар.** Айрим компаниялар “Муддати узайтирилган мажбуриятлар” моддасини узок муддатли мажбуриятлар ва хусусий капитал орасига киритишлари мумкин. Муддати узайтирилган мажбуриятлари таснифланиши қийин булган кредит қолдиқли узок муддатли моддаларнинг баланс таснифи бўлиб ҳисобланади. Муддати узайтирилган мажбуриятларга киритилган намунали моддалар- бу узок муддатли узайтирилган солиқлар қечиктирилган даромадлар (узок даврда йигилган даромадлар) ва капитал қуйилмаларнинг муддати узайтирилган солиқ қегирмаларидир.

**Қиска муддатли мажбуриятлар** уз ичига жорий активлар билан қопланиши еки бошқа қиска муддатли мажбуриятлар билан қайта молиялаштирилиши лозим булган мажбуриятларни олади. Қиска муддатли мажбуриятлар уз ичига қуйидагиларни олади:

- Қорхонанинг асосий фаолиятига тегишли товар ва хизматлар учун туланадиган счётлар
- Қелгуси ҳисобот даврига тегишли бунақ сифатида олинган даромадлар (олдиндан олинган ижара тулови)
- Иш ҳақи фоизлар ва солиқларни тулаш (бюджетга утқазилмаган даромад солиқлари ва мол-мулк солиқларини қушган ҳолда) буйича мажбуриятлар
- Таъсисчилар олдидаги қарздорлик
- Ҳисобот даврида туланиши лозим булган узок муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми (ижара мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда)
- Қиска муддатли банк ва банкдан ташқари олинган кредитлар ва қарзлар

| 8513 | Пай ва улушлар                                                                                                                                                                    |    |
| 8520 | Кушилган капитал хисобининг счётлари                                                                                                                                              |    |
| 8521 | Эммисион даромад                                                                                                                                                                  |    |
| 8522 | Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарклар                                                                                                                                  |    |
| 8523 | Кайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк.                                                                                                                                  |    |
| 8530 | Захира капитали хисобининг счётлари                                                                                                                                               |    |
| 8531 | Активларни кайта баҳолаш бўйича тузатишлар                                                                                                                                        |    |
| 8532 | Конун томондан белгиланган захира капитали                                                                                                                                        |    |
| 8539 | Бошка захира капитали                                                                                                                                                             |    |
| 86   | СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАР<br>ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ                                                                                                                             | КП |
| 8610 | Сотиб олинган хусусий акциялар оддий                                                                                                                                              |    |
| 8620 | Сотиб олинган хусусий акциялар имтиёзли                                                                                                                                           |    |
| 87   | ТАКСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (КОПЛАНМАГАН<br>ЗАРАР)                                                                                                                                       | П  |
| 8710 | ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ                                                                                                                                                               |    |
|      | Хисобот даврининг таксимланмаган фойдаси (копланмаган<br>зарари)                                                                                                                  |    |
| 8720 |                                                                                                                                                                                   |    |
| 88   | Жамгарилган фойда (копланмаган зарар)                                                                                                                                             | П  |
| 8810 | ГРАНТЛАР ВА СУБСИДИЯЛАР (КАПИТАЛ)                                                                                                                                                 |    |
| 89   | Грантлар ва субсидиялар (капитал)                                                                                                                                                 | П  |
| 8910 | КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТУЛОВЛАР ЗАХИРАСИ                                                                                                                                           |    |
|      | Келгуси харажатлар ва туловлар захираси                                                                                                                                           |    |
| 90   | 5-КИСМ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ<br>ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ<br>9-БУЛИМ. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР<br>АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН<br>ДАРОМАДЛАР ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ | Т  |
| 9010 | Тайер махсулотни сотишдан олинган даромад                                                                                                                                         |    |
| 9020 | Товарларни сотишдан олинган даромадлар                                                                                                                                            |    |
| 9030 | Бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлардан олинган<br>даромад                                                                                                                   |    |
| 9035 | Сотилган товарларнинг кайтарилиши ва чегирмалар                                                                                                                                   |    |
| 91   | СОТИЛГАН МАХСУЛОТЛАР ТАННАРХИ<br>ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ                                                                                                                              | Т  |
| 9110 | Сотилган тайер махсулотлар таннархи                                                                                                                                               |    |
| 9120 | Сотилган товарлар таннархи                                                                                                                                                        |    |
| 9130 | Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи                                                                                                                                              |    |
| 9140 | Сотиб олиш /харид\ (укув мақсадлари қолдирилган                                                                                                                                   |    |
| 9150 | ТМЗ бўйича тузатишлар (укув мақсадлари учун                                                                                                                                       |    |

|      |                                                        |   |
|------|--------------------------------------------------------|---|
| 92   | колдирилган)                                           | T |
| 9210 | АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШКА АКТИВЛАРНИ                   |   |
| 9220 | СОТИШ ВА ТУРЛИ ЧИКИМИ ХИСОБИНИНГ                       |   |
|      | СЧЁТЛАРИ                                               |   |
| 93   | Асосий воситаларни сотилиши ва турли чиким             | T |
|      | Бошка активларни сотилиши ва турли чиким               |   |
| 9310 | АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН БОШКА                        |   |
| 9320 | ДАРОМАДЛАР                                             |   |
| 9330 | ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ                                    |   |
| 9340 | Асосий воситаларни сотиш ва турли чикимдан олинган     |   |
| 9350 | фойда                                                  |   |
| 9360 | Бошка активларни сотиш ва турли чикимдан олинган фойда |   |
|      | Ундирилган бокиманда жарима ва бурдсизликлар           |   |
| 9370 | Утган йиллар фойдаси                                   |   |
| 9380 | Рента даромадлари ва ёрдамчи хизматлардан тушган       |   |
| 9390 | даромад                                                |   |
| 94   | Кредиторлик ва депонентлик карзларини хисобдан         | T |
| 9410 | чикаришдан тушган даромадлар                           |   |
| 9411 | ТМЗларни кайта баҳолаш/                                |   |
| 9412 | Кайтарилмайдиган молиявий ердам                        |   |
| 9413 | Бошка операцион даромад                                |   |
| 9414 | ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ                   |   |
| 9415 | Сотиш харажатлари                                      |   |
| 9419 | Саклаш ва ташиш харажатлари                            |   |
| 9420 | Реклама ва сотишни ривожлантириш харажатлари           |   |
| 9421 | Ураш ва кайта саралаш ва идиш харажатлари              |   |
| 9422 | Мехнатга ҳақ тулаш бўйича харажатлар                   |   |
| 9423 | Мехнат ҳақи фондидан ажратмалар                        |   |
|      | Бошка савдо харажатлари                                |   |
| 9424 | Маъмурий харажатлар                                    |   |
|      | Мехнатга ҳақ тулаш бўйича харажатлар                   |   |
| 9425 | Мехнатга ҳақ тулаш фондидан ажратмалалар               |   |
| 9426 | Умуммаъмурий восий воситаларнинг амортизацияси         |   |
|      | бўйича харажатлар                                      |   |
| 9427 | Умуммаъмурий асосий воситаларнинг ижараси бўйича       |   |
| 9429 | харажатлар                                             |   |
| 9430 | Умуммаъмурий асосий воситаларни сугурталаш             |   |
| 9431 | харажатлари                                            |   |
|      | Умуммаъмурий номоддий активларнинг амортизацияси       |   |
| 9432 | бўйича харажатлар                                      |   |
| 9433 | Юқори ташкилотларни саклаш харажатлари                 |   |
| 9434 | Бошка маъмурий харажатлар                              |   |
| 9439 | Бошка операцион харажатлар                             |   |
| 9440 | Асосий воситаларнинг солтилиши ва турли чикими бўйича  |   |

|      |                                                                                   |   |
|------|-----------------------------------------------------------------------------------|---|
| 9450 | зарарлар                                                                          |   |
| 95   | Бошка активларнинг сотилиши ва турли чиким буйича зарарлар                        | T |
| 9510 | Моддий бойликларнинг камомоди ва бузилиши буйича харажат                          |   |
| 9520 | Шубхали карзлар буйича харажатлар                                                 |   |
| 9530 | Бошка операцион харажатлар                                                        |   |
| 9540 | Келгуси соликка тортиладиган базадан чегириладиган                                |   |
| 9550 | хисобот даври харажатлари (харажатларининг турлари буйича)                        |   |
| 9560 | Ердамчи хужаликлар                                                                |   |
| 9590 | <b>МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ</b>                 |   |
| 96   | Роялти ва капиталнинг трансфертидан олинган даромадлари                           | T |
| 9610 | Двидент куринишдаги даромадлар                                                    |   |
| 9620 | Фоиз куринишдаги даромадлар                                                       |   |
| 9630 | Курс фарклари(ижобий) дан олинган даромадлар                                      |   |
| 9690 | Мулкни молиявий лизинг шартномаси буйича ижарага беришдан олинган даромадлар      |   |
| 97   | Кимматбаҳо коғозларга куйилган маблағларни кайта                                  | T |
| 9710 | баҳолашдан олинган даромадлар                                                     |   |
| 9720 | Молиявий фаолият буйича бошка даромадлар                                          |   |
| 98   | <b>МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БУЙИЧА ХАРАЖАТЛАР</b>                                         |   |
| 9810 | Фоиз куринишдаги харажатлар                                                       | T |
| 9820 | Курс фарклардан зарарлар                                                          |   |
| 9890 | Кимматбаҳо коғозларни чиқариш ва тарқатиш буйича харажат                          |   |
| 99   | Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар                                          |   |
| 9900 | <b>ФАВКУЛОТДА ФОЙДА (ЗАРАР)ЛАР ХИСОБИНИНГ ХИСОБВРАҚЛАРИ</b>                       | T |
|      | Фавкулотдаги фойда                                                                |   |
|      | Фавкулотдаги зарар                                                                |   |
|      | <b>СОЛИКЛАР ВА ЙИГИМЛАРНИ ТУЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ХИСОБИНИНГ СЧЁТЛАРИ</b> |   |
|      | Даромад (фойда) солигини тулаш                                                    |   |
|      | Йигимлар ва бошка мажбурий ажратмалар                                             |   |
|      | Бошка ажратмалар                                                                  |   |
|      | <b>ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖА</b>                                                     |   |
|      | Якуний молиявий натижа                                                            |   |

### Таянч иборалар



**Асосий воситалар**- бу узок муддатли активлар булиб у ишлаб чикариш маъмурий мақсадлар учун фойдаланилади ёки ижарага берилади аммо қайта сотиш учун мулжалланмагандир.

**Номоддий активлар** балансда алоҳида модда сифатида акс эттирилади. Номоддий активларнинг баланс қиймати жамгарилган амортизация суммасига дархол қамаяди. амортизация ҳисобларида сақланадиган ахборотлар маълумотнома тавсифига эга.

**Инвестициялар ва қўйилмалар.** Инвестиция ва қўйилмаларнинг туркумланиши уз ички узок муддатли сармоялар ва эҳтиёж тугилганда узок муддатда ишлатиш учун махсус мақсадли жамғармалардаги пул маблағларини олади.

**Товар моддий захиралар** таннархи ёки сотиш қийматидан энг кам қиймати бўйича баҳоланади. Қўшимча қилиб шуни таъкидлаш керакки, таннархни белгилашда ишлаб чикариш фирмаси тугалланиш босқичларини қўйсатиши лозим (ҳом-ашё материаллари, тугалланмаган ишлаб чикариш ва тайёр маҳсулотлар)

**Олдиндан туланган харажатлар** туркумлашда ҳисобга олинадиган яна бир соҳадир. Олдиндан туланган харажатлар буюртма қилинган хизматларни амалга оширгунга қадар туланган пул маблағларидир: масалан июнь ойи учун ижара ҳақи 31 майда туланган. Қисқа муддатли олдиндан амалга оширилган туловлар эса узок муддатли активлар деб классификацияланиши керак.

**Олинадиган ҳисоблар** - уз ичига шубҳали ҳисобларни олади. Дисконтланган суммалар қавс ичида ёки алоҳида шаклда қўйсатилиши керак.

**Қисқа муддатли инвестициялар**-қўп ҳолларда уз ичига давлат хазина қимматбаҳо қўғозларни пул бозори жамғармаларини ва тижорат қўғозларини олади.

1. **Хусусий капитал** - бу фирмадаги мулкдорларнинг эгаллик қилиш улушидир. У қўғоз улуш ҳисобланади чунки у узида фирманинг активларидан мажбуриятлар қўғирилгандан кейин қолган суммани акс эттиради.

**Акционерлик (қўйилган) капитал.** Ушбу моддада эмиссия суммасидаги хусусий капитал ҳақида ахборот мавжуд. Ҳар бир турдаги акция оддий ва имтиёзли эълон қилинган (номинал) қиймат бўйича акс эттирилади. Акциялар ҳар бир турининг узида ҳос хусусиятлари бўйича алоҳида ҳисобга олиниши керак.

**Номинални ошириш учун қўйилган капитал** корпорациянинг уз акцияларини номинал қийматидан ортиқ нарҳда сотилиши натижасида юзага қелган активлари тушрисида ахборот беради.

**Захира капитал.** Қўйилган капиталнинг ушбу манбаси қўйидаги операцияларнинг натижаси бўлиб ҳисобланади: компанияга совға қилинган активлар ва компания капиталли тузилишининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган капитал

**Таксимланмаган фойда.** таксимланмаган фойда жамгарилган (корхонанинг бутун фаолияти давомида) соф фойдасидан дивидендларинг айримасини акс эттиради.

**Узок муддатли мажбуриятлар**-бу кейинги бизнес цикли ёки кейинги ҳисобот йили (қайси ўзунроқ бўлса) давомида жорий активларни тулаш учун ишлатилишини талаб қилмайдиган мажбуриятлардир.

**Муддати узайтирилган мажбуриятлар.** Айрим компаниялар “Муддати узайтирилган мажбуриятлар” моддасини узок муддатли мажбуриятлар ва хусусий капитал орасига киритишлари мумкин.

**Киска муддатли мажбуриятлар** уз ичига жорий активлар билан копланиши еки бошка киска муддатли мажбуриятлар билан кайта молиялаштирилиши лозим булган мажбуриятларни олади.

**Утилган мавзу буйича назорат саволлари**

- 1.Асосий воситалар деб нимага айтилади?
- 2.Номоддий активлар деб нимага айтилади?
- 3.Инвестициялар ва куйилмалар. ниима?
- 4.Товар моддий захиралар деганда нимани тушунаси?
- 5.Олинадиган счётлар нима?
- 6.Киска муддатли инвестициялар нима?
- 7.Захира капитали. нима?
- 8.Таксимланмаган фойда нимани билдиради?
- 9.Узок муддатли мажбуриятлар-нимани билдиради?
- 10.Муддати узайтирилган мажбуриятлар. деганда нимани тушунаси?

### **3-мавзу. Хисоб цикли ва ёпиладиган бухгалтерия ёзувлари.**

#### **1.Хисоб циклининг боскичлари**

#### **2.Ишчи жадваллар тузиш**

#### **3.Ёпиладиган бухгалтерия ёзувлари**

##### **1.Хисоб циклининг боскичлари**

**Хисоб цикли**- бу хужалик муаммоларни тахлил килишдан то молиявий хисоботни тузиш ва счётларни ёпишгача булган хисоб жараёни боскичларининг кетма-кетлигидир. Хисоб цикли куйидаги боскичлардан иборат:

- 1 Дастлабки хужжатлар асосида хужалик муомалаларини тахлил килиш
- 2 Бош журналда хужалик муомалаларини кайд этиш
- 3 Ёзувларни Бош китобга утказиш
- 4 Ишчи жадвални тузиш ёрдамида хисобот даврининг охирида счётларни трансформация килиш
- 5 Ишчи жадвал асосида молиявий хисоботларни тузиш
- 6 Хисобот даврининг охирида счётларни ёпиш ва янги хисобот даври бошига тайёрлаш

##### **2.Ишчи жадваллар тузиш**

**Ишчи жадвал** - бу хисоб жараёнларини соддалаштириш ва умумлаштириш учун кулланиладиган хисоб дастагидир. Уни тайёрлаш хисоб циклининг бир кисми хисобланмайди, бироқ унинг кулланиши тузатилган синов балансини ва молиявий натиалар тугрисидаги хисоботни таксимланмаган фойда тугрисидаги хисоботни ва бухгалтерия балансини тайёрланишини соддалаштириши мумкин. Куйидаги келтирилган “Бустон” корпорациясининг ишчи жадвали куйидаги устунлардан иборат:

счёт нинг номи

счётнинг раками

синов баланси (дебетлар ва кредитлар устунлари)

тузатувчи журнал бухгалтерия утказмалари (дебетлар ва кредитлар устунлари)

тузатилган синов баланси (дебетлар ва кредитлар устунлари)

молиявий натижалар тугрисидаги хисобот (дебетлар ва кредитлар устунлари)

таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот (дебетлар ва кредитлар устунлари)

бухгалтерис баланси (дебетлар ва кредитлар устунлари)

### ***Синов баланси***

Синов баланси синов балансининг устунларида курсатилади. Стнов балансининг дебет ва кредит устунлари текшириш учун кушилиб чикилади чунки дебет ва кредит буйича суммалар тенг булиши керак

### ***Тузатиш ёзувлари***

Барча тузатувчи журнал бухгалтерия утказмалари сунгра тузатувчи устуннинг дебет ва кредитига таркатилиб ёзилади. Барча журнал бухгалтерия утказмалари бош китобга шунингдек ишчи жадвалнинг дебет ва кредит тузатувчи устунларига олиб борилади. Дебет ва кредит барча журнал бухгалтерия утказмалари баланслашишини текшириш учун жамланади. Барча тузатишлар олиб борилган (разноска) кейин тузатилган синов балансини тайёрлашга утиш мумкин.

### ***Тузатилган синов баланси***

Тузатишлар устундаги суммалар синов баланси устунларидаги колдиклар билан бирлаштирилган ва тузатилган синов балансига утказилган. масалан, олдиндан туланган харажатлардаги 50 сумга килинган тузатиш синов балансидаги 200 сумлик колдикни тузатилган синов балансидаги 250 сумлик колдиккача купайтиради. Тузатилган синов балансининг устунлари баланслашиши лозим.

### ***Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот***

Даромадлар ва харажатлар суммалари ишчи жадвалдаги молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг дебет ва кредит устунлари булимсларига утказилади. Дебет буйича сумма кредит буйича суммага тенг эмас, чунки даромадлар харажатларга тенг эмас. реализация (6000 сум) ва умумий харажатлар (5133 сум) уртасидаги фарк (867 сум) бу соликлар тулангунча булган сумма. Соликлар тулагунча булган соф фойда харажатларга кушилганда дивиденд ва кредит устунларидаги умумий суммага тенг булади. Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботни тайёрлашдаги кейинги кадам булиб фойда солигини хисоблаш ва акс эттириш хисобланади. Соликлар тулангунча булган соф фойда “Даромадлар ва харажатлар жамланиши” хисобваракида соф фойдани ёпиш учун журнал бухгалтерия утказмаси каби кредит устунда ёзилади. Фойда солиги соф фойдадан 40 % га тенг ва бу сумма (347 сум) молиявий натижалар тугрисидаги хисоботдаги фойда солиги буйича харажатлар хисобваракига ва бухгалтерия балансидаги туланадиган соликлар хисобваракининг кредитига олиб борилган. Соликлар тулагунча булган фойда (867) ва фойда солиги буйича харажат (347 сум) уртасидаги фарк молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг дебетида ва таксимланмаган фойда тугрисидаги хисоботнинг кредитига акс эттирилади. Бу бухгалтерия утказмаси соликлар тулангандан кейинги соф фойдани таксимланмаган фойдага утказди ва молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг дебетида ва таксимланмаган фойда тугрисидаги хисоботнинг кредитида акс эттирилади. Бу бухгалтерия утказмаси соликлар булангандан кейинги соф фойдани таксимланмаган фойдага утказди ва молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг дебет ва кредит колдикларини тенглаштилади.

### ***Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот***

Хисобот даври бошидаги таксимланмаган фойда ва дивидендлар тузатилган синов балансидан ишчи жадвалидаги таксимланмаган фойда тугрисидаги булимнинг дебет ва кредит устунларига утказилади. Солик тулангандан кейинги соф фойда молиявий натижалар тугрисидаги хисобот устунидан таксимланмаган фойда учун устунининг кредитига утказилади. Дебет ва кредит устунлар таксимланмаган фойданинг мос келувчи барча счёталари ишчи жадвалининг ушбу булимига утказилгандан кейин жамланади. Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот каби таксимланмаган фойда тугрисидаги булимнинг дебет ва кредитлари бир - бирига тугри келмайди. Бунинг сабаби шундаки, давр бошидаги таксимланмаган фойда плюс хисобот даври соф фойдаси дивидентларига тенг эмас. Дебет ва кредит устунлари фарқи (768 сум) - бу таксимланмаган фойда хисобоваракидаги охириги колдик. Бу сумма таксимланмаган фойда булимнинг дебет устунига ва бухгалтерия балансининг кредит устунига ёзилади. таксимланмаган фойда ва балансининг иккала булимларида суммани акс эттириб, биз давр охиридаги таксимланмаган фойдани бухгалтерия балансига утказишимиз мумкин. Бу утказишни акс эттиргандан кейин, таксимланмаган фойда тугрисидаги булимда дебет ва кредит устунлари бир - бирига тугри келади. Таксимланмаган фойда тугрисидаги булим, энди, таксимланмаган фойда тугрисидаги хисоботни тайёрлаш учун керакли маълумотларга эга.

### ***Бухгалтерия баланси.***

Ишчи жадвали тайёрлашдаги охириги кадам - бу бухгалтерия балансини тайёрлашдир. Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг барча счётлари ишчи жадвалининг мос келадиган дебет ва кредит устунларига утказилади. Давр бошидаги таксимланмаган фойда балансга утказилмаслигига эътибор беринг. Ушбу колдик ишчи жадвалининг таксимланмаган фойда булимига утказилган ва давр охиридаги таксимланмаган фойда колдиги кредит сифатида бухгалтерия баланси булимига утказилган. Бухгалтерия баланси булимнинг дебет ва кредит устунлари бир - бирига тенг булиши керак. Ишчи жадвал энди, учта молиявий хисоботни тайёрлаш учун барча маълумотларга эга.

### **3. Ёпиладиган бухгалтерия ёзувлари**

Ёпиладиган бухгалтерия утказмалари молиявий натижалар тугрисидаги хисобот счётларининг колдикларини хусусий капитал тугрисидаги хисоботга даврий утказиш (ёки тозалаш), ёпиладиган бухгалтерия утказмалари оркали амалга оширилади. Ёпиладиган бухгалтерия утказмалари икки максадга хизмат килади: (1) соф фойдани (ёки зарарни) таксимланмаган фойдага утказишда (2) кейинги хисобот даврини бошлаш учун хар бир вақтинчалик счётларида нолга тенг килинган колдикларни белгилаш.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг барча хисобоваракидаги колдикларини утказиш учун, хисобот даврининг охирида ёпиладиган бухгалтерия утказмаларини бажарилиши, факат концевая фаза булиб хисобланади. Хисобоварни ёпиш - бу ушбу счётнинг колдигини бухгалтерия утказмаси оркали бошка счётка утказиш демакдир. Масалан, кредит колдигига эга булган счёт

(масалан даромад счёт), ушбу счётнинг кодигига тенг булган суммасининг дебетланиши билан ва шу колдик утказиладиган счётнинг кредитланиши билан ёпилади. Ёпилиш мобайнида кредит колдиги хар доим бошка счётка кредит буйича утказилади, дебет колдиги эса хар доим бошка счётка дебет буйича утказилади. Ёпиладиган бухгалтерия утказмалари хисобот даврининг охирги куни билан сана куйилади, ва журналга оддий “Дебет - Кредит” форматига киритилади ва дархол Бош китобда кайд этилади.

“Якуний молиявий натижа” деб аталган махсус жамлаш хисобвараки, ёпилиш жараёнида кулланилади. Барча молиявий натижалар тугрисидаги хисобот счётлари- даромадлар, фойдалар, харажатлар ва зарарлар счётлари- умумий молиявий натижа хисобваракига ёпилади. Кредит ва дебет буйича жами суммалар таксимланмаган фойда хисобваракига ёпилади.

Ёпилиш жараёни тугаганидан кейин молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг барча счётлари нолга тенг булган колдикка эга булади. Кейинчалик эса бу счётлар янги хисобот даврининг даромад ва харажатларини акс эттиришга тайёр буладилар. Барча счётлари якуний колдик булиб ,улар келгуси даврнинг бошлангич колдиги сифатида утказиладилар.

*Тескари журнал бухгалтерия утказмалари.*

Тузатувчи журнал бухгалтерия утказмалари хисоблаш усулида куйидаги туртта холларда кулланилади.

- 1) даромад ишлаб топилган, бироқ хали олинмаган (даромадни хисоблаш)
- 2) харажатлар амалга оширилган бироқ хали туланмаган (харажатларни хисоблаш)
- 3) пул маблаглари олинган, ,бироқ даромад хали тулик ишлаб топилмаган. (мажбуриятнинг турли счётлари)
- 4) пул маблаглари туланган ёки мажбуриятлар акс эттирилган, бироқ мос келадиган харажатлар тулик амалга оширилмаган (активнинг аралаш счётлари)

Бухгалтерия тескари бухгалтерия утказмаларини даромад ва харажатларни хисоблаш учун хисобот даврининг биринчи кунида тайёрлайдилар. Бу тескари журнал бухгалтерия утказмалари фойда олиш ва харажатларни тулашнинг кейинги ёзувларини соддалаштириш учун кулланилади

Тескари бухгалтерия утказмаларининг мақсади, олинадиган ёки туланадиган счётлар буйича туловнинг ёки пул маблагларининг олиншини соддалаштириш хисобланади. Тузатувчи бухгалтерия утказмасини тайёрлангандан кейин, куп вақт утиб охирги хужалик муомаласи амалга ошган пайтда, бухгалтер хужалик муомаласининг бир қисми хисобланганлигини ёддан чиқариши мумкинлиги тугрисида таваккалчилик мавжуд булади.

Молиявий хисоботларни хисоблаш тамойили асосида тайёрланиши керак. Бу тамойил молиявий хисоботга куйидагича таъсир қилади:

- Хужалик муомалалари пул маблаглари келиб тушганида ёки туланганида эмас балким, улар амалга ошган пайтда тан олинини талаб қилинади
- Бу бухгалтерия балансида актив сифатида акс эттирилган пул маблагларини ёки бошка молиявий ресурсларини олиш ҳуқуқини беради.
- Бу бухгалтерия балансида мажбурият сифатида акс эттирилган пул маблагларини тулаш ёки хизмат курсатиш мажбуриятларини юқлайди



-Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда ушбу даврга тегишли булган даромадлар ва харажатлар акс эттирилиши керак.

-Хисоблаш тамойили мувофиқлик тамойилига тугри келади, яъни даромад пул маблағлари олинганда эмас, товар сотилганда ёки хизмат курсатилганда хисобланади. Хисоблаш тамойили кулланганда харажатлар пул маблағлаори туланган пайтдан катъий назар, у билан боглик булган даромад тан олинган даврда тан олинади.

### **Таянч иборалар**

**Хисоб цикли**- бу хужалик муаммоларни тахлил килишдан то молиявий хисоботни тузиш ва счётларни ёпишгача булган хисоб жараёни боскичларининг кетма-кетлигидир.

**Ишчи жадвал** - бу хисоб жараёнларини соддалаштириш ва умумлаштириш учун кулланиладиган хисоб дастагидир.

**Синув баланси** Синув баланси синув балансининг устунларида курсатилади. Стнов балансининг дебет ва кредит устунлари текшириш учун кушилиб чикилади чунки дебет ва кредит буйича суммалар тенг булиши керак

**Тузатиш ёзувлари** Барча тузатувчи журнал бухгалтерия утказмалари сунгра тузатувчи устуннинг дебет ва кредитига таркатилиб ёзилади. Барча журнал бухгалтерия утказмалари бош китобга шунингдек ишчи жадвалнинг дебет ва кредит тузатувчи устунларига олиб борилади.

**Тузатилган синув баланси** Тузатишлар устунидаги суммалар синув баланси устунларидаги колдиклар билан бирлаштирилган ва тузатилган синув балансига утказилган.

**Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот** Даромадлар ва харажатлар суммалари ишчи жадвалдаги молиявий натижалар тугрисидаги хисоботнинг дебет ва кредит устунлари булимсларига утказилади.

**Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот** Хисобот даври бошидаги таксимланмаган фойда ва дивидендлар тузатилган синув балансидан ишчи жадвапидаги таксимланмаган фойда тугрисидаги булимнинг дебет ва кредит устунларига утказилади. Солик тулангандан кейинги соф фойда молиявий натижалар тугрисидаги хисобот устунидан таксимланмаган фойда учун устунининг кредитига утказилади.

**Бухгалтерия баланси.** Ишчи жадвални тайёрлашдаги охирги кадам - бу бухгалтерия балансини тайёрлашдир. Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капиталнинг барча счётлари ишчи жадвалнинг мос келадиган дебет ва кредит устунларига утказилади.

**Тескари журнал бухгалтерия утказмалари** Тузатувчи журнал бухгалтерия утказмалари хисоблаш усулида куйидаги туртта холларда кулланилади.

- 1) даромад ишлаб топилган, бироқ хали олинмаган (даромадни хисоблаш)
- 2) харажатлар амалга оширилган бироқ хали туланмаган (харажатларни хисоблаш)
- 3) пул маблағлари олинган, бироқ даромад хали тулик ишлаб топилмаган. (мажбуриятнинг турли счётлари)

4) пул маблаглари туланган ёки мажбуриятлар акс эттирилган, бироқ мос келадиган харажатлар тулик амалга оширилмаган (активнинг аралаш счёtlари)

### **Утилган мавзу бўйича назорат саволлари**

- 1.Хисоб цикли- бу нима?
- 2.Ишчи жадвал қандай тулдиради?
- 3.Синов баланси нима учун керак?
- 4.Тузатиш ёзувлари нима учун керак?
- 5.Тузатилган синов баланси нима?
- 6.Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот узида қандай элементларни акс эттиради?
- 7.Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот нимани узида акс эттиради?
- 8.Бухгалтерия баланси ҳақида нимани биласиз?
- 9.Тесқари журнал бухгалтерия утқазмалари нима?

#### 4-мавзу. Даромад ва харажатларни тан олиш.

##### 1. Даромад ва харажатлар мохияти, ҳамда уларни тан олиш

##### 2. Фойда ва зарарларни тан олиш

##### 1. Даромад ва харажатлар мохияти, ҳамда уларни тан олиш

###### Даромадлар ва харажатлар концепцияси

**Даромадлар** - бу корхонанинг одатдаги фаолияти натижаси сифатида иктисодий ресурсларнинг ёхуд активларнинг оқиб келиши ёки усиш йули оркали, ёхуд мажбуриятларнинг кискариши йули оркали усишидир, масалан товарларнинг сотилиши, хизматлар курсатилиши, ёки бошқа субъектлар томонидан корхонанинг фоизлар ижара тулови, дивидендлар ёки имтиёзлар келтириладиган ресурсларидан фойдаланиши.

**Харажатлар**- бу мол етказиб берилиши ёки товарлар ишлаб чиқарилиши, хизматлар курсатилиши ёки фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш натижасида келиб чиқиши ёки уларнинг аралашмасидир. Бошқача айтганда, харажатлар - бу даромадлар олиш давомида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатишга килинган сарфлардир.

**Фойда** - бу корхонага тегишли асосий ёки асосий бўлмаган фаолияти ва муомалалари натижасида, шунингдек акционерлик капиталига қуйилмалардан ташқари, корхонага таъсир қиладиган ҳамма бошқа битимлар, муомалалар ва ҳолатлар натижасида капиталнинг қупайишидир.

**Зарарлар**- бу корхонага тегишли битимлар ва муомалалар таъсирида, шунингдек акционерлик капиталнинг тақсимланиши ёки сарфалинишидан ташқари, бошқа ҳамма битимлар, муомалалар ва ҳолатлар таъсирида капиталнинг камайишидир.

Даромадлар ва харажатларни тан олиш жараёнининг мезонлари ва тамойиллари мавжуд. Асосий хужалик фаолиятидан олинadиган даромадларни ҳисобга олишдаги асосий масала уларни тан олиш аниқлаш ҳисобланади. БХХС (бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари) тан олишни модданинг корхона молиявий ҳисоботларига киритилиши жараёни деб таърифлайди. Тан олиш курсатилган суммани ҳисоботнинг якуний курсаткичларида акст эттиришдан иборатдир. УзР № 2 БХМСида даромад ва харажат моддаларни тан олиш мезонлари курсатилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а ) модда улчаш учун тегишли асосга эга ва ишлатилган суммани оқилона баҳолашни амалга ошириш имкони мавжуд.

б ) келгуси иктисодий манфаатларнинг олинishi ёки чиқиб кетишига, ишлатилган моддалар учун бундай манфаатлар олинishi ёки берилиши эҳтимолининг мавжудлиги

Шундай қилиб, даромадлар одатда шартноманинг бажарилиши амалга оширилганда ва тушунмни улчаш ва олиш имқои мавжудлиги тугрисида қатъий ишонч ҳосил бўлганда тан олинади. Харажат ва зарарлар, одатда харажат ёки олдин тан олинган актив келгуси иктисодий манфаатни саклаб қолмаганда тан олинади. даромад ва харажатлар узаро сабаб - натижавий муносабатлар билан

боглик булган харажат даромадга мос келади ва битта давр даромаднинг якуний хисоб-китобига киритилади. Бошқа ҳолларда харажатлар даромадлар билан боглик булмаслиги мумкин, бироқ битимлар ёки ходисалар амалга ошириладиган даврга тегишли булиши мумкин.

Тан олинишнинг турт мезони- аниклаш, баҳолаш, уз вақтлилиқ ва ишончилиқ-молиявий ҳисоботларда тан олиш учун ҳамма моддаларга нисбатан қулланилади. Товарларни сотишдан олинган даромадларнинг тан олишнинг асосий мезонларидан бири- бу сотувчи харидорга сотилган товарларга эгалик қилиш ҳуқуқидан келиб чиқадиган сезиларли риск ва муқофотларни берганлигидир. Агар сотувчи эгалик ҳуқуқини саклаб қолса одатда бу битимни тан олиб бўлмайди

Товарлари сотиш билан боглик қупчилик ҳолларда мижоз эгалик ҳуқуқини олганда даромад тан олинмайди. чакана савдода, ,бу пайт қонуний эгалик ҳуқуқини бериш пайти билан мос тушади. Бошқа ҳолларда, эгалик ҳуқуқини ёки риск ва муқофотларнинг берилиши, қонуний эгалик ҳуқуқини бериш пайтидан фарқ қиладиган вақт даврида содир булиши мумкин.

Эгалик ҳуқуқи билан боглик булган сезиларли таваккалчилик ва муқофотлар харидорга берилганлигини аниқлашда, қуйидагиларни қуриб чиқиш мумкин:

а) муомала тугаганми

б) сотувчи берилган товарлар устидан одатда эгалик ҳуқуқи даражасидаги маълум назоратни саклайдими.

Даромадлар тамойилининг қатор ишчи ҳолатларидаги қуйидаги қулланилиши мавжуд

1) бериш пайти (сотиш пайти) да тан олинган даромад

2) бериш пайтидан кейин тан олинган даромад

3) бериш пайтигача тан олинган даромад

## **2. Ғойда ва зарарларни тан олиш**

Бухгалтерия ҳисобида олинаётган даромадлар ва ғойда маълум мезонларга асосан тан олинади. Тан олиш жараёни юз бериши учун аввало бир неча шартлар бажарилиши керак. Ҳисоб қоидаларига қура ғойдани ва зарарларни тан олишнинг бир неча тури мавжуд.

*Бериш пайти (сотиш пайти ) да тан олинган даромад*

Даромадни тан олиш учун шартлар -- шартномани бажариш ва тушум олиш имқонияти - одатда товарлар ёки хизматлар бериш пайтида бажарилади. Шундай қилиб, махсулотларни сотишдан олинган даромад сотиш қуни яъни махсулот мижозга берилган қуни , тан олинади.Қурсатилган хизматлардан олинган даромад хизматлар бажарилганида тан олинади.Бу сотиш пайти усули ёки қасса усули деб аталади.

Айрим битимлар сотиш пайти усули бўйича тан олиш учун таснифланмайди,чунки уларда иккита мезонлардан бири қолдирилмаган .Масалан: Бошқа қомпания активларидан ғойдаланишга рухсат берадиган шартнома қелишувларидан қиладиган даромад (ижара даромадлари, ижара туловлари ва ажратмалари қаби).

### ***Муддати узайтирилган даромад .***

Журналга обуна килишни амалга ошираётган компания ёки кандайдир келгуси санага чипта сотаётган авиакомпания нақд пулнинг товар ёки хизматнинг берилишига олади. Аммо сотиш мезони кондирилган булса ҳам даромадларни тан олиш жараёни махсулотларни етказиб берилмагунча тулик деб ҳисобланилмайди. Бу мажбурият муддати узайтирилган даромад деб айтилади. Фойда ва зарарлар одатда товарлар , хизматлар сотилганда ёки сотиладиган булганда тан олинади. Амалиётда товар ёки хизматларни етказиб бериш пайтида даромадни тан олиш пайти кечиктирилиши лозим буладиган ҳолларда учрайди. Бу одлатда даромадларни тан олишнинг 2 та мезонидан бирига риоя қилмаган ёки 2та мезонга товар ва хизматни етказиб беришгача риоя қилиниши ёки 2 та мезонга ҳам товар ва хизматларни беришгача риоя қилинганлиги сабабли руй беради.

### ***Даромадни етказиб беришдан сунг тан олиш***

Айрим ҳолларда даромадни тан олиш мезонлари етказиб берилагндан сунг танолинади. Китоб чиқариш ёки асбоб ускуна ишлаб чиқариш каби саноатнинг айрим соҳаларида , миқозларга маълум ҳолларда ва катта вақт оралигида товарларни қайтариб бериш бўйича кенг ҳуқуқлар берилади. Шу сабабли махсулот етказиб берилган вақтда якуний натижалар қайси сумма сотиладиган бўлишини тугри аниқлаш бўйича муомалалар келиб чиқади. Шунинг учун сотишдан келган даромад сотилган махсулотлар тан - нарҳини ва ялпи фойда суммасини қайтариб бериш ҳуқуқи муддати тугаган давргача узайтирилади.

Демак, ялпи фойда эмас, балким қайтариб бериш тугаганда тан олинади.

**Консигнация** - бу маркетинг битими бўлиб унга мувофиқ юк жунатувчи (махсулот эгаси) факатгина сотиш бўйича агент сифатида юритадиган бошқа шахс юкни олувчига махсулот юборади. Юкни олувчи товарларни сотиб олмайди, лекин уларнинг сакланиши ва қайта сотилиши учун маъсулиятни олади.

Сотишдан сунг юк олувчи олинган маблағларни (курсатилган харажатлар ва комисион туловлар айрилган қисмини) юк жунатувчига етказиб беради.

Консигнацион товарларга уни юкни олувчи томонидан сотилишигача эғалик қилади. Товарларнинг юкни сотувчига юборилиши бу ҳали сотиш эмас ва даромад товарлар учинчи томонга сотилишигача тан олинмайди.

Даромадни олиш имкони етарли даражада қафолатлинмаган булса, даромадни олишнинг аниқлилиги белгиланмагунча кечиктириш зарурияти пайдо бўлади. Тулов муддатини узайтириб солиш усули ва харажатларни қоплаш усули даромадни тан олиншини нақд пул маблағлар олмагунча муддатини узайтиришнинг муқобил варианты ҳисобланади.

### ***Тулов муддатини узайтириб сотиш усули***

Чакана савдо билан шугулланадиган компанияларнинг куп микдори мавжуд бўлганда, барча сотишларнинг юкори фоизли улуши бу муддатни узайтириб сотиш хисобланади. даромадни дархол тан олинishi сотиш вақтида бўлиши мумкин, чунки компанияда счётлари буйича чегирма баҳолаш учун мустахкам асос мавжуд.

#### ***Харажатларни коплаш усули.***

Хисоботларни коплаш усули баъзан тулдирилган харажатлар усули деб аталади. Барча тегишли килинган харажатлар фойдани тан олиш вақтигача копланиши керак. Харажатларни коплаш усули якуний даромадлар ёки фойда реализациясини башорат килиб бўлмайдиган нихоятда таваккалчилик килиш холларида кулланилиши мумкин.

#### ***Даромадни етказб беришгача тан олиш.***

Айрим холларда даромадларни тан олиш жараёни узок булади ва бир неча хисобот даврлари мобайнида давом этади. Бунга катта кемалар, куприклар, офислар курилиши, шунингдек нефть олиш буйича асбоб усканаларнинг ишлаб чиқариш мисол була олади. Бундай лойихалар шартномаларди куп холларда бажарилган ишлар актлари деб аталувчи келишилган боскичлар бажврилгандан кейин курувчи томонидан харидорларга юк, хатни курилиш жараёнининг турли боскичларида ёзиб бериб бориши тунрисида шартлар куйилади.

Компания курилиш буйича узок муддатли шартнома тузаётганда даромад ва харажатларнинг хисобга олиш муаммоси мавжуд булади.

**Якунловчи шартнома усули** - даромадлар ва харажатлар ва ялпи фойда шартнома якунланиши билан тан олинади.

**Тугалланиш фоиз** - даромадлар ва харажатлар ва ялпи фойда курилиш лойихасининг туналланиши лойихасининг туналланиши фоизини баҳолаш асосида харажатлар бир хисоботларида тан олинади.

Курилиш буйича узок муддатли якунлаш боскичи бир неча усул билан улчаниши мумкин. Бу улчовлар иккита асосий гурухларнинг бирига тегишлидир.

**Харажатлар меъёри** - бу лойихани якунташ учун зарур буладиган барча кутилаётган харажатларнинг жорий вақтда лойиха харажатлари муомаласидир.

**Ишлаб чиқариш меъёри** - бк лойихани якунлаш буйича кутилаётган умумий натижаларга биноан жорий вақт натижаларидир. Масалан, бинонинг курилиши лозим бўлган умумий каватлари сонига нисбатан битган каватлар сони ёки йулнинг умумий километражига нисбатан йулнинг куйилган километрлар сони.

Хизматларни курсатишдан даромадларни тан олишнинг 4 усули мавжуд. Улар:

- **Конкрет бажариш;**
- **Пропорционал бажариш;**
- **Тугалланган бажариш;**
- **Инкассация.**

***Конкрет бажариш усули.*** Битта харакатни бажаришдан олинган хизматлар учун даромадни хисобга олиш учун кулланилади. Масалан, кучмас мулк буйича брокер сотиш буйича комиссиян даромадни кучмас мулк буйича битимни



тунатгандан сунг олади, стоматолог тишни олиб ташлаш буйича операцияни тугатгандан сунг олади, кийимларни ювиш жараёни тугаганидан сунгш даромадни олади.

**Пропорционал бажариш усул** хизматларни бир боскичдан купрок бажаришдан олинган даромадни тан олиш учун кулланилади.

Бу усулга мувофик даромад даври учун хизматларни пропорционал бажариш асосида тан олинади. Хизматлардан олинган даромадни пропорционал улчаш хизматларнинг харажатлар - хил тури учун турлича амалга оширилади:

**Хизматларнинг бажарилишининг бир хил боскичлари** - хар бир шундай боскич буйича хизматлардан олинган даромаднинг бир хил суммаси тан олинади.

**Хизматларнинг бажарилишининг бир хил булмаган боскичлари** - хар бир шундай боскич буйича хизмат курсатадиган субъектнинг бевосита харажатларига пропорционал равишда хизматлардан олинган даромад тан олинади.

**Бажаришнинг белгиланган муддати билан ухшаш боскичлар**-- хизматлардан олинандиган даромадни тан олишнинг одатдаги усулидан кулланиш купрок маъкулдир.

**Тугалланган бажариш усули** бир хил ёки бир хил булмаган бажариш боскичларисерияларни амалга оширишдан олинган хизматлардан даромадни хисобга олиш учун кулланилади.ва бунда охириги ҳаракатшунчалик муҳимки хизматларни курсатишдан олинган даромад охириги боскич амалга ошгандан кейин ишланган деб хисобланади.

**Инкассация усулига** мувофик даромад нақд пул маблағлари олинганда тан олинади. Инкассация усули ноаниклик даражаси катта ёки харажатлар сметаси даромадларга нисбатан ишончсиз бўлганида хизматлардан олинган даромадни хисобга олиш учун кулланилади.

**Харажатларни қуйидагича таснифлаш мумкин :**

**Бевосита харажатлар** -- даромадга мос келадиган сотилган товарлар таннари.Бундай харажатлар шу каби операцияларни бевосита ёки биргаликда утказиш натижасида келиб чиқадигандлар тан олиниши буйича тан олинади.

**Давр харажатлари**-- сотиш билан боғлиқ ва умумий маъмурий харажатлардир.Бу харажатлар улар пайдо бўлган давр мобайнида тан олинади.

**Таксимланган харажатлар** -- бу амортизация ёки сугурта каби харажатлардир. Бу харажатлар систематик равишда активлар фойда келтирилиши даврларга таксимланади.

**Фойда ва зарарлар қуйидаги ҳолларда юзага келади ва тан олинади.**

**Асосий воситаларни сотишдан**

**Инвестицияларни сотишдан**

**Карзларни узок муддатли тулашдан**

**Умидсиз карзларни ҳисобдан чиқаришдан**

**Таянч иборалар**

**Даромадлар** - бу корхонанинг одатдаги фаолияти натижаси сифатида иқтисодий ресурсларнинг ёхуд активларнинг оқиб келиши ёки узиш йули орқали, ёхуд мажбуриятларнинг қисқариши йули орқали узишидир.

**Харажатлар**- бу мол етказиб берилиши ёки товарлар ишлаб чиқарилиши, хизматлар курсатилиши ёки фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш натижасида келиб чиқиши ёки уларнинг аралашмасидир.

**Фойда** - бу корхонага тегишли асосий ёки асосий бўлмаган фаолияти ва муомалалари натижасида, шунингдек акционерлик капиталига қуйилмалардан ташқари, корхонага таъсир қиладиган ҳамма бошқа битимлар, муомалалар ва ҳолатлар натижасида капиталнинг қупайишидир.

**Зарарлар**- бу корхонага тегишли битимлар ва муомалалар таъсирида, шунингдек акционерлик капиталининг тақсимланиши ёки сарфалинишидан ташқари, бошқа ҳамма битимлар, муомалалар ва ҳолатлар таъсирида капиталнинг қамайишидир.

**Муддати узайтирилган даромад.** Журналга обуна қилишни амалга ошираётган компания ёки қандайдир келгуси санага қипта сотаётган авиакомпания нақд пулнинг товар ёки хизматнинг берилишига олади. Аммо сотиш мезони қондирилган бўлса ҳам даромадларни тан олиш жараёни маҳсулотларни етказиб берилмагунча тулик деб ҳисобланилмайди. Бу мажбурият муддати узайтирилган даромад деб айтилади.

**Даромадни етказиб беришдан сунг тан олиш.** Айрим ҳолларда даромадни тан олиш мезонлари етказиб берилагандан сунг танолинади.

**Консигнация** - бу маркетинг битими бўлиб унга мувофиқ юк жунатувчи (маҳсулот эгаси) факатгина сотиш бўйича агент сифатида юритадиган бошқа шахс юкни олувчига маҳсулот юборади.

**Тулов муддатини узайтириб сотиш усули.** Чакана савдо билан шугулланадиган компанияларнинг қуп миқдори мавжуд бўлганда, барча сотишларнинг юқори фойзли улуши бу муддатни узайтириб сотиш ҳисобланади. даромадни дарҳол тан олиниши сотиш вақтида бўлиши мумкин.

**Харажатларни қоплаш усули.** Ҳисоботларни қоплаш усули баъзан тулдирилган харажатлар усули деб аталади. Барча тегишли қилинган харажатлар фойдани тан олиш вақтигача қопланиши керак.

**Даромадни етказиб беришгача тан олиш.** Айрим ҳолларда даромадларни тан олиш жараёни узок бўлади ва бир неча ҳисобот даврлари мобайнида давом этади.

**Яқунловчи шартнома усули** - даромадлар ва харажатлар ва ялпи фойда шартнома яқунланиши билан тан олинади.

**Тугалланиш фойз** - даромадлар ва харажатлар ва ялпи фойда қурилиш лойиҳасининг туғалланиши лойиҳасининг туғалланиши фойзини баҳолаш асосида харажатлар бир ҳисоботларида тан олинади.

- **Харажатлар меъёри** - бу лойиҳани яқунташ учун зарур бўладиган барча қутилаётган харажатларнинг жорий вақтда лойиҳа харажатлари муомаласидир.
- **Ишлаб чиқариш меъёри** - бк лойиҳани яқунлаш бўйича қутилаётган умумий натижаларга биноан жорий вақт натижаларидир.

**Қонкрет бақариш усули.** Битта ҳаракатни бақаришдан олинган хизматлар учун даромадни ҳисобга олиш учун қулланилади.

**Пропорционал бақариш усул** хизматларни бир босқичдан қупрок бақаришдан олинган даромадни тан олиш учун қулланилади.

**Хизматларнинг бажарилишининг бир хил боскичлари** - хар бир шундай боскич буйича хизматлардан олиган даромаднинг бир хил суммаси тан олинади.

**Хизматларнинг бажарилишининг бир хил булмаган боскичлари** - хар бир шундай боскич буйича хизмат курсатадиган субъектнинг бевосита харажатларига пропорционал равишда хизматлардан олинган даромад тан олинади.

**Бажаришнинг белгиланган муддати билан ухшаш боскичлар**-- хизматлардан олинадиган даромадни тан олишнинг одатдаги усулидан кулланиш купрок маъкулдир.

**Тугалланган бажариш усули** бир хил ёки бир хил булмаган бажариш боскичларисерияларни амалга оширишдан олинган хизматлардан даромадни хисобга олиш учун кулланилади.

**Инкассация усулига** мувофик даромад нақд пул маблаглари олинганда тан олинади.

**Бевосита харажатлар** -- даромадга мос келадиган сотилган товарлар таннархи

**Давр харажатлари**-- сотиш билан боглик ва умумий маъмурий харажатлардир.Бу харажатлар улар пайдо булган давр мобайнида тан олинади.

**Таксимланган харажатлар** -- бу амортизация ёки сугурта каби харажатлардир. Бу харажатлар систематик равишда активлар фойда келтирилиши даврларга таксимланади.

## **5-мавзу. Пул маблаглари ва олинадиган счетлар ҳисоби.**

### **1.Пул маблаглари ва киска муддатли инвестициялар ҳисоби**

### **2.Олинадиган счетлар ҳисоби.**

### **3.Векселлар ҳисоби**

#### **1. Пул маблаглари ва киска муддатли инвестициялар ҳисоби.**

Активларнинг айланиш муддати буйича куйидагиларга бўлиш мумкин:

#### ***Узок муддатли активлар***

#### ***Киска муддатли (жорий) активлар***

Жорий активлар ликвидлик даражасига кура куйидагича тартибланади:

1. Пул маблаглари ва уларнинг эквивалентлари.
2. Киска муддатли инвестициялар.
3. Олинадиган ҳисоб варақлар.
4. Товар моддий захиралари.
5. Олдинги харажатлар.

Пул маблаглари мажбуриятни зудлик билан тулаш учун ишлатилиши мумкин булган маблагларни уз ичига олади. Пул маблагларига жорий ҳисоб варақларидаги колдиклар , нақд пуллар, тангалар, валюта, кичик кассанинг нақд пуллари ва молиявий муассасалар томонидан депозитлар ва муомиладан чиқариш учун қабул қилинган. Корхона кассасидаги конкрет утказиб бериладиган бериладиган пул ҳужжатларидир. Бу утказиладиган пул ҳужжатларига оддий чеклар , касса ордерлари, миқозлар чеклари, пул утказмалари ва бошқа ҳисоб-китоб воситалари қиради.

**Пул эквивалентлари-** бу пул маблагларига ухшаш, лекин бошқача таснифланадиган активлардир. Улар ҳазина векселлари. муомиллага чиқарилгандан сунг 1 йил муддатдан сунг қайтариладиган ҳукуматнинг фойсиз мажбуриятларидир.Улар чегирма билан сотилади ва уз вақтида туланади.

Тулаш қиймати ва чиқарилиш қиймати уртасидаги фарқ харидорнинг даромади булади. Ҳазина векселлари бир йил ва ундан ортиқ муддатда туланадиган ҳукумат мажбуриятлари ҳисобланиб, агар улар жорий молиявий йил давомида туланмаса, улар киска муддатли инвестициялар сифатида классификацияланмайди, тижорат қозғалари (корпорациялар томонидан чиқарилган, узининг киска муддатли пул маблагларга булган эҳтиёжларини молиялаштирувчи маблагдир) ва депозит сертификатлар (тезда талаб қилиб олиш мумкин булмаган депозит сертификатлари ёки банк депозитлари ёки муомиллага чиқариш йули билан туланиши ва санкция утказилиши мумкин ) дан иборат.

Кечикишлар ва жарима сакциялари пул эквивалентлари пул маблагларига алмаштирилишига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун эквивалентлар касса ҳисоб варақидан олинади. Қупинча пул эквивалентларини ҳисоб-китоб воситасига айлантириш эҳтиёжи йук.

Эквивалентлар одатда киска муддатли инвестициялар ҳисоб варақига олиб борилади. Ҳисобот даври охирида тулик олинмаган пул утказмалари чеклар пул маблаглари ҳисоб варақига қолдиқларидан айрилмайди.

**ОВЕРДРАФТ**- бу киска муддатли мажбурият каби хисобланадиган ва аввал актив хисоб варакида мавжуд булган, дебетор колдигидан юкори булган суммада туловни амалга оширишда вужудга келадиган кредит колдигидир.

Овердрафт, агар банк томонидан туланган сумма мижоз хисоб варакидаги колдикдан юкори булган холларда кулланилади. Лекин, агар омонатчи хисоб варакидан овердрафтини амалга ошираётган булса, бироқ ушбу банкнинг бошка хисоб варакида ижобий колдикга эга булган холда дебет ва кредит колдикларини коплаш мумкин. Бу холда банк дебетор ва кредитор ролини бажаради. Аммо турлим муассасаларнинг хисоб варакилари узаро копланмайди.

**Кичик кассалар** - аванс жамгармаларининг бир тури булиб, кундалик сарфлар учун зарур булган пуллардан ташкил топади.

**Аванс жамгармалари** - бу харажат килинган суммаларни доимий тулдириб турадиган махсус мақсадлар учун тузилган фондлар.

Кичик кассалар ишчиларнинг транспорт харажатларини, почта харажатлари, офис буюмлари харажатларини бошқариш учун тузилган.

## **2. Олинадиган счетлар хисоби.**

Олинадиган хисоб варақлар компанияларнинг пул маблағларига, товарларига, хизмат ва нақд пулсиз активларига булган даъволарни уз ичига олади. Олинадиган хисоб варақларкарзини тулашнинг кутилаётган санасига ёки олинадиган хисоб варақларнинг тулов муддатига кура жорий ва узок муддатли булиши мумкин. Одатда олинадиган хисоб варақлар счёт фактуралари билан тасдиқланади.

“Олинган векселлар” баланс моддаси одатда расмий қарз мажбуриятлари билан тасдиқланади.

**Савдо буйича олинадиган хисоб варақлар**--бу асосий фаолият натижасида сотилган товар ва хизмат учун мижозларнинг мажбурият суммаларидир. Савдога тегишли булмаган олинадиган хисоб варақлар бошка фаолиятлар натижасида вужудга келади. Масалан, харидорларга тайёр махсулотлар сотилганда куйдагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 4010-« Олинадиган счетлар»

Кредит 9010-”Махсулотлар сотишдан олинган даромад”

**Олинган вексел** - бу маълум муддат ичида маълум суммани тулаш буйича ёзма мажбуриятдир.

Векселни имзолаган ва шу вексел буйича туловни уз зиммасига олган шахс вексел берувчи деб аталади. Вексел буйича туловни оладиган шахс ремитент деб аталади. Агар векселнинг тулов муддати бир йилдан кам булса, ремитент уни олинган векселлар сифатида баланснинг ликвидли активлар булимида акс этиши керак. Вексел берувчи эса уни берилган векселлар сифатида жорий мажбуриятлар булимида акс этиши керак. Масалан, уз вақтида туловга имконият мавжуд булмаса сотилган махсулот вексел олинганда

Дебет 4020-”Олинадиган векселлар”

Кредит 4010-”Олинадиган счетлар” бухгалтерия ёзуви берилади

Олинган хисоб варақлар компаниянинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти давомида миқозга сотилган товарлар ва хизматлар учун қарз суммаларини ташкил қилади. Бу хисоб варақлар савдо бўйича олинган лар деб ҳам аталади. Счёт фактура ёки бошқа ҳужжатлар билан айрим ҳолларда эса оддий ёзма қарз мажбуриятлари билан ҳам тасдиқланади. Бу олинган хисоб варақлар баланс санасидан кейинги бир йил ёки куомпаниянинг операцион цикли давомида ундириб олинган суммани уз ичига олади.

Одатда тулов муддати 30 - 60 кунгача бўлган муддат хисобланади. Ушбу муддат тугагандан кейин олинган счётлар муддатти утган деб хисобланади. Миқозлар учун кредит қолдиқли айрим олинган хисоб варақлар олдиндан тулаш ёки қупрок тулаш натижасида янгидан таснифланиши керак. Улар бўйича мажбуриятлар сифатида хисобот топширилиши керак. Бу кредит қолдиқ олинмайдиган хисоб варақларига қўйилмайди.

Дебеторлик қарзлари дастлабки қиймати бўйича баҳоланади ва шубҳали қарзлар пул чегирмалари ва қайтарилган, сотилган товарлар суммасига тузатиш қилинади.

### **3.Векселлар хисоби**

**Олинган вексел** - бу маълум муддат ичида маълум суммани тулаш бўйича ёзма мажбуриятдир. Векселни имзолаган ва шу билан вексел бўйича туловни уз зиммасига олган шахс вексел берувчи деб аталади. Вексел бўйича туловни оладиган шахс ремитент деб аталади. Агар векселнинг тулов муддати бир йилдан кам бўлса, у ҳолда ремитент уни *олинган векселлар* сифатида баланснинг ликвидли активлар бўлимида акс этиши керак, вексел берувчи эса уни *берилган векселлар* сифатида жорий мажбуриятлар бўлимида акс этиши керак.

**Тулов муддати** - бу векселнинг муомала муддати тугашидир, бу вақтнинг ичида охириги тулов амалга оширилиши керак. Одатда, олинган векселлар қуйидаги келтирилган сабабларга қўра қўлланилади:

- Тулов муддатининг узайтирилиши (муддати утиб кетган олинган счётнинг қопланиши учун).
- Счёт-фактура ва бошқа тижорат ҳужжатларига нисбатан қарзнинг тасдиқловчи муҳимрок далил эканлиги.
- Ҳоизларни ундириб олиш учун расмий асос.
- Муомалага чиқариш имконини мавжудлиги.

Кредитлаш бўйича операциялар олинган векселларнинг бош манбаси бўлади. Олинган векселлар оддий реализация, олинган счётларнинг муддатини узайтирилиши, узок муддатли активларни алмаштирилиши, ҳамда ходимларга аванс туловлари натижаси бўлиши ҳам мумкин. Кредитнинг берилишида қарз олувчи вексел берган шахс, қарз берувчи эса вексел олган шахс ёки ремитент хисобланади. Товарнинг сотувчидан хоридорга утишида вексел берилса, хоридор вексел берувчи, сотувчи эса вексел олувчи бўлади.

Векселда қўрсатилган ҳоиз ставкаси, устун бўлган кредитга лаекатлик ва рискни баҳолашда анологик мажбуриятлар бўйича бозор ставкасига тенг



булмаслиги мумкин. Лекин, эълон килинган ставка хар доим фоиз туловлари аникланганида кулланилади. Агар эълон килинган ставка ва бозор ставкаси мос келмаганида, векселни баҳолаш ва фоиз буйича даромадни улчаш учун бозор ставкаси кулланилади. Бозор ставкаси - бу карама-карши манфаатли ва операцияга жалб этилган мустиқил томонлар тарафидан қабул килинган ставкадир.

Бухгалтерия хисоби учун агар киймат ёки бозор ставкаси буйича, вексел талаб килган барча пуллик тулов жорий киймати маълум булса, векселнинг асосий суммаси бозордаги киймат ёки вексел урнига сотилган товарнинг ёки курсатилган хизматнинг пуллик киймат эквивалентларида улчанади. Умумий сумма - бу фоизни хисоблаш учун керак булган суммадир. Умумий суммадан бошка туланган хамма суммалар фоиз хисобланади.

Векселнинг номинал киймати - бу сумма уни муддатини узайтириб тулаш маълум графигига мос равишда асосий суммани тулаш шарти мавжуд бумаганда, фоизлар киритилмаган, векселда курсатилган вексел муомиласи охирида тулашга мулжалланган пул миқдоридир. Агар эълон килинган фоиз ставкаси бозор фоиз ставкасига тенг булса, жами сумма номинал кийматга тенг. Векселнинг муомала даври ичидаги жами фоиз буйича даромади пул маблағларининг тушумининг жами суммаси минус жами суммага тенг.

Векселларни *фоизли* ва *фоизсиз* векселларга ажратиш мумкин. Фоизли векселлар фоизлар тулашни хисоблашда номинал кийматга кулланиладиган фоиз ставкасини ифодаланилади. Фоизсиз векселларда фоиз ставкаси курсатилмайди, лекин у умумий суммадан юкори булган номинал киймат оркали ифодланади.

Уз навбатида фоизли векселлар талаб килинган пуллик туловларга мос икки турга ажралади: (1) *оддий векселлар*- якуний туловдан бошка, факат фоизларнинг пуллик туловлари ва (2) *мураккаб векселлар*- пуллик туловлар уз ичига фоизларни хамда асосий суммани олади.

### Таянч иборалар

**Пул эквивалентлари**- бу пул маблағларига ухшаш, лекин бошкача таснифладиган активлардир. Улар хазина векселлари. муомилага чиқарилгандан сунг 1 йил муддатдан сунг қайтариладиган ҳукуматнинг фоизсиз мажбуриятларидир. Улар чегирма билан сотилади ва уз вақтида туланади.

**ОВЕРДРАФТ**- бу қиска муддатли мажбурият қаби хисобладиган ва аввал актив хисоб варакида мавжуд булган, дебетор қолдигидан юкори булган суммада туловни амалга оширишда вужудга келадиган кредит қолдигидир.

**Кичик кассалар** - аванс жамғармаларининг бир тури булиб , қундалиқ сарфлар учун зарур булган пуллардан ташкил топади.

**Аванс жамғармалари** - бу харажат килинган суммаларни доимий тулдириб турадиган махсус мақсадлар учун тузилган фондлар.

**Савдо буйича олинладиган хисоб варақлар**--бу асосий фаолият натижасида сотилган товар ва хизмат учун миқозларнинг мажбурият суммаларидир

**Олинган вексел** - бу маълум муддат ичида маълум суммани тулаш буйича ёзма мажбуриятдир.

**Олинган вексел** - бу маълум муддат ичида маълум суммани тулаш буйича ёзма мажбуриятдир. Векселни имзолаган ва шу билан вексел буйича туловни уз зиммасига олган шахс вексел берувчи деб аталади.

**Тулов муддати** - бу векселнинг муомала муддати тугашидир, бу вақтнинг ичида охириги тулов амалга оширилиши керак.

## **6-мавзу. ТМЗ ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби.**

- 1. ТМЗлар таърифи ва уларни баҳолаш**
- 2. ТМЗларни таннархини аниқлаш усуллари**
- 3. ТМЗларни узлуксиз ва даврий ҳисоби**

### **1. ТМЗлар таърифи ва уларни баҳолаш**

**Товар-моддий захиралари** деб номланган № 4-сонли Ўзбекистон Республикаси БХМСга мувофиқ товар-моддий захиралари бу ҳужалик юритувчи субъектларнинг моддий қуринишга эга бўлган активларидир.

Ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш жараёнида ишлатилиши кузда тутилган хом - ашё ва материаллари сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар , ёкилги , эҳтиёт қисмлари , материаллари ҳамда арзон баҳоли тез эскирувчи буюмлари.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш .

Ҳужалик юритувчи субъектнинг оддий фаолиятида сотиш учун мулжалланган тайёр маҳсулот ва товарлари.

Мавжуд бўлган товарларни моддий захиралари таркибига киритмаслик ҳоллари: инвентаризация қилинаётган даврда компаниянинг эгалик қилиш ҳукуқи бўлмаганда товарлар топилиши мумкин. Бу миждознинг буюртмасига асосан тайёрланади.

Инвентаризация қилинаётган даврда компаниянинг эгалик қилиш ҳукуқи бўлмаган товарлар топилиши мумкин. Бу миждознинг буюртмасига асосан тайёрланган ( яъни олди - сотди битими бажарилган ) унга қарашли ва жунатишни қутаётган товардир.

Уларни сотиш жараёни қайд қилиш зарур моддий захиралари таркибига қирмайдиган товарларнинг яна бир тоифаси--бу қонцигнациядаги товарлардир.

**Консигнация** - қомитент ёки қонсигнант деб аталадиган мулкдорни уз товарларини бошқа компания омборларида жойлаштиришдир.

Консигнатор бундай товарларни узининг моддий захиралари таркибига қиритмаслиги қерак, қунқи реализация давригача бу товарлар жунатувчи - қонсигнантнинг мулки ҳисобланади.

**Товар-моддий захираларини қуйидагилардан энг қам қиймати буйича баҳоланади:**

#### **1) таннарх буйича**

#### **2) соф сотиш қиймати буйича**

Товар-моддий захиралари таннархи қуйидагилардан иборат:

Товар-моддий захираларини сотиш олиш харажатлари, жумладан қарид қиймати, импорт, божхона божлари ва туловлари, таерлов воситачилик ташкилотларига туланган қомиссион туловлар, солиқлар қорхона қейинчалик қайтариб олиши мумкин бўлганлардан ташқари, масалан, ҚҚС ҳамда захираларини сотиш олиш билан боғлиқ транспорт таерлов ва хизмат курсатиш харажатлари.

Кайта ишлаш харажатлари тайёр махсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар, жумладан,

**1) Бевосита харажатлар** - бу тайёр махсулотнинг бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар, жумладан:

1. Ишлаб чиқаришга таълуқли материал харажатлари;
2. Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш хақи;
3. Ишлаб чиқаришга таълуқли ижтимоий сугуртага ажратмалар;

**2) Билвосита харажатлар** - булар ишлаб чиқариш жараёнида хизмат курсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш харажатларидир. Масалан: ёрдамчи ишчиларнинг вақтбай иш хақи, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари ва махсулот хажмининг ўсиши доимий харажатлари.

**3) Бошқа харажатлар** - Товар-моддий захираларини керакли жойга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт ва уларни тегишли ҳолатда ўшлаб туриш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар (тайёр махсулотни оморга ташиб келтириш индивидуал буюртмалар бўйича товарларни конструкция қилиш харажатлари ва бошқалар. Хизмат курсатиш корхоналарида Товар-моддий захиралари таннарни қуйидагилардан ташкил топган:

1. Хизмат курсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган ходимларнинг (бошқарув ходимлари билан бирга) иш хақи ва ижтимоий сугуртага ажратмалар қаби харажатлар.
2. Ёрдамчи хизматлар харажатлари.
3. Хизмат курсатиш жараёнида юзага келган бошқа устама харажатлар.

Товар-моддий захиралари таннарига қиритилмайдиган харажатлар (хизмат курсатишни қўшган ҳолда ҳамма соҳаларда қўлланиладиган):

- 1) Агар техник жараёнда қўриб ўтилмаган бўлса, ишлаб чиқариш циклининг алоҳида бўсқичлари ўртасида товар-моддий захираларни сақлаш харажатлари;
- 2) Маъмурий бошқарув харажатлари;
- 3) Сотилган билан боғлиқ харажатлар;

## **2. ТМЗларни таннарини аниқлаш усуллари**

ТМЗларни таннарини аниқлашнинг бир неча усули мавжуд бўлиб, қуйида улардан бир нечасини келтириб ўтамыз.

**Ялпи идентификация усули** ўзаро алмаштирилмайдиган захираларнинг алоҳида моддаларининг алоҳида таннари шунингдек махсус буюртмалар ўчун мулжалланган ва ишлаб чиқаришган. Харажатларни махсус идентификация қилишнинг маъноси махсус харажатлар захираларининг алоҳида моддасига олиб борилади.

**Ўртача тортилган қиймат усули.** Товар-моддий захиралари харажатлар ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот даври бошида бир типли товар-моддий захиралари бирликлар ва ҳисобот даври давомида сотилган ўки ишлаб чиқарилган бир типли бирликларнинг ўртача тортилган қиймати бўйича аниқланади. Товар-моддий захираларининг бирликларининг ўртача тортилган қиймати Товар-моддий

захираларининг бутун кийматини шу захиралар бирликларнинг сонига булиш билан аникланди.

**Биринчи харид бахолари буйича баҳолаш усули (FIFO--биринчи кирим, биринчи чиким).** Биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотиб юборилган товарларга олиб борилиши керак деган тахминга асосланади.

**Охириги харид нархлари буйича баҳолаш усули (LIFO-- охириги кирим , биринчи чиким).** Охириги харид килинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотилган товарларнинг кийматини аниклаш учун ҳисобот даврининг охирига булган захираларнинг таннархи эса биринчи навбатда харид килинган товарлар таннархи асосида ҳисоб килинади деган тахминга асосланган. Товар-моддий захираларини баҳолашнинг ушбу усули Ўзбекистон республикаси БХМСда куллашга тавсия килинмаган .

Товар-моддий захиралари шикастланганда қисман еки бутунлай эскирганда комплектлаш еки сотувни ташкил қилиш харажатлари ошганда , сотувнархи пасайган ҳолларда товар-моддий захиралари ўз таннархидан паст баҳода реализация кийматида баҳолаши мумкин.

**Соф сотиш киймати** — товар сотилишининг тахминий кийматидан товарларнинг сотув олди таёргарликлари ва унинг сотилиши харажатларнинг айирмасидир. Ўзбекистон республикаси БХМСни №4 буйича товар-моддий захираларининг соф сотиш кийматидача қуйидаги усуллар асосида қисман ҳисобдан чиқарилади:

- 1) моддалар усули
- 2) асосий товар гуруҳлари усули.

### **3. ТМЗларни ўзлуксиз ва даврий ҳисоби**

#### **ТМЗни ДАВРИЙ ҲИСОБГА ОЛИШ**

Даврий ҳисобга олиш тизимини куллашда йил давомида ТМЗнинг ҳар бири батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар - моддий захираларнинг ҳақиқий мавжудлиги мавжуд захираларнинг инвентаризация натижалари буйича аникланади. Сотилган ТМЗнинг таннархини инвентаризация якунланмагунча аниқлаб бўлмайди, чунки сотилган ТМЗ таннархининг ҳисоб - китоби қуйидаги формула билан топилади:

$$\begin{aligned} & \text{Ҳисобот даври бошига булган ТМЗ колдиги} \\ & \quad + \\ & \quad \text{Келиб тушишган ТМЗ} \\ & \quad = \\ & \quad \text{Сотишга тайёр ТМЗ таннархи} \end{aligned}$$

-

**Хисобот даври охирига булган ТМЗ колдиги**

=

**Сотилган ТМЗ таннархи**

Сотилган ТМЗ таннархи хисобот даври охирида кулланилган бахолаш усулига боғлиқ (яъни идентификация, AVECO, FIFO, LIFO, соф реализация қийматини бахолаш учун - моддалар бўйича, асосий товарлар гуруҳи, захиралар умумий сатҳи усуллари). Даврий хисобга олиш тизимини куллаганда, товар - моддий захираларнинг баланс счётларидаги колдиги инвентаризация якунланмагунча бошлангич даражада қолади. ТМЗнинг бутун ҳаракати ҳаражатларнинг вақтинчалик счётларида акс эттирилади, масалан материалларнинг хариди “Асосий моддий захиралар” баланс счётида эмас, балки “Материаллар харид қилиш бўйича ҳаражатлар” счётининг дебетида акс эттирилади. Хисобот даврининг охирида ТМЗ қолдиқларининг инвентаризацияси натижалари бўйича ТМЗни хисобга олиш баланс счётларининг дебетланиши ёки кредитланиши, “Товар - моддий захиралар бўйича тузатишлар” ёки “Материаллар харид қилиш бўйича ҳаражатлар” счётлари билан корреспондентликда тузатувчи порводка утқазилади. Бутун хисобот даври давомида сотилган ТМЗнинг таннархи “ТМЗ бўйича тузатишлар” счётининг колдигига тузатилган, “Материаллар харид қилиш бўйича ҳаражатлар” счётининг дебети бўйича йигилиб боради. Ҳозирги пайтда мавжуд булган ТМЗнинг маълум турлари ҳақида батафсил ёзувларнинг йуклиги асосий қамчилиги хисобланган, ТМЗни даврий хисобга олиш тизими асосан улгуржи ва чакана савдо корхоналари, хизмат курсатиш соҳаси корхоналари, кичик асортиментдаги хом ашё, материал ва оддий технологик жараёндан фойдаланиб, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарида кулланилади.

### **ТМЗни УЗЛУКСИЗ (ДОИМИЙ) ХИСОБГА ОЛИШ ТИЗИМИ**

ТМЗни узлуксиз хисобга олиш тизимини куллаганда ТМЗнинг баланс счётларида товар - моддий захираларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши батафсил акс эттирилади. ТМЗни даврий хисобга олишда кулланиладиган ҳаражатларнинг вақтинчалик счётлари бу ҳолда кулланилмайди. Натижада бутун хисобот даври давомида: ТМЗнинг маълум турларининг борлиги ва сотилган захираларнинг таннархи маълум.

### **Таянч иборалар**

**Товар-моддий захиралари** деб номланган № 4-сонли Ўзбекистон Республикаси БХМСга мувофиқ товар-моддий захиралари бу ҳужалик юритувчи субъектларнинг моддий қуринишга эга булган активларидир.

**Консигнация** - комитент ёки консигнант деб аталадиган мулкдорни уз товарларини бошқа компания омборларида жойлаштиришдир.

**Бевосита ҳаражатлар** - бу тайёр маҳсулотнинг бирлигини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар, жумладан:



1. Ишлаб чиқаришга таълуқли материал харажатлари ;
2. Асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш хақи ;
3. Ишлаб чиқаришга таълуқли ижтимоий сугуртага ажратмалар;

**Бошқа харажатлар** - Товар-моддий захираларини керакли жойга келтириш билан боғлиқ булган транспорт ва уларни тегишли ҳолатда ушлаб туриш билан боғлиқ булган бошқа харажатлар (тайёр маҳсулотни оմборга ташиб келтириш индивидуал буюртмалар бўйича товарларни конструкция қилиш харажатлари ва бошқалар.

**Ялпи идентификация усули** узаро алмаштирилмайдиган захираларнинг алоҳида моддаларининг алоҳида таннарни шунингдек маҳсул буюртмалар учун мулжалланган ва ишлаб чиқаришган. Харажатларни маҳсул идентификация қилишнинг маъноси маҳсул харажатлар захираларининг алоҳида моддасига олиб борилади.

**Уртача тортилган қиймат усул.** Товар-моддий захиралари харажатлар ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот даври бошида бир типли товар-моддий захиралари бирликлар ва ҳисобот даври давомида сотиш олинган ёки ишлаб чиқарилган бир типли бирликларнинг уртача тортилган қиймати бўйича аниқланади.

**Биринчи харид баҳолари бўйича баҳолаш усули(FIFO--биринчи қирим, биринчи қиким).** Биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннарни биринчи навбатда сотиб юборилган товарларга олиб борилиши керак деган тахминга асосланади.

**Охириги харид нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO-- охириги қирим , биринчи қиким).** Охириги харид қилинган товарларнинг таннарни биринчи навбатда сотилган товарларнинг қийматини аниқлаш учун ҳисобот даврининг охирига булган захираларнинг таннарни эса биринчи навбатда харид қилинган товарлар таннарни асосида ҳисоб қилинади деган тахминга асосланган.

**Соф сотиш қиймати** — товар сотилишининг тахминий қийматидан товарларнинг сотув олди таёргарликлари ва унинг сотилиши харажатларнинг айирмасидир.

## 7-мавзу. Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби.

1. Асосий воситаларни моҳияти турлари ва баҳоланиши.
2. Асосий воситаларни эскириши, емирилиши, амортизацияси тушунчаси ва ҳисоби.
3. Асосий воситаларни келиши ва чикиб кетиши ҳисоби
4. Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш
5. Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари буйича харажатларни ҳисобга олиш

### 1. Асосий воситаларни моҳияти турлари ва баҳоланиши.

Узок муддатли активларга асосий воситалар ва номоддий активлар, шунингдек узок муддатли молиявий қўйилмалар ва капитал қўйилмалар киради.

*Асосий воситалар ва номоддий активлар* деб бир йилдан қупрок фойдали хизмат қилиш муддатига эга бўлган ишлаб чиқариш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мулжалланмаган активларга айтилади.

*Моддий активлар (асосий воситалар)* — жисмоний, табиий қуринишга эга бўлган ва узок муддат фойдаланиладиган активлар бўлиб, уларга ер, бинолар, иншоотлар, ва табиий ресурслар киради.

Моддий активлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Амортизация қилинишига тегишли бўлганлар активлар: масалан бинолар, иншоотлар, ускуналар, мебель, қурилмалар.
2. Емирилишга тегишли бўлган активлар: фойдали қазилмалар, урмон бойликлари.
3. Емирилишига тегишли бўлмаган ёки амортизацияга тегишли бўлмаган активлар бўлиб ЕР ҳисобланади. ЕР (БХХС мувофиқ) амортизацияланмайди. Шунингдек унинг қиймати қамаймайди ва ишлаб чиқариш фаолияти давомида емирилмайди. Ерни қелгусида қийматини ошириш учун қилинган харажатлар ЕР ҳисобига олиб қорилади. ЕР майдонида амалга оширилган қурилиш ишлари харажатлари мос ҳолда бино ёки иншоот ҳисобларида акс эттирилади.

**Ерни ободонлаштириш** - ерни қийматини оширмасдан турли харажатларни амалга оширишни ифодалайди. Ерни ободонлаштиришга қилинган харажатлар ЕР ҳисобига эмас, Ерни ободонлаштириш ҳисобига олиб қорилади. Қелгусида бу харажатлар амортизация қилинади. Бундай харажатларга мисол сифатида ер майдонини тусиқлар билан тусиш, машина тухташ жойларини барпо этиш ва хоказоларни қиритиш мумкин.

Номоддий активлар қуйидаги активлар сифатида аниқланади:

1. Компания фаолиятида фаол қатнашади. Инвестиция сифатида ёки қайта сотиш мақсадида қасқанилмайди.
2. Режа буйича жорий ҳисобот даври тугашидан сунг манфаат қелтиришим қерак.
3. Ҳамма вақт ҳам моддий асосга эга эмас.

Узок муддати активлар фойдали хизмат қилиш муддати давомида даврий амортизация қилинади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобида иккита масала мавжуд:

1. Жорий ҳисобот даврида улар кийматининг қандай қисмини ҳисобдан чиқаришни аниқлаш.
2. Балансда курсатилган кийматни копланишини ҳисоблаш.

Бу масалани ечиш учун 4 та масалага жавоб бериш керак:

- Асосий воситаларнинг бошлангич кийматини қандай аниқлаш керак
- Асосий воситаларнинг бир қисмини харажатларга қандай олиб бориш керак
- Асосий воситаларни таъмирлаш, техник хизмат курсатиш ва улардан фойдаланиш билан боглик харажатлар ҳисобини қандай олиб бориш керак.
- Ҳисобда асосий воситалар ва номоддий активларнинг чиқиб кетишини қандай ифодалаш керак.

Бухгалтерия ҳисобида асосий воситалар турли баҳоларда баҳоланади. Бунинг сабаби, уларни ҳисобда тугри акс эттиришдир. Асосий воситалар корхонада бир неча йил давомида фойдаланилганлиги учун уларни баҳолаш долзарб масаладир.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БХХС)га мувофиқ асосий воситалар киймати деганда қуйидаги тушунча тушунилади:

Асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, ишлаб чиқариш еки ҳолатини яхшилаш билан боглик тугридан-тугри харажатларни жумладан, ундан мақсадли фойдаланиш учун зарур бўлган урнатиш билан боглик бўлган харажатларни уз ичига олади.

Ҳисобда асосий воситалар қуйидаги баҳоларда баҳоланади.

1. **Бошлангич киймат** — бу асосий воситаларни яратиш ( қуриш ва қайта қуриш) еки сотиб олиш бўйича ҳақиқий амалга оширилган харажатлар киймати бўлиб, жумладан туланган ва қайта копланмайдиган солиқлар ва йигимлар, шунингдек ташиб келтириш ва монтаж қилиш, урнатиш ва фойдаланишга топшириш бўйича харажатлар ва активни тайёрланиши бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боглик бўлган бошқа харажатларни уз ичига олади. Асосий воситаларнинг бошлангич киймати инфляция суъратини ҳисобга олган ҳолда маълум даврда қайта баҳоланади. ( Ўзбекистон Республикасида ҳукумат қарорига мувофиқ асосий воситалар киймати оширилади). Қайта баҳолаш натижасидан кейинги асосий воситалар киймати қайта тиклаш киймати деб аталади.
2. **Жорий киймат** — бу маълум санада амал қилаётган бозор баҳолари бўйича асосий воситаларнинг киймати еки узаро манфаатдорлик томонлар уртасида активларни алмаштириш мумкин бўлган суммадир.
3. **Қолдик киймат** — асосий воситаларнинг бошлангич киймати еки жорий кийматидан тупланган амортизация суммасини айирмасидан кейинги ҳисоботда акс эттириладиган кийматдир.
4. **Тугатиш киймати** — бу асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати охирида асосий воситаларни тугатишда пайдо бўладиган кийматдан тахмин қилинаётган чиқиб кетиш харажатларларини айиргандан кейинги тахмий кийматдир.

## **2. Асосий воситаларни эскириши, емирилиши, амортизацияси тушунчаси ва хисоби.**

Бухгалтерия хисоб тамойилларига кура асосий воситаларга уларнинг фойдали муддати давомида эскириш хисобланиши таказо этилади. Бу жараён хисобот даврлари буйича бир текисда таксимланиш оркали амалга оширилиб, хисобда амортизация деб номланади.

Активларнинг хизмат муддатларининг чекланганлигига иккита асосий сабаб мавжуд:

1. Активлар жисмоний эскиришга тегишли.
2. Активлар маънавий эскиришга тегишли.

***Амортизация мидорини хисоблашга таъсир этувчи омиллар:***

1. Бошлангич киймати
2. Колдик киймати
3. Амортизация қилинаётган киймати
4. Тахмин қилинаётган фойдаланиш муддати

***Амортизацияни хисоблаш усуллари***

1. Кийматни бир текисда хисобдан чиқариш усули
2. Бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишда амортизацияни хисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули)
3. Тезлаштирилган хисобдан чиқариш усули :
  - Сонлар йигиндиси буйича кийматни хисобдан чиқариш усули
  - Колдикни камайтириш усули

### **Кийматни бир текисда хисобдан чиқариш усули**

Бу усулга мувофиқ объектнинг амортизацияланадиган киймати унинг хизмат қилиш муддати даври мобайнида бир текисда хисобдан чиқарилади. Ушбу усул амортизация хизмат муддатининг узок давом этишига боғлиқлигига асосланади. Харажатлар бир давр учун амортизация чегирмалар суммаси амортизацияланадиган киймати (объектнинг бошлангич кийматидан унинг тугатиш кийматини айирмаси) объектни эксплуатация қилишнинг хисобот даври сонига бўлиш оркали хисобланади.

**Масалан :** юк машинасининг бошлангич киймати **10 000 сум** , унинг беш йил муддатли эксплуатацияси охиридаги колдик киймати

**1 000 с.** Бу ҳолда ҳар йиллик амортизация суммаси амортизацияланадиган кийматнинг **20 %** ни ташкил қилади еки тугри қизикли хисобдан чиқариш усулига биноан **1 800с** ни ташкил этади. Бу хисоблар қуйидагича бажарилади :

$$\begin{array}{rcl} \text{Бошлангич киймат} & \text{—} & \text{Колдик киймат} & \quad \text{10 000 — 1 000} \\ \hline & & & = \text{-----} = \text{1 800} \\ & \text{Хизмат қилиш муддати} & & \quad \quad \quad 5 \end{array}$$

**Б) Бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишда амортизацияни хисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули )**

Бу усулда амортизация (эскириш) факат эксплуатация натижасидир ва уни хисоблаш жараенида вақт даврлари рол уйнамайди деган фикрга асосланади.

Фараз қилайлик, юкорида суз юритилган юк машинаси , маълум микдорда операциялар бажара оладиган бўлсин, унинг юриш хажми **90 000 км.** хисобланган. Амортизация харажатлари хар бир километрлик учун куйидагича аникланади :

$$\frac{\text{Бошлангич киймат} - \text{Қолдик киймат } 10\,000 - 1\,000}{\text{Тахмин қилинаётган ишлар сони } 90\,000} = \text{-----} = 0.1 \text{ хар км}$$

Агарда фараз қилсак, эксплуатациянинг биринчи йилда юк машинаси **20 000 км.** юрган бўлсин , иккинчи йил — **30 000 км.** , учинчи йил — **10 000 км.** , туртинчи йил — **20 000 км.** ва бешинчи йил — **10 000 км.**, унда амортизация хисоби жадвали куйидаги қуринишда бўлади :

|                         | Бошлан-<br>гич<br>киймат | Юриши<br>км.  | Йиллик<br>амортиза-<br>ция<br>суммаси | Жамгари<br>лган<br>амор-<br>тизация | Баланс<br>киймати |
|-------------------------|--------------------------|---------------|---------------------------------------|-------------------------------------|-------------------|
| <b>Харид<br/>санаси</b> | <b>10 000</b>            | —             | —                                     | —                                   | <b>10 000</b>     |
| <b>1-йил охири</b>      | <b>10 000</b>            | <b>20 000</b> | <b>20 000</b>                         | <b>2 000</b>                        | <b>8 000</b>      |
| <b>2-йил охири</b>      | <b>10 000</b>            | <b>30 000</b> | <b>30 000</b>                         | <b>5 000</b>                        | <b>5 000</b>      |
| <b>3-йил охири</b>      | <b>10 000</b>            | <b>10 000</b> | <b>10 000</b>                         | <b>6 000</b>                        | <b>4 000</b>      |
| <b>4-йил охири</b>      | <b>10 000</b>            | <b>20 000</b> | <b>20 000</b>                         | <b>8 000</b>                        | <b>2 000</b>      |
| <b>5-йил охири</b>      | <b>10 000</b>            | <b>10 000</b> | <b>10 000</b>                         | <b>9 000</b>                        | <b>1 000</b>      |

Бу усулга мувофиқ харажатлар бир объектни тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддатини аниқлашда қулланиладиган иш еки фойдаланиш бирлиги маълум активларга мос қилини керак.

#### **В) Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули :**

##### **• Сонлар йигиндиси бўйича кийматни ҳисобдан чиқариш усули**

Бу усул қандайдир объектни хизмат қилиш йиллари суммаси орқали аникланади ва бу сумма ҳисоблаш коэффициентидан маҳраж бўлиб хизмат қилади. Бу коэффициентнинг суъратида объектнинг хизмат муддати охиригача қолган йиллар сони туради.( тесқари тартибда ).

Масалан, юк машинасининг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил .

Фойдаланиш йиллари суммаси — **15 йил(кумулятив сон):**

$$1+2+3+4+5=15$$

Сунгра , хар бир қасрни **9 000 га (10 000 — 1 000 )**тенг бўлган амортизацияланадиган кийматга қупайтириш йули орқали хар йиллик амортизация суммаси аникланади :

5/15, 4/15, 3/15, 2/15, 1/15

Бу холда амортизация чегирмалари суммаси куйидаги куринишда булади :

|              | Бошлангич киймат | Йиллик амортизация суммаси      | Жамланган амортизация | Баланс киймат и |
|--------------|------------------|---------------------------------|-----------------------|-----------------|
| Харид санаси | 10 000           | —                               | —                     | 10 000          |
| 1-йил охири  | 10 000           | $(5/15 \times 9\,000) = 3\,000$ | 3 000                 | 7 000           |
| 2-йил охири  | 10 000           | $(4/15 \times 9\,000) = 2\,400$ | 5 400                 | 4 600           |
| 3-йил охири  | 10 000           | $(3/15 \times 9\,000) = 1\,800$ | 7 200                 | 2 800           |
| 4-йил охири  | 10 000           | $(2/15 \times 9\,000) = 1\,200$ | 8 400                 | 1 600           |
| 5-йил охири  | 10 000           | $(1/15 \times 9\,000) = 600$    | 9 000                 | 1 000           |

Жадвалдан куриниб турибдики, энг катта амортизация суммаси 1 йилда хисобланади. кейин йилма-йил камаяди. Жамланган амортизация оз-оздан ортиб боради, баланс киймати колдик кийматга етиб бормагунча хар йили амортизация суммасига камайиб боради.

#### • Камайиб борувчи колдик усули

Бу усул сонлар йигиндиси усули тамойилларига асосланган. Бу усулда хар кардай катъий ставка кулланилиши мумкин булса хам ,аммо купинча тугри чизикли усулда фойдаланган нормал ставкага нисбатан икки карра купайтирилган меъёр кулланилади. Бу жараён иккиланган амортизацияда камайиб борувчи колдик усули деб аталади

Олдинги мисолда юк машинасининг фойдали хизмат муддати 5 йилга тенг эди. Тугри чизикли амортизациялаш усулида хар йилги меъёр мос равишда **20% (100% /5)**ни ташкил килади. Камайиб борувчи колдик усулида хисобдан чикаришнинг иккиланган меъёрида амортизация меъёри **40% (20% x2)**га тенг булади. Кайдкилинган ушбу **40%** хар йил охирида баланс кийматига купайтирилади. Амортизацияни хисоблашда тахмин килинаётган колдик киймати, охириги йилдагисидан ташкари хисобга олинмайди.Бу усулни ифодаловчи жадвал пастда келтирилган :

|              | Бошлангич киймат | Йиллик амортизация суммаси       | Жамланган амортизация | Баланс киймат и |
|--------------|------------------|----------------------------------|-----------------------|-----------------|
| Харид санаси | 10 000           | —                                |                       | 10 000          |
| 1-йил охири  | 10 000           | $(40\% \times 10\,000) = 4\,000$ | 4 000                 | 6 000           |
| 2-йил охири  | 10 000           | $(40\% \times 6\,000) = 2\,400$  | 6 400                 | 3 600           |
| 3-йил охири  | 10 000           | $(40\% \times 3\,600) = 1\,440$  | 7 800                 | 2 160           |
| 4-йил охири  | 10 000           | $(40\% \times 2\,160) = 864$     | 8 704                 | 1 296           |



|             |        |                    |       |       |
|-------------|--------|--------------------|-------|-------|
| 5-йил охири | 10 000 | 1 296 — 1 000= 296 | 9 000 | 1 000 |
|-------------|--------|--------------------|-------|-------|

### 3. Асосий воситаларни келиши ва чикиб кетиши ҳисоби

Бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналарнинг сотиб олиш кийматида ташиб келиш, монтаж қилиш, урнатиш, ва фойдаланишга топшириш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради.

Асосий воситаларни сотиб олиш ва фойдаланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар ёки даромад олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар шаклида ҳисобга олинади.

Ҳисобот даври тугагандан кейин ҳам капитал қуйилмалар манфаат келтириши кутилади. Шунинг учун, бундай харажатлар капиталлаштирилади, улар активларни сотиб олиш деб тавсифланади. Ҳисобда активнинг мос келадиган счётининг дебети бўйича ҳисобга олинади. Активнинг капиталлаштирилган киймати жорий ва келгуси даврлар учун амортизация харажатлари деб тан олинади ва ҳисобдан шу йул орқали чиқарилади.

Сотиб олингандан кейин активни фойдаланишга топширишдан олдин активни таёрлашга қилинган барча харажатлар активнинг кийматида қушилади. Ускуналар урнатиш ва реконструкция қилиш харажатлари, бинони модернизация қилиш ва таркибий узгартиришлар ва яъни сотиб олинган ёки фойдаланилаётган активлар билан тугридан - тугри боғлиқ шунга ухшаш харажатлар активнинг бошланғич кийматининг қисми сифатида капиталлаштирилади.

Модернизация вақтидаги устама харажатлар, жумладан сугурта тулови, солиқлар, назорат идораларига туловлар, шунингдек олдин фойдаланишда бўлган активни таъмирлаш билан тугридан - тугри боғлиқ бўлган ёрдамчи харажатлар ҳам капиталлаштирилади. Бу харажатлар активнинг кийматини оширади ва компания учун узок муддатли манфаатларга олиб келади.

Активнинг умумий кутилаётган фойдалилигини оширмайдиган харажатлар капитализация қилинмайди. Олинган активни таъмирлаш билан боғлиқ бўлган шунга ухшаш харажатлар капитализация қилинмайди. Масалан, асосий воситаларни урнатишда пайдо бўлган шикастланишларни таъмирлаш харажатлари капитализация қилинмайди.

Асосий воситалар бир неча йуллар билан сотиб олинади:

1. Пул маблағлари эвазига.
2. Сотиб олувчи корхона капиталининг акцияларга алмашиши орқали.
3. Бошқа субъектлардан ҳадя сифатида.
4. Кредит ҳисобига.
5. Қурилиш йули билан.
6. Бошқа активларга алмашиш билан.

Ерни сотиб олишда, қупинча унинг кийматидан ортиқча бўлган қушимча харажатлар пайдо бўлади. Бу харажатлар Ер счёдида ернинг киймати каби ифодаланади.

**Бир неча активни бир вақтнинг узида умумий суммага сотиб олиш.** Амалиётда паушал усул ёки саватли усул деб номланган бир неча активни бир

вакtda умумий суммага сотиб олиш усули мавжуд. Бундай ҳолларда ҳар бир активнинг дастлабки баҳосини аниқлаш асосий муаммо бўлиб ҳисобланади. Чунки аниқланган қиймат активни эскириши учун асос бўлиб ҳисобланади. Саватли усулда сотиб олинган активларнинг ҳар бирини қиймати аниқланиши ва мос счётга олиб борилиши керак. Масалан ерни баҳолаш бўйича харажатлар фақат ер счётига олиб борилиши керак. Қолган суммалар белгиланган ҳолда бошқа активларга тақсимланади.

Асосий воситаларни сотиб олингандан кейин уни сақлаб туриш учун харажатлар қилинади. Бу харажатлар 4 асосий категорияларга бўлинади :

1. Ишчи ҳолатида сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш
2. Яхшилаш
3. Қушимчалар киритиш
4. Қайта қуриш ва бошқариш

Сақлаб туриш ва жорий таъмирлашларнинг харажатларини ҳисоблашда 2 усулдан фойдаланилади :

— **пайдо бўлиши бўйича ҳисобга олиш усули** — бу бўйича харажатларни уларга зарурат пайдо бўлганда ҳисобга олишни ва харажатларни бутун давр давомида тақсимлашни назарда тутади.

— **тақсимлаш усули** — бу усулдан фойдаланиб жорий таъмирлаш систематик характерга эга бўлган ва ҳажм бўйича учун аҳамиятли бўлганда тавсия қилинади. Бу усулдан фойдаланилганда жорий йилда қутилаётган таъмирлаш учун тахмин қилинаётган харажатларнинг умумий ҳажми баҳолари сунгра вақт ёки ишлаб чиқариш ҳажми асосида вазиятдан келиб чиққан ҳолда тақсимиланади. Асос бўлиб вақт хизмат қилган ҳолда харажатлар бир оралик давр учун таъмирлаш ва сақлаб туриш суммаси аниқланади.

Тахмин қилинаётган сумма учун асосий воситалар ҳисобварагида контур ҳисобвараги очилади. Жорий таъмирлаш ва сақлаб туришнинг ҳақиқий харажатлари контур ҳисобварагида акс эттирилади.

## **КЕЙИНГИ КАПИТАЛ КУЙИЛМАЛАР.**

Асосий воситаларларга килинган капитал куйилмалар активнинг баланс кийматига кушилади, қачонки капитал куйилмалар активнинг ҳолатини бошлангич баҳоланган норматив курсаткичларидан юқорирок даражада яхшилаб келгусида иқтисодий манфаатни ошишига олиб келадиган эҳтимоли мавжуд бўлса. Яхшиланиши натижасида иқтисодий манфаатдорликни ошишига олиб келувчи мисоллар бўлиб, қуйидагилар хизмат қилади :

1. Активнинг фойдали фаолияти муддатини узайтириш билан бирга қувватини ошириш мақсадида реконструкция қилиш
2. Ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш мақсадида, ушбу ишлаб чиқариш ускунасининг қисмларининг сифатини ошириш
3. асосий фаолиятнинг дастлаб баҳоланган харажатлари қамайтиришга олиб келадиган янги ишлаб чиқариш жараёнларини қўллаш

Бошқа барча капитал куйилмалар, улар амалга оширилган даврда харажатлар сифатида тан олинishi керак. Мисол учун: Асосий воситаларни таъмирлаш еки техник хизмат курсатиш, корхона қўтаётган дастлабки баҳоланган меъёрий курсаткичлар бошлангич даражасидаги иқтисодий манфаатларни ушлаб туриш еки қайта тиклаш учун амалга оширилади.

**Капитал харажатлар еки капитал куйилмалар деб** — асосий воситаларни ва бошқа узок муддатда фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларга айтилади. Ускуналарни таъмирлаш еки хизмат курсатиш ёқилги сотиб олиш харажатлари, яъни корхона фаолияти учун зарур бўлган барча харажатлар капитал харажатларга еки чиқимга киритилади, чунки улар ушбу ҳисобот даврида даромад олиш учун килинган харажатларни ифодақайди.

**Капитал куйилмалар** — бу баланснинг активлар қисмида акс ёттирилган харажатлардир ва бухгалтерия нуктаи назаридан харажатлар ҳисобланмайди.

**Харажатлар ёса** — бу чиқим деб тан олинади ва таннархга олиб борилади.

Асосий воситаларни, табиий ресурсларни, номоддий активларни сотиб олишдан ташқари капитал куйилмалар уз ичига асосий воситаларнинг усиши ва яхшиланишини олади.

**Асосий воситаларнинг ошиши деб** — ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний кенгайиши ҳисобланади. агарда бинога янги қанот қурилса ва бир неча йилдан сунг, бу харажатлардан даромад олиш қутилса, бу қанотларни қуришга кетган харажатлар “бино” ҳисобварақ дебетида акс ёттирилади. Одатдаги харажатларга жорий таъмирлаш, хизмат курсатиш, мойлаш, тозалаш, қараб туриш туловлари яъни усқунани ишчи ҳолатида ушлаб туриш учун зарур бўлган харажатлар қиради.

Асосий воситалар қуйидагича усқуларда чиқим қилинади:

1. Тугатиш
2. Сотиш
3. Алмаштириш
4. Қайтармаслик шарти билан бериш
5. Пай бадали қуринишида бериш

Хисобдан чикариш керак булган активнинг ҳолатига объектнинг бошлангич киймати ва унинг хизмат муддатида хисобланган амортизация мос булган бухгалтерия хисобварагида хисобдан чикарилади. Объектнинг баланс киймати ва унинг сотилишидан тушган тушумнинг фарқи молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда фойда ва зарар моддасида ифодаланади.

Мисол :Агар асосий воситанинг бошлангич киймати 6500\* ,эскириши 46508 булса, учун сотилаётганда уртадаги фарқ суммасига пул келиб тушганда куйидагича бухгалтерия ёзуви ёзилади:

|    |                       |      |
|----|-----------------------|------|
| Дт | пул маблаг            | 1850 |
| Дт | жамланган амортизация | 4650 |
| Кт | ускуна                | 6500 |

Агар асосий восита 1000 га сотилган булса, учун ҳолда курилган зарарга куйидагича бухгалтерия ёзуви берилади :

|    |                           |      |
|----|---------------------------|------|
| Дт | Пул маблаг                | 1000 |
| Дт | Жамланган амортизация     | 4650 |
| Кт | хисобдан чикаришдан зарар | 850  |
| Кт | ускуна                    | 6500 |

Агар асосий восита 2000 га сотилган булса, учун ҳолда куйидагича бухгалтерия ёзуви берилади :

|    |                                      |       |
|----|--------------------------------------|-------|
| Дт | Пул маблаглари                       | 2 000 |
| Дт | Жамланган амортизация                | 4650  |
| Кт | Хисобдан чикарилгандан олинган фойда | 150   |
| Кт | ускуна                               | 6500  |

#### 4.Номоддий активларни туркумлаш ва баҳолаш

**Номоддий активлар** — ҳужалик юритувчи субъект томонидан фойдаланиш учун сакланадиган, узок муддатли давр давомида фойдаланиш учун сотиб олинадиган ва оддий фаолият давомида сотиш учун мулжалланмаган активлардир. Номоддий активлар жисмоний куринишга эга булмаган асосий воситалар сифатида белгиланади. Уларнинг киймати эгасига узок муддатли ҳуқуқ ва устунликлар беришда намоён булади.

Номоддий активларнинг туркумланиши куйидагичадир. Энг куп тарқалган номоддий активлар булиб, лицензиялар, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, компьютер дастурий таъминоти, миқозларнинг руйхати, иимпорт квоталари, ноу-хаулар, франшизалар, савдо маркалари, ташкилий харажатлар ва муддати узайтирилган харажатлар ва гудвиллар хисобланади Номоддий активларнинг куйида тавсифи келтирилган:

**ПАТЕНТ** — ҳуқуқий тан олинган ва руйхатдан утказилган мутлоқ ҳуқуқ. Патент ҳуқуқи узининг эгасига патентга таалукли булган буюмни, жараённи ёки фаолиятни фойдаланиш, ишлаб чикариш, сотиш ва назорат килиш ҳуқуқини беради. Бунда четдан бошка шахслар бевосита аралаша олмайди.

**САНОАТ ДИЗАЙНИНИ РУЙХАТДАН УТКАЗИШ** — Бу ишлаб чикарилган буюмнинг шакли, намунаси ёки безакларига нисбатан берилган

патентга ухшашдир. Саноат дизайнини руйхатдан утказишда ташки куриниш химоя воситасининг вазифасини бажарса, патент хизмат курсатишни химоя кила олади. Масалан, компания терминалининг янги дизайни дизайнни руйхатдан утказиш билан химояланади. Компьютер эса патент билан химояланади.

**МУАЛЛИФЛИК ХУКУКИ** — бу муаллифларга адабиёт, мусика, тасвирий санъат ва бошқа яратилган асарлар учун конун йули билан берилган химоя шаклидир. Муалифлик ҳукуки эгаларига бериладиган ҳуқуқлар — уз ишларини чоп эттириш, қайта босиш, ва купайтириш, сотиш ва нусхаларини тақсимлаш ва уз асарларини ижро этиш ҳамда ёздириш ҳуқуқларини беради.

**САВДО МАРКАСИ ВА САВДО НАМУНАЛАРИ.** Савдо маркалари (Масалан : нестле , адидас) ёки савдо намуналари (кока- кола) компаниялар томонидан махсулот ёки хизмат учун берилган номлар ёки идентификацияни аниқловчи бошқа размлар улар эгалик қилишни асосли равишда олиб бориш учун руйхатдан утказилиши мумкин . Руйхатдан утилган савдо маркалари ва савдо намуналари учун ноаниқ даврларга муддатни узайтириш йули билан енгилланиши мумкин. Бу ҳолда номлар рамзлар ёки махсулот идентификациясини белгиловчи бошқа рамзлар юридик ҳисобланади.

**ФРАНШИЗАЛАР** — маълум бир формула, технология ёки ташки куринишини куллаш бўйича узига хос ҳуқуқ. Франшизалар (масалан : кабель телевиденияси компанияси) одатда ҳуқумат органлари томонидан давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш ёки коммунал хизмат курсатиш (электромонташ ) учун ва ҳужалик субъектлари томонидан конкрет бир ишлар ва конкрет хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан эгалик қилиш учун тақдим қилинади. Франшиза тугрисидаги ҳар бир контракт франшизанинг амалда булиш даврини, шунингдек франчайзор (фойдаланиш ҳуқуқига имкон берувчи субъект) нинг ҳамда франчайзи (бу имтиёзни оловчи субъект )нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конкрет белгилаб берилади.

**ТАШКИЛИЙ ХАРАЖАТЛАР** - бу фаолиятни ташкил қилишга кетган харажатлардир. Ташкилий харажатларнинг базилари тугридан-тугри капитализацияланади. Бундай харажатларга мисол тарикасида ҳуқуқий масалалар бўйича, бухгалтерия бўйича, канцелярия товарлари учун қилинган харажатларни келтириш мумкин. Ташкилий харажатларни капитализация қилишнинг сабаби, улар келгусида даромад келтиради. Барча харажатларни биринчи йилда ҳисобдан чиқариш харажатлар ва даромадларнинг мувофиқлик тамойилига путр етказди. Шунинг учун ташкилий харажатлар одатда эркин танлаб олинган қиска давр ичида амортизация қилинади.

**ГУДВИЛ** - ноаниқ номоддий актив. У энг куп тарқалган ва муҳим номоддий актив ҳисобланади. Гудвил компаниянинг ижобий характеристикаларидан келиб чиқадиган қиймат бўлиб, компаниянинг аниқ активларидан қутилаётган даромадларнинг қушимча равишда купайтиришга хизмат қилади. Компаниянинг узи томонидан юзага келтирилган гудвил актив сифатида акс эттирилмайди. Чунки бу компания сотиб олинаётганда сотиб олиш баҳоси ва компания активларининг ҳақиқий баҳоси уртасидаги фарқ сифатида юзага чиқади. Гудвил асосан компаниянинг оддий курсаткичларидан юқори бўлган молиявий

курсаткичларининг тахмин килинаётган кийматини акс эттиради. Бу тахминлар компания еки унинг операцион мухитига алокадор булган номоддий ижобий тавсифлар еки омиллар бундай даромадлар олишига ишонч тугдиради. Улар компаниялар учун уртачадан юкори булади.

Аъло даражадаги рахбар жамоаси, сотиш жараёнини аъло даражада ташкил килиниши, ута самарали реклама, ишлаб чиқишдаги махфий жараён, мутлак даражада яхши меҳнат муносабатлари юкори ишонч рейтинги, ходимларни тайёрлашнинг илгор дастури ва хоказолар. Хисобга олиш максатида гудвилнинг куйидагилар фарқи сифатида караш мумкин :

1. Компаниянинг сотиб олинган хакикий бахоси

2. Идентификацияланадиган соф активларнинг бозордаги бахоси

Салбий гудвил - сотиб олинган соф активларнинг хакконий киймати компаниянинг харид кийматидан юкори булса пайдо буладиган фарқ сифатида номоён булади. Бу сотиб олаётган компания учун кулай хариддир. Бундай холларда моддий активлар кийматлари шу даражага камайтирилиши лозимки, бунда салбий гудвилга урин колмаслиги керак.

Номоддий активларни сотиб олиниши бухгалтерия хисобида худди асосий воситаларни сотиб олишни акс эттиришдек курсатилади. Сотиб олишда номоддий активларнинг узига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Номоддий активларни сотиб олишда унинг кийматини аниклаш асосий муаммо булиб хисобланади. Бу киймат таркибига номоддий активни сотиб олиш, келтириш, шунингдек урнатиш харажатлари асосида шакллантирилади.

**Номоддий активларни хисобда куйидагича бахоланади.**

**1. Харид килиш усули.** Номоддий активларни сотиб олиш асосий воситаларни сотиб олишдан фарқ килмайди. Хисобда харид усули асосий воситалардагидек акс эттирилади.

**2. Идентификацияланиш.** Айрим номоддий активлар фирманинг бошка активларига караганда алохида идентификацияланиши мумкин. Масалан, патентлар, савдо маркалари ва франшизалар. Бирок айрим номоддий активларни алохида идентификацияланиши мумкин эмас, аксинча уларнинг киймати фирманинг бошка активлари билан узаро алокадорлиги туфайли ошади. Масалан, гудвил миждозлар ишончи ёки ходимлар малакасининг даражасидан келиб чикиб асосланиши мумкин.

**3. Бахолаш.** Бахолаш тамойилига асосан номоддий активлар сотиб олиш вақтида сотиб олиш кийматида акс эттирилиши керак. Сотиб олиш киймати активларни сотиб олиш жараёнида амалга ошириладиган барча харажатларни уз ичига олади. Жумладан, сотиб олиш бахоси, патент буйича харажатлар, ҳукукий харажатлар ва сотиб олиш билан боғлиқ булган бошка харажатлар.

**Сотиб олиш киймати** — жами туловлар умумий суммасининг ёки олинган активларнинг жорий бозор кийматидир (кайси бирини аниқроқ хисоблаш мумкин булса).

Базида номоддий активлар тула ёки қисман бартер асосида пул ишлатилмасдан харид килинган булиши мумкин. Бунда номоддий активнинг жами киймати пул воситасида туланган сумма ва пулсиз туловнинг жорий бозор



нархидан иборат булади. Агар бу нархларни аник белгилаш имкони булмаса, сотиб олинган номоддий активлар бозор нархлари асосида аникланади.

Агар номоддий активлар хужалик юритувчи субъект томонидан юзага келтириладиган ва унга кетаётган харажатни ҳисоблаш мумкин булса, унда номоддий активлар ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Номоддий активларнинг қийматини аниклаш мумкин булмаса, у алоҳида тарзда актив сифатида курсатилмайди.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ер, бино, жихозлар каби моддий активларга кулланиладиган айнан бир хил тамойил ва жараёнларни уз ичига олади. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- -харид қилиб олишда таннарх тамойилини куллаш;
- -фойдаланиш даврида мувофиқлик тамойилини куллаш;
- -ҳисобдан чиқариладиганда даромадни эътироф этиш.

Номоддий активлар харид қилиб олинишида таннарх тамойилини кулланилиши ҳисобда уларнинг таннархини тугри аниклаш имконини беради. Шунингдек, танрхнинг таркибига асоссиз харажатларни киритилишини олдини олади.

Номоддий активнинг фойдаланиш муддати давомида у бўйича қилинаётган харажатлар ва олинаётган даромадлар уз вақтида мувофиқлик тамойилига асосан ҳисобга олиниши керак.

Номоддий активни ҳисобдан чиқариладиганда у бўйича олинаётган фойда ёки зарар эътироф этилиши керак. Олинadиган фойда ёки зарар ҳисобдан чиқариш натижасида қилиб тушган пул маблағи билан номоддий активнинг баланс қиймати уртасидаги фарқдан иборат.

### **Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш тартиби.**

Номоддий активларнинг қиймати активнинг амал қилиш муддати ёки активнинг тахмин қилинаётган хизмати давомида мунтазам равишда ҳисобдан чиқариб борилиши керак. Бу жараён номоддий активларнинг амортизацияси деб аталади. Номоддий активнинг тахмин қилинаётган хизмат қилиш муддати ноаниқ булса, унга амортизация 5 йил давомида ҳисобланади.

Хизмат қилиш муддатининг узғариши номоддий активлар ҳисобига таъсир қилади. Агар хизмат муддати узайтирилган булса, амортизация қилинмай қолган қиймат қолган давр давомида амортизация қилинади.

Гудвил амортизацияси узининг хусусиятига эга. Гудвилни аста-секинлик билан емирилишини ҳисобга олган ҳолда, фойдали хизмат курсатиш муддати давомида ундан иктисодий самара олиш даврида амортизация қилиниши лозим. Амортизация даромадлар ва харажатларни оқилона тарзда мос тушишига олиб келади деб ҳисобланади. Афсуски, гудвилнинг хизмат қилиш муддатини ҳисоблаш анча мушкул ҳолатдир. Шунинг учун гудвилни 5 йил муддат ичида амортизация қилиш тавсия этилади.

5. Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари буйича харажатларни ҳисобга олиш

Илмий текшириш ишлари- бу янги илмий ёки техник билимлар олиш мақсадида режалаштирилган изланишлардир. Бу турдаги изланишлар муайян мақсад ёки фойдаланишга йуналтирилади.

Тажриба конструкторлик ишлари- бу илмий тадқиқот изланишлари натижалари ёки бошқа билимларни ёки янги ёхуд такомиллаштирилган материаллар, асбоблар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ва хизматларни режалаштириш ҳамда жорий қилишдир. Ишланмалар уз ичига тадқиқот маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва текширишни, шунингдек тарихи корхоналаридан фойдаланишни олади. У бозорни таҳлил қилиш ва бозорда товарларни текширишни ҳам уз ичига олади.

Илмий текшириш ишланмалари буйича сарфлар улар юзага келган ҳисобот даврида харажат деб тан олинади ва улар активлар таркибига киритилмаслиги лозим.

Тажриба конструкторлик ишланмалари буйича харажатлар актив деб тан олинishi учун қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- \*маҳсулот ёки жараён катъий белгиланган ва харажатлар аниқланиши мумкин бўлмаган тақдирда.

- \*маҳсулот ёки жараённинг техник асосланиши аниқланган ҳолатда.

- \*корхона маъмурияти маҳсулот ва жараёнларни ишлаб чиқариш ҳамда бозорда сотиш ёки улардан фойдаланиш мақсадларини номоён қилганда

- \*маҳсулот ёки жараён учун мулжалланган келгуси сотиш бозори ёхуд ички фойдаланиш аниқ белгиланган бўлса.

- \*Лойихани тугатиш учун мувофиқ ресурслар мавжуд бўлган тақдирда.

Агар тажриба конструкторлик ишланмалари буйича харажатлар актив деб тан олинishi учун юқоридаги мезонлардан бирига жавоб бермаса ва келгусида иқтисодий самара олинishi қутилмаётган бўлса, бу харажатлар ҳисобот даврида харажат деб тан олинади.

### ***Компьютер дастурий таъминотида харажатларни ҳисобга олиш.***

Компьютер дастурларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби тармокнинг кенгайиб бориши ва амалиётда ишлаб чиқарилган янги ҳисоб жараёнларини пайдо бўлиши билан ута муҳим аҳамият касб этади.

Компьютер дастурлари ва уларни такомиллаштиришга килинган инвестициялар компьютер дастурий таъминоти билан шугулланувчи корхоналарда бош активлар сифатида курилади. Компьютер дастурий таъминотига харажатларни капитализациялаштириш, сотиш еки кенг фойдаланиш учун ижарага беришга мулжалланган компьютернинг дастурий таъминотини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар харажатларнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Ҳисобга олишда асосий масала бўлиб, дастурий таъминот пакетларини такомиллаштиришда амалга оширилган қандай харажатлар ҳисобдан чиқарилиши ва қандайлари капитализациялаштирилиши кераклигига аҳамият берилади.

#### **АСОСИЙ ҚОИДАЛАР:**

1. Сотиш еки ижарага бериш учун мулжалланган компьютер дастурий таъминотини ишлаб чиқаришга кетган барча харажатлар, илмий тадқиқотлар ва ишланмалар харажатлари ҳисобланади ҳамда ҳисобдан чиқарилиши лозим.
2. Техник иктисодий асослашни утқизиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг асл нусхаларини ишлаб чиқаришга кетган харажатлар сармоялаштирилиши зарур. Бу харажатларга кодлаш ва техник иктисодий асослашни утқизиш учун текширув қиради.

#### **ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИШЛАРИНИНГ АМОРТИЗАЦИЯСИ**

Илмий текшириш ишлари бўйича харажатлар актив деб тан олинганда, уларнинг суммаси бир тартибда амортизация қилиб борилиши лозим. Амортизация технология ёки маҳсулотни сотишга ёки фойдаланишга тайёр бўлган вақтдан бошланиб хизмат қилиш муддати ёки тан олинган вақтдан бошлаб 5 йил ичида ҳисоблаб борилади.

Дастурий таъминотига сармоялаштирилган харажатлар амортизацияси:

Стандарт компьютернинг дастурий таъминотига капитализациялаштирилган харажатларнинг амортизациясини ҳисобга олишни батафсил таърифлаб беради. Амортизациянинг йиллик суммаси дастурий таъминотини фойдали амал қилиш муддати давомида бир маромдаги амортизацияни ҳисоблаш усулини қуллаш билан аниқланади.

Табиий ресурслар шунингдек емириладиган активлар ҳам деб аталади. Бу дегани харажатлар жисмоний йул билан қазилма жараёнида олиб борилади. Емириладиган активлар жумласига урмонзорлар, нефть, табиий газ ва бошқа олтин, қумуш, мис ва минерал қазилма турлари қиритилиши мумкин. Бу табиий бойликларни ҳисобга олиш қийин. Бунга қуйидаги 2 та муаммони келтириш қифоя.

1. Табиий ресурслар қийматини аниқлаш  
Агар улар ишлаб чиқарилган бўлса, (сотиб олишдан фарқли равишда)
2. Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда қийматини ҳисобдан чиқариш (амортизация)

Табиий ресурслар кийматини аниклаш биринчи галда табиий ресурслар кийматини акс эттириши учун номоддий активга кандай конкрет харажатлар сармояланиши кераклигини аниклаш масаласини хал килишни талаб килади.

Хисобот даври давомида ишлатиладиган табиий ресурслар киймати емирилиши деб аталади. Емирилиш ахволни аник курсатади. Бу атама ресурслар фойдаланганлигини билдиради.

Емирилиш базаси - бу номоддий активлар сифатида сармояланган пул суммаси демакдир. У табиий ресурсларни казиб олиш давомида амортизация килинади. Сармояланган кийматининг бу суммаси табиий ресурсларни казиб олиш даврининг охиригача унинг урни копланмайди. Колдик киймат активнинг базасини аниклашга таъсир килади. Колдик киймат ижобий еки салбий булиши мумкин.

Ижобий колдик киймати активнинг емирилиш базасини аниклаш сармояланган кийматдан чиқариб ташланади.

Салбий колдик киймати куйида курсатиб утилган :

Салбий колдик киймати шундай вақтда кулланиладики, қачонки компания табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини олса ва табиий ресурслар ер остидан олингандан сунг қушимча харажат килинган бўлсин. Масалан , фараз қилайлик, компания жамоат майдонидаги урмон бойликларини кесиб олиш ҳуқуқини сотиб олди. Урмонни кесиб олиш ҳуқуқи 10 млн. туради. Барча дарахтларни кесгандан сунг контракт бўйича компаниядан 10 000 таъминоти дарахт низолини утқизиш талаб килинади. Янги дарахтларни утқизиш киймати 2 млн. сумга баҳоланган. Келгусидаги 2 млн.сум емирилишни ҳисоблаш учун салбий колдик киймати ҳисобланади.

Агар компания урмоннинг 500 млн. кв.км.ни кесиш ва урмонни ёғоч материалларига ишлатишни режалаштирса , унда материал бирлигига тугри келадиган емирилиш ҳисоб - китоби куйидагича бўлади:

#### Емирилиш базаси

Емирилиш бирл. меъёри = -----=

Кидириб топилган казилманинг смета киймати

12 000 000

= ----- = 0,024 сум/ кв.м

500 000 000

Емирилаётган активни ишланмага тайёрлашдаги ҳар қандай чиқим емирилиш базасига қушилади. Компания биринчи йили 100000000 кв.м. , иккинчи йили 250000000 кв.м., 150000000кв.м. урмонни кесиб олди. Унда куйидаги бухгалтерия ҳисоби ёзувлари берилади.

Дарахтларни кесиб олиш ҳуқуқини сотиб олинишига:

Д-т Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи 10000000

К-т Пул маблағлари 10000000

1 йилдаги емирилиш учун:

Д-т Асосий ишлаб чиқариш 2400000

|                           |         |
|---------------------------|---------|
| К-т Жамланган емирилиш    | 2400000 |
| 2 йил учун емирилиш учун: |         |
| Д-т Асосий ишлаб чиқариш  | 6000000 |
| К-т Жамланган емирилиш    | 6000000 |
| 3 йил учун емирилиш учун: |         |
| Д-т Асосий ишлаб чиқариш  | 3600000 |
| К-т Жамланган емирилиш    | 3600000 |

Уч йилдан сунг номоддий активнинг баланс киймати куйидагича хисобланади:

|                                                                                      |           |
|--------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукуки                                          | 10000000  |
| Минус Жамланган емирилиш                                                             | -12000000 |
| Соф баланс киймати                                                                   | -2000000  |
| Компания ниҳолларни утказиш харажатларини тулаганда куйидаги ёзув амалга оширилади:  |           |
| Д-т Жамланган емирилиш                                                               | 2000000   |
| К-т Пул маблағлари                                                                   | 2000000   |
| Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳукукининг соф баланс киймати нолга тенг бўлди. |           |

### Таянч иборалар

**Асосий воситалар ва номоддий активлар** деб бир йилдан купрок фойдали хизмат килиш муддатига эга бўлган ишлаб чиқариш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мулжалланмаган активларга айтилади.

**Моддий активлар (асосий воситалар)** — жисмоний, табиий қуринишга эга бўлган ва узок муддат фойдаланиладиган активлар бўлиб, уларга ер, бинолар, иншоотлар, ва табиий ресурслар қиради.

1. **Ерни ободонлаштириш** - ерни кийматини оширмасдан турли харажатларни амалга оширишни ифодалайди. Ерни ободонлаштиришга қилинган харажатлар Ер счётига эмас, Ерни ободонлаштириш счётига олиб борилади.
2. **Бошлангич киймат** — бу асосий воситаларни яратиш (қуриш ва қайта қуриш) еки сотиб олиш бўйича ҳақиқий амалга оширилган харажатлар киймати бўлиди.
3. **Жорий киймат** — бу маълум санада амал қилаётган бозор баҳолари бўйича асосий воситаларнинг киймати еки узаро манфаатдорлик томонлар уртасида активларни алмаштириш мумкин бўлган суммалар.
4. **Қолдик киймат** — асосий воситаларнинг бошлангич киймати еки жорий кийматидан тупланган амортизация суммасини айирмасидан кейинги ҳисоботда акс эттириладиган кийматдир.
5. **Тугатиш киймати** — бу асосий воситаларнинг фойдали хизмат қилиш муддати охирида асосий воситаларни тугатишда пайдо бўладиган кийматдан тахмин қилинаётган чиқиб кетиш харажатларларини айиргандан кейинги тахминий кийматдир.

**Кийматни бир текисда хисобдан чикариш усули** Бу усулга мувофиқ объектнинг амортизацияланадиган киймати унинг хизмат килиш муддати даври мобайнида бир текисда хисобдан чикарилади.

**Бажарилган ишлар хажмига пропорционал равишда амортизацияни хисоблаш усули (ишлаб чикариш усули)** Бу усулда амортизация (эскириш) факат эксплуатация натижасидир ва уни хисоблаш жараенида вақт давлари рол уйнамайди деган фикрга асосланади.

**Тезлаштирилган хисобдан чикариш усули: Сонлар йигиндиси буйича кийматни хисобдан чикариш усули** Бу усул қандайдир объектни хизмат килиш йиллари суммаси орқали аникланади ва бу сумма хисоблаш коэффициентида маҳраж бўлиб хизмат қилади. Бу коэффициентнинг суъратида объектнинг хизмат муддати охиригача қолган йиллар сони туради.( тесқари тартибда ).

**Қамайиб боровчи қолдиқ усули** Бу усул сонлар йигиндиси усули тамойилларига асосланган. Бу усулда ҳар қардай қатъий ставка қўлланилиши мумкин бўлса ҳам ,аммо қўпинча тугри қизикли усулда қўйдаланган нормал ставкага нисбатан икки қарра қўпайтирилган меъёр қўлланилади. Бу жараён иккиланган амортизацияда қамайиб боровчи қолдиқ усули деб аталади

**Пайдо бўлиши буйича хисобга олиш усули** — бу буйича қаражатларни уларга зарурат пайдо бўлганда хисобга олишни ва қаражатларни бутун давр давомида тақсимлашни назарда тутати.

**Тақсимлаш усули** — бу усулдан қўйдаланиб жорий таъмирлаш систематик қарақтерга эга бўлган ва қажм буйича учун ақамиятли бўлганда тақсия қилинади.

**Қапитал қаражатлар еки қапитал қўйилмалар деб** — ақосий воситаларни ва бошқа узок муддатда қўйдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боғлиқ бўлган қаражатларга айтилади.

**Қапитал қўйилмалар** — бу балансинг активлар қисмида ақс эттирилган қаражатлардир ва бухгалтерия нуқтаи назаридан қаражатлар хисобланмайди.

**Қаражатлар эса** — бу қиким деб тан олинади ва таннархга олиб қорилади.

**Ақосий воситаларнинг ошиши деб** — ишлаб қикариш қувватларининг жисмоний қенгайиши хисобланади. агарда бинога янги қанот қурилса ва бир неча йилдан сунг, бу қаражатлардан даромад олиш қутилса, бу қанотларни қуришга қетган қаражатлар “бино” хисобқарак дебетида ақс эттирилади.

**Номоддий активлар** — ҳужалиқ юритувчи субъект томонидан қўйдаланиш учун сақланадиган, узок муддатли давр давомида қўйдаланиш учун сотиб олинадиган ва оддий фаолият давомида сотиш учун мулжалланмаган активлардир.

**ПАТЕНТ** — ҳуқуқий тан олинган ва руйхатдан утқазилган мутлок ҳуқуқ.

**Саноат Дизайнини Руйхатдан Утқазиш** Бу ишлаб қикарилган буюмнинг шакли, намунаси ёки безақларига нисбатан берилган патентга ухшашидир. Саноат дизайнини руйхатдан утқазишда ташки қуриниш химоя воситасининг вазиқасини бақарса, патент хизмат қурсатишни химоя қила олади.

**Муаллифлик Ҳуқуқи** — бу муаллифларга адабиёт, мусика, тақвирий санъат ва бошқа яратилган асарлар учун қонун йули билан берилган химоя шаклидир.

**Савдо маркаси ва савдо намуналари.** Савдо маркалари (Мақалан : нестле , адидас) ёки савдо намуналари (қоқа- қола) қомпаниялар томонидан мақсулот ёки



хизмат учун берилган номлар ёки идентификацияни аниқловчи бошқа размлар улар эгалик қилишни асосли равишда олиб бориш учун руйхатдан утказилиши мумкин.

**Франшизалар** — маълум бир формула, технология ёки ташки қурилишини қўллаш бўйича узига хос ҳуқуқ.

**Ташкилий Харажатлар** - бу фаолиятни ташкил қилишга кетган харажатлардир. Ташкилий харажатларнинг базилари туғридан-туғри капитализацияланади.

**Гудвил** - ноаниқ номоддий актив. У энг қўп тарқалган ва муҳим номоддий актив ҳисобланади.

**Харид қилиш усули.** Номоддий активларни сотиб олиш асосий воситаларни сотиб олишдан фарқ қилмайди. Ҳисобда харид усули асосий воситалардагидек акс эттирилади.

**Идентификацияланиш.** Айрим номоддий активлар фирманинг бошқа активларига қараганда алоҳида идентификацияланиши мумкин. Масалан, патентлар, савдо маркалари ва франшизалар.

**Сотиб олиш қиймати** — жами туловлар умумий суммасининг ёки олинган активларнинг жорий бозор қийматидир (қайси бирини аниқроқ ҳисоблаш мумкин бўлса).

**Компьютер дастурий таъминотида харажатларни ҳисобга олиш.**

Компьютер дастурларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби тармокнинг кенгайиб бориши ва амалиётда ишлаб чиқарилган янги ҳисоб жараёнларини пайдо бўлиши билан ута муҳим аҳамият касб этади.

**Илмий текшириш ишларининг амортизацияси** Илмий текшириш ишлари бўйича харажатлар актив деб тан олинганда, уларнинг суммаси бир тартибда амортизация қилиб борилиши лозим.

## 8-мавзу. Ижара ва инвестиция хисоби.

- 1.Ижара тушунчаси ва турлари
2. Ижара муомалалари хисоби
3. Инвестициялар таърифи ва турлари
4. Инвестицияларни баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби

### 1.Ижара тушунчаси ва турлари

**Ижара (лизинг)** -- активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошка томонга (ижарага олувчига) маълум бир вақт ичида тулов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши бўйича битимга айтилади.

Ижара 2 хил бўлади : **операцион** ва **молиявий** .

**Операцион ижара** битими бўйича бино ва асбоб - ускуналарни киска вақтга (бир кундан бир йилгача еки купрокка ) ижарага бериш кузда тутилади. Ижарага берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва ижарани амалга ошириш бўйича барча харажатларни ижара тулови ҳисобига амалга оширади. (Масалан: соликлар ва мулк сугуртасини тулашни уз зиммасига олади). Шу сабабли операцион ижарада ижара туловлари ставкаси юкори бўлади.

**Молиявий ижара** - бу активларга эгалик қилиш ҳуқуқи билан боглик булган таваккалчилик ва мукофотлар, активларни ишчи ҳолатда саклаб турадиган ижарачига утказиладиган ижарага айтилади. Молиявий ижара битими бўйича ижара олувчи ҳамма харажатларни узи коплайди. БХХСга мувофик куйидаги шартлардан бирига мос келадиган ижара молиявий ижара ҳисобланади:

1. Ижаранинг муддати тугагач ижара оркали активларга эгалик қилиш ҳуқуқи ижарачига утказилади.
2. Ижара активларни бозор нархидан пастрок нархда харид қилиш имкониятини беради.
3. Ижара муддати активнинг фойдали ишлатиш муддатининг купрок қисмини ташкил этади (Масалан, 75% еки купрок).
4. Ижара бошида жорий минимал ижара туловлари ижарага олинганмулкнинг ижаранинг бошланиш санасида бозор нархидан катта еки унга тенг булса.

**№6 БХМС “Лизинг ҳисоби”** га мувофик, юкорида келтирилган мезонлардан ташқари қушимча яна 3 та мезон киритилган :

5. Ижара муддати 12 ойдан ошиши лозим.
6. Ижара муддати тугаши санасида ижара объектларининг колдик қиймати ижара бошланишидаги қийматининг 20 %идан камини ташкил этади.
7. лизингнинг бутун муддати давомидаги туловларнинг жорий қиймати ижара объекти қийматининг 90 % идан ортик булса.

Ижарани ижарага берувчи ва ижарачитомонларидан бир хил тушунилишини таъминлаш учун куйидаги 2 мезон мавжуд :

- минимал ижара туловларининг суммаси тахминий асосланган булиши керак.
- ижарага берувчи уз зиммасига олиши шарт булган копланмайдиган харажатлар (сугурталаш, саклаб туриш, соликларни тулаш харажатларидан ташқари), улчанадиган ва тахминлаштириладиган булиши керак.

Бу мезонлардан ҳеч бири ижара фактини тан олишни узгартирмайди, балким факатгина консерватизм тамойилига диққатни қаратади. Бошқа томондан бу мезонлар ижара таърифини 2 омил билан тулдириб туради :

- а) Эғалик қилишдан келиб чиққан риск ва даромадларни утказиш, ва
- б) Ижара берувчининг соф дебиторлик қарзини баҳолашнинг ҳаққонийлик даражаси.

Операцион (жорий) ижара - бу молиялаштирилган ижарадан ташқари ҳар қандай ижара бўлиб, қуйидаги шартларга мувофиқ бўлиши керак:

- Ижарачи ҳеч қандай таваккалчиликка эга эмас, активларга эғалик қилиш билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай устунликларга эга эмас.
- жорий ижара шартлари асосида ижарага олиingan активлар, ижара берувчининг бухгалтерия балансига киритилади.

Ижаранинг устунликлари ва камчиликлари мавжуд. Ижаранинг устунликлари қуйидагилар.

Ижара пул маблағлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши мумкин, чунки бу ҳолда ижарага оlingан актив қийматининг 100% гача молиялаштирилиши мумкин. Банк кредитлари одатда актив қийматининг 80 % билан чегараланади.

Худди шунингдек ижарада қайд қилинган фойиз ставкаси тугрисида қилишиш мумкин, банк кредитлари учун эса сузувчи фойиз ставкалари характерлидир.

Ижара битимларини операцион ижара сифатида тузиш мумкин, бу ижарачига қарз чегаралари мавжуд бўлганда, балансдан ташқари бўлган ҳисоботни молиялаштиришга йул очади.

Ишга туширилиши узок муддатга тухтаб туришларга эга бўлган ускуналарни тайёрлашга буюртма беришдан қура, фойдаланишга тайёр бўлган усқунани ижарага олиш қулайдир.

Баъзида активларга факат вақтинча, мавсумий еки бирламчи талаб бўлади, бундай ҳолда ижара доимо фойдаланишда бўлган активларга эғалик қилиш ноқулай бўлган муаммоларни йук қилишга ёрдам беради.

Эғалик қилишга нисбатан қиска муддат ичида активларнинг ижараси ижарачига янги маҳсулотнинг ва юқори технологик асбоб-- усқунанинг эскиришидан "муҳофаза" қилишга имқоният беради.

Ижаранинг камчиликлари.

Ижарага оlingан активларнинг 100% молиялаштирилиши шунингдек пулқуринишидаги юқори даражадаги фойизларни англадади.

Мавсумий ижарада асбобуқсуна керак бўлган пайтда топиш мумкин бўлади деб қафолат бериб бўлмайди. Ундан ташқари чегараланган ижара фойиз ставкалари белгиланиши мумкин.

Қиска муддатли ижара асбоб-уқсуна эскиришидан ҳимоя қилиши мумкин, аммо қиска муддатли ижара ҳақи одатда узокрок муддатли ижара ҳақидан баланд бўлади (ижарага берувчи мумкин бўлган эскириш рисқини қоплайди).

Узок муддатли ижарада белгиланган ставка ижарага берувчи--- қредиторнинг фойиз ставкаси қутарилганда, зарарлар рисқа бошлайди.

Ижара муносабатларига таалукли булган маълумотлар БХМС № 6 " Ижара хисоби "га мувофик очиб берилиши лозим.

## 2. Ижара муомалалари хисоби

Ижарачи томонидан молиявий лизинг хисоби. Молиявий ижара, ижарачи баланснинг активида - ижарага олинган воситалар, мажбуриятида эса - ижара мажбуриятларини хисобга олишни назарда тутди. Ижара муддатининг бошида капитализацияланган сумма, ижара объектининг бозордаги бахоси асосида аникланадиган минимал ижара туловларининг жорий дисконтланган кийматига тенг булиши керак. У ижара туловлар суммасидан саклаш сугурталаш ва соликларни тулаш харажатларини, яъни ижарани амалга ошириш буйича харажатларни чиқариб ташлаш оркали хисобланади.

Минимал ижара туловларининг дисконтланган кийматини хисоблаганда, дисконтлашнинг хисобга олиш омили булиб, тахмин килинган фоиз ставкаси хисобланади, агар уни аниклаш мумкин булса; агар аниклаб булмаса алтернатив фоиз ставкаси кулланилади. Бу фоиз ставкаси ижарачи ушбу активларни сотиб олиш учун қарзга олинган маблағларга туланадиган туловлар суммасига тенгдир.

Ижара туловларининг жорий (дисконтлашган) кийматининг ҳажми ижарачи баланснинг активида курсатилиши лозим. Ижара буйича мажбуриятлар суммаси баланснинг “Мажбуриятлар” қисмида курсатилиши лозим: муддати бир йилгача булган жорий туловлар ҳажми - қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида ва бир йилдан ортиқ булса - узок муддатли мажбуриятлар сифатида. Ижарага олинган мулк ҳақидаги маълумотхусусий активлар ҳақидаги маълумот билан комбинациялашган булиши мумкин, лекин иловада ижарага олинган мулкнинг киймати ва унинг амортизациясини курсатиш керак.

Мисол :

| АКТИВЛАР                                                                                                                                                    |                  | МАЖБУРИЯТЛАР                                      |         |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------|---------------------------------------------------|---------|
| Асосий воситалар бошлангич киймати буйича                                                                                                                   | 3 000 000        | Молиявий ижара буйича қисқа муддатли мажбуриятлар | 90 000  |
| Минус: хисобланган амортизация                                                                                                                              | <u>1 000 000</u> |                                                   |         |
| Асосий воситаларнинг соф киймати                                                                                                                            | 2 000 000        | молиявий ижара буйича узок муддатли мажбуриятлар  | 270 000 |
| * Асосий воситаларнинг умумий кийматига ижарага олинган мулк 500000 сум, йигилган амортизацияга эса --- ушбу мулкнинг амортизацияси 140 000 сум киритилган. |                  |                                                   |         |

Куриб турибмизки, асосий воситалар ижарасининг капиталлашган киймати 500 000 сум.ни ташкил этади.

Ижара туловлари хисобот да молиявий тулов (фоизлар буйича харажатларлар ) ва мажбуриятларни камайтириш буйича туловларга (ижара келишуви буйича туловлар ) таксимланади.

Молиявий тулов ижара муддати давомидаги минимал ижара туловларининг суммаси ва бошлангич ёзилган мажбурият суммаларининг фаркидан иборатдир. Молиявий тулов ижара муддати мобайнида даврлар буйича шундай таксимланадики, хар бир давр мажбуриятлар колдикгига нисбатан доимий ставка сакланиши керак. Ижарага олинган мулкнинг амортизацияси унга булган эгалик килиш хукуки утказилган пайтда аникланади. Агар эгалик килиш хукуки ижарачиги ижара муддати тугагандан кейин утса еки бу кузда тутилган булса, амортизацияни хисоблаш учун давр булиб, активнинг фойдали иш фаолияти муддати хисобланади. Агар эгалик килиш хукуки утказилмаса, амортизацияни хисоблаш учун давр булиб, куйидаги 2 даврдан энг кискаси : ижара муддати еки активнинг фойдали иш фаолияти муддати хисобланади.

Одатда молиявий тулов ва хисобланган амортизация суммаси хисобот даври учун туланган ижара туловига тенг эмас ва бунинг натижасида ижарага олинган активнинг киймати ва у билан боглик мажбурият киймати ижара муддатининг бошланишидан хамма даврлар учун тенг булмаиди.

Ижарачи томонидан операцион ижаранинг хисоби.

Ижара туловлари буйича харажатлар систематик равишда хисобот даврида (ижарага берувчи томонидан хисобга олинадиган сугурталаш ва хизмат курсатиш кийматидан ташкари) Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда тан олинадилар.

Ижарачиларнинг молиявий хисоботларида маълумотни очиб бериш зарур:

Ижарачиларнинг молиявий хисоботларида куйидагиларни очиб бериш:

- а) молиявий ижара шартлари ижарага олинган активларнинг киймати – балансни топширишнинг хар бир санасига;
- б) ушбу ижарага олинган активлар буйича мажбуриятлар – бошка мажбуриятлардан алохида жорий ва узок муддатли мажбуриятлар орасидаги дифференциация оркали;
- в) молиявий ижара ва муддати бир йилдан узокрок булган бекор килинмайдиган операцион ижара буйича минимал туловлар буйича мажбуриятлар – туловларнинг суммаси ва муддатларини курсатган холда; ижарани тиклшнинг хар кандай янги имкониятларининг характери ёкисотиб олиниши, хамда ижара кийматининг купайишини назарда тутган шартноманинг моддалари тугрисидаги маълумотлар;
- г) ижара шартномаси буйича молиявий чеклашлар – кушимча ссуда ёки кейинги ижарани олишга чекланишлар;
- д) кутилмаган ходисаларга боглик хар кандай ижара туловларининг характери;
- е) ижаранинг охирида буладиган сарфлар билан боглик булмаган кутилмаган ходисалар билан боглик хар кандай мажбуриятнинг характери.

Ижарага берувчи нуктаи назаридан ижара еки молиявий еки сотув типдаги ижара булиб ифодаланиши мумкин. Ижарага берувчи учун молиявий ижарага берилган активлар балансда асосий воситалар сифатида эмас, балки ижарага килинган соф инвестицияларга тенг булган дебиторлик карзсифатида акс эттирилади. Бундай дебиторлик карзнинг соф киймати минимал ижара туловларининг жорий дисконтланган киймати оркали аникланиши керак, улар кафолатланган еки кафолатланмаган булишидан катъий назар. Ижарага берувчи хисоботда ижарадан олинган фойдани фоизлардан тушган фойда сифатида акс эттиради. Бутун фойда капитал куйилмалардан олинган фойдадир деб хисобланади.

**Сотиш типи буйича ижара хисоби.** Агар ишлаб чикарувчи узок муддатли ижара шартномаси буйича махсулотнинг жунатилишининг ишлаб чикаришнинг молиялаштириш манбаси сифаитдаакс эттирса, олинган фойда 2 йулланиш буйича алохида акс эттириши шарт:

- Махсулотни ишлаб чикариш ва сотиш.
- Ижара муддати мобайнида ижара шартномаси буйича инвестициялар.

Ижара битими хакикатда ижро этилганда ,яъни ижара шартномаси буйича дебиторлик карзнинг хажми махсулотни сотиш бахосига тенг булса ,ишлаб чикаришдан олинган даромадларни хисобга олиш мумкин. ишлаб чикаришдан тушган даромадлар мос келадиган дисконтлаш ставкасини ишлатган холда, минимал ижара туловларининг дисеонтланган кийматига тенг булиши керак. Бирок бу ставка сотиш бахосини хисобга олмасдан кулланилиши мумкин эмас.

Агар сотув нархлари мавжуд булмаса,е уларни аниклаш мумкин булмаса, ижарага берувчи сотувлардан олинадиган ялпи фойда ва фоизлардан олинган фойдани аниклашда сезиларли эркин харакат килишга эгадир.

**Активни кайта ижарага олиш шрти билан сотиш.** Бу келишув буйича фирма уз активларини бошка томонга сотади ва у томон уларни кайтадан фирмага ижарага беради. Одатда активлар бозор кийматига якин нархда сотилади. Фирма асбоб ускуна кийматини накд пулда ва ижара муддати мобайнида активлардан иктисодий фойдаланиш хукукини олади. Бунинг урнига у ижара хакини тулашга розилик беради ва активларга эгалик килишхукукини беради. Мулкни кайтадан ижарага олиш шрти билан сотиш буйича битимларнинг бухгалтерия хисоби методикаси ижара типига богликдир.

Агар активларни кайтадан ижарага олиш шрти билан сотилиши молиявий ижара хисобланса, унда бундай битим, ижарага берувчи активларни кафолат урнида ишлатиб, ижарачини маблаг билан таъминлашни усули хисобланади. Шу сабабли сотувдан олинган тушумнинг баланс кийматидан ошган кисмини олинган фойда деб хисоблаш максадга мувофик келмайди. Бундай ортикча кисм, агар тан олинган булса, муддати узайтирилади ва ижара муддати мобайнида фойдага олиб борилади.Агар мулкнинг кайта ижарага олиш шрти билан сотилиши операцион ижара хисобланса, хамда ижара хаклари ва сотиш нархи хакконий киймат буйича белгиланса, демак оддий сотув содир булган ва хар кандай фойда еки зарар шу захоти тан олинади.



Агар сотиш нархи ҳаққоний кийматидан пастрок булса, ҳар қандай фойда еки зарар шу заҳоти тан олинади, бозордан паст нархлар буйича қурилган зарар келгуси ижара туловлари билан копланиши бунга кирмайди. Бу ҳолда унинг муддати узайтирилади ва у ушбу актив ишлатиладиган вақт даври мобайнида қилинадиган ижара туловларига пропорционал равишда фойда еки зарарга олиб борилади.

Агар сотиш баҳоси ҳаққоний кийматдан юкори булса, ҳаққоний кийматдан ошган қисмининг муддати узайтирилади ва ушбу актив ишлатиладиган муддат мобайнида ҳисобдан чиқарилади.

Агар битим вақтида ҳаққоний киймат баланс кийматдан камроқ булса, баланс киймат ва ҳаққоний киймат уртасидаги суммага тенг зарар шу заҳотиёқ тан олинади.

Ижара қелишуви буйича активларни сотув олиш. Бевосита ижара ҳақидаги қелишув буйича компания активларни фойдаланишга олади, агар бунгача у ушбу активларга эғаликга булмаган булса. Асосий ижарага берувчилар - ишлаб чиқарувчилар, молиявий компаниялар, банклар, мустиқилва ҳусусийлаштирилган ижара компаниялар ва жамоалар ҳисобланади.

**Кредитдан фойдаланиш ёрдамида ижарага олиш (кредитли ижара).** Юкорида қурсатилган 2 томондан фарқли равишда кредитли ижарада 3 томон иштирок этади : ижарачи , ижарага берувчи еки улушлик иштирокчи, кредитор.

Ижарачи нуқтаи назаридан кредитли ижара ва бошқа ижара турлари орасида ҳеч қандай фарқ йук. Ижарага берувчи эса активларни ижара қелишуви шартлари буйича сотиб олади ва Бу харидни қисман инвестициядаги уз улушидан тулайди, айтилиқ 20% (бу ердан "улушли иштирокчи "деган ном пайдо булган). Қолган 80% узок муддатли кредитор еки кредиторлар томонидан туланади. Асосан кредит активларнинг гарови, ижара ва ижара ҳақи туғрисидаги қелишув орқали таъминланади. Ижарага берувчи қарздор ҳисобланади. Активларнинг эғаси сифатида ижарага берувчи бу ҳилдаги активлар билан боғлиқ ҳамма туловларни ушлаб қолиш ҳуқуқиға эға.

Ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида маълумотни очиб бериш қуйидагича акс эттирилади.

Ижарага берувчиларнинг молиявий ҳисоботларида қуйидагиларни очиб бериш лозим:

- а) молиявий ижарага қилинган ялпи инвестициялар, ҳамда улар билан боғлиқ молиявий даромад ва ижарага олинган активларнинг қафолатланмаган қолдиқ қиймати;
- б) даромадни тақсимлаш учун ишлатиладиган усул;
- в) операциян ижарага берилган активларнинг қиймати ва у билан боғлиқ ҳар бир активларнинг қлассига оид баланс ҳисоботининг ҳар санасига ҳисобланган амортизациян туловлар.

Одатда ерни ижарага олиш операциян ижарадир, чунки ерни ишлатиш муддати чегараланмаган. Агар ижара сотиб олиш еки ерга эғалиқ қилиш ҳуқуқини беришни қузда тутса, унда бундай операция моҳияти буйича муддатини узайтириб сотиш деб ҳисобланади ва ижара қаптализиациялаштирилиши лозим. Агар

ижарага олинган мулкнинг бозор киймати ичида ер нархи 25% идан пастни ташкил этса, операция асбоб - ускуна ижараси сифатида қаралади. Агар ернинг нархи 25% идан юқориқроқ бўлса, унда ернинг ижараси алоҳида ҳисобга олинади.

### 3. Инвестициялар таърифи ва турлари

**Инвестициялар** -- маълум давр давомида иқтисодий фойда қўриш мақсадида қўйилган капитални билдиради. **№ 12- БХМС "Молиявий инвестициялар ҳисоби"** стандарти, қимматли қогозларга қўйилган инвестицияларни фоиз, роялти, дивидентлар ва ижара ҳақи шаклида даромад олиш, инвестиция қилинган капиталнинг усиши еки бўлмаса инвестиция қилаётган компания томонидан бошқа манваатларни олиш мақсадида хужалик юритувчи субъект ихтиёрида бўлган активлар сифатида таърифлайди, ҳамда уларни жорий ва узок муддатли инвестицияларга ажратади.

**Жорий инвестициялар.** Жорий инвестициялар -- эркин сотиладиган ва бир йилдан қўп бўлмаган муддатда эгаллик қилишга қаратилган қимматли қогозлардир, улар одатда бозор (ликвидли) қимматли қогозлари деб аталади. Бозор қимматли қогозлари қўп ҳолларда бўш турган нақд пулларнинг вақтинча қўйилмаси бўлади. Улар шунингдек, бино, асбоб- ускуналарга қўйилиши қўпилаётган капитал ҳам бўлиши мумкин ва хоказо. жорий инвестициялар улушли ва қарз қимматли қогозлари билан акс эттирилган бўлиши мумкин.

Акциялардан ташқари, улушли қимматли қогозлар сифатида эгаллик ҳуқуқини ва мулк улушини (капитал) сотиш еки ҳуқуқини тасдиқловчи ҳар қандай молиявий инструмент хизмат қилиши мумкин, конвертация қилинадиган облигация лар, корпорация -- эмитент томонидан чиқарилагн ва қайта сотиб олинган акциялар, шунингдек туланишга тақдим этилиши мумкин бўлган имтиёзли акциялар билан ифодаланган бўлади.

Қарз қимматли қогозлар одатда облигация , ҳазина векселлари, депозит сертификатлари ва хоказо билан ифодаланади. Облигация инвесторлар орасида жойлаштирилган , эмитентнинг мажбурияти шаклини акс эттирувчи молиявий инструментдир. Облигация лар маълум муддатгача туланиши лозим ва фоизларнинг даврий туланиб боришини талб қилади. Облигация эгаси компания унга қарздор эканини тасдиқловчи сертификат олади.

Қорхона ихтиёрида бўлган қимматли қогозларнинг барчаси инвестицион портфель дейилади.

Дастлабки жорий инвестициялар ҳисобда сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилиб, у сотиб олиш харажатлари, жумладан брокерлик муқофотлари, божлар ва банк хизматлари учун муқофотлардан иборат, кейинчалик жорий инвестициялар :

- Ҳақиқий (бозор) қиймати; еки
- Сотиб олиш ва ҳақиқий (бозор) қийматларидан энг кичиги бўйича ҳисобга олиниши мумкин.
- Ҳақиқий қиймат -- хабардор бўлган ва битимга тайёр томонларнинг уртасида актив айрбошланаётган суммадир. Бозор қиймати - бу қимматли қогозлар бозорида акциялар олди - сотди қилинадиган қийматдир. Агар қорхона иини

хакикий бозор киймати буйича хисобга олса, унинг узгаришларини даврий равишда хисобга олиниши лозим.

Танланган усулга мос равишда, кийматнинг купайиши кайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капиталга олиб борилади, кийматнинг камайиши эса молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда харажат деб тан олинади.

**Узок муддатли инвестициялар.** Узок муддатли инвестициялар - бир йилдан узокрок булган муддатга эгалик қилишга мулжалланган қимматли қогозларга қуйилган инвестициялардир. Улар, одатда инвестицион портфелда улуши (акциялар) ва қарз (узок муддатли облигациялар) қимматли қогозлар билан ифодаланган бўлади.

Узок муддатли инвестициялар ҳисобда аввал сотиб олиш қиймати буйича тан олинади. ва сунгра балансда қуйидаги қийматларда ҳисобга олиниши мумкин:

- Сотиб олиш қиймати буйича;
- Кайта баҳолаш қиймати буйича;
- Амал қилаётган бозорда ташкил топган бозор қийматига эга қимматли қогозлар бутун инвестицион портфель асосида аниқланадиган сотиб олиш ва бозор қийматларининг энг кам қиймати буйича ҳисобга олиниши мумкин.

Жорий ва узок муддатли қуйилмалар сифатида сотиб олинadиган қимматли қогозлар, иккита алоҳида қимматли қогозлар портфелини акс эттиради ва сотиб олиш ва ҳаққоний (бозор) қийматларидан энг қами буйича баҳолаш усули ҳар бир портфель учун алоҳида қулланилади.

#### 4. Инвестицияларни баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби

Инвестициялар ҳақиқий қийматига қайта баҳоланганда, мунтазамликка амал қилиш мақсадида қайта баҳолаш частоталари ишлаб чиқилади.

Масалан, “Хансон” компанияси қуйидаги қимматли қогозларга эга деб, фараз қиламиз.

| Компания | акциялар микдори | акцияларни сотиб олиш қиймати | акцияларни ҳаққоний (бозор) қиймати | жами сотиб олиш харажатлари | 2002 йил 31 декабрдаги умумий бозор қиймати | бозор қийматининг купайиши (қамайиши) |
|----------|------------------|-------------------------------|-------------------------------------|-----------------------------|---------------------------------------------|---------------------------------------|
| А        | 200              | 35                            | 40                                  | 7 000                       | 8 000                                       | 1 000                                 |
| В        | 400              | 10                            | 15                                  | 4 000                       | 6 000                                       | 2 000                                 |
| С        | 100              | 90                            | 50                                  | 9 000                       | 5 000                                       | (4 000)                               |
|          |                  |                               |                                     | 20 000                      | 19 000                                      | (1 000)                               |

сотиб олиш ва ҳаққоний бозор қийматидан энг кам қиймати буйича баҳолаш усулининг қулланилиши, акциялар портфелининг қиймати 1000 сум га 20000 сум

дан 19000 сум га камайтирилишини курсатади, бунда а ва в акциялари киймати 3000 сум га купайган, с компанияники 4000 сум га камайган. 2002 йилнинг охирида куллаш лозим булган бухгалтерия ёзуви 2002 йил 31 декабрь:

|                                                 |      |      |
|-------------------------------------------------|------|------|
| киска муддатли инвестициялар буйича зарар       | 4000 |      |
| киска муддатли инвестициялар                    |      | 1000 |
| хусусий капитал-кайта баҳолаш буйича тузатишлар |      | 3000 |

Агар хансон компанияси илгари сотиб олинган ҳамма акцияларини 2003 йиол 1 январда сотса у холда 19000 олади(агар бозор киймати 2002 йил 31 декабрда узгармаса).

Фараз килайлик, 2002 йилда «Хансон» компанияси в компаниянинг кайта баҳоланган акцияларини 6000 га, яъни сотиб олиш нархига нисбатан 2000 юкори нархга сотди.

Бу куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

|                                                  |      |      |
|--------------------------------------------------|------|------|
| пул маблаглари                                   | 6000 |      |
| киска муддатли инвестициялар                     |      | 6000 |
| хусусий капитал -кайта баҳолаш буйича тузатишлар | 2000 |      |
| кимматли когозлар соитишдан олинган фойда        |      | 2000 |

инвестицияларнинг чикиб кетиш хисоби. Кимматли когозларни сотишдан компанияодатда фойда олади еки зарар куради. Бунда : даромад ва баланс киймати орасидаги фарк даромад еки харажатлар сифатида тан олинади.

Активни кайта баҳолашдан келган хар кандай даромад молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда даромадга утказилади еки бевосита бухгалтерия балансида таксимланмаган фойдага кушилиши мумкин (бундан танланган усулдан охиригача фойдаланиш керак).

Агар инвестиция портфель асосида сотиб олиш ва бозор кийматидан энг кам киймат буйича хисобланадиган жорий актив булган булса, сотувдан келган фойда еки зарар сотиб олиш кийматига асосланган булиши керак.

Агар инвестиция илгари кайта баҳоланган еки бозор киймати буйича кайта баҳоланган булса, хамда купайиш кайта баҳолашдан келган даромадга (хусусий капитал)га утказилган булса, иккита усулни куллаш мумкин:

а) еки кайта баҳолашдан келган даромад суммасининг молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда акс эттирилиши билан, сотувдан келган даромад суммасига кредитланиши билан.

б) еки кайта баҳолашдан келган даромад суммасининг таксимланмаган фойдага утказилиши билан.

Акциялар сотилганда, сотиш ва сотиб олиш кийматлари орасидаги фарк хисобда ва молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда акс этирилади. Бундай инвестициялар буйича олинган дивидентлар суммаси “пул маблаглари”

хисобварагининг дебети ва “дивидентлардан келган даромад” хисобварагининг кредити буйича акс эттирилади.

Фараз килайлик, А компания 5000 акциясини В корпорациясига сотади. Бу акциялар хар бири учун 35 нарх буйича сотиб олинди, жумладан хизмат учун брокерга комисион туловлари билан бирга. Бу акцияларнинг хар бири учун 25 нарх буйича сотилиши (брокерлик комисион туловларидан ташкари) куйидагича акс эттирилади:

05 декабрда:

|                                         |        |        |
|-----------------------------------------|--------|--------|
| пул маблаглари                          | 125000 |        |
| инвестицияларни сотишдан курилган зарар | 50000  |        |
| узок муддатли инвестициялар             |        | 175000 |

Кимматли коғозларни сотиб олиш, хисобда "киска муддатли инвестициялар" ва "Узок муддатли инвестициялар" счётларининг дебетида сотиб олиш киймати ва у билан боглик харажатларни хисобга олган холда акс эттирилади. Агар инвестициялар хусусий капитал акцияларининг чиқарилиши хисобига жалб килинса, у холда инвестицион кимматли коғозларнинг киймати булиб, уларнинг номинал киймати эмас, балким хакикий киймати хисобланади. Агар инвестициялар бошка активларга айрбошлаш оркали олинса, у холда уларнинг киймати берилган активнинг хакикий киймати булади.

Облигациялар ва шу каби кимматли коғозлар инвестор томонидан балансда активлар счётида сотиб олиш киймати буйича акс эттирилади. Агар сотиб олиш киймати номинал киймат (тулаш киймати)дан фарк килса, ухолда сотиб олиш киймати ва номинал киймати ораидаги фарк (устама еки чегирма) суммаси, облигациялар чиқарилган муддат давомида хисобдан чиқарилади. Устаманинг хисобдан чиқарилиши киска ва узок муддатли инвестициялар хисобварақларининг кредитланиши билан, чегирмалар эса ушбу хисобварақларнинг дебетланиши билан амлга оширилади, чунки облигацияларнинг туланиш давригача уларнинг баланс киймати номинал кийматига тугри келиши керак. Облигациялар буйича устамалар ва чегирмаларнинг хисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар буйича хисобланган фоиз даромадларининг даврийлигига мос келади. Берилган хисобот даврида хисобдан чиқарилиши лозим булган чегирма, устама суммалари фоиз даромади еки харажати деб таснифланади.

Масалан:

01 январда 6 ойлик муддатга номинал киймати сум 100.000 булган, 10%лик облигация хар ойлик фоизлар тулови шрти билан сум 82.000га сотиб олинди.

|                              |        |        |
|------------------------------|--------|--------|
| Киска муддатли инвестициялар | 82 000 |        |
| пул маблаглари               |        | 82 000 |

01 январда 6 ойлик муддатга номинал киймати сум 100.000 булган, 10%лик облигация хар ойлик фоизлар тулови шрти билан сум 112.000га сотиб олинди.

|                              |         |  |
|------------------------------|---------|--|
| Киска муддатли инвестициялар | 112 000 |  |
|------------------------------|---------|--|

|                |  |         |
|----------------|--|---------|
| пул маблаглари |  | 112 000 |
|----------------|--|---------|

31 январда: киска муддатли инвестициялар буйича фоиз даромадларини хисоблаш  
Олинадиган фоизлар  $(100000 \times 0,1 \times 1/6) = 1,667 \times 2 = 3,334$

киска муддатли инвестициялардан фоиз куринишидаги даромад 3,334

облигациянинг сотиб олиш ва номинал киймати уртасидаги фаркни хисобдан  
чикариш: Чегирмани (дисконт)

|                                                              |      |      |
|--------------------------------------------------------------|------|------|
| киска муддатли инвестициялар $(100000 - 82000) \times 1/6$   | 3000 |      |
| киска муддатли инвестициялардан фоиз куринишидаги даромадлар |      | 3000 |

устамани (мукофот):

|                                                                   |      |      |
|-------------------------------------------------------------------|------|------|
| бошка фоиз куринишидаги харажатлар $(112000 - 100000) \times 1/6$ | 2000 |      |
| киска муддатли инвестициялар                                      |      | 2000 |

хисобланган фоиз даромадининг келиб тушиши:

01 февралда:

|                    |      |      |
|--------------------|------|------|
| пул маблаглари     | 3334 |      |
| Олинадиган фоизлар |      | 3334 |

киска муддатли облигацияларнинг туланиши (эмитент томонидан сотиб олинishi):

30 июнда:

|                                                                                             |        |        |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|--------|--------|
| пул маблаглари                                                                              | 200000 |        |
| киска муддатли инвестициялар (номинал киймати 100000 сум булган иккита 10% ли облигациялар) |        | 200000 |

давлатнинг киска муддатли карзи хисобланмиш хазина векселлари одатда белгиланган даромад фоизига эга булмайд, улар берилган векселнинг фоиз даромади хисобланган чегирма билан чикарилади.

Масалан, фараз килайлик, 1 мартда компания 97000 сум га тулов муддати 120 кундан кейин келадиган хазина векселини сотиб олди, унга тулов 100000 сум ни ташкил килади.

01 мартда :

|                              |       |       |
|------------------------------|-------|-------|
| киска муддатли инвестициялар | 97000 |       |
| пул маблаглари               |       | 97000 |

30 июнда :

газна векселларининг туланиши:

|                           |        |      |
|---------------------------|--------|------|
| пул маблаглари            | 100000 |      |
| фоизлар буйича даромадлар |        | 3000 |



киска муддатли инвестициялар

97000

Фоизлар буйича хисобланган суммаларни кушган холда фоизларни тулаш саналари орасидаги даврда облигацияларни сотиб олиш ҳисоби:

01 мартда :

номинал киймати 100000 сум булган 10%ли облигация 5 йиллик муддатга 31 декабр ва 30 июнда фоизларни туланиши шарти билан 101667 сум га сотиб олинмокда, шу жумладан хисобланган даромад фоизи 1667 сум ( $100000 \times 0.1 \times 2/12$ )ни ташкил килади.

|                             |        |        |
|-----------------------------|--------|--------|
| Узок муддатли инвестициялар | 100000 |        |
| бошка дебиторлик қарзлари   | 1667   |        |
| пул маблағлари              |        | 101667 |

сотиб олиш давридан бошлаб фоиз туланадиган санагача булган давр учун фоиз даромадини хисобланиши:

30 июнь:

|                                                        |      |      |
|--------------------------------------------------------|------|------|
| олинадиган фоизлар ( $100000 \times 0.1 \times 4/12$ ) | 3333 |      |
| бошка инвестициялардан фоиз қуринишидаги даромад       |      | 3333 |

30 июнь:

фоиз туланадиган бутун давр учун фоиз даромадини келиб тушиши:

|                             |      |      |
|-----------------------------|------|------|
| пул маблағлари              | 5000 |      |
| олинадиган фоизлар          |      | 3333 |
| бошка дебиторлик қарздорлик |      | 1667 |

Акциялар буйича дивидентлардан келадиган даромад, инвестор томонидан эмитент дивидентларни эълон қилган куни “олинадиган дивидентлар” счётининг дебети ва “дивидентлардан келган даромад” счётининг кредити буйича тан олинади.

Айрим ҳолларда инвестор олаётган дивидентлар - харид санасидан бошлаб олинган инвестор фойдасининг пропорционал улушидан юқори бўлади. Бу дивидентлар инвестициялардан даромад деб эмас, балки капитал қайтими деб ҳисобга олиниши керак, яъни дивидент (тулик еки унинг бир қисми) қуйидаги мисолда қурсатилганидек, инвестициялар счётида кредитланади.

Фараз қилайлик, 1 январь 2002 йилда “Про лимитед” компанияси “Тэм лимитед” компаниясидан овоз бериш ҳуқуқига эга булган 10% акцияларни сотиб олди. 2002 йил учун “Тэм” компаниясининг соф фойдаси 40 000 сум ни ташкил қилган эди, 2002 йилда бу компания 60 000 сум суммада дивидентлар тулади. Дивидентларнинг олинанини акс эттириш учун “Про” компанияси қуйидаги журнал ёзувини қилиши керак:

|                                                                     |       |       |
|---------------------------------------------------------------------|-------|-------|
| пул маблағлари ( $60000 \text{ сум} \times 10\%$ )                  | 6 000 |       |
| инвестициялардан келган даромад ( $40000 \text{ сум} \times 10\%$ ) |       | 4 000 |

“Тэм” компаниясига килинган инвестициялар

2 000

**Кучмас мулкка килинган инвестициялар.** Кучмас мулкка килинган инвестицияларни баҳолаш учун иккита усул кулланилади:

амортизацияланадиган мулкни баҳолашда кулланиладиган усуллар ва узок муддатли инвестицияларни баҳолашда кулланиладиган усуллар.

### **Инвестициялар тугрисидаги маълумотларни очиб бериш**

Молиявий хисоботларни такдим этишда №12-БХМС “Молиявий инвестициялар хисоби” стандартига биноан, компания инвестицияларга тегишли булган маълумотларни очиб бериши лозим.

Молиявий хисоботларда куйидаги маълумотлар очиб берилади:

1. Хисоб сиёсати, куйидагилар учун:

- инвестицияларнинг баланс кийматини аниклаш учун;
- уларнинг баланс кийматининг узгаришини аниклаш учун;
- кайта баҳолашдан олиган даромадни хисобга олиш усулини аниклаш учун.

2. Куйидагилар буйича даромад моддаларига киритиладиган суммалар:

- фоизлар, дивидендлар, ижара ва лицензион туловлар буйича ;
- инвестицияларни сотишдан олиган фойда ёки зарарлар буйича;
- инвестицияларни баҳолашдаги узгаришлар буйича;

3. Кайта баҳолаш буйича маълумотлар, жумладан:

- инвестицияларни кайта баҳолашнинг даврийлиги тугрисида;
- кайта баҳолаш усули ва мустакил профессионал баҳоловчини жалб килиниши тугрисида.

4. Инвестицияларни сотишга булган маълум чекланишлар.

### **Таянч иборалар**

**Ижара (лизинг )** -- активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошка томонга (ижарага олувчига) маълум бир ваqt ичида тулов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши буйича битимга айтилади.

**Операцион ижара** битими буйича бино ва асбоб - ускуналарни киска ваqtга ( бир кундан бир йилгача еки купрокка ) ижарага бериш кузда тутилади. Ижарага берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва ижарани амалга ошириш буйича барча харажатларни ижара тулови хисобига амалга оширади.

а) **Молиявий ижара** - бу активларга эгалик килиш ҳуқуқи билан боглик булган таваккалчилик ва мукофотлар, активларни ишчи ҳолатда саклаб турадиган ижарачига утказиладиган ижарага айтилади.

**Операцион (жорий) ижара** - бу молиялаштирилган ижарадан ташкари ҳар кандай ижара булиб, куйидаги шартларга мувофиқ булиши керак:

**Активни кайта ижарага олиш шрти билан сотиш.** Бу келишув буйича фирма уз активларини бошка томонга сотади ва у томон уларни кайтадан фирмага ижарага беради.

**Кредитдан фойдаланиш ёрдамида ижарага олиш (кредитли ижара).** Юкорида курсатилган 2 томондан фаркли равишда кредитли ижарада 3 томон иштирок этади : ижарачи , ижарага берувчи еки улушлик иштирокчи, кредитор.

**Инвестициялар** -- маълум давр давомида иктисодий фойда куриш мақсадида қуйилган капитални билдиради. **№ 12- БХМС "Молиявий инвестициялар ҳисоби"** стандарти, қимматли қозғаларга қуйилган инвестицияларни қозғ, қоялти, дивидентлар ва ижара ҳақи шаклида қаромад олиш, инвестиция қилинган капиталнинг ушиби еки бўлмаса инвестиция қилаётган қомпания қомонидан бошқа манваатларни олиш мақсадида ҳужалиқ қоритувчи субъект ихтиёрида бўлган активлар сифатида таърифлайди, ҳамда уларни қорий ва узок муддатли инвестицияларга ажратади.

**Жорий инвестициялар.** Жорий инвестициялар --эркин қотиладиган ва бир йилдан қуп бўлмаган муддатда эғалиқ қилишга қаратилган қимматли қозғаларди,улар одатда қозор (ликвидли) қимматли қозғалари деб аталади.

**Узок муддатли инвестициялар.** Узок муддатли инвестициялар - бир йилдан узокрок бўлган муддатга эғалиқ қилишга мулжалланган қимматли қозғаларга қуйилган инвестицияларди.

**Инвестициялар тугрисидаги маълумотларни очиб бериш** Молиявий ҳисоботларни тақдим этишда №12-БХМС “Молиявий инвестициялар ҳисоби” стандартига қиноан, қомпания инвестицияларга тегишли бўлган маълумотларни очиб бериши қозим.

#### **Утилган мавзу бўйича саволлар**

- 1.Ижара (лизинг ) нима?
- 2.Операцион ижара деганда нимани тушунусиз?
- 3.Молиявий ижара деганда нимани тушунаси?
- 4.Инвестиция деб нимага айтилади?

## 9-мавзу. Мажбуриятлар хисоби.

1. Мажбуриятлар таърифи ва турлари
2. Жорий ва узок муддатли мажбуриятлар хисоби хусусиятлари
3. Облигациялар хисоби

### 1. Мажбуриятлар таърифи ва турлари

Мажбуриятларга БХХС да «олдин булган хужалик муомаласилар ёки фактлар натижасида кслиб чиккан, хисобланилиши активларнинг утказилиши ёки ишлатилишига, хизматлар курсатилиши ёки келгусида иктисодий манфаатларнинг бошка йул билан чикиб кетишига олиб келиши мумкин булган корхонанинг мажбуриятларидир" деб таъриф берилади. Шундай килиб, **мажбуриятлар учта асосий хусусиятга эга:**

1. Мажбурият бошка субъектга факат активларни утказиш ёки хизматлар курсатиш йули билан кондирилиши мумкин;
2. Мажбурият мунозарали булмаслиги керак;
3. Мажбуриятни келтириб чикарган а уринли булиши керак.

Мажбурият берилган таърифга мувофик кабул килинганда, у дархол тан олиниси ва ёзувларга киритилиши керак. Мажбуриятнинг бухгалтерияда тан олиниси, мажбурият пайдо булган кунда амалга оширилиши керак. Мажбуриятни келтириб чикарган хужалик муомаласи одатда мажбуриятнинг пайдо булиш санасини аниклаб беради. Жорий мажбуриятлар жорий активларга булган даъвони билдиради. Бу даъволар тулаш муддати бир неча йилни ташкил этадиган облигациялар каби мажбуриятлардан фарк киладилар. Мажбуриятларнинг туркумланишида жорий ва узок муддатли мажбуриятларни фарклаш мухимдир. Мажбуриятни келтириб чиқарадиган хужалик муомаласи, одатда унинг суммасини улчаш базасини хам таъминлаб беради.

**ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР.** *Жорий (киска муддатли) мажбуриятлар* «баланс хисоботи санасидан бошлаб бир йил давомида ёки оддий операцион цикл давомида, агар у бир йилдан куп булса, туланадиган суммалар» деб таърифланади. Жорий активлар деб корхонанинг ишлаб чиқариш цикли ёки хисобот давридан бошлаб бир йил давомида, улардан кайси бирининг муддати узунрок булса, нақд пулга алмаштирилиши мумкин булган ёки асосий фаолиятида кулланиши мумкин булган активлар хисобланади. Жорий активлар ва жорий мажбуриятлар орасидаги богликлик борлиги сабабли, жорий активларга кулланиладиган вақтинчалик курсаткичлар, асосан жорий мажбуриятларга хам кулланилади.

### ***Туланадиган пул маблағлари ва мулклар шаклидаги туланадиган дивидендлар.***

Директорлар кенгаши томонидан эълон килингандан кейин, пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар, агар улар келгуси йил ёки операцион цикл давомида, улардан кайси бири узунрок булишига боглик холда, жорий мажбурият деб акс эттирилиши керак. Пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар ҳуқуқий асосда эълон килинган санадан туланиш санасигача мажбурият деб акс эттирилади. Директорлар кенгаши томонидан расман эълон килинмаган имтиёзли акциялар буйича дивидендлар ва бошка ҳар қандай дивидендлар буйича мажбуриятлар тан олинмайди. Кумулятив имтиёзли акциялар буйича мажбуриятларда дивидендлар молиявий хисоботларнинг тушунтириш хатларида очиб берилиши керак.

**Хисобланган мажбуриятлар.** Хисобланган мажбуриятлар уз ичига таътил туловлари, мукофотлар ва кредиторларга бериладиган, лекин хали туланмаган

фоизларни олади. Хисобланган мажбуриятлар хисобот даври охирида тузатиш ёзувларини киритиш оркали акс эттирилиши мумкин.

**Бунаклар ва кайтариладиган депозитлар.** Компания миждозлардан ва ходимларидан депозитлар олганда махсус мажбурият вужудга келади. Депозитларни келгусида келиб чикиши мумкин булган мажбуриятларни тулаш ёки битимни бажариш ёки хизматлар курсатиш кафолати сифатида миждозлардан олиш мумкин. Масалан, буюртма олинганда, компания буюртмани бекор килиш ҳолатида келиб чикиши мумкин булган зарарларни коплаш учун бунак тулашни талаб килиши мумкин. Пул маблагларни олаётган компанияда бундай бунаклар натижасида хужалик муомаласининг якунланиш пайтигача мажбуриятлар келиб чиқади. Бунаклар пул маблагларни дебетлаш ва мажбурият ёки миждоз депозитлари каби сётни кредитлаш оркали акс эттирилади.

**Келгуси давр харажатлари (бунак тарикасида олинган даромадлар).** Юкни етказиб бериш ёки хизмат курсатишдан олдин бунак тарикасида олинган пул маблаглари буйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация килиш тамойишга асосан, бу маблаглар даромад деб тан олиниши мумкин эмас. Бунак тарикасида олинган даромадларга: коллежда укиш учун тулов, ижара тулови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна булиш учун туловлар мисол була олади. Бундай хужалик муомалалар пул маблагларнинг дебети ва тегишли жорий мажбуриятлар хисоб варақлари кредита буйича акс эттирилади. Купинча «келгуси давр даромади» деб аталадиган бу хисоб варақ, аниқловчи сузга эга булиши мумкин, масалан обуна учун туловни олганда у обунадан олинган келгуси давр даромади булиши мумкин. Бу хисоб варақ бошка номларга ҳам эга булиши мумкин, масалан: «олдиндан туланган обунадан даромад» ёки «бунак тарикасида олинган обунадан даромад».

Кейинчалик, махсулот етказилган ёки хизматлар курсатилган, ва даромад ҳам хакикатдан ишлаб олингандан кейин, келгуси давр даромадлари сётга камайди, даромаднинг тегишли сётга эса кредитланади. Бу охириги ёзув одатда йил охиридаги тузатиш ёзувларидан бири хисобланади.

**Солиқлар,** Ҳукумат конунлари тегишли ҳукумат муассасалари учун компаниянинг миждоз ва ходимлардан тегишли солиқларни олишини талаб килади. Бундай солиқлар булиб, дивидендлар буйича ходимлардан ундириладиган даромад солиқлари, мулк солиқлари ва иш хаки солиқлари булиб хисобланади. Бундай солиқлар бирлашмалар, сугурта компаниялари ва касаба уюшмалари номидан йигилади. Ундирилиш дейилганда, мажбуриятлар тегишли томонга утказиб берилгандаги ҳолат тушунилади. Бунга учта намунавий мисол келтирамиз:

- сотишдан солиқ,
- кушилган киймат солиғи,
- иш хакидан ушлаб қолишлар.

**Кушилган киймат солиғи.** ККС учинчи томон (бу ерда ҳукумат) учун ундириладиган бошка солиқ хисобланади. Даромадлар ундириладиган ККСнинг айирмаси билан хисобга олинишга керак. Товар ва хизматларнинг сотиб олиниши копланишга мулжалланган ККСни айиряш билан хисобга олинишга керак, ва тулашга ёки олишга мулжалланган ККС мое равишда мажбурият ёки актив (олинадиган хисоб варақлар)га киритилиши керак.

Хар кандай копланмайдиган ККС, у қарашли булган товар ва хизматлар киймати компоненти сифатида хисобга олинишга керак. Агар у туланган ва асосий воситага нисбатан копланмайдиган булса, ККС активнинг капитализация килинадиган кийматига киритилади. Агар у жорий харажатларга тегишли булса, ККС давр учун булган соф фойда хисобида киритилади.

**Фойда солиғи.** Фойда солиқлари Солиқ кодекси томонидан белгиланади. Молиявий хисобот мақсадида хисобланадиган фойда ва солиқ солиш мақсадларидаги фойда орасидаги фарқлар муқаррардир. Тахмин килинаётган мажбурият фирманинг



максимал аниқ ҳисоб-китобларига асосланган жорий мажбурият сифатида ҳисобга олиниши керак. Йил давомида тахмин қилинаётган солиқнинг узғаришига мое равишда даврий туловлар мажбурий бўлиши мумкин. Бу мавзу кейинроқ батафсил қурилади.

**Кафолат мажбуриятлари.** Агар компания сотиш вақтида уз маҳсулотига кафолат берса, унда мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолат суммасини сотиш амалга оширилган даврда харажатлар ҳисоб варақларнинг дебети бўйича акс эттирилади, чунки кафолат маҳсулот ёки хизматнинг сифат тавсифи ва сотиб олишга ундайдиган сабаблардан бири ҳисобланади. Утган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, келгуси даврга берилган кафолатларнинг компанияга келиб тушадиган суммасини ҳисоблаш

**Кайта молиялашга тегишли бўлган киска муддатли мажбуриятлар.** Компания узининг айланма капитали бўйича ҳисобот курсаткичларини яхшилаш учун жорий мажбуриятларни узок муддатлиларга кайта классификациялаш сабабларига эга бўлиши мумкин. Кайта классификациялаш сабабларидан бири шу бўлиши мумкинки, компания қарзни кайта ' молиялаштирмоқчи бўлса, у жорий мажбуриятлар бўйича туловларни амалга оширишни режалаштирмайди.

Масалан, фирмалар одатда бинолар ва асбоб-ускуналар қурилишини киска муддатли қарз мажбурияти (облигациялар) ҳисобига молиялаштирадилар, унга биноан кейинчалик узок муддатлилиқ асосида молиялаштириш қўзда тутилади, сунгра қарзни узок муддатли сифатида акс эттирадилар.

## **УЗОК МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР**

Узок муддатли мажбурият - бу юқорида қўрсатилган таърифга мое келадиган ва тулов муддати баланснинг ҳақиқий санасидан бошлаб бир йилдан ортиқ ёки дебитор(қарздор)нинг иш циклидан қайси бири узок муддатли бўлган мажбуриятдир.

### **Баҳолаш ва улчашнинг тамойиллари**

Баҳолаш ва улчашнинг ўчта асосий тамойили мавжуд. Бу тамойиллар узок муддатли мажбуриятларга ва туланадиган узок муддатли векселларга қўлланилади. Ўчта асосий тамойил:

1. Узок муддатли мажбуриятлар қарзга олинган товар ва хизматларнинг ҳаққоний бозор қиймати бўйича қайд қилинади. Бозор фоиз ставкаси - бу хужалик муомаласилардаги эътироз қилинмайдиган ставкадир ва у товар ва хизматларнинг ҳаққоний бозор қиймати бўйича талаб қилинадиган келгуси нақд туловларнинг ҳаққоний қийматига тенг.
2. Фоизларнинг даврий тулови қарзнинг чиқарилиш санасига бўлган бозор фоиз ставкасига асосланган.
3. Баланс санасига бўлган узок муддатли қарзнинг қолдиқ қиймати - бу эмиссия вақтида бозор фоиз ставкасигача дисконтланган барча қолган нақд туловларнинг ҳақиқий қийматидир.

Бу мақсад учун қўлланиладиган фоиз ставкаси қарз муддати даврида ўзгармайди. Бу ўчта тамойил узок муддатли қарз ва фоизлар тулаш бўйича харажатларнинг ўлчаниши ва акс эттирилиши учун асос ҳисобланади.

## **2. Жорий ва узок муддатли мажбуриятлар ҳисоби хусусиятлари**

**Фоизли векселлар.** Фоизли векселлар векселнинг асосий суммасини номинал қиймат сифатида аниқ қўсатади. Бундан ташқари, векселда белгиланган фоиз ставкаси қўрсатилади. Фоизли вексел бўйича қарздор номинал қийматга тенг пул маблағлар, бошқа актив ёки хизматлар олади, кейин эса бу сумма билан белгиланган фоиз



ставкаси буйича фоизларни хам тайинланган муддатда кайтариб беради. Бундай шартларда белгиланган ва реал фоиз ставкалари бир хил. Бу одатдаги хол.

Фоизли векселни тасвирлаш максидида, фараз килайлик, 2003 йил 1 октябрда «Банф» компанияси йиллик 12% туланадиган вексел буйича 10 000 сум суммадаги маблагларни карзга олди. "Банф" компанияси векселнинг номинал кийматига тенг 10 000 сум микдорда пул маблаглари олди. Хисобот даври 31 декабрда, векселни тулаш муддати эса - 2004 йил 30 сентябрда тугайди. Бу хужалик муомаласини акс эттириш учун куйидаги ёзувлар талаб этилади:

2003 Йил 1 октябр. - Фоизли векселни унинг жорий киймати буйича акс эттириш:

|                                                                 |        |        |
|-----------------------------------------------------------------|--------|--------|
| Пул маблаглар                                                   | 10 000 |        |
| Туланадиган вексел, киска муддатли                              |        | 10 000 |
| 2003 йил 31 декабр - Фоизни хисоблаш тугрисидаги тузатиш ёзуви: |        |        |
| Фоизлар буйича харажат (сум10 000) x (12%) x (3/12)             | 300    |        |
| Хисобланган фоизлар                                             |        | 300    |
| 2003 йил 31 декабр - Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот:    |        |        |
| Фоизлар буйича харажат                                          | 300    |        |

Бухгалтерия баланси:

Жорий мажбуриятлар:

|                                    |       |
|------------------------------------|-------|
| Туланадиган вексел, киска муддатли | 10000 |
| Хисобланган фоизлар                | 300   |

Векселни тулаш кундаги ёзув:

2004 йил 30 сентябр - Тулаш муддатидаги номинал сумма плус фоизларнинг туланиши:

Туланадиган хисобланган фоизлар 300

Фоизлар буйича харажат (сум10 000) x (12%) x (9/12) 900

Туланадиган вексел, киска муддатли 10 000 Пул маблаглар! 1 200

**Фоизсиз векселлар.** Фоизсиз сузи - бу турдаги векселлар учун энг яхши таъриф эмас, чунки хакикатда бундай векселлар фоизлар туловини англатади. Бундай векселларнинг номинал киймати карз суммасини уз ичига олганлиги каби, бу карз буйича фоизларни хам уз ичига олади, бу тулаш муддатида ягона тулов суммасини ташкил килади. Карздор векселнинг номинал кийматига тенг булган суммани эмас, балким номинал суммаси ва вексел буйича фоизлар орасидаги фаркни олади. Векселда, олинадиган пул маблаглар деб курсатилган сумма - бу номинал кийматнинг реал фоиз ставкасини куллаш натижасида дисконтланган кийматидир. Колган сумма, яъни дисконтланган пул маблаглар киймати ва векселнинг номинал киймати орасидаги фарк, фоиз хисобланади. Реал фоиз ставкаси шунга ухшаш булган риск даражаси билан хужжатларда кулланиладиган бозор фоиз ставкаларига караб аникланади.

Мисол куриб чикамиз. "Брайт Лайт" компанияси сум11 200 суммага йиллик вексел бзиб берди ва сум10 000 суммада пул маблаглар олди. Вексел 10 714% (сум1 200 + 11 200 сум) фоиз ставкаси буйича дисконтланган эди. Бирок, "Брайт Лайт" компанияси факат 10 000 сум олди; демак, реал фоиз ставкаси 12%ни ташкил килди (сум1 200 ч-сум10 000). Бу векселнинг жорий киймати 10 000 сум ни ташкил килади; яъни улар олган суммани:

$11\,200 \text{ сум} / 1,12 = 10\,000 \text{ сум}$

Карз унинг жорий киймати буйича акс эттирилиши керак, буни векселни нетто тамойили буюича кайд этиш ёки ялпи тамойили буйича номинал кийматни акс эттириш ва

бу суммами дисконт (чегирма) билан бирга акс эттириш оркали амалга ошириш мумкин. Иккала ёндашув ҳам куйида курсатилган.

**Нетто тамойили'. 2002 йил давомидаги ёзувлар.:**

2002 йил 1 октябр - Туланадиган фоизсиз векселни жорий (соф) киймати суммасида акс эттириш:

|                                             |       |        |
|---------------------------------------------|-------|--------|
| Пулмаблаглар                                | 10000 |        |
| Туланадиган вексел киска муддатли (фоизсиз) |       | 10 000 |

Вексел 11 200 сум номинал кийматида эмас, унинг жорий киймати буйича (асосий сумма) буйича акс эттирилган эди. Фоизлар буйича ёзувлар бошлангич ёзилган 10 000 сум сонни 11 200 сум гача оширади, бу эса туланиш суммаси хисобланади.

2002 йил 31 декабр - Хисобланган фоизни акс эттириш учун тузатиш ёзуви:

|                                                      |     |     |
|------------------------------------------------------|-----|-----|
| Фоизлар буйича харажат (10 000 сум) x (12%) x (3/12) | 300 |     |
| Туланадиган вексел, киска муддатли                   |     | 300 |

**\* Бу ёзудан кейин векселнинг баланс киймати сум10 300ни ташиқил килади (10 000 сум + 300 сум). Бошқача варианты булиб хисобланган фоизнинг кредитланиши хисобланади.**

2002 йил 31 декабр: - Молиявий натижалар тугрисидаги хисобог *Фоизлар қуринишидаги харажатлар* 300 сум

**Бухгалтерия баланси:**

**Жорий мажбуриятлар:**

*Туланадиган вексел, киска муддатли (10 000 сум + 300 сум) 10 300 сум*

**Тулаганда қилинадиган ёзувлар**

2003 йил 30 сентябр - (а) бу санага хисобланган фоизларни ва (б) тулаш муддатида векселнинг номинал кийматини тулашни акс эттириш:

|                                                        |     |        |
|--------------------------------------------------------|-----|--------|
| Фоизлар буйича харажат ( 10 000 сум) x (12%) x (9 /12) | 900 |        |
| Фот қуринишидаги харажатлар                            |     | 900    |
| Туланадиган вексел, киска муддатли                     |     | 900    |
| Туланадиган вексел (сум 10000 + сум300 + сум900)       |     | 11 200 |
| Пул маблаглар                                          |     | 11 200 |

**Ялпи тамойили: 2002 йил давомидаги ёзувлар:**

2002 йил 1 октябр - Фоизсиз Туланадиган векселни ялпи (номинал) киймат буйича акс эттириш:

|                                                  |    |        |
|--------------------------------------------------|----|--------|
| Пул маблаглар                                    | 10 | 000    |
| Киска муддатли туланадиган вексел буйича чегирма |    | 1 200  |
| Туланадиган вексел, киска муддатли               |    | 11 200 |

### **3. Облигациялар хисоби**

**Туланадиган облигациялар. Облигация** - катта суммалардаги капитални узок муддат асосида химоялаш учун компаниялар ва давлат ташкилотлари томонидан чиқариладигая қарз гувоҳномаларидир. Облигациялар - бу фирма-эмитентнинг облигациялар эгалари(инвесторлар) томонидан инвестиция қилинаётган капитални

кайтариш учуй асосий сумма ва фоизларни тулаш тугрисидаги расмий берган ваъдасини ифодалайдиган конуняй хужжатдир. Расмий облигацией келишув ёки *облигацион келишув* облигация муддатларини, эмитент ва облигация эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди. Келишув компания-эмитентга, эмиссия учун тасдиқланган пул суммасига, фоиз ставкаси ва фоизларни тулаш муддатларига, қарз суммасини тулаш муддатларига, инвестор ва эмитентларнинг манфаатларини ҳисобга олиш учун тайинланган, мушаккил васий мажбуриятлари конверсиясига булган ҳар хил чеклашларни белгилайди. Васий булиб, одатда зарурий қайд қилишни юритадиган ҳамда мажбурият ва фоизларни тулайдиган, молиявий ташкилот иштирок этади. Инвесторлар узида эмитент ва инвесторлар орасидаги келишув мажбуриятини акс эттирувчи облигацион сертификатлар оладилар.

Облигациялар одатда, 1 000 сум ва 10 000 сум лик кичик кийматда чиқарилади. Кичик кийматдаги облигацияларнинг чиқарилиши уларнинг енгиллигини оширади ва инвесторларга ҳар хил турдаги қимматли қозғаларга капитал қуйилма учун катта имкониятлар беради ҳамда инвестицияда таваққални қамайтиради.

Инвесторлар кенг инвестицион мақсадларга ва сиёсатга эга буладилар. Бунинг натижасида қуп турли облигациялар чиқарилади.

Облигациялар буйича қарзлар ҳамда улар билан боғлиқ булган туланмаган қегирмалар ва устамалар, одатда, балансда узок муддатли мажбуриятлар қабил акс эттирилади.

• **Номинал киймат буйича чиқарилган облигациялар. Масалан VASON корпорацией**

2003 йил 1 январда 100 000 сум. суммада 9%ли облигациялар чиқарди. Муддати 5 йил.

Фоизлар йилда икки марта 1 январь ва 1 июлда туланиши қерак. Облигациялар номинал

|                                                                    |         |
|--------------------------------------------------------------------|---------|
| киймат буйича чиқарилган. Чиқариш ҳақидаги ёзув қуйидагича булади: |         |
| Пул маблағлари                                                     | 100 000 |
| Туланадиган облигациялар                                           | 100 000 |

Фоизларнинг ҳисоби:  $\text{Фоиз суммаси} = \text{Қарз суммаси} \times \text{Фоиз ставкаси} \times \text{Муддат}$   
 $100\,000 \text{ сум} \times 0.09 \times 1/2 \text{ йилда} = 4\,500 \text{ сум.}$

|                                 |       |
|---------------------------------|-------|
| Фоизлар қуринишидаги ҳаражатлар | 4500  |
| Пулмаблағлари                   | 4 500 |

Агар бозор ва белгиланган фоиз ставкалари тенг булса, бунда облигациялар номинал киймат буйича сотилади. Ундай ҳолда фоизлар тулови шу муддат ва рискли облигациялар буйича бозор фоиз ставкасига тенг даромад қелтиради. Бирок, одатда бозор ва белгиланган ставкалари тенг кийматли ҳисобланмайди. Бозор ставкаси ва эмиссия баҳосидаги узғаришлар узаро боғлиқ. Агар бозор ставкаси (12%) белгиланган ставкадан (10%) ортик булса, унда инвесторга бозор ставкасига тенг булган даромад қелтириши учун облигация эмиссиясининг баҳоси номинал кийматидан ошмаслиги қерак. Инвесторлар облигация (10% қелтирувчи) учун 1 000 сум номинал кийматни тулашни хохламайдилар, чунки рақобатчи қарз ғувоҳномалари 12% даромад қелтиради.

Агар бозор фоиз ставкаси белгиланган ставкадан ортик булса, облигациялар *қегирма билан* (номинал кийматидан пастр) сотилади.

Масалан, корпорация томонидан 100,000 сум.га 5-йиллик, йиллик 9%ли облигациялар, 96,149 сум. кийматга чиқарилган, чунки бозордаги фоиз ставкаси 10% ташкил этади.

|                                                           |       |
|-----------------------------------------------------------|-------|
| Облигацияларни қегирма билан сотилишининг акс эттирилиши: |       |
| Пул маблағлари                                            | 96149 |
| Облигациялар буйича туланмаган қегирма                    | 3 851 |

Чикарилгандан кейин балансдаги ёзув:

Узок муддатли мажбуриятлар

100000

Минус туланган чегирма

3 851

96149

«Облигациялар буйича копланмаган чегирмалар» счёта «Туланадиган облигациялар» счётига контрпассив счёт хисобланади. Облигациялар буйича фоизлар тулови харажатларини хар йили акс эттириш лозимлиги сабабли, облигация чегирмаси облигациялар чикарилган бутун муддат йиллари орасида таксимланиши лозим. Бундай чегирманинг таксимланиши жараёни *облигацией чегирмани* хисобдан чикарилиши дейилади. Облигацией чегирмаларни хисобдан чикарилишининг иккита усули мавжуд: *тугри чизикли усул ва фоизли усул*.

**Тугри чизикли усул:**

1. Туловларнинг умумий сони:

*Йилдаги туловлар микдори x Облигацияларнинг амал килиш муддати -  $2 \times 5 = 10$ .*

2. Фоизларнинг хар бир туловида облигацион чегирманинг тулаш суммаси:

*Облигацион чегирма - Туловларнинг умумий микдори -  $3\,851 \cdot 10 = 385$ .*

3. Туланаётган фоизларнинг суммаси:

*Номинал киймат x Номинал фоиз ставкаси x Вакт*

*$100\,000 \times 0.09 \times 0.5 \text{ йил} = 4\,500$ .*

4. Тулов кунига фоизларни тулаш буйича харажатларнинг якуний суммаси: *Туланаётган фоизларнинг суммаси + Облигацион чегирманинг туланиши  $4\,500 + 385 = 885$ .*

|                                                                  |       |
|------------------------------------------------------------------|-------|
| 1 июлда фоизларни тулашдаги бухгалтерия ёзуви куйидагича булади: |       |
| Облигацияларга фоизлар буйича харажатлар                         | 4 885 |
| Облигациялар буйича туланмаган чегирма                           | 385   |
| Пул маблағлари                                                   | 4 500 |

**Фоизли усул.** Фоизли усул облигациянинг бутун амал килиш муддати давомида узлуксиз даражани такозо килади.

Агар белгиланган фоиз ставкаси бозор ставкасидан ортик булса, облигациялар *мукофот* билан (номинал кийматидан ортик) сотилади. Бундай ҳолатда облигациялар бозор ставкасидан юкори булган белгиланган ставкани таклиф этади ва бу билан уларни янада жозибадор этади. Облигация бахоси даромад бозор ставкасига нисбатан камаё бошлангунча ушиб боради..

Масалан, корпорация бозор ставкаси 8% булганда, 5 йил муддатга эга 9%ли, номинал киймати сум100 000 булган облигация сум104 100 га чикарди. Проводхадаги тегишли ёзув;

|                                                    |        |         |
|----------------------------------------------------|--------|---------|
| Пул маблағлари                                     | 104100 |         |
| Кечиктирилган устама (облигациялар буйича мукофот) |        | 4 100   |
| Туланадиган облигациялар                           |        | 100 000 |

Мукофот облигацией карз муддати давомида фоиз даромади хисоб варагига хисобдан чикарилади.

***Чегирма ва мукофот*** атамалари облигация эмиссияларининг салбий ёки ижобий сифатларини курсатмайди. Улар шунга ухшаш облигациялар буйича фоиз даромади ставкасини бозор ставкаларига мослаштириш учун сотиш бахосидаги тузатишлар нитажаси хисобланади.

***Фоизлар тулаш орасидаги муддатда облигацияларнинг сотилиши.*** Бундай ҳолда, инвестор фоизлар туловлари орасидаги муддатда, облигацияни сотиб олганда,

фоизлар буйича охирги туловлар санаси ва облигациянинг сотиш санаси орасидаги жорий кийматини тулайди. Сунгра фоизлар туловининг кейинги муддати келганда инвестор бутун муддат учун фоизлар буйича суммани олади. Шундай қилиб, инвестор томонидан облигациялар сотиб олинганда туланган фоизлар эмитентлар томонидан фоизлар тулови куни келганда унга қайтарилиб берилади.

**Облигацияларнинг акцияларга утказилиши.** Бошқа қимматли қозғаларга алмаштирилиши мумкин бўлган облигациялар конвертация қилинадиган деб аталади. Бу алмаштириш облигация эгаси хоши буйича амалга оширилади. Алмаштириш шартлари облигацией битимга облигацияни харидор учун янада жозибдор қилиш мақсадида қиритилиши мумкин. Облигацияларни оддий акцияларга алмаштирганда, акциялар алмаштирилаётган облигацияларнинг жорий қиймати буйича ҳисобга олинади, облигацияларнинг ўзи ва тегишли облигацией чегирма ёки муқофотлар эса ҳеч қандай зарар ёки фойдани қайд қилмасдан ҳисобдан чиқарилади.

Масалан, компания 2003 йил 1 июлда облигацияларни сотиб олмасди, акционерлар қарорига асосан ҳамма облигацияларни қиймати 8 сум бўлган оддий акцияларга, 1000 сумлик облигацияни 40та оддий акцияга алмаштириш шарти билан, утказди.

Бухгалтерия ёзуви: 7 июль:

|                                         |        |        |
|-----------------------------------------|--------|--------|
| Туланган облигациялар                   | 100000 |        |
| Ҳисобдан чиқарилмаган облигация муқофот |        | 1 447  |
| Оддий акциялар                          |        | 32 000 |
| Номиналдан ташқари қиритилган капитал   |        | 69 447 |

40 та акцияни 1 000 сумлик облигацияга алмаштирганда 4 000 дона акция номинал буйича

$(4\,000 \times 8\text{сум}) = 32\,000$  суммага чиқарилади.

**Узок муддатли векселлар ва гаров хатлари.** Узок муддатли вексел - қарз муддатларини белгилайдиган расмий ҳужжатдир. Векселлар одатда конкрет харидлар ёки маълум мақсадларга учун муқжалланган қарзлар учун қулланилади. Облигациялар, аксинча, капитал суммасини қупайтиришга муқжалланаган. Векселлар, умуман олганда, облигацияларга Қараганда нисбатан қисқа муддатли бўлади ва одатда биржа ёки бозорларда сотилмайди.

**Узок муддатли мажбуриятларнинг бошқа турлари.** Гаров хатлари - реал активлар билан таъминланган, узок муддатли қарзнинг шаклиларидан биридир. Фоизлар тулови туланганидек, асосий қарз суммасининг бир қисmini ўз ичига оладиган, тегишли ойлик туловлар билан туланади.

**Узок муддатли ижара.** Компаниянинг янги активларни фойдаланишга олишнинг бир неча усуллари мавжуд. Бир ҳолатда уларни қарзга олиган маблағлар ҳисобига сотиб олиш, иккинчисида асбоб-ускуналарни қисқа муддатга ижарага олиш, учинчисида асбоб-ускуналарни лизинг ёрдамида узок муддатгй олишдир. Биринчи иккита усул сезиларли бухгалтерия муаммоларини келтириб чиқармайди.

## Таянч иборалар

**Жорий Мажбуриятлар.** Жорий (қисқа муддатли) мажбуриятлар «баланс ҳисоботи санасидан бошлаб бир йил давомида ёки оддий операцион цикл давомида, агар у бир йилдан қуп бўлса, туланган суммалар» деб таърифланади.

**Ҳисобланган мажбуриятлар.** Ҳисобланган мажбуриятлар ўз ичига таътил туловлари, муқофотлар ва қредиторларга бериладиган, лекин ҳали туланмаган фоизларни олади. Ҳисобланган мажбуриятлар ҳисобот даври охирида тузатиш ёзувларини қиритиш орқали акс эттирилиши мумкин.



**Бунаклар ва кайтариладиган депозитлар.** Компания мижозлардан ва ходимларидан депозитлар олганда махсус мажбурият вужудга келади. Депозитларни келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган мажбуриятларни тулаш ёки битимни бажариш ёки хизматлар курсатиш кафолати сифатида мижозлардан олиш мумкин.

**Келгуси давр харажатлари (бунак тарикасида олинган даромадлар).** Юкни етказиб бериш ёки хизмат курсатишдан олдин бунак тарикасида олинган пул маблағлари буйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация қилиш тамойишга асосан, бу маблағлар даромад деб тан олинishi мумкин эмас. Бунак тарикасида олинган даромадларга: коллежда ўқиш учун тулов, ижара тулови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна бўлиш учун туловлар мисол бўла олади.

**Соликлар,** Ҳукумат қонунлари тегишли ҳукумат муассасалари учун компаниянинг мижоз ва ходимлардан тегишли соликларни олишини талаб қилади. Бундай соликлар бўлиб, дивидендлар буйича ходимлардан ундириладиган даромад соликлари, мулк соликлари ва иш ҳақи соликлари бўлиб ҳисобланади.

**Қўшилган қиймат солиғи.** ККС учинчи томон (бу ерда ҳукумат) учун ундириладиган бошқа солиқ ҳисобланади. Даромадлар ундириладиган ККСнинг айирмаси билан ҳисобга олиниши керак. Товар ва хизматларнинг сотиб олиниши қопланишга мулжалланган ККСни айиряш билан ҳисобга олиниши керак, ва тулашга ёки олишга мулжалланган ККС мое равишда мажбурият ёки актив (олинадиган ҳисоб варақлар)га киритилиши керак.

**Фойда солиғи.** Фойда соликлари Солиқ кодекси томонидан белгиланади. Молиявий ҳисобот мақсадида ҳисобланадиган фойда ва солиқ солиш мақсадларидаги фойда орасидаги фарқлар муқаррардир. Тахмин қилинаётган мажбурият фирманинг максимал аниқ ҳисоб-китобларига асосланган жорий мажбурият сифатида ҳисобга олиниши керак.

**Кафолат мажбуриятлари.** Агар компания сотиш вақтида ўз маҳсулотига кафолат берса, унда мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади.

#### ***Баҳолаш ва улчаш тамойиллари***

Баҳолаш ва улчашнинг ўрта асосий тамойили мавжуд. Бу тамойиллар ўзок муддатли мажбуриятларга ва туланадиган ўзок муддатли векселларга қўлланилади.

**Фоизли векселлар.** Фоизли векселлар векселнинг асосий суммасини номинал қиймат сифатида аниқ курсатади. Бундан ташқари, векселда белгиланган фоиз ставкаси курсатилади.

**Фоизсиз векселлар.** Фоизсиз сузи - бу турдаги векселлар учун энг яхши таъриф эмас, чунки ҳақиқатда бундай векселлар фоизлар туловини аңлатади. Бундай векселларнинг номинал қиймати қарз суммасини ўз ичига олганлиги қаби, бу қарз буйича фоизларни ҳам ўз ичига олади, бу тулаш муддатида яғона тулов суммасини ташкил қилади.

**Туланадиган облигациялар.** **Облигация** - қатта суммалардаги капитални ўзок муддат асосида ҳимоялаш учун компаниялар ва давлат ташкилотлари томонидан чиқариладиган қарз гувоҳномаларидир.

**Чегирма ва муқофот** атамалари облигация эмиссияларининг салбий ёки ижобий сифатларини курсатмайди. Улар шунга ўхшаш облигациялар буйича фоиз даромади ставкасини бозор ставкаларига мослаштириш учун сотиш баҳосидаги тузатишлар нитажаси ҳисобланади.

**Фоизлар тулаш орасидаги муддатда облигацияларнинг сотилиши.** Бундай ҳолда, инвестор фоизлар туловлари орасидаги муддатда, облигацияни сотиб олганда, фоизлар буйича охириги туловлар санаси ва облигациянинг сотиш санаси орасидаги жорий қийматини тулайди. Шунга фоизлар туловининг кейинги муддати келганда инвестор бутун муддат учун фоизлар буйича суммани олади. Шундай қилиб, инвестор томонидан



облигациялар сотиб олинганда туланган фоизлар эмитентлар томонидан фоизлар тулови куни келганда унга қайтарилиб берилади.

**Облигацияларнинг акцияларга утказилиши.** Бошқа қимматли қогозларга алмаштирилиши мумкин булган облигациялар конвертация қилинадиган деб аталади. Бу алмаштириш облигация эгаси хоши буйича амалга оширилади. Алмаштириш шартлари облигацией битимга облигацияни харидор учун янада жозибадор қилиш мақсадида киритилиши мумкин.

**Узок муддатли ижара.** Компаниянинг янги активларни фойдаланишга олишнинг бир неча усуллари мавжуд. Бир ҳолатда уларни қарзга олиган маблағлар ҳисобига сотиб олиш, иккинчисида асбоб-ускуналарни қисқа муддатга ижарага олиш, учинчисида асбоб-ускуналарни лизинг ёрдамида узок муддатгй олишдир. Биринчи иккита усул сезиларли бухгалтерия муаммоларини келтириб чиқармайди.

#### **Утилган мавзу буйича саволлар**

1. Мажбуриятлар деб нимага айтилади?
2. Ҳисобланган мажбуриятлар таъриф беринг?
3. Солиқлар нима?
4. Қушилган қиймат солиғи. нима?
5. Фойда солиқлари нима?

## 10-мавзу. Даромад солиги хисоби

1. Солиққа тортиладиган ва бухгалтерия хисоби фойдаси уртасидаги фарк
2. Доимий ва вақтинчалик фарқлар таърифи ва уларнинг хисоби
3. Фойда солиги хисоби ва уни ҳисоботда акс эттириш

### 1. Солиққа тортиладиган ва бухгалтерия хисоби фойдаси уртасидаги фарк

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ солиқ туловчилар ҳисобланадиган субъектлар томонидан даромад(фойда) солиги ҳисобининг услубини белгилаб беради.

**Солиққа тортиладиган фойда (зарар)** — бу солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган, ҳисобот даврининг даромад(фойда) еки зарар) суммаси. Корхоналар солиққа тортиладиган даромад(фойда)ни ялпи даромад(фойда) суммасидан ҳамма харажатларни (иш активлиги билан боғлиқ бўлган) айириш орқали аниқлайдилар. Харажатларнинг қандай турларини айириш мумкин ва ялпи даромад(фойда)га нисмалар киритилиши, солиқ қонунчилиги томонидан белгиланади.

**Туланадиган солиқлар** - бу солиққа тортиладиган даромад(фойда)га ҳисобланган ва туланиши лозим бўлган солиқ суммасидир.

**Солиққа тортиладиган ва ҳисоб даромади(фойдаси) орасидаги фарқлар.**

**Бухгалтерия хисоби фойдаси** - бу молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда солиқ айирилмагунча еки зарар билан боғлиқ ҳисобланган солиқнинг потенциал камайиш суммаси қўшилмагунча акс эттирилган ғавқулдда моддаларни ўз ичига олган ҳисобот даврининг жами даромади(фойдаси) еки зараридир. Солиқни тулаш билан боғлиқ бўлган харажатлар еки ҳисобот даври зарари билан боғлиқ бўлган ҳисобланган солиқнинг потенциал камайирилиши - бу молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган солиқ суммасидир. Туланадиган солиқ суммаси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига биноан аниқланади. Қўпчилик ҳолларда солиқ солинадиган даромад(фойда)ни аниқлаш қоидалари бухгалтерия даромади(фойдаси)ни аниқлаш учун қўлландиган ҳисоб сиёсатидан фарқ қилади.

### 2. Доимий ва вақтинчалик фарқлар таърифи ва уларнинг хисоби

#### **Доимий фарқлар.**

Солиққа тортиладиган ва бухгалтерия даромади(фойдаси) орасида фарқлар вужудга келиш сабабларидан бири бўлиб, маълум моддалар бир ҳисоб-китобларга киритилади ва бошқасидан ҳисобдан чиқарилиши ҳисобланади. Масалан, айрим харажатлар солиққа тортиладиган даромад(фойда)ни аниқлашда йўл қўйиладиган айирмалар ҳисобланмайди, бироқ бу харажатлар бухгалтерия даромад(фойдаси) аниқланганда айирилади. Шу қабил фарқлар доимий фарқлар деб аталади.

**Доимий фарқлар** - бу жорий ҳисобот даврида вужудга келадиган ва кейинги даврларда қайта ҳисобга олинмайдиган, солиққа тортиладиган даромад(фойда) ва бухгалтерия даромади орасидаги фарқдир. Бундай фарқларга бухгалтерия даромади(фойдаси)нинг бир қисми бўлиб иштирок этадиган, бироқ шу давлат қонунчилигига биноан солиққа

тортилмайдиган, давлат облигациялари буйича олинган фоиз мисол була олади. Бошка мисол сифатида хисоботда асосий фаолият харажатларини билдирадиган, лекин соликка тортишда фойдадан айирилмайдиган, ишчиларга Туланадиган моддий ёрдамни келтириш мумкин. Доимий фарклар факатгина ялпи соликка таъсир этади ва фойда солигини таксимлашда на амалий, на назарий муаммоларни келтириб чиқармайди. Молиявий хисоботдан ташқари, улар бухгалтер таъсири доирасидан ташқарида булади ва шунинг учун биз бухгалтерия (соликка тортишгача булган) даромади(фойдаси) доимий фарклар суммасига тузатиш бажарилди, деган тахминдан келиб чиқамиз.

### ***Вактинча фарклар.***

Соликка тортиладиган ва бухгалтерия даромади(фойдаси) орасида вужудга келадиган фаркнинг бошка сабаби булиб, иккала суммани аниқлашда киритилган маълум моддалар турли хисобот даври хисоб-китобларига киритилишидир. Масалан, хисоб сиёсати маълум даромад(фойда)лар товар ва хизматлар берилган даврда бухгалтерия даромадига киритилишини белгилаши мумкин, бироқ солик солиш котидалари уларни пул маблағлар олияган даврда даромад(фойда)га киритилишин талаб қилиши ёки бунга рухсат бериши мумкин. Бухгалтерия ва соликка тортиладиган даромад(фойда)ларга киритилган бу даромад(фойда)ларнинг умумий суммаси бир хил булади, лекин хисобот давлари хар хил булади. Бошка мисол булиб, бухгалтерия даромад(фойда)ини аниқлашда кулланиладиган усулдан фарк қилувчи, соликка тортиладиган даромад(фойда)ни аниқлашда кулланиладиган амортизация усули хизмат қилиши мумкин. Бундай фарклар вактинча фарклар деб аталади.

***Вактинча фарклар*** - бу даромад ва харажатларнинг айрим моддалари соликка тортиладиган даромад(фойда)га киритилладиган хисобот даври учун улар бухгалтерия даромад(фойда)ига киритилладиган хисобот даври билан мое келмаслигидан вужудга келадиган, соликка тортиладиган ва бухгалтерия даромад(фойда)лари орасидаги фарклардир. Вактинча фарклар бир ёки бир неча кейинги давларда хисобдан чиқарилади.

### ***Вактинча фарклар вужудга келадиган холлар:***

|                          | Молиявий хисоботни тузиш<br>максадларида кулланиладиган усуллар                                                            | Солик солиш<br>максадларида<br><del>кулланиладиган усуллар</del>            |
|--------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|
| Харажатларни<br>тан олиш | хисоблаш ва муддатини узайтириш<br>усулларига асосан тан олиш (келгуси<br><del>давлар харажатлари келгуси туловлар</del> ) | тулов вақтида тан олиш                                                      |
| Олинадиган<br>счётлар    | Чегирма ва умидсиз қарзлар буйича<br>захираларни қўллаш                                                                    | туғри хисобдан чиқариш                                                      |
| Товар<br>•захиралари     | Товар захираларини уртача улчанган<br>қиймат буйича баҳолашнинг кулланилиши                                                | товар захираларини<br>баҳолаш учун FIFO<br><del>усулининг қўлланилиши</del> |
| Амортизация              | Қийматни тезлаштирилган равишда<br>хисобдан чиқариш усули                                                                  | туғри қизикли усул                                                          |

Вактинча фаркнинг вужудга қилиши ёки хисобдан чиқарилиши бир неча хисобот давлари мобайнида давом этиши мумкин. Бу вактинча фарклар турлари ва суммаси ҳақидаги маълумот қўп холларда молиявий хисоботлардан фойдаланувчиларга фойдали булади. Вактинча фарклар самарасини акс эттириш

усули узгариши мумкин. Баъзан маълумот молиявий хисоботларнинг тушунтириш хатларига киритилади, баъзан эса вақтинча фарклари солиқ самарасининг бухгалтерия ҳисоби усуллари куллаш йули билан акс эттирилади.

### **3. Фойда солиғи ҳисоби ва уни ҳисоботда акс эттириш**

#### ***Фойдага олиб бориш вақти ҳисобига вужудга келадиган вақтинча фарқлар***

Агар хужалик ҳаётининг фактлари бир ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган ва иккинчисининг бухгалтерия даромади(фойдаси) микдорида акс эттирилса, унда фойда солиғини ҳисобот даврлари уртасида гақсимлаш зарурияти пайдо булади. Шунга ухшаш вақтинча фарқларнинг вужудга келиши куйидаги ҳолларда булади:

Агар бирор сумма солиққа тортиладиган даромад(фойда)дан айирилса ва жорий ҳисобот даврида келгуси давр харажатларига олиб борилса. Мисол тариқасида солиққа тортиш мақсадларида асосий воситалар амортизациясининг бир текисда тақсимлаш усулининг ва бухгалтерия ҳисоботи мақсадларида тезлаштирилган амортизация усулининг кулланилишини келтириш мумкин.

Агар фойда жорий ҳисобот даврига тегишли бўлса, бироқ солиққа тортиш мақсадларида кейинги даврда ҳисобга олинса. Кенг тарқалган мисол: сотишдан олинган ҳисобот даври фойдаси товарни жунатиш пайтида, тегишли солиққа тортиладиган фойда - уни тулаш бўйича шаклланади.

Агар фойда солиқ ҳисобига киритилса, лекин балансда келгуси давр даромад(фойда)лари деб акс эттирилса. Хусусан, бунақ тариқасида олинган ижара тулови балансда келгуси давр даромад(фойда)ларига қарашли, бироқ солиққа жорий даврда тортилади. Агар суммалар молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда жорий ҳисобот даврининг харажати деб акс эттирилиб, лекин солиққа тортиладиган фойда суммасини кейинги даврларда қисқартирса. Бунга мисол бўлиб қанолатланган таъмирлашни бажариш харажатларининг ҳисобланиши хизмат қилиб, факатгина уларнинг ҳақиқий вужудга келиш пайтида фойда солиғини ҳисоблаганда айирилиши лозим.

#### ***Вақтинча баҳолаш фарқлари***

Молиявий ва солиқ ҳисобларида ҳар хил баҳолаш усулларининг кулланилиши билан шартланган фарқларнинг вужудга келиш ҳоллари унча қўп учрамайди. Улар қаторига куйидагилар қиради:

Солиқ кредити натижасида амортизация қилинадиган мулкнинг солиққа тортиладиган қиймат базасининг қамайиши. Ушбу ҳолда тафовутнинг вужудга келишига асос бўлиб солиқ туловчининг хоҳиши: фойдаланмасдан, тезлаштирилган амортизация тизимининг имкониятларини тула куллаш, ёки тезлаштирилган амортизациядан бош тортиб, солиқ кредитидан фойдаланиш қераклиги ҳисобланади. Ҳисобот валютаси функционал валюта сифатида иштирок этадиган хорижий фаолият. Хорижий валюта курсининг узгариши натижасида солиққа тортиладиган база деб ҳисобланган, тегишли активлар ва кредиторлик қарзларнинг баҳоланиши уларнинг маҳаллий валютада таннаҳ бўйича баҳоланишидан фарқ қилиши мумкин. Инфляция сабабли мулкнинг индексация қилиниши натижасида активлар баҳоланишининг солиқ базаси сифатида усиши. Баъзан солиқ органлари солиққа тортиладиган базани мулкнинг айрим турларининг бошланғич қийматини индексация

килиш асосида хисоблаб беришни талаб килиши мумкин, бунда активнинг баланс баҳоланиши узгармайди. Корхоналарнинг харид шаклидаги бирлашиши. Куп холларда корхоналарнинг бирлашувида шалланган активларнинг баҳолари шу активларнинг мол-мулк солигини хисоблаш учун кулланиладиган баҳоларидан фарк килади.

### ***Вактинча фаркларнинг солик самараси ҳисоби***

Хисобот даври солиқларини тулаш буйича харажатлар муддатини узайтириш усули ёки мажбуриятлар усулини куллаш билан вактинча фаркларнинг солик самараси ҳисоби асосида аниқланиши зарур. Вактинча фаркларнинг солик самараси ҳисобининг бухгалтерия усулларига мувофиқ, даромад(фойда) солиқлари корхона томонидан даромад(фойда)лар олишда килинган харажатлар деб қаралади ва тегишли даромад(фойда) ва харажатлар вужудга келган даврда ҳисобланади. Вужудга келаётган вактинча фаркнинг солик самараси молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда солиқлар тулаш буйича харажатларга киритилади ва балансда "Муддати узайтирилган солиқлар" моддаси буйича акс эттирилади.

### ***Муддатини узайтириш усули***

Муддатини узайтириш усулига биноан, жорий вактинча фаркларнинг солик самаралари вактинча фарклар ҳисобдан чиқариладиган келгуси ҳисобот даврларига муддати узайтирилади ёки таксимланади. Муддатини узайтириш усулига биноан, ҳисобот даврининг солиқларини тулаш буйича харажатлар куйидагиларни уз ичига олади:

- а) ҳисобланган туланадиган солиқлар,
- б) бошқа даврларга қолдирилган ёки бошқа даврлардан утган вактинча фаркларнинг солик самаралари.

Жорий даврда вужудга келган вактинча фаркларнинг солик самаралари белгиланган даромад(фойда) солиғи ставкасини куллаш ёрдамида аниқланади. Олдинги даврларда вужудга келган ва жорий ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариладиган алоҳида вактинча фаркларнинг солик самаралари бошлангич белгиланган солик ставкаларининг кулланилиши билан аниқланади. Ушбу усулнинг кулланилишини осонлаштириш мақсадида, ухшаш бўлган вактинча фарклар гуруҳлаштирилиши мумкин.

### ***Мажбуриятлар усули***

Мажбуриятлар усулига мувофиқ, жорий вактинча фаркларнинг қутилаётган солик самараси балансда, узида келгуси солиқларнинг узок муддатли туловини ифодалайдиган ёки "Муддати узайтирилган солиқлар" моддаси буйича мажбурият сифатида, ёки "Муддати узайтирилган харажатлар - солиқлар" моддаси буйича активлар сифатида акс эттирилади. Муддати узайтирилган солиқлар қолдиги даромад(фойда) солиғи ставкасининг узгаришига мое равишда тузатиш қилинади. Мажбуриятлар усулига асосан, ҳисобот даври солиқларини тулаш харажатлари уз ичига қуйидагиларни олади:

- а) ҳисобланган туланадиган солиқларни;
- б) жорий даврда пайдо бўладиган ёки ҳисобдан чиқариладиган вактинча фаркларга мувофиқ туланадиган ёки бунақ тарикасида туланган деб ҳисобланадиган солиқлар суммасини;



в) даромад(фойда) солиги ставкаларининг узгаришини акс эттириш учун зарур булган балансда "Муддати узайтирилган соликлар" моддаси буйича тузатишларни. Даромад(фойда) солигини молиявий ҳисоботларда қуйидагича акс эттириш лозим:

- жорий вақтда туланиши лозим булган даромад(фойда) соликларини *мажбуриятлар* деб таснифлаш керак;
- келгусида туланиши кутилаётган ёки улар буйича келгусида солик имтиёзи берилиши мумкин булган *муддати узайтирилган соликлар* акционерлик капиталга олиб борилади.

**Даромад(фойда) солиги суммасини ёхуд *муддатини узайтиришлар* усули буйича, ёхуд *мажбуриятлар* усули буйича аниклаш керак, ва молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботга қуйидаги таркибий қисмлар билан биргаликда киритиш керак:**

- вақтинча фарқлар;
- доимий фарқлар.

#### ***Туланадиган солик усули***

Даромад(фойда) солигини тулаш буйича харажатлар - бу жорий фаолиятдан олинган, компаниянинг фойдасига олиб бориладиган харажатлардир. Бу харажатлар суммаси фирманинг ҳақиқатдан тулаган солик суммасига тенг бўлиши ҳам мумкин, тенг булмаслиги ҳам мумкин. Бу сумма солик кодексига асосан аникланади. Купчилик кичик фирмалар учун соликларни ҳисоблаш учун керакли булган усул асосида бухгалтерия ёзувларини юритиш қулайроқдир. Шундай қилиб, Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда келтирилган соликларни тулаш харажатлари бюджетга тулаш лозим булган солик суммасига тенг бўлади. Бундай амалиёт одатда умумқабул қилинган стандартларга биноан ҳисобланган фойда ва солик идоралари услуби буйича ҳисобланган фойда орасида моддий фарқлар булмаганда уринлидир.

#### ***Иқтисодий фаолиятдан зарар қурилгандаги солик ҳисоби (БХХС)***

Тадбиркорлик фаолиятидан қурилган зарарни келгуси даврлар даромад(фойда)и ҳисобига қоплаш учун, уни маълум муддатга қучиришга йул қуяди. Йул қуйилган зарар солик туловининг қамайиши ҳисобига зарарнинг қайта ҳисобланиши натижасида потенциал иқтисод қилишни таъминлайди. Зарар ҳисоб-қитобига бундай тежаш қиритиладиган ҳисобот даври узғариб туриши мумкин. Зарар билан боғлиқ булган, ҳисобланган солик суммасининг потенциал қамайиши, зарар қурилган ҳисобот даври фойдасининг ҳисоб-қитобига қуйидаги ҳолларда қиритилиши мумкин:

1. Келгусида соликка тортиладиган даромад(фойда) бу зарарни қоплаш учун етарли бўлиши тугрисида тулиқ етарли ишонч мавжуд булганда;
2. "Муддати узайтирилган даромад(фойда) солиги" ҳисобварақининг кредит қолдиги мавжудлигида.

Солиқ йукотишлари келгуси давр соликларининг қисқариши билан ҳисобланган ҳолларда, солиқ имтиёзлари жорий ҳисобот даврида аникланади, бироқ факат кейинги даврда фойдаланилади. Бошқатенг шароитларда, муддати узайтирилган солиқ имтиёзига эга булган фирма, бундай имкониятдан маҳрум булган фирмдан анча қулай шароитда бўлади. Бу моддани актив сифатида тушунтиришнинг бошқа мақбул булган варианти бўлиб, имтиёзни тан олишни фирма солиқ имтиёзидан фойдаланиш учун етарли фойда олмагунча муддатини узайтириш ҳисобланади. Агар қоплаш туланиши



лозим булган соликиинг камайиши сифатида акс эттирилиши мумкин булса, бу холда имтиёз ундан фойдаланиладиган давр хисоботида киритилади, лекин у вужудга келган олдинги давр курсаткичларининг тузатиши сифатида акс эттирилади. Бундай ёндашув, коплаш манбаи булиб, вужудга келиши бу коплашдан фойдаланиш имконини берувчи келгуси фойда эмас, балким солик туловларининг кискариши иштирок этади деган фаразга мана келади.

Солик имтиёзи хисоботда факат у келгуси хисобот даврларига кучирилганда акс эттирилади. Солик чегирмасини келгуси хисобот даврларига олиб бориш билан вужудга келган соликни коплаш суммаси, у вужудга келган йилнинг молиявий натижалар тугрисидаги хисоботида эмас, у ишлатилган йилнинг хисоботида киритилиши лозим, деб таъкидланади. Коплаш олдинги хисобот даврининг фойдаси ёки зарарининг тузатиши сифатида изоҳланиши мумкин. Солик чегирмаси соликларни хисобот даврлари орасида таксимланиши сабабли вужудга келган зарар деб қаралиши керак.

**Даромад(фойда) солигининг очиб берилиши** Куйидаги умумий моддалар алоҳида очиб берилиши лозим:

- а) зарар қўрилган хисобот даврига киритилган хисобланган солик суммасининг потенциал камайиши;
- б) зарарнинг қайта хисобланиш(заҳёт)и натижаси сифатида жорий хисобот даврининг соф фойда хисоб-китобига киритилган, хисобланган соликнинг потенциал камайиши;
- в) зарарни келгусида коплаш учун ҳар қандай даврнинг соф фойдаси хисоб-китобига киритилмаган мана қувчи солик самараси суммаси. Солик тежалишининг қуйидаги моддалари очиб беришга тегишли:
  - а) одатдаги фаолият фойдасига тегишли соликни тулаш бўйича харажатлар;
  - б) фавқулодда моддалар, сезиларли хатолар ва хисоб сиёсатидаги узғаришларга тегишли соликларни тулаш бўйича харажатлар;
  - в) соликларни тулаш харажатлари ва бухгалтерия даромад(фойда)и орасидаги нисбатнинг изоҳи, агар у хисобот бераётган қорхона давлатида амал қилаётган солик ставкалари билан изоҳланмаса.

## ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИГИ ХИСОБ - КИТОБИ

Давлат солик инспекциясига \_\_\_\_\_

Қорхона номи \_\_\_\_\_

«Валентина» Компанияси

Идентификацион рақами \_\_\_\_\_ Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботга мувофиқ соф фойда/ зарар \_\_\_\_\_

(БХМСга асосан)

Доимий фарқлар учун соф даромадга тузатишлар\*

Амортизация +/- \_\_\_\_\_

Жарималар, буюрсизликлар +/- Бошқалар +Д- \_\_\_\_\_

Тузилган соф фойда \_\_\_\_\_ Солик ставкаси Х

Фойда солиги харажатлари \_\_\_\_\_

Вактинчалик фарклар учун соф даромадга тузатишлар: ТМЗни баҳолаш +/- \_\_\_\_\_

Амортизация +/- \_\_\_\_\_

Таъмирлаш +/- \_\_\_\_\_

Фоиз курунишидаги харажатлар +/-Шубхали карзлар захираси +/- \_\_ Бошқалар •\*-/ -

Соф соликка тортиладиган даромад\_ Солик ставкаси Х

Туланадиган фойда солиги \_\_\_\_\_

Вактинчалик фарклар буйича муддати узайтирилган даромад солиги\_

### **Таянч иборалар**

**Соликка тортиладиган фойда (зарар)** — бу солик конунчилигига мувофик белгиланадиган, хисобот даврининг даромад(фойда еки зарар) суммаси.

**Туланадиган соликлар** - бу соликка тортиладиган даромад(фойда)га хисобланган ва туланиши лозим булган солик суммасидир.

**Бухгалтерия хисоби фойдаси** - бу молиявий натижалар тугрисидаги хисоботда солик айирилмагунча еки зарар билан боглик хисобланган соликнинг потенциал камайиш суммаси кушилмагунча акс эттирилган фавқулдда моддаларни уз ичига олган хисобот даврининг жами даромади(фойдаси) еки зараридир.

**Доимий фарклар** - бу жорий хисобот даврида вужудга келадиган ва кейинги даврларда кайта хисобга олинмайдиган, соликка тортиладиган даромад(фойда) ва бухгалтерия даромади орасидаги фарқдир. Бундай фаркларга бухгалтерия даромади(фойдаси)нинг бир кисми булиб иштирок этадиган, бироқ шу давлат конунчилигига биноан соликка тортилмайдиган, давлат облигациялари буйича олинган фоиз мисол була олади.

**Вактинча фарклар** - бу даромад ва харажатларнинг айрим моддалари соликка тортиладиган даромад(фойда)га киритилмайдиган хисобот даври учун улар бухгалтерия даромад(фойда)га киритилмайдиган хисобот даври билан мое келмаслигидан вужудга келадиган, соликка тортиладиган ва бухгалтерия даромад(фойда)лари орасидаги фарклардир. Вактинча фарклар бир ёки бир неча кейинги даврларда хисобдан чиқарилади.

### **Утилган мавзу буйича саволлар**

1.Соликка тортиладиган фойда ёки зарар нима?

2.Туланадиган соликлар нима?

3.Бухгалтерия хисоби фойдаси нима?

## 11-мавзу. Хусусий капитал хисоби

1. Хужалик юрителишнинг турли шаклларида хусусий капитал хисоби хусусиятлари
2. Таксимланмаган фойда хисоби
3. Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот

### 1. Хужалик юрителишнинг турли шаклларида хусусий капитал хисоби хусусиятлари

Хужалик фаолиятини юрителишнинг учта асосий ташкилий-хукукий шакли мавжуд:

- Якка мулкчилик
- Шерикчилик
- Хиссадорлик жамияти ёки корпорация

*Якка мулкчилик шаклида капитал хисоби*

Якка мулкчилик шаклида корхона Уставини руйхатга олиш пайтида руйхатга олинган Устав капитали кийматига бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади. Масалан Фарход уз корхонасининг Устав капиталини 40000 сум миқдорида руйхатдан утказди:

Мулкдорнинг Устав капиталига карзи 40000

Устав капитали 40000

Устав капитали туланган пайтда куйидаги ёзув расмийлаштирилади:

Пул маблағлари ёки Мулк 40000

Мулкдорнинг Устав капиталига карзи 40000

*Шерикчилик корхоналарида капитал хисоби*

Шерикчилик корхоналарида капитални хисобга олиш тартиби якка мулкка асосланган корхоналардагига ухшаган бўлади. Асосий фарк шундан иборатки, бунда куйилаётган ва олинаётган капитал ҳар бир ҳамкор буйича алоҳида хисобга олиниши ва корхонанинг фойда ҳамда зарари улар уртасида таксимланиб борилиши лозим.

Шерикчилик корхоналарида ҳар бир ҳамкор уз улушини корхонага Таъсис шартномаси шартлари асосида моддий ва номоддий активлар ҳолида кушиши мумкин. Улуш ҳолида корхонага куйилаётган активлар берилаётган кундаги ҳаққоний бозор баҳосида баҳоланади. Масалан Тохир ва Зухра Устав капитали 100000 сум булган шерикчилик корхонасини ташкил қилишга қарор қилдилар. Таъсис шартномасига қура Тохир Устав капиталининг 60 % ини ва Зухра 40 % ини шакллантириши лозим. Ушбу корхонанинг Уставини руйхатдан утказиш санасида куйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади:

Устав капиталига Тохирнинг карзи 60000

Устав капиталига Зухранинг карзи 40000

Устав капитали - Тохирга тегишли капитал 60000

Устав капитали - Зухрага тегишли капитал 40000

Тохир уз улушини 20000 сумлик пул маблағлари ва 40000 сумлик мебел билан, Зухра эса 40000 сумлик ускуна билан қушди.

|                                  |       |       |
|----------------------------------|-------|-------|
| Пул маблаглари                   | 20000 |       |
| Мебель                           |       | 40000 |
| Ускуна                           |       | 40000 |
| Устав капиталига Тохирнинг карзи |       | 60000 |

Устав капиталиган Зухранинг карзи 40000

Шерикчилик корхонасида фойда ва зарарлар ҳамкорлар уртасида Таъсис шартномасида кур-сатилган барча усуллар билан тахсимланиши мумкин. Уртокчилик корхонасининг фойдаси одатда куйидаги уч кисмдан иборат:

1. Ҳамкорлик капиталига ҳисобланган дивиденд
2. Ҳамкорлар томонидан курсатилган хизматлар учун тулов (ҳамкорларнинг иш ҳаки)
3. Тижорат рискларидан олинган қушимча фойда

Фойдани юкорида келтирилган уч кисмга булиниши ҳар бир ҳамкорни шерикчилик корхонасига қушган ҳиссасини янада аниқроқ қуриш имконини беради.

Шерикчилик корхоналарида фойдаки тахсимлашнинг бир неча усули мавжуд:

- \* Белгиланган катъий улушларда
- \* Қуйган капиталига мутаносиб равишда
- \* Иш ҳаки ва капиталдан белгиланган улушларда олинган фоизлар миқдоридан келиб

чиккан ҳолда *Белгиланган улуш усули*

Фараз қиламиз Тохир ва Зухра утган йили 140 000 сум миқдорида фойда олдилар. Шартнома шартларига қура фойданинг 60 % Тохирга ва 40 % Зухрага тегишли. Бу ҳолда бухгалтерия ёзуви қуйидагича бўлади:

|                      |     |     |
|----------------------|-----|-----|
| Тахсимланмаган фойда | 140 | 000 |
|----------------------|-----|-----|

|                                   |  |        |
|-----------------------------------|--|--------|
| Тохир капитали ( 140 000 x 60 % ) |  | 84 000 |
|-----------------------------------|--|--------|

|                                  |        |  |
|----------------------------------|--------|--|
| Зухра капитали ( 140000 x 40 % ) | 56 000 |  |
|----------------------------------|--------|--|

Агар ҳамкорлар ишлаб топилган капитални узлаштириб олишни хоҳласалар қуйидагича ёзув расмийлаштирилиши лозим.

|                         |    |     |
|-------------------------|----|-----|
| Тохирга тегишли капитал | 84 | 000 |
|-------------------------|----|-----|

|                         |  |        |
|-------------------------|--|--------|
| Зухрага тегишли капитал |  | 56 000 |
|-------------------------|--|--------|

|                |   |         |
|----------------|---|---------|
| Пул маблаглари | • | 140 000 |
|----------------|---|---------|

### ***Ҳиссадорлик жамиятлари (корпорациялар) да капитал ҳисоби***

Корпорациялар узининг акцияларини уз капиғалини қурайтириш учун сотадилар. ия-бу уз эгаларининг ҳуқуқлари, имтиёзлари ва мажбуриятларидан фарқ қилувчи ҳуқуқ, имтиёз ва мажбуриятларга эга бўлган қонуний мустақил ҳуқуқий шахсдир.

**Устав капитали** - чиқарилган акцияларнинг номинал ёки эълон қилинган қийматига тенг бўлган ва қуйилган капитал сифатида акс этирилиши лозим бўлган минимал миқдордир.

**Акция** - бу эғалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган қимматбаҳо қозғалдири.

**Номинал қиймат** - акционерлик капитал счётларида акс этилиши қерак бўлган ва устав капиталини аниқлаш учун ишлатиладиган, қимматбаҳо қозғалдирида курсатилган битта акциянинг номинал қиймати. Сотиб олувчига акциялар урнига акционер сотиб олган акцияларнинг сонини курсатадиган сертификат берилиши мумкин. Қу

корпорациялар кимматбахо коғозларининг икки турини чиқарадилар: оддий акциялар ва имтиёзли акциялар.

**Оддий акциялар** компаниянинг қолдиқ капиталини акс эттиради. Яъни, бошқа кредиторлар ва имтиёзли акционерларнинг талаблари оддий акциялар эгалариникидан қўжори туришини билдиради.

**Оддий акциялар** - бу, одатдагидай, овозга эга бўлган акцияларнинг яқка туридир. Яъни, оддий акциялар эгаларининг директорлар кенгаши аъзоларини сайлашга ҳуқуқи бор. Оддий акциялар эгалари директорлар кенгаши билан эълон қилинган дивидендларни даврий олишга ҳуқуқи бор. **Имтиёзли акциялар** оддий акциялар олдида бир ёки купрок позициялар бўйича имтиёзларига эга. Масалан, имтиёзли акциялар эгалари дивидендларни оддий акциялар эгаларидан олдин олишлари мумкин, одатда белгиланган ставка бўйича. Имтиёзли акцияларга дивидендлар нормаси фоизлар каби эълон қилиниши мумкин. Масалан, 100 сум номинал қийматли 6 фоизлик имтиёзли акциялар - бунда имтиёзли акциялар бўйича 6 сум ҳажмида туланадиган йиллик дивидендлар (6 % 100 сумдан). Имтиёзли акциялар эгалари корпорациянинг тугатилганида унинг активларига имтиёзли ҳуқуқга эгадирлар. **Туланадиган имтиёзли акциялар** - уз ихтиёри билан компания тарафидан қарзи туланиши мумкин бўлган имтиёзли акциялар.

**Конверсияланувчи (алмаштириладиган) имтиёзли акциялар** - бу, акционер хоҳиши билан оддий акцияларга алмаштирилиши мумкин бўлган имтиёзли акциялар.

**Кумулятив акциялар** - вақт ўтиши билан туланмаган дивидендлар тупланиб бориладиган, ва улар оддий акциялар эгаларига эҳтимол туланиши мумкин бўлган давргача маълум бир йилда туланиши лозим бўлган имтиёзли акциялардир.

**Дивидендлар-акционерлар** орасида, одатда, пул маблағлари қуринишда, корпорация активларининг тақсимланиши.

**Муддати ўтган дивидендлар** ~ ўтган йиллардан қолган, кумулятив имтиёзли акциялар бўйича тупланган туланмаган дивидендлар.

**Сотиб олинган хусусий акциялар** - бу, эркин бозорда сотиб олинган корпорациянинг акциялари. Уз сотиб олинган акциялар бухгалтерия балансида капиталнинг қонтр ҳисоби сифатида акс этиладилар.

Корпорация баланс ҳисоботидаги «хусусий капитал» бўлимига таъсир этадиган ҳар қил операцияларни ўтказиши мумкин. Бу операциялар қуйидагиларни уз ичига олади:

- \* Қимматбахо коғозлар чиқариш
- \* Дивидендларни эълон қилиш ва тулаш
- \* Сотиб олинган хусусий акцияларини сотиб олиш ва сотиш.

**Акцияларни чиқариш.** Ҳар қил кўлайлик, янги бир корпорация ташкил топди. Корпорация устави билан номинал қиймати 10 сум бўлган 20 000 акциягача оддий акцияларини сотишга руҳсат берилган. Корпорация устави бериш қўнига компания аъзоларига номинал қиймат бўйича 10 000 акция сотади. Олинган сумма 100 000 сумга тенг (10 000 акция х 10 сум, ҳар бир акция учун). Бу операцияни акс эттириш учун журнал қўйида қўйидагича бўлади:

Таъсисчиларни Устав капиталига улушлар буйича карзи 200 000

Оддий акциялар 200 000

10 000 дона акция сотилгант пайтда:

Пул маблаглари 100000

Оддий акциялар 100000

Бир ойдан кейин корпорация бошка инвесторларга бир акция учун ёки 75 000 сумга (5 000 акция x 15 сум, бир акция учун) 5 000 акция сотади. Бу операцияни акс эттириш учун журнал проводкаси куйидагича булади:

Пул маблаглари 75 000

Оддий акциялар 50 000

Номинални ошириш учун  
туланган капитал 25 000

Сотиш киймати ва номинал киймат орасидаги фарк (бир акция учун 5 сум) кушимча туланган капитал каби акс эттирилади. Бу операциялар ёзилганидан кейин бухгалтерия балансидаги капитал булими куйидагича булади:

Куйилган капитал

*Оддий акциялар - номинал киймат 10 сум,*

*200 000 150 000 25 000 О*

*225 000*

Баъзан корпорация уз акцияларини бошка активларга адмаштириш учун чикаради. Масалан, номинал киймати 20 сум булган оддий акцияларга эга булган компания жорий киймати 50 сум булган 1000 акциясини бозор бахоси аниклаб булмайдиган ер участкасига алмаштирмокчи. Бунинг учун куйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Ер 50 000

Оддий акциялар 20 000

Номинални ошириши учун туланган капитал 30 000

Ернинг бозор бахосини аниклаб булмаслиги сабабли алмаштиришда алмаштирилайтган акцияларнинг жорий бозор бахоси буйича бахоланади. Акцияларнинг номинал ва бозор бахолари орасидаги фарк яна «кушимча капитал» счётига кредитланади.

**Дивидендлар.** *Учта* мухим сана дивидендлар билан операцияларга алокадор. Биринчи сана -бу дивидендларни эълон килиш куни. Бу кунда директорлар кенгаши дивидендларни тулаш хакида эълон килади. Бу кунда дивидендларни тулаш хакида мажбурият ёзилади. Иккинчи сана - дивидендлари туланадиган акционерларнинг кайд килиниши куни. Кайд килиш кунидан кейин, аммо дивидендларни тулаш кунидан олдин акционердан акция сотиб олган бошка бир кимса, акцияларни эксдивидендлар билан сотиб олади, яъни эълон килинган дивидендларни олиш хукукига эмас.

**Якуний сана** - бу дивидендларни тулаш куни. Бунда дивидендларни тулаш мажбурияти тугалади ва акционерларга дивидендлар туланади.

Фараз килайлик, компания бир акцияга 5 сум хажмда дивиденд тулашни эълон килди. 15 январга чикарилган ва муомалада булган оддкй акцияларнинг



сони - 100 000, кайд килиш санаси - 31 январь ва дивидендларни тулаш санаси - 1 март. Дивидендларни эълон килиш буйича компания куйидаги журнал проводкаларини утказди: 15 январда

|                      |     |     |
|----------------------|-----|-----|
| Таксимланмаган фойда | 500 | 000 |
|----------------------|-----|-----|

|                         |  |         |
|-------------------------|--|---------|
| Туланадиган дивидендлар |  | 500 000 |
|-------------------------|--|---------|

31 январда *Журнал проводкаси керак эмас*

1 мартда

|                         |     |     |
|-------------------------|-----|-----|
| Туланадиган дивидендлар | 500 | 000 |
|-------------------------|-----|-----|

|                |         |
|----------------|---------|
| Пул маблағлари | 500 000 |
|----------------|---------|

Компания дивидендларни пул маблағлари курунишида эмас, акциялар курунишида чикариш карорини қабул килиши мумкин. Акциялар курунишидаги дивидендлар - бу акционерлар учун чикарилган кушимча акциялар. Бу таксимланмаган фойданинг «капитализациясида» акс этилади. Катта булмаган акция курунишидаги дивидендлар (20% дан катта булмаган дивидендлар) акциянинг баҳосига катта таъсир қилмайди ва капитализация жорий бозор қиймати буйича утади. Бу қаби акцияларнинг катта қисми (муомаладаги акцияларнинг сонидан 20 % ёки купрок) номинал қиймати буйича ҳисобланади, чунки натижада акцияларнинг бозор баҳосининг тушиши қутилади.

Фараз қилайлик, номинал қиймати 10 сум булган 1 000 000 акцияга эга булган компания акция курунишидаги 5 %ли дивидендлар эълон қилади, акциянинг бозор баҳоси эса 20 сум. Дивидендлар 50 000 кушимча акциялар чикарилишида акс эттирилади ( $1\,000\,000 \times 0.05$ ). Акциялар курунишидаги дивидендларни акс эттириш учун журнал проводкаси қуйидагича булади:

|                      |         |
|----------------------|---------|
| Таксимланмаган фойда | 100 000 |
|----------------------|---------|

|                |    |     |
|----------------|----|-----|
| Оддий акциялар | 50 | 000 |
|----------------|----|-----|

|                                        |  |        |
|----------------------------------------|--|--------|
| Номинални ошириш учун туланган капитал |  | 50 000 |
|----------------------------------------|--|--------|

Бундай ҳолатда баланс ҳисоботида 1050000 чикарилган ва муомаладаги акциялар курсатилади.

Агар компания 5 % урнига 25 % дивиденд эълон қилса, бу ҳолда 250 000 кушимча акция чикарилади ( $1\,000\,000 \times 0.25$ ). бу дивидендларнинг катта миқдори булғалиги сабабли бу номинал қиймати буйича ҳисоб қилиниши зарур. Журнал проводкаси қуйидагича булади:

|                      |         |
|----------------------|---------|
| Таксимланмаган фойда | 250 000 |
|----------------------|---------|

|                |         |
|----------------|---------|
| Оддий акциялар | 250 000 |
|----------------|---------|

**Сотиб олинган хусусий акциялар.** Компания уз акцияларини қуйидаги мақсадларда вақтинчалик қайта сотиб олиши мумкин:

- акциялар курсини белгиланган даражада ушлаб туриш учун;
- қулдаги акцияларнинг ҳар бирига тугри қелувчи дивидендларни ошириш учун;
- акцияларни уз ҳодимлари уртасида тарқатиш ва қолган акцияларнинг номиналь қийматини ошириш учун;
- акцияларни бошқа фирмалар томонидан сотиб олинишини назорат қилиш мақсадида ва ҳ.к.

Компания томонидан сотиб олинган акциялар уз сотиб олинган акциялар деб юритилади.

**Уз сотиб олинган акциялар** - бу капиталнинг контр счёти, актив эмас, чунки бундай акциялар дивидендлар келтирмайди ва келгуси иктисодий манфаатларни акс эттирмайди. Уз сотиб олинган акциялар - чиқаришга рухсат берилган ва чиқарилган, лекин муомалада булмаган акциялардир.

Фараз киламиз, компания номинал киймати 10 сум булган 1 000 акцияни жорий бозор киймати булмиш 15 сумдан сотиб олишга қарор қилади. Харидни акс эттириш учун журнал проводкаси қуйидагича:

|                                                                                                                                                          |        |                 |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------|-----------------|
| Уз сотиб олинган акциялар                                                                                                                                | 15     | 000             |
| Пул маблағлари                                                                                                                                           | 15 000 |                 |
| Фараз киламиз, бухгалтерия балансидаги «қуйилган капитал» бўлими уз сотиб олинган акцияларни сотиб олгунча қуйидагича булган эди: <i>Номинали 10 сум</i> |        |                 |
| <i>Акциядан 50 0000 чиқаришга рухсат этилган 500</i>                                                                                                     |        | <i>000</i>      |
| <i>Номинални оширишга туланган капитал</i>                                                                                                               |        | <i>100 000</i>  |
| <i>Жами қуйилган капитал</i>                                                                                                                             |        | <i>600 000</i>  |
| Уз акцияларини сотиб олгандан кейн балансдаги «қуйилган капитал» бўлими қуйидагича бўлади:                                                               |        |                 |
| <i>Номинали 10 сум булган акциядан 50 0000 чиқаришга рухсат этилган, 500</i>                                                                             |        | <i>000</i>      |
| <i>Номинални оширишга туланган капитал</i>                                                                                                               |        | <i>100 000</i>  |
| <i>Уз сотиб олинган акциялар</i>                                                                                                                         |        | <i>(15 000)</i> |
| <i>Жами қуйилган капитал</i>                                                                                                                             |        | <i>585 000</i>  |

Уз сотиб олинган акциялар Учала ҳолатда ҳам «уз сотиб олинган акциялар» ҳисобвараки харид суммасига кредитланади, чунки ҳамма акциялар сотилган эди. Иккинчи ҳолатда сотиш баҳоси харид баҳосидан юқори булганлиги сабабли қушимча туланган капитал акс эттирилган эди. Учинчи ҳолатда туланган капитал уз сотиб олинган акциялар хариди киймати ва уларнинг кейинги сотиш киймати орасидаги фаркга камайган эди. Агар «туланган капитал» ҳисобвараки ушбу фаркни коплаш учун лозим булган катталивдаги қолдиқга эга булмаган булса, бундай ҳолатда «таксимланмаган фойда» ҳисобвараки дебетланиши керак.

## 2. Таксимланмаган фойда ҳисоби

**Таксимланмаган фойда** узида акционерлар орасида дивидендлар сифатида таксимланмаган хусусий капиталнинг бир қисмини ифода қилади. Чиқарилган капитал билан бир қаторда, таксимланмаган фойда активларни сотиб олиш манбаи ҳисобланади.

«Таксимланмаган фойда» ҳисобваракининг кредита бўйича қолдиқ компания фаолият қурсатган даврдаги зарарлар, дивиденд туловлари, чиқарилган ҳиссадорлик капиталига реинвестиция қилинган фойда чиқариб ташлангандан сунг қолган соф фойда суммасини ташкил этади. Яъни, соф фойда таксимланмаган фойда суммасини

купайтиради, шу билан бирга дивидендлар уни камайтиради, шуни таъкидлаш зарурки, таксимланмаган фойда корхона активи хисобланмайди, уларнинг мавжудлиги корхона активи хужалик муомалаларидан олинган фойда хисобига купайганлиги билдиради.

«Таксимланмаган фойда» хисобвараки дебет колдикка эга булиши мумкин (таксимланмаган фойда танкислиги дейилади), агар зарарлар ва дивидендлар тулови, хужалик фаолиятдан олинган фойда суммасидан куп булса, танкислик суммаси баланснинг «Хусусий капитал» булимида акс эттирилиб, умумий капитал суммасидан айириб ташланади.

### 3. Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот

**Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот.** Харакатдаги миллий бухгалтерия стандарларига асосан республика худудида фаолият курсатаётган компаниялар узларининг йиллик хисоботларида 5 хил молиявий хисоботларни курсатади: баланс, молиявий натижалар тугрисидаги хисобот, асосий воситаларнинг харакати тугрисидаги хисобот, хусусий капитал тугрисидаги хисобот ва пул маблаглари харакати тугрисида хисобот. Ўзбекистонда таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот хусусий капитал тугрисидаги хисоботни очиб беришнинг бир қисми хисобланади. Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисоботнинг тузилиши куйидагичадир (БХМС буйича):

Компания ХХХ Таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот 31 декабр 2002 й.да тугайдиган йил учун

|                                                   |         |         |
|---------------------------------------------------|---------|---------|
| 2002 й. 1 январьдаги таксимланмаган фойда колдиги | 500 000 |         |
| ' Плюс Соф фойда                                  |         | 278000  |
| . Минус Дивидендлар                               | 100 000 | 178 000 |
|                                                   |         | 678 000 |

2002 й 31 декабрдаги таксимланмаган фойда колдиги

**Таксимланмаган фойдани тузатиш.** Айрим операциялар тугридан-тугри таксимланмаган фойдага таъсир қилади, улар таксимланмаган фойда тугрисидаги хисобот/а очиб берилади. Хисоб тамойилларидаги узгаришлар. Хисоб тамойилларининг узгариши хисобига соф фойда ва молиявий ҳолат жиддий равишда узгариши мумкин, масалан: товар - моддий захираларнинг баҳоланиши еки амортизация хисоблаш усулларининг узгариши хисобига. №1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» БХМСга мувофиқ субъектлар бир хил усулни узгаришларсиз қўллаши керак; агар янги усул эскисига Қараганда, афзалроқ булса ва бу узгаришлар уз вақтида молиявий хисоботда акс эттирилса узгаришларни амалга ошириш мумкин.

Масалан: компания 2003 йил 2 январда хизмат муддати 5 йил булган дастгоҳни сум30 000га сотиб олди. Компания амортизацияни сонлар сумаси усули буйича хисоблади, 2004 йил бошида уни узгартиришига қарор қилди ва қийматини бир текисда хисобдан чиқариши усулига ўтди. Хисоб тамойилларидаги узгаришлар таъсири куйидаги тартибда хисобланади: Сонлар суммаси усули буйича:

2003 йил учун амортизация -  $30000 \text{ сум} \times 5/15$  10 000

2004 йил учун амортизация - 30000сум х4/15      8 000  
 2005 йил бошига тупланган амортизация колдиги      18      000

Бир текисда хисобдан чиқариш усулида (агар кулланилганда):

2003 йил учун амортизация - 3 000сум : 5      6 000

2004 йил учун амортизация      6 000

2005 йил бошига йиғилган амортизация колдиги      12000

Фарқи 6000сум

Бир текисда хисобдан чиқариш усули кулланилганда тупланган амортизация хисобвараки буйича коддик 6 000 сумга кам булар эди ва бу суммага 2 йилда амортизация харажатлари кам булар эди. Узгаришлар натижасида фойда сояиги 1 800 сум га куп булар эди. (сум 6 000 х 30 % ).

Узгариш натижасидаги соф самарадорлик 4 200сумга (сум6 000 - сум1 800) тенг булар эди.

Хисоб тамойилларидаги узгаришларга тузатиш:

*Тупланган амортизация - дастгоҳлар*      6 000 сум

*Таксимланмаган фойда*      4 200 сум

*Туланадиган фойда солиғи* 1 800 сум

Утган даврлар учун тузатишлар утган даврда содир булиб, унда акс эттирилмалш хужалик муомалаларини акс эттирадилар, ва купчилик холяарда чрп этилгая молиявий хисоботлардаги хатоларни тузатиш хисобяанадилар. Таксимланмаган фойда хисоб тамойилларини нотуфи куллаш ёки математик хато натижасида содир булиши мумкин булган тасодифий хатолар хисобига тузатнлади. Хисоб фаолияти натижасида табиий равишда содир буладиган жорий тузатиш ва тугрилашлар, ҳамда жорий хисоб давридаги тузатишлар, утган давр учун тузатишларига таалукли эмасдир. №1 БХМСга мувофик утган даврга таъсир килувчи хатолар жорий хисобот даврида тузатилишм мумкин е"ки таксимланмаган фойдага тузатиш киритилиши мумкин.

**Таксимланмаган фойдадан ажратмалар.** Корхона рахбарининг харакатлари ёки конунчилик талабига кура, таксимланмаган фойда маълум максадларга ишлатилиши ека резервлаштирилиши мумкин. Резервлар сифатида маълум булган таксимланмаган фойдадан ажратмалар ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтириш, шунингдек сутурга захиралари каби рахбариятнинг маълум режаларита захираларини уз ичига олади. Таксимланмаган фойдадан ажратмаларнинг ягона максади - акция эгшшрвга дивиденд таксимотини чегаралашдир. Ажратмалар маълум активларга эгалик килиш билан боглик эмас ва маълум нақд суммасини еки бошка активларни махсус фондга жойлаштиришни билдирмайди. Бошка холларда дивидендлар сифатида таксимланадиган нақд суммалар шундай килиб маълум максадлар учун тегишля ёки масалан карзларни коплаш фондини таъминлаш учун ушлаб турилади.

## **Таянч иборалар**

**Устав капитали** - чиқарилган акцияларнинг номинал ёки эълон килинган кийматига тенг булган ва куйилган капитал сифатида акс эттирилиши лозим булган минимал микдордир.

**Акция** - бу эгалик ҳукукини тасдиқлайдиган кимматбаҳо коғоздир.

**Номинал киймат** - акционерлик капитал счётларида акс этилиши керак булган ва устав капиталини аниклаш учун ишлатиладиган, кимматбахо коғозларида курсатилган битта акциянинг номинал киймати. Сотиб олувчига акциялар урнига акционер сотиб олган акцияларнинг сонини курсатадиган сертификат берилиши мумкин. Куп корпорациялар кимматбахо коғозларининг икки турини чиқарадилар: оддий акциялар ва имтиёзли акциялар.

**Оддий акциялар** компаниянинг қолдиқ капиталини акс эттиради. Яъни, бошқа кредиторлар ва имтиёзли акционерларнинг талаблари оддий акциялар эгалариникидан кўжори туришини билдиради.

**Оддий акциялар** - бу, одатдагидай, овозга эга булган акцияларнинг яқка туридир. Яъни, оддий акциялар эгаларининг директорлар кенгаши аъзоларини сайлашга ҳуқуқи бор.

**Конверсияланувчи (алмаштириладиган) имтиёзли акциялар** - бу, акционер хоҳиши билан оддий акцияларга алмаштирилиши мумкин булган имтиёзли акциялар.

**Кумулятив акциялар** - вақт утиши билан туланмаган дивидендлар тупланиб бориладиган, ва улар оддий акциялар эгаларига эҳтимол туланиши мумкин булган давргача маълум бир йилда туланиши лозим булган имтиёзли акциялардир.

**Дивидендлар-акционерлар** орасида, одатда, пул маблағлари қуринишда, корпорация активларининг тақсимланиши.

**Муддати утган дивидендлар** ~ утган йиллардан қолган, кумулятив имтиёзли акциялар бўйича тупланган туланмаган дивидендлар.

**Сотиб олинган хусусий акциялар** - бу, эркин бозорда сотиб олинган корпорациянинг акциялари. Уз сотиб олинган акциялар бухгалтерия балансида капиталнинг контр счёти сифатида акс этиладилар.

**Акцияларни чиқариш.** Фараз қилайлик, янги бир корпорация ташкил топди. Корпорация устави билан номинал киймати 10 сум булган 20 000 акциягача оддий акцияларини сотишга рухсат берилган.

**Дивидендлар.** *Учта* муҳим сана дивидендлар билан операцияларга алоқадор. Биринчи сана -бу дивидендларни эълон қилиш қуни. Бу қунда директорлар кенгаши дивидендларни тулаш ҳақида эълон қилади. Бу қунда дивидендларни тулаш ҳақида мажбурият ёзилади. Иккинчи сана - дивидендлари туланадиган акционерларнинг қайд қилиниши қуни. Қайд қилиш қунидан кейин, аммо дивидендларни тулаш қунидан олдин акционердан акция сотиб олган бошқа бир кимса, акцияларни эксдивидендлар билан сотиб олади, яъни эълон қилинган дивидендларни олиш ҳуқуқига эмас.

**Якуний сана** - бу дивидендларни тулаш қуни. Бунда дивидендларни тулаш мажбурияти тугалади ва акционерларга дивидендлар туланади.

**Сотиб олинган хусусий акциялар.** Компания уз акцияларини қуйидаги мақсадларда вақтинчалик қайта сотиб олиши мумкин:

- акциялар курсини белгиланган даражада ушлаб туриш учун;
- қулдаги акцияларнинг ҳар бирига тугри қелувчи дивидендларни ошириш учун;
- акцияларни уз ҳодимлари уртасида тарқатиш ва қолган акцияларнинг номиналь кийматини ошириш учун;

- акцияларни бошка фирмалар томонидан сотиб олинишини назорат килиш мақсадида ва х.к.

Компания томонидан сотиб олинган акциялар уз сотиб олинган акциялар деб юритилади.

**Уз сотиб олинган акциялар** - бу капиталнинг контр счёти, актив эмас, чунки бундай акциялар дивидендлар келтирмайди ва келгуси иктисодий манфаатларни акс эттирмайди. Уз сотиб олинган акциялар - чиқаришга рухсат берилган ва чиқарилган, лекин муомалада бўлмаган акциялардир.

**Таксимланмаган фойда** узида акционерлар орасида дивидендлар сифатида таксимланмаган хусусий капиталнинг бир қисмини ифодалайди. Чиқарилган капитал билан бир қаторда, таксимланмаган фойда активларни сотиб олиш манбаи ҳисобланади.

**Таксимланмаган фойдадан ажратмалар.** Корхона раҳбарининг ҳаракатлари ёки қонунчилик талабига қура, таксимланмаган фойда маълум мақсадларга ишлатилиши ёки резервлаштирилиши мумкин. Резервлар сифатида маълум бўлган таксимланмаган фойдадан ажратмалар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, шунингдек сутурга захиралари қабил раҳбариятнинг маълум режаларига захираларини уз ичига олади.

#### **Утилган мавзу бўйича саволлар**

1. Устав капитали нима?
2. Акция нима?
3. Номинал қиймат нимада ифодаланади?
4. Дивидендлар нима?



## **II кисм. ИКТИСОДИЙ ТАХЛИЛ**

### **1-мавзу. Иктисодий тахлилнинг аҳамияти ва корхоналарда уни ташкил килиш тартиби.**

- 1. Иктисодий тахлил тугрисида тушунча ва унинг аҳамияти.**
- 2. Иктисодий тахлилнинг максоди, вазифалари ва турлари.**
- 3. Иктисодий тахлилнинг принциплари.**
- 4. Корхоналарда тахлилий ишларни режалаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш тартиби.**

#### **1. Иктисодий тахлил тугрисида тушунча ва унинг аҳамияти.**

Табиат ва ижтимоий ҳаёт ходисаларини урганиш анализ яъни тахлилсиз мумкин эмас. "Анализ" атамаси грекча суздан олинган бўлиб, унинг таржимаси "буламан", "қисмларга ажратаман" маъносини англатади. Демак, у ёки бу ходисани урганиш учун уни ягона бир тизим сифатида алоҳида булакларга бўлиш анализ яъни тахлилнинг мазмунини англатар экан. Бундай қисмларга бўлиш эса, урганилаётган воқеа-ходисаларнинг моҳиятини тушунишда, унинг ички боғлиқликларини урганишда кул келади. Масалан, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини тушуниш учун унинг қандай элементлардан ташкил топганлигини ва уларнинг узгариши қандай омилларга боғлиқ эканлигини билиш талаб қилинади. Таннарх қанчалик майдалаштирилган ҳолда урганилса, бошқарув учун шунчалик қўл имконият пайдо бўлади. Шу билан бир қаторда шуни ҳам айтиш даркорки, анализ қўпинча синтез билан биргаликда ишлатилади. Синтез ёрдамида бир бутуннинг алоҳида булаклари ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш мумкин. Шундай қилиб, анализ ва синтез замонавий диалектикани ҳосил қилади. Анализ эса қенг маънода атрофимиздаги воқеа-ходисаларни уларни булакларга бўлиш ва уларнинг ўзаро алоқаларини урганиш усулидир.

Ҳаётда, фан соҳасида анализ ёки тахлил сузи жуда қўл ишлатилади. Масалан, физик, қимёвий, математик, статистик, иктисодий ва бошқа турдаги тахлил атамаларини қўл эшитганмиз. Бу тахлил турлари бир-бирларидан урганиладиган объектлари, максоди ва урганиш услубияти билан фарқ қилади. Иктисодий тахлил бошқа тахлиллардан шу билан фарқ қиладики, у абстракт-манتيкий урганиш усули ҳисобланиб, унда маҳсус қўрилмалар ёки асбобларни, масалан микроскоп, қимёвий реактивлардан фойдаланиш шарт эмас.

Иктисодий тахлил кишилиқ жамиятининг ривожланиши ва инсоннинг онги такомиллашиб бориши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган. Кишиларнинг иктисодий фаолияти ривожлана борган сари, ишлаб чиқариш қўчлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши иктисодиё тахлилнинг муқтақил фан соҳаси бўлиб ажралиб чиқишига олиб қелди. Ҳозирги қўнда *умумназарий иктисодий тахлил ва қўнкрет иктисодий тахлил*ни бир

биридан ажратиш мумкин. Умумназарий иктисодий тахлил макро даражада иктисодий воқеа ходисаларни урганса, конкрет иктисодий тахлил микро даражада яъни корхоналар хужалик фаолиятини тахлил қилишда ишлатилади. Шунинг айтиш керакки, умумназарий иктисодий тахлил илмий ёнадашиш сифатида утган аср иктисодчиларининг асарларида сезиларли даражада ривожланган бўлса, конкрет иктисодий тахлил алоҳида фан сифатида яқиндагина ажралиб чиққан.

Хужалик фаолияти тахлили(ХФТ)нинг пайдо бўлиши объектив шарт шароитлар билан белгиланган:

-биринчидан, бу амалий эҳтиёжнинг қондирилиши. Амалий эҳтиёж пайдо бўлиши ишлаб чиқариш қучлари ва муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш масштабининг кенгайиши билан боғлиқдир. Бундай шароитда интуитив тахлил, тахминий ҳисоб-қитоблар, хотирада қамалашлар қорхона фаолиятини бошқаришда етарли бўлмай қолади.

-иккинчидан, бу иктисодий фаннинг ривожланиши билан боғлиқ. Маълумки, у ёки бу фан қамомиллаша қорган сари унинг алоҳида бўлимлари муқамил фан сифатида ажралиб чиқа бошлайди. Иктисодий тахлил дастлаб бухгалтерия ҳисоби, молия, статистика, қилимлари тарқибда урганилади. Шу фанлар тарқибда дастлабки энг қодда тахлилий изланишлар пайдо бўла бошлайди. Ёриқ ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши тахлилнинг янада қуқурлашувига олиб қелди. Энди тахлил қорхоналарни бошқаришнинг муқим бир функцияси сифатида юзага чиқди.

Шундай қилиб, иктисодий тахлил нима деган саволга бир неча қил қавоб бериш мумкин экан. Биринчидан, иктисодий тахлил бу диалектик урганиш усули. Иккинчидан, иктисодий тахлил қорхоналар хужалик молиявий фаолиятини бошқаришнинг режалаштириш, ишни ташқил қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва назорат функциялари билан бир қаторда турувчи функциясидир. Айнан қана шу таърифнинг моқиятини ёритишга алоҳида тухталишимиз қерак. Маълумки, қорхоналар уз фаолиятини режалар асосида ташқил қилади. Хужалик фаолиятини ундаги қараёнларни қузатиб қориш, уларни назорат қилиш қамда тегишли қойдаланувчиларга ақборот тайёрлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби юритилади. Ана шу йигилган маълумотларни тахлил қилиш эса қорхона фаолиятидаги иқобий ва салбий томонларини, ютук ва қамчилиқларни ва энг асосийси, имқониятларни аниқлашга ва шу асосда қелгуси давр учун фаолиятни режалаштиришга қизмат қилади. Шундай қилиб, иктисодий тахлил ҳақиқатан, бошқарув функцияси экан. Унинг ақамияти эса, тахлил маълумотларининг режалаштириш ва имқониятларни ишга солиш соҳасида оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун қизмат қилиши билан белгиланади. Фан сифатида эса иктисодий тахлил макро ва микро даражада иктисодий воқеа ва ходисаларни урганишнинг узига ҳос услубияти билан таништиришга қизмат қилади.

## **2. Иктисодий тахлилнинг мақсади, вазифалари ва турлари.**

Иктисодий таҳлилнинг мақсадини, унинг моҳиятини ёритиш учун унинг бажарадиган вазифалари ва турлари бўйлан танишиб чиқиш жоиздир.

**Иктисодий таҳлил фан сифатида иктисодий конунлар ҳаракати, йуналишлари ва конкрет корхоналарда иктисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш конуниятини урганиш вазифасини бажаради.** Масалан, меҳнат унумдорлигининг меҳнатга ҳақ тулашга нисбатан тезроқ усулини конуни нафакат корхоналарда, балки унинг бўлинмаларида ҳам ҳаракат қилади.

**Итисодий таҳлилнинг бир қуриниши бўлиши ҳужалик фаолияти таҳлилининг энг асосий вазифаларидан бири - бу корхона режаларининг илмий асосланганлигини таъминлаб беришидир,** чунки корхонанинг утган фаолиятини чуқур урганмасдан, унинг камчиликлари ва ҳатоларини аниқламасдан келгуси давр учун илмий ва амалий асосланган режаларни тузиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

**Ҳужалик фаолиятининг яна бир вазифаси ёки функцияси -бу корхона режалари ва бошқарув қарорларининг бажарилиши устидан ҳамда ресурслардан унумли фойдаланиш устидан назорат урнатиш.** Баъзи бир иктисодчилар бу функцияларни бухгалтерия ҳисоби ва бевосита назорат функцияси деб тан олишади. Бу албатта, жуда тугри фикр эмас. Бухгалтерия ҳисоби ҳужалик фаолиятини уни кузатиш, қайд қилиш ва ҳужжатлаштириш еордамида назорат қилсаҳам, у корхона нинг умумий иктисодий ва молиявий натижаларини шарҳлашда ва назорта қилишда етарли эмас. Бу вазифа билан бевосита таҳлил шугулланади ва шунинг учун ҳам унинг тезқорлиги ва таъсирчан-лигини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

**Таҳлилининг энг марказий масаласи эса - бу корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларини излаб топиш.** Бунда эса илғор тажриба ва илм-фан ва техника ҳамда амалиётнинг эришган ютуқларига таяниб иш қуриш керак.

**Таҳлилнинг кейинги функцияси бу-корхоналар фаолиятини улар-нинг режалари ҳамда ресурсларидан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳолаш.** Таҳлилнинг бу вазифаси катта аҳамиятга эга. Корхоналар ҳужалик-молиявий фаолиятини тугри баҳолаш уларнинг келажагини тугри белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Ва, нихоят, таҳлилнинг яна бир муҳим вазифаси ёки функцияси - бу аниқланган имкониятларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.**

Шундай қилиб, иктисодий таҳлил корхоналар ҳужалик-молиявий фаолиятини ва унинг натижаларини баҳолаш, ишлаб чиқариш сама-радорлигини ошириш ва корхона молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятларини қидириб топиш, улардан фойдаланиш чоратадбир-ларини ишлаб чиқиш ва шу асосда корхоналар режаларининг асослан-ганлиги таъминлашни ургатиш билан боглиқ бўлган маҳсул билимлар тизимидир.

Таҳлилнинг моҳияти ва вазифаларини тугри талқин қилишда унинг туркумланиши нихоятда катта аҳамиятга эгадир. Иктисодий адабиётда

иктисодий таҳлилнинг турли белгилари буйича турлича туркумланиши берилган. Шулардан энг муҳимларини куриб чиқамиз.

***Таҳлилнинг утказилиш даврига қараб у дастлабки ёки перспектив - истикбол ва кейинги, яъни ретроспектив ёки тарихий таҳлил турларига бўлинади.***

Дастлабки таҳлил хужалик жараёнлари бошлангунга қадар амалга оширилади ва у бошқарув қарорларини ҳамда режатоппирикларини асослаш учун ишлатилади.

Кейинги ёки ретроспектив таҳлил эса хужалик фаолияти натижалари буйича амалга оширилади ва у корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши устидан назорат урнатиш, унинг натижаларини баҳолаш, жумладан ютуқ ва камчиликларини аниқлаш учун хизмат қилади.

***Ретроспектив*** таҳлил уз навбатида ***тезкор ва якуний*** таҳлилга бўлинади. Тезкор таҳлил одатда хужалик муомалалари амалга оширилиши биланок амалга оширилади, чунки унинг мақсади камчиликларни тезкор равишда аниқлаб, хужалик жараёнига тезкорлик билан таъсир қурсатиш ва уни ижобий томонга ўзгартиришдир.

Якуний таҳлил эса ҳисобот даври якунлари буйича утказилади ва бунда корхона фаолиятини комплекс равишда баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу иккала таҳлил тури бир-бири билан ўзаро боғлиқдир, чунки улардан биргаликда фойдаланилгандагина корхона фаолиятини тулиқ баҳолаш, унинг камчиликларини аниқлаш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш чоратadbирларини ишлаб чиқиш мумкин.

Хужалик фаолияти таҳлили ***бошқариш объектларига қараб*** эса қуйидагиларга бўлинади:

***Техник-иктисодий таҳлил*** - унинг мазмуни шу билан ёритиладики, бунда техник ва иктисодий ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги урганилиб, техник ўзгаришларнинг иктисодий натижаларга таъсири аниқланади.

***Молиявий-иктисодий таҳлил*** - бунда асосий диққат эътибор молиявий натижаларга, корхона молиявий ҳолатига қаратилади, жумладан фойда ва рентабелликни ошириш йулларини кидириш, корхона тулов қобилятини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

***Аудиторлик ёки бухгалтерия таҳлили*** — бу корхона молиявий барқарорлигининг эксперт диагностикасидир ва у аудитор томонидан қорхоналар молиявий барқарорлиги баҳолаш ва унинг истикболини белгилашда ишлатилади.

***Социал-иктисодий таҳлил*** — бунда социал ҳодисаларнинг иктисодий воқеа-ҳодисаларга таъсири урганилади.

***Маркетинг таҳлили*** — бу таҳлил тури қорхона ташқарисидаги воқеликни урганишда, жумладан бозор талаб ва тақлифини урганиш ва унинг қорхона дастурини белгилашга таъсирини аниқлашда ишлатилади.

**Услўбиятига қараб** таҳлил қуйидагиларга бўлинади:

**Таккослама тахлил** хисобот даври хакикий маълумотларининг режа ёки утган давр хакикий маълумотлари билан солиштириш учун ишлатилади.

**Омилли тахлил** — натижавий курсаткичларга таъсир килувчи омиллар ва уларнинг таъсирини аниклаш учун кул келади.

**Диагностик ёки экспресс тахлил** — бу у ёки бу ходисаларнинг руй бериши ва узгариши сабабларини тезкорлик билан аниклашда фойдаланиладиган тахлил туридир.

**Маржинал тахлил** — бу махсулот сотиш, унинг таннархи, фойдаси-ни харажатларни узгарувчи ва узгармасларга булиб тахлил килиш усулидир.

**Иктисодий-математик тахлил** ёрдамида иктисодий масалаларни хал килишнинг энг оптимал варианты танланади.

**Стохастик ёки корреляцион тахлил** урганилаёйган воқеа ва ходисаларнинг стохастик боғликлигини аниклаб беради.

**Функционал киймат тахлили** эса резевларни аниклаш усулидир.

**Тахлил субъектларига кура** куйдагиларга булинади:

**Ички тахлил**-корхонани ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа соҳаларини бошқаришда утказилади.

**Таиқи тахлил** банклар, инвесторлар, хиссадорлар ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

**Объектларни камраб олишига** караб **тулик ва танланма тахлил** турлари мавжуд.

**Тахлил дастурининг мазмунига мувофиқ** эса **яхлит ва алохида** мавзулар буйича тахлил турлари мавжуддир.

### **3. Иктисодий тахлилнинг принциплари.**

Иктисодий изланишлар, унинг натижалари ва улардан ишлаб чиқаришни бошқаришда фойдаланиш маълум бир талабларга жавоб бериши керак. Шу талаблардан энг муҳимларида тухталиб утаимиз.

1. Иктисодий тахлил давлат ёндашувида асосланиши керак. Бунинг маъноси шуки, у ёки бу иктисодий воқеа-ходисаларни баҳо-лашда уларнинг давлат иктисодий, социал, экологик, халқаро сиёсати ҳамда конунчилигига мос келишини инобатга олиш керак.

2. Тахлил илмий характерга эга булиши керак, яъни ишлаб чиқариш ривожланишининг иктисодий конунлари талабларини, билишнинг диалектик назарияси, илмий техник тараққиётнинг ютуқларини ҳамда иктисодий изланишларнинг энг янги усулларида кенг фойдаланиши керак.

3. Тахлил яхлит булиши лозим. Яхлитлик шуни англатадики, тахлил фаолиятнинг барча соҳаларини ва бугинларини тулигича камраб олиши ва уларнинг узаро боғликлигини хар томонлама урганиши лозим.

4. Тахлилга тизимли ёндашиш зарур. Бунда хар бир урганилаётган объект бир тизим сифатида куриб чиқилади ва бу тизимнинг алохида элементлари узаро боғлиқликда урганилади.



5. Хужалик фаолияти тахлили аниқ, равшан ва тугри булиши керак. У ишончли, текширилган, объектив воқеликни реал акс эттирувчи маълумотлар асосида утказилиши керак. Бундан ташқари, унинг хулосалари аниқ тахлилий ҳисоб-китоблар билан асосланган булиши керак.

6. Тахлил ҳар томонлама таъсирчан булиши даркор, яъни ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижаларига фаол таъсир курсатиши, камчиликларни уз вақтида аниқлаши ва бу ҳақда корхона раҳбариятини уз вақтида огоҳлантириб туриши талаб қилинади. Айнан мана шу принципдан тахлил натижаларининг ишлаб чиқаришни бошқаришда кенг қулланилиши ва конкрет чора тadbирларни ишлаб чиқишда асос булиши қелиб чиқади.

7. Тахлил аниқ режа асосида амалга оширилиши лозим, яъни систематик равишда утказилиши талаб қилинади. Бу талаб корхоналарда тахлилий ишларнинг режалаштирилишини, алоҳида функцияларнинг ирочилар уртасида тақсимланиши ва улар устидан назорат урнатилиши кераклигини аңлатади.

8. Тахлил тезкор булиши керак. Тезкорлик тахлилнинг тез ва аниқ утказилишини ҳамда шу асосда бошқарув қарорлари қабул қилилишини аңлатади.

9. Тахлилнинг яна бир принципи — бу демократизм. Тахлил ишларида корхонада ишловчи ҳар бир ходим ички резервларни аниқлаш нуқтаи назаридан иштирок этиши мумкин.

10. Тахлил самарали булиши талаб қилинади, яъни уни утказиш учун қилинган харажатлар қупрок самара бериши керак.

#### **4. Корхоналарда тахлилий ишларни режалаштириш ва маълумотларни қайта ишлаш тартиби.**

Иқтисодий тахлилнинг ёки хужалик фаолияти тахлилининг самардорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашнинг муҳим шарт—бу тахлилий ишларнинг режалаштирилиши. Хужалик фаолияти алоҳида масалаларини тахлилий урганлганда унинг аниқ мақсади ва корхонани бошқариш тизимида уз урни булиши керак, фақат шундагина тахлил хужалик юритиш учун маълум бир даражада сезиларли аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун корхоналарда тахлил утказиш бўйича ишлар режалаштирилиши керак.

Амалиётда тахлилий ишларни режалаштиришнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Корхона тахлилий ишларнинг яхлит режаси.
2. Мавзулар бўйича режалар.

Яхлит режа одатда ҳисобот йили учун тузилади. Бу режани корхона раҳбари топшириги билан мутахассис ишлаб чиқади. Режада тахлилнинг мақсади, вазифалари ва йил давомида қуриб чиқилиши керак бўлган масалалар, уларни утказиш муддати, тахлил субъектлари, тахлилий хужжатларнинг айланиш тарҳи ва уларнинг мазмуни ҳақидаги маълумотлар келтирилади.



Яхлит тахлилни тузишда ахборот манбалари ҳамда кулланилиши мумкин булган техник воситалар ҳам инобатга олинади.

Алохида ва чукур ургаишни талаб килувчи масалалар юзасидан алохида мавзулар буйича режалар тузилади. Бу режаларда тахлилнинг объекти, субъекти, боскичлари, тахлилни утказиш муддатлари ва бошқалар курсатилади.

Иктисодий тахлилнинг корхоналарни бошқаришда таъсирчанлигини таъминлаш купрок иштатилаётган ахборотнинг таркиби, мазмуни ва сифатига боғлиқ булади. Иктисодий тахлил учун куйидаги маълумотлар ишлатилади:

- режа маълумотлари;
- хисоб маълумотлари;
- хисобдан ташқари маълумотлар.

Режа маълумотларига корхонада ишлаб чиқилган барча режалар, жумладан истикбол, жорий, тезкор режалар ҳамда технологик карталар киритилади. Бундан ташқари меъёрий хужжатлар, сметалар лойиха топшириқлари ва бошқалар ҳам режа маълумотлари сифатида ишлатилиши мумкин.

Хисоб характеридаги маълумотлар манбалари - бу барча бухгалтерия, статистика ва тезкор хисоб хужжатлари ҳамда барча хисоботлар ва дастлабки хужжатлардир.

Хужалик фаолияти тахлили учун етакчи ролни бухгалтерия хисоби ва хисоботи уйнайди, чунки у хужалик жараёнлари, уларнинг натижаларини энг тулик акс эттирувчи манбадир.

Хисобдан ташқари маълумотларга корхона фаолиятини бошқарувчи ва тартибга солиб турувчи хужжатлар киради. Улар жумласига расмий хужжатлар, яъни конунлар, фармойишлар; хужалик-хукукий хужжатлари, яъни шартномалар, рекламациялар ва х.к.; техник ва технологик хужжатлар ва бошқалар киради.

Хужалик фаолияти тахлилининг энг масъул боскичларидан бири ахборотларни тахлил учун тайёрлашдир. Бунинг учун ана шу маълумотларнинг маълум бир талабларга жавоб беришини таъминлаш лозим:

Маълумотлар сифатли булиши керак, яъни улар тугри хисобланган, тулик ва тугри тузилган булиши керак.

Тахлил маълумотлари уларнинг мохиятига кура талабга жавоб бериши керак. Бу эса уларнинг тахлил максадига мос келиши ва реал воқеликка тугри келишини англатади.

Маълумотларни таккослаш имконияти булиши керак.

Юкоридаги талабларни кондириш учун тахлил килувчи шахс уларни бир катор текшириб чиқади. Бу текшириш техник характерда булиб, бунда иктисодий курсаткичлар турли хил хисобот шакллари буйича бир-бирига солиштириб курилади. Режа маълумотлари эса режа хужжатларида келтирилган маълумотларга мослиги жихатидан кайта курилади. Курсаткичларни бир-бири билан таккослаш имконияти булиши учун уларни турли хил хисоб-китоблар ва жадваллар ёрдамида бир-бирига мослаштирилади. Тахлил учун ишлатиладиган

маълумотларнинг улчов бирликлари таҳлил учун кулай ҳолатга келтирилади, масалан, агар ракамлар катта бўлса, курсаткичлар минг сумларда ифода этилиши мумкин.

Маълумотларни таҳлилий қайта ишлаш эса - бу бевосита таҳлилнинг узидир. Таҳлилни утказиш учун эса, уни утказиш режаси, ишончли ва тулик ахборотнинг бўлиши етарли эмас. Маълумотларни қайта ишлашни ташкил қилиш учун узига хос бўлган услубиятдан бохабар мутахассис бўлиши талаб қилинади. Бу мутахассис хужалик фаоляти таҳлили услубиятини доимий равишда такомиллаштириб бориши давр талабидир.

### Таянч иборалар

**Иктисодий таҳлил** фан сифатида иктисодий қонунлар ҳаракати, йуналишлари ва конкрет қорхоналарда иктисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятини урганиш вазифасини бажаради.

**Итисодий таҳлилнинг** бир қуриниши бўлмиш хужалик фаоляти таҳлилининг **энг асосий вазифаларидан бири** — бу қорхона режаларининг илмий асосланганлигини таъминлаб беришдир,

**Хужалик фаолятининг** яна бир вазифаси ёки **функцияси** — бу қорхона режалари ва бошқарув қарорларининг бажарилиши устидан ҳамда ресурслардан унумли фойдаланиш устидан назорат урнатиш

**Таҳлилининг энг марказий масаласи** эса — бу қорхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларини излаб топиш.

**Таҳлилнинг кейинги функцияси** бу—қорхоналар фаолятини улар—нинг режалари ҳамда ресурсларидан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳолаш.

Ва, ниҳоят, таҳлилнинг яна бир муҳим вазифаси ёки функцияси — бу аниқланган имкониятларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш бўйича чора—тадбирларни ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг утказилиш даврига қараб у дастлабки ёки перспектив —истикбол ва кейинги, яъни ретроспектив ёки тарихий таҳлил турларига бўлинади.

**Ретроспектив** таҳлил уз навбатида **тезкор ва якуний** таҳлилга бўлинади. Тезкор таҳлил одатда хужалик муомалалари амалга оширилиши биланок амалга оширилади, чунки унинг максоди камчиликларни тезкор равишда аниқлаб, хужалик жараенига тезкорлик билан таъсир қурсатиш ва уни ижобий томонга узгартиришдир.

**Техник-иктисодий таҳлил** - унинг мазмуни шу билан ёритиладики, бунда техник ва иктисодий ходисаларнинг узаро боғликлиги урганилиб, техник узгаришларнинг иктисодий натижаларга таъсири аникланади.

**Молиявий-иктисодий таҳлил** - бунда асосий диққат эътибор молиявий натижадаларга, корхона молиявий ҳолатига қаратилади, жумладан фойда ва рентабелликни ошириш йулларини кидириш, корхона тулов қобилиятини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Аудиторлик ёки бухгалтерия таҳлили** — бу корхона молиявий барқарорлигининг эксперт диагностикасидир ва у аудитор томонидан корхоналар молиявий барқарорлиги баҳолаш ва унинг истикболини белгилашда ишлатилади.

**Социал-иктисодий таҳлил** — бунда социал ходисаларнинг иктисодий воқеа-ҳодисаларга таъсири урганилади.

**Маркетинг таҳлили** — бу таҳлил тури корхона ташқарисидаги воқеаларни урганишда, жумладан бозор талаб ва таклифни урганиш ва унинг корхона дастурини белгилашга таъсирини аниқлашда ишлатилади.

**Услугиятига қараб** таҳлил қуйидагиларга бўлинади:

**Такқослама таҳлил** ҳисобот даври ҳақиқий маълумотларининг режа ёки ўтган давр ҳақиқий маълумотлари билан солиштириш учун ишлатилади.

**Омилли таҳлил** — натижавий қўрсаткичларга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсирини аниқлаш учун қўл келади.

**Диагностик ёки экспресс таҳлил** — бу у ёки бу ходисаларнинг қўй бериши ва ўзгариши сабабларини тезқўрлик билан аниқлашда қўйдаланиладиган таҳлил туридир.

**Маржагинал таҳлил** — бу маҳсулот сотиш, унинг таннари, қўйдасини ҳаражатларни ўзгарувчи ва ўзгармасларга бўлиб таҳлил қилиш усулидир.

**Иктисодий-математик таҳлил** ёрдамида иктисодий масалаларни ҳал қилишнинг энг оптимал варианти танланади.

**Стохастик ёки корреляцион таҳлил** урганилаётган воқеа ва ходисаларнинг стохастик боғлиқлигини аниқлаб беради.

**Функционал қўймат таҳлили** эса резервларни аниқлаш усулидир.

**Таҳлил субъектларига қўра** қуйидагиларга бўлинади:

**Ички таҳлил**-корхона ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа соҳаларини бошқаришда ўтказилади.

**Ташқи таҳлил** банклар, инвесторлар, ҳиссадорлар ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

**Объектларни қамраб олишига** қараб **қўлик ва танланма таҳлил** турлари мавжуд.

**Таҳлил дастурининг мазмунига мўвофиқ эса яхлит ва алоҳида** мавзулар бўйича таҳлил турлари мавжуддир.

### Ўтилган мавзу бўйича саволлар

1. Иктисодий таҳлил фанининг вазифаси?

2. Хужалик фаолиятининг функцияси нима?
3. Тахлилининг энг марказий масаласи нимадан иборат?
4. Ретроспектив нима?
5. Техник-иктисодий таҳлил хақида нимани биласиз?
6. Молиявий-иктисодий таҳлил нима?
7. Аудиторлик ёки бухгалтерия таҳлили нима?
8. Таккослама таҳлил нима?

## **2- мавзу: Иктисодий таҳлилнинг предмети ва методи.**

**1. Иктисодий таҳлилнинг предмети.**

**2. Иктисодий таҳлилнинг методи ва унинг узига хос белгилари.**

**3. Таҳлилда иктисодий ахборотларни қайта ишлаш усуллари:**

**а) таккослаш, нисбий ва уртача микдорлардан фойдаланиш усуллари;**

**б) гурухлаш, баланс ва график усуллари;**

**в) занжирли боғланиш усули ва унинг қуринишлари;**

**г) индекс ва интеграл усуллари.**

### **1. Иктисодий таҳлилнинг предмети.**

Хар бир фан узининг предметиға эға. Фаннинг предметиғи аниқлаб олиш унинг билим тармоғининг қайси соҳасиға таалукли эканлиғини, унинг узиға хос эканлиғини белгилаб аниқлаб олиш нуктаи назардан ҳам ҳам муҳим аҳамиятға эға.

Бирок, шуни алоҳида тақидлаш керакки, иктисодий таҳлилнинг предмети таърифи турли адабиётларда турлича берилган.

Бу масала унлаб йиллардан бери ишланиб келатган бўлишиға қарамай шу вақтгача ҳам ушбу соҳада шугулланаётган олимлар орасида ягона фикр йук. Шунинг учун ҳам адабиётларда ушбу фаннинг предметиға берилган турлича таърифларни учратиш мумкин.

Бир қатор муаллифлар, иктисодий таҳлилнинг предмети деб, режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа ахборотлар манбаларида қурсатқичлар орқали акс этирилган ҳужалик фаолиятни ҳамда бу фаолиятни яхшилаш мақсадида ички имкониятларни қидиришни тушунадилар.

Бошқа муаллифлар фикриға қура эса, бу фаннинг предмети сифатида ҳисоб ва ҳисоботларда микдорий ва сифат қурсатқичлари ердамида акс этирилидиган ва аниқ рақамлар билан ифодаланган режаларни бажариш ва маълум даражаларға эришиш билан боғлиқ ҳужалик жараёнлари тушинилади.

Бошқа бир муаллифлар иктисодий таҳлилнинг предмети деб, ҳужалик ҳисоби категорияларида акс этирилган ва ишлаб чиқаришнинг техник томонлари ва давлатнинг иктисодий сиёсати билан боғлиқ, қорхона ва бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш муносабатларининг мажмуасини ҳисоблайдилар.

Охири йилларда чоп этилатган адабиётларда ҳам ушбу тортишувли масала ягона нуктаи назардан қаралаётгани йук. Жумладан, Баканов М.И., Шеремет А.Д. (Теория экономического анализа. М., Финансы и статистика, 1997 й.) "Иктисодий таҳлилнинг предмети деганда объектив ва субъектив омиллар таъсирида вужудға келувчи ва иктисодий ахборотлар тизимида уз аксини топувчи, қорхоналар, бирлашмалар, ассоциацияларнинг ҳужалик жараёнлари, социал-иктисодий самарадорлиғи ва якуний молиявий натижаларидир" деб таъриф берадилар( -бет ).

Г.В.Савицкая (Анализ хозяйственной деятельности., Минск, 1998 й.) эса "Хужалик фаолиятини тахлилининг предмети булиб иктисодий ходиса ва жараенларнинг сабаб-окибат боғланишлари ҳисобланади" деб таъриф беради.

Юқорида берилган таърифлардан қурииб турибдики, уларнинг ҳаммасида ҳам иктисодий тахлилнинг (ХФТнинг) урганиш объекти сифатида биринчидан хужалик жараенлари (иктисодий жараенлар) қаралмоқда, иккинчидан хужалик жараенлари натижаларига омиллар таъсирини урганиш ҳисобга олинмоқда ва учинчидан ана шу жараенларни акс эттирувчи ахборотлар манбалари курсатиб утилмоқда. Лекин анашу умумий томонлардан ташқари ҳар бирини бошқасидан аниқ ажратиб турувчи принципиал томонлари ҳам борлигини юқорида берилган таърифлардан ҳам қурииб турибди.

Агар биз иктисодимизда юз бераётган узғаришларни инобатга оладиган бўлсак, хужалик фаолияти билан шугилланувчи субъектларни янги-янги шакллари вужудга келганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда иктисодий тахлилга қуйидагича таъриф бериш мумкин:

**Иктисодий тахлилнинг предмети деб,** хужалик юритувчи барча субъектларнинг моделлаштирилган иктисодий ахборотлар тизими орқали акс эттирилувчи ва турли (ички ва ташқи) омиллар таъсири натижасида юзага келувчи молиявий-хужалик фаолиятига айтилади.

Қорхона ва ташкилотларнинг хужалик фаолияти деганда таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, молиявий фаолияти деганда эса молиявий ресурсларни қорхона фаолиятига жалб қилиш ёки аксинча ортиқча молиявий ресурсларни қуйилма сифатида ишлатиш билан боғлиқ фаолият тушунилади. Қорхоналарнинг хужалик молиявий фаолияти турли хил омиллар таъсири остида юзага келади. Бу фаолият одатда иктисодий курсаткичлар орқали характерланади. Масалан: меҳнат унумдорлиги, фойда, молиявий барқарорлик ва бошқа шу қаби курсаткичлар орқали. Бу курсаткичларнинг у ёки бу даражада бўлиши эса бир томондан қорхонанинг фаолиятига боғлиқ бўлади, иккинчи томондан унга боғлиқ бўлмаган ҳолда яъни объектив равишда улар узғариши мумкин. Масалан: қорхоналардаги ишчилар материалларнинг ортиқча сарфланишига йул қуйса таннарх ортиб кетади, демак фойда қамайиб кетади ёки иш вақтида йукотишлар қупайиб кетса товар маҳсулот ҳажми қамаяди, натижада сотиш ҳажми ҳамда фойда қамаяди. Умумий ҳолда материал қайтимининг ҳамда меҳнат унумдорлигининг пасайиши қорхона молиявий натижаларига салбий таъсир курсатиши субъектив омилларининг таъсири деб айтиш мумкин. Лекин баъзи ҳолларда қорхонага боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам унинг фаолиятига сезиларли таъсир курсатиши мумкин. Масалан: қорхона ишлатаётган материаллар баҳосининг кескин ортиб кетиши ёки қорхона маҳсулотига бўлган талабнинг қамайиши. Бу қаби омилларни эса объектив омиллар деб айтилади.

## **2. Иктисодий тахлилнинг методи ва унинг узиға ҳос белгилари.**



Хар кандай фаннинг нафакат уз предмети, балки уни, яъни предметни урганиш усули булади. Хужалик фаолияти тахлили (ХФТ) конкрет иктисодий тахлил сифатида барча бошка иктисодий фанлар каби материалистик диалектикага асослангандир. Яъни у иктисодий воқеа ва ҳодисаларни ривожланишда ва узаро боғлиқликда урганади. Ушбу фаннинг предметига таъриф беришда турли хил ёндашишларни кузатганимиздек, методига таъриф беришда ҳам турли адабиётларда турлича, лекин бир биридан принципиал равишда фарқ икмайдиган фикрларни учратиш мумкин. Куйида уларнинг баъзи бирларини куриб чиқамиз.

**"Тахлилнинг методи** — бу махсус усуллар ёрдамида режа, ҳисоб, ҳисобот ва ахборотларнинг бошка манбаларини ишлаш йули билан амалга ошириладиган, хужалик режаларининг бажарилишига ва хужаликнинг ривожланиш динамикасига айрим омиллар таъсирини системали, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштириш усулидир". (Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий и объединений. Под.ред. С.Б. Барнгольц и Г.М.Тация. М., Финансы и статистика, 1986й., 21-б).

М.И.Баканов ва А.Д.Шереметлар эса куйидагича таъриф берадилар: "Иктисодий тахлилнинг методи деганда, ривожланаётган ва вужудга келаётган хужалик жараёнларини урганишга диалектик ёндашиш тушунилади. Иктисодий тахлил методининг узига хос хусусиятлари:

- хужалик фаолиятини ҳар томонлама, яъни тула тавсифловчи курсаткичлар тизимидан фойдаланиш;

- бу курсаткичларнинг узгариш сабабларини урганиш;

- ижтимоий-иктисодий самарадорликни ошириш мақсадида ана шу курсаткичлар орасидаги узаро боғланишларни аниқлаш ва улчаш ҳисобланади". (Баканов М.И., Шеремет А.Д., Теория экономического анализа. М., Финансы и статистика, 1997, 44-бет).

Савицкая Г.В. эса куйидаги таърифни беради: "ХФТнинг методи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошка ахборот манбалари курсаткичлар тизимини махсус усуллар ёрдамида қайта ишлаш йули билан корхоналар фаолияти натижаларига омиллар таъсирини тизимли, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштиришдир".

Юқоридаги таърифларга асосан, иктисодий тахлил методининг моҳиятини ва унинг узига хос хусусиятларини куйидагича таърифлаш ва шарҳлаш мумкин:

**Иктисодий тахлилнинг методи** — бу турли хужалик юритувчи субъектларнинг доимий ривожланиш ва узгаришдаги молиявий — хужалик фаолиятини урганишга диалектик ёндашган ҳолда, иктисодий ахборотлар манбаларида келтирилган курсаткичлар тизимини махсус усуллар ёрдамида қайта ишлаш йули билан уларни узгариш сабабларини аниқлаш ҳамда улар орасидаги узаро боғлиқларни тизимли, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштиришдир.

Демак, иктисодий таҳлил методининг куйидаги хусусиятларини санаб утиш мумкин экан:

- 1) иктисодий ахборот манбаларида келтирилган курсаткичлар тизимидан фойдаланиш;
- 2) уларни махсус усуллар ёрдамида қайта ишлаш;
- 3) уларнинг узгариш сабаблари ҳамда узаро боғлиқлигини урганиш;
- 4) уларнинг, яъни иктисодий курсаткичларнинг узаро боғлиқлигини улчаш ва умумлаштириш.

Иктисодий таҳлил методининг бу хусусиятларини англаб етиш учун бир нечта мисолни куриб чиқиш мумкин. Масалан, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилини амалга оширишда меҳнат унумдорлигини тавсифловчи курсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Булар жумласига бир ишчининг уртача йиллик меҳнат унумдорлиги курсаткичи киради. Бу курсаткичнинг узгариши (режа ёки утган йилга нисбатан) урта ҳисобда бир ишчи томонидан ишланган иш кунлари сонининг узгариши, иш кунни узунлигининг узгариши, бир ишчининг уртача соатлик меҳнат унумининг узгаришига боғлиқ бўлади. Бу курсаткичларнинг узаро боғлиқлиги махсус усуллар (масалан, занжирли боғланиш усули) ёрдамида урганилади ва умумлаштирилади.

***Иктисодий таҳлилнинг усули, яъни методи куйидаги иккита элементи билан белгиланади:***

***1) системали тарзда ёндашиш;***

***2) комплекс таҳлил услубияти.***

Урганилаётган объект унинг катта ёки кичиклигидан катъий назар яхлит бир тизим деб олинади. тизим эса одатда унинг алоҳида элементлари ва уларнинг узаро боғлиқлиги билан характерланади. Масалан: молиявий натижалар таҳлилида молиявий натижалар асосий курсаткич сифатида олиниб, у маҳсулот сотиш ҳажми ва сотилган маҳсулот учун харажатлар билан аниқланувчи тизим сифатида урганилади. Юқоридаги иккита курсаткич эса уз навбатида қисмларга бўлиниши мумкин. Масалан: сотилган маҳсулот ҳажми маҳсулот ҳажмига ва сифатига боғлиқ бўлса, таннарх эса маҳсулот ассортимент, айрим маҳсулотлар таннархи ва алоҳида харажатлар буйича четга чиқишларга боғлиқ бўлади.

Комплекс таҳлил услубиятининг моҳиятини куйидагича ёритиш мумкин. Даставвал таҳлил қилинаётган курсаткич белгиланган база билан такқосланади, сунгра унга таъсир қилувчи омиллар аниқланади ва шу омилларнинг таъсири ҳисоблаб чиқилади. Сунгра уларнинг узгариш сабаблари аниқланиб, шу асосда қорхона имкониятлари излаб топилади.

Иктисодий таҳлилнинг методининг моҳияти шундан иборатки, у қорхона молиявий ҳужалик фаолиятини иктисодий курсаткичлар орқали, уларнинг узаро боғлиқликда урганиш ва ана шу узаро боғлиқликнинг миқдорини ҳисоблаб топишдир, сунгра тегишли ҳулосаларни чиқариш ва қорхона имкониятларини қидириб топишдир.

Иктисодий таҳлил методини методика тушунчасидан фарқлай билиш керак. Агар методнинг таржимаси усул бўлса, методика услубиятдир. Усулни куллаш механизмини услубият дейиш мумкин. Иктисодий таҳлилда детерминистик ҳамда стохастик омилли таҳлил услубияти фаркланади. Детерминистик омил услубияти ёрдамида урганилаётган объект ва унга таъсир килувчи омиллар уртасидаги боғлиқликни блок схемалар орқали акс эттирилади.

Шундай қилиб, детерминистик омилли таҳлил бу омиллар таъсирини урганувчи шундай услубиятки, бунда натижавий курсаткич билан унга таъсир килувчи курсаткичлар, яъни омиллар уртасида функционал боғлиқлик мавжуд бўлади ва бу боғлиқлик қупайтма, йигинди ва бошқа қуринишда ифодаланиши мумкин.

Юқоридаги мисолимизда товар маҳсулотни бир ходимнинг уртача йиллик меҳнат унумдорлиги билан ходимлар сони қупайтмаси сифатида, соатлик меҳнат унумини эса иш куни узунлигининг соатдик меҳнат унумдорлиги билан қупайтмаси орқали ифодалаш мумкин.

Стохастик омилли таҳлил деганда эса шундай омиллар урганиш услубияти тушуниладики, бунда уларнинг натижавий курсаткич билан боғлиқлиги функционал эмас, балки корреляцион, яъни эҳтимолийдир.

### 3. Иктисодий таҳлилда маълумотларни қайта ишлаш усуллари.:

Иктисодий таҳлилда қулланадиган усуллари турлича туркумланади. Ҳозирги пайтда иктисоди таҳлил усуллари қууида қуринишда туркумлаш қупчилик ҳолларда қулланади (1-қизма).



1-қизма. Иктисодий таҳлилнинг асосий усуллари туркумлини

1-чизмадан куришиб турибдики, иктисодий тахлил жараенида ахборотларни ишлаш, умумлаштирувчи курсаткичларни хисоблаш усуллари билан бир каторда, омилли тахлил утказиш ва курсаткичларни оптималлаштириш усуллари ҳам кенг кулланади.

Детерминистик моделларда ҳамда стохастик боғланишларининг урганиш услубиятидан фойдаланиш давомида турли хил усуллардан фойдаланилади. Бу усуллар одатда энг куп кулланиладиган усуллар хисобланади.

1. Таккослаш усули.
2. Мутлак, уртача ва нисбий курсаткичлардан фойдаланиш усули.
3. Гурухлаш, жадвал ва графиклардан фойдаланиш усули.
4. Занжирли боғланиш усули.
5. Абсолют ёки мутлак курсаткичлардаги фарклар усули.
6. Индекс усули.
7. Интеграл усули.

#### **а) таккослаш, нисбий, уртача микдорлардан фойдаланиш усуллари;**

Таккослаш ижтимоий иктисодий воқеа ходисаларни урганишнинг бир усулидир. Бу усулнинг моҳияти куйидагича ёритилиши мумкин. Таккослаш бу урганишнинг шундай илмий усулики, унинг ёрдамида номаълум ходисалар урганилади, улар маълумлари билан уларнинг ухшашлиги ёки фарқини аниклаш мақсадида солиштирилади. Таккослаш ёрдамида иктисодий ходисаларнинг умумийлиги ва хусусиятлари аникланади, урганилаётган объектнинг узгариши, унинг ривожланиш тенденцияси куриб чиқилади.

Иктисодий тахлилда такослаш унинг деярли барча масалаларини ҳал қилишда асосий ва ёрдамчи усул сифатида ишлатилади. Таккослашнинг иктисодий тахлилда кулланилиши буйича энг куп учрайдиган ҳолатларни куриб чиқамиз.

1. Режа ва ҳисобот курсаткичларини таккослаш. Маълумки, иктисодий тахлилнинг вазифаларидан бири бу корхона фаолоиятини унинг ишлаб чиқариш дастурини бажариши буйича баҳолашдир. Ана шу вазифа ҳисобот курсаткичларини режа курсаткичлари билан таккослашни талаб этади. Буни куйидаги мисол ёрдамида куриш мумкин.

жадвал №

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши тахлили

| Маҳсулот тури | режа | ҳисобот | мутлак<br>чиқиш | четга | режанинг<br>бажарилиши,<br>% |
|---------------|------|---------|-----------------|-------|------------------------------|
| А             | 300  | 327     | +27             |       | 109                          |
| Б             | 250  | 225     | -25             |       | 90                           |
| В             | 500  | 510     | +10             |       | 102                          |
| ва ҳоказо     |      |         |                 |       |                              |

|      |      |      |      |     |
|------|------|------|------|-----|
| ЖАМИ | 4000 | 4200 | +200 | 105 |
|------|------|------|------|-----|

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, корхона махсулот ишлаб чиқариш режасини ортириб бажарган. Лекин айрим турдаги махсулотлар буйича режа бажарилмаган. Демак умумий ҳолда товар ишлаб чиқариш режаси бажарилган, лекин махсулот ассортименти бузилган.

2. Хакикий курсаткичларни меёрий курсаикичлар билан таккослаш- бу харажатлар устидан назорат урнатиш ва тежамкор технологиядан фойдаланишга хизмат килади.

Тахлилий ишлар амадиётида купинча хом-ашё ва материаллар буйича тасдиқланган меёёрлар билан хакикий курсаткичлар солиштирилади. Бундай таккослаш ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар буйича ортикча харажатларни ёки тежашларни аниклаш учун, колаверса улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун зарурдир. Тахлил натижасида эса корхонанинг махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини купайтириш ва таннархни пасайтиришнинг фойдаланилмай қолган имкониятлари аникланади.

| Материаллар тури | хакикий<br>ҳажмдаги<br>махсулот учун<br>меёёр буйича | хисобот | мутлак<br>четга<br>чиқиш | нисбий<br>четга<br>чиқиш<br>% |
|------------------|------------------------------------------------------|---------|--------------------------|-------------------------------|
| Хом ашё          | 1200                                                 | 1176    | -24                      | -2,0                          |
| Материаллар      | 4650                                                 | 4800    | +150                     | +3,2                          |
| Ёкилги           | 2500                                                 | 2750    | +250                     | +10,0                         |
| ва ҳоказо        |                                                      |         |                          |                               |

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, материаллар ва ёкилги буйича ортикча сарфга йул қуйилган. Агар шу ортикча сарфланган материаллар суммасини бир бирлик махсулот ишлаб чиқариш учун материал сарфи меёёрига бўлсак, корхонанинг ишлаб чиқарилмаган махсулоти ҳажми келиб чиқади.

3.Хакикий маълумотларни иктисодий жараёнлар ривожланиш тенденциясини аниклаш мақсадида утган йллар маълумотлари билан таккослаш. Бундай таккослаш урганилаётган курсаткичларнинг узгариши, уларнинг ривожланиш йуналишини баҳолаш учун зарурдир.

4.Тахлил қилинаётган корхона курсаткичларини илм фан ва илгор тажриба ютуқлари билан таккослаш. Бундай таккослаш эса ишлаб чиқаришнинг ички резерфларини аниклаш учун керакдир.

5. Тахлил қилинаётган курсаткичлар узаро боғлиқлигини урганиш учун паралел ва динамик каторларини солиштириш. Масалан, махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг узгариш динамикасини асосий фондлар ва фонд қайтими узгариши динамикаси билан биргаликда куриб чиқиш мумкин.

6. Тахлил қилинаётган ҳужалик курсаткичларини тармок ёки вилоят, ноҳиялар буйича уртача курсаткичлари билан солиштириш.

7.Бошқарув қарорларининг турли вариантларини энг оптималини танлаш мақсадида бир бири билан таққослаш .

8.Резервларни аниқлаш ва омиллар таъсирини ҳисоблашда қорхона фаолияти натижаларини омилларнинг таъсирига қадар ёки омиллар таъсиридан сунг ҳисоблаш.

Иқтисодий таҳлилнинг деярли барча босқичларида мутлақ қўрсаткичларидан ташқари уртача ва нисбий микдорлар ҳам ишлатилади. Уртача микдорлар доимий ўзгаришда бўлиб турувчи қўрсаткичлар ( масалан ишчилар сони, иш ҳақи, асосий фондларнинг қиймати ) бўйича иқтисодий воқеа ҳодисаларга объектив баҳо бериш мақсадида ишлатилади. Бунда уртача арифметик, уртача хронологик қўрсаткичлар ҳисоблаб топилади. Масалан, уртача йиллик ишчилар сони , уртача йиллик иш ҳақи , асосий фондларнинг уртача йиллик қиймати ва ҳоказо.

Иқтисодий таҳлилда нисбий қўрсаткичлардан ҳам кенг фойдаланилади. Нисбий қўрсаткичлардан одатда режаларнинг бажарилишини баҳолаш, иқтисодий қўрсаткичлар ўзгариши динамикасини баҳолаш, умумий қўрсаткичлар таркибида хусусийларининг улуши ёки салмоғини урганиш мақсадида фойдаланилади. Бундай таҳлил иқтисодий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгаришига объектив баҳо беришда ниҳоятда муҳимдир.

#### **б) гуруҳлаш, баланс ва жадваллардан фойдаланиш усуллари;**

Иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган усуллардан энг муҳимлари бу гуруҳлаш, баланс ва жадваллардан фойдаланиш усуллари.

Гуруҳлаш-бу урганилаётган яхлит объектнинг у ёки бу белгиларига қўра сифат жиҳатидан бўр хил бўлган гуруҳларга бўлинишидир.

Иқтисодий таҳлилда ахборотларни гуруҳлаш қўйидаги усулларидан фойдаланилади:

-Типологик ва тузилмавий гуруҳлаш;

-Аналитик гуруҳлаш.

Типологик гуруҳлашга мисол сифатида аҳолининг машғулотида қўра, қорхоналарнинг мулк шаклига қўра гуруҳланишини мисол қилишимиз мумкин.

Тузилмавий гуруҳлаш қўрсаткичларнинг ички тузилишини, унинг алоҳида қисмларининг ўзаро боғлиқлигини урганиш ўчун ишлатилади. Унинг ёрдамида масалан: ишчиларнинг қасби, иш стажи, ёши, меҳнат ўнуми бўйича таркиби урганилиши мумкин.

Аналитик ёки таҳлилий гуруҳлаш эса сабаб-оқибат боғлиқлигига қараб қўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлик шакли, йўналиши ва мавжудлигини урганиш ўчун ишлатилади.

Гуруҳлаш ўсули иқтисодий жараёнларнинг ўзгаришига баҳо беришни деталлаштириш мақсадида ишлатилади. Гуруҳлаш асосан объектларнинг таркиби, структурасини таҳлил қилишда қўлай ҳисобланади.

Иқтисодий таҳлилда баланс ўсулидан ҳам кенг фойдаланилади.



Баланс усули асосан, узаро боглик булган икки гурух иктисодий курсаткичларнинг пропорциясини акс эттириш учун ишлатилади. Баланс усули корхонанинг меҳнат, материал, молиявий ресурслар ва асосий воситалар билан таъминланганлигини таҳлил қилишда ҳамда улардан тула фойдаланишни урганишда ишлатилади. Масалан, корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини урганишда бир тлмлндан меҳнат ресурсларига булган талаб, бир томондан уларнинг ҳақиқий мавжудлиги акс эттирилади. Масалан, баланс методидан фойдаланиб, иктисодий таҳлил утказиш учун, товар балансининг умумий формуласидан

$$O_H + \Pi = P + B + O_K$$

фойдаланиб, унинг айрим номаълум элементларини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

давр бошига товарлар қолдиги

$$O_H = \Pi - P - B - O_K$$

келтирилган товарлар ҳажми

$$\Pi = P + B + O_K - O_H$$

сотилган товарлар ҳажми

$$P = O_H + \Pi - B - O_K$$

бошқа чиқарилган товарлар ҳажми

$$B = O_H + \Pi - P - O_K$$

давр охирига товарлар қолдиги

$$O_K = O_H + \Pi - P - B$$

Келтирилган формулалардан фойдаланиб товар балансининг айрим элементларининг ҳақиқий даражасини режадан (базис давридан) узгаришига айрим омилларнинг таъсирини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

а) давр бошига товарлар қолдигини узгаришига

$$\Delta O_H = \Delta \Pi - \Delta P - \Delta B - \Delta O_K$$

б) келтирилган товарлар хажмини узгаришига

$$\Delta\P = \Delta P + \Delta B + \Delta O_k - \Delta O_n$$

ва хоказо.

Иктисодий тахлилда маълумотларни аналитик жадвал ва графикларда ифодалаш усулларида хам фойдаланилади.

Тахлил натижалари одатда жадваллар ёрдамида акс эттирилади. Тахлилий жадваллар одатда фикр, мулохазаларнинг ракамлар ёрдамида акс эттирилган тизимини намоён килади

Жадваллар одатда сузли матнга нисбатан фикрни аниқроқ, ифодалироқ ва кургазмали акс эттиришга хизмат килади. Жадвалларнинг куйидаги турлари мавжуд: оддий, гурухли ва аралаш.

Оддий жадвалларда тавсифланаётган ходисанинг айрим бирликлари санаб утилади. Гурухли жадвалларда эса урганилаётган объект бирликлари энг сезиларли белгилари буйича маълум бир гурухларга бирлаштирилади. Аралаш жадвалларда эса жадвалнинг маълумотлари факатгина гурухлар эмас, балки гурухчалар буйича хам келтирилади.

Юкорида айтганимиздек тахлилда графиклардан хам фойдаланилади. Графикларнинг ахамияти шундаки, уларнинг ёрдамида маълумотлар янада тушунарлироқ ва аниқроқ ифода этилади. Графиклар асосан, диаграмма ёки чизикли графиклар сифатида ишлатилади.

**в) занжирли боғланиш усули ва унинг куринишлари (абсолют ва нисбий курсаткичлардаги фарк усуллари).**

Занжирли боғланиш усулининг мохияти шундан иборатки, бунда омилларнинг натижавий курсаткичларга таъсирини анилаш учун бирин кетин тегишли формулага режа(базавий) маълумотларурнига хакикий маълумотлар куйилиб натижавий курсаткичлар аниклади ва хар бир кейинги натижадан олдингиси айрилади. “+”ёки“--” ишора билан чиккан фарклар эса омилларинг таъсирини курсатади. Занжирли боғланиш усули куйидаги холда кулланилади.

1.Агар омил 2-3 ва ундан ортик булса.

2.Натижавий курсаткич билан унга таъсир килувчи омиллар уртасидаги боғликликда бирон бир формула оркали ифодалаш имкони булса.

Занжирли боғланиш усули схемаси куйидагича:

| хисоблар       | 1-омил | 2-омил | 3-омил | натижа  | омиллар таъсири |
|----------------|--------|--------|--------|---------|-----------------|
| режа           | P      | P      | P      | P       |                 |
| 1-урнига       | X      | P      | P      | 1-хисоб | + /-            |
| 2-урнига       | X      | X      | P      | 2-хисоб | + /-            |
| 3-урнига куйиш | X      | X      | X      | 3-хисоб | + /-            |
| ЖАМИ           |        |        |        |         | + /-            |

Бу жадвалда P -режа(базис), X- хакикий (жорий) маълумотларни англатади.

Омиллар таъсири тугри аникланганлигини текшириш учун уларнинг таъсирлари йигиндиси хисоблаб топилади. Бу йигинди натижавий курсаткичнинг умумий узгаришига тенг чиқиши лозим.

Занжирли боғланиш усулининг бир қуриниши, бу абсолют ёки мутлак курсаткичлар, уртасидаги фарқлар ёки тафовутлар усули. Бу усул қуйидаги ҳолларида фойдаланилади.

1.Омиллар сони унча қуп бўлмаган ҳолда.

2.Натижавий курсаткичлар билан омиллар уртасидаги боғлиқлик қупайтириш формуласи орқали ифода этилса.

3. Агар омилларни миқдор ва сифат курсаткичларига бўлиш имконияти бўлса.

Усулнинг моҳияти мутлок курсаткичлардаги тафовутлар ёки фарқлар (яъни четга чиқишлар) ёрдамида омиллар таъсирини аниклаш билан тавсифланади.

Бу усулдан фойдаланиш қуйидагича амалга оширилади:

1. Миқдор курсаткичининг таъсирини аниклаш учун бу курсаткич бўйича фарқ сифат курсаткичининг режадаги (базавий суммасига) қупайтирилади.

2. Сифат курсаткичининг таъсирини аниклаш учун бу курсаткич бўйича фарқ миқдор курсаткичининг хакикий даражасига қупайтирилади.

**г) индекс ва интеграл усуллари.**

Индекс методи нисбий динамик курсаткичлар, режа бажарилиши ва тахлилий курсаткичларнинг жорий йилга нисбатан узгариши курсаткичларига асосланган ҳолда ишлатилади.

Индекс методидан фойдаланиб, умумлаштирувчи курсаткичнинг хакикий даражаси режа (базис даврига) нисбатан узгариши

$$J_N = \frac{\sum X_1 Y_1}{\sum X_0 Y_0}$$

а) биринчи омилнинг умумлаштирувчи курсаткични узгаришига таъсири

$$JN_x = \frac{\sum X_1 Y_0}{\sum X_0 Y_0}$$

б) иккинчи омилнинг умумлаштирувчи курсаткични узгаришига таъсири

$$JN_Y = \frac{\sum X_1 Y_1}{\sum X_1 Y_0}$$

формулалари ёрдамида ҳисобланиши мумкин.

Интеграл методидан фойдаланиб, омилли таҳлил утказиш қуйидагича амалга оширилиши мумкин.

Умумлаштирувчи (натижавий) курсаткичнинг ҳисобот даврида режа-дан (базис давридан) узгариши

$$\Delta N = N_1 - N_0 = X_1 Y_1 - X_0 Y_0$$

а) биринчи омил (микдорий курсаткич)нинг узгаришини умумлаштирувчи курсаткич узгаришига таъсири

$$\Delta N_X = \Delta X Y_0 + \frac{\Delta X \Delta Y}{2}$$

б) иккинчи омил (сифат курсаткичи)нинг узгаришини умумлаштирувчи курсаткич узгаришига таъсири

$$\Delta N_Y = \Delta y X_0 + \frac{\Delta X \Delta Y}{2}$$

### Таянч иборалар:

*Иктисодий таҳлилнинг предмети деб*, хужалик юритувчи барча субъектларнинг моделлаштирилган иктисодий ахборотлар тизими орқали акс эттирилувчи ва турли (ички ва ташқи) омиллар таъсири натижасида юзага келувчи молиявий-хужалик фаолиятига айтилади.

**"Тахлилнинг методи** — бу махсус усуллар ёрдамида режа, ҳисоб, ҳисобот ва ахборотларнинг бошқа манбаларини ишлаш йули билан амалга ошириладиган, хужалик режаларининг бажарилишига ва хужаликнинг ривожланиш динамикасига айрим омиллар таъсирини системали, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштириш усулидир".

**Иктисодий тахлилнинг методи** — бу турли хужалик юритувчи субъектларнинг доимий ривожланиш ва узгаришдаги молиявий- хужалик фаолиятини урганишга диалектик ендашган ҳолда, иктисодий ахборотлар манбаларида келтирилган курсаткичлар тизимини махсус усуллар ёрдамида қайта ишлаш йули билан уларни узгариш сабабларини аниклаш ҳамда улар орасидаги узоро боғлиқларни тизимли, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштиришдир.

**Иктисодий тахлилнинг усули, яъни методи қуйидаги иккита элементи билан белгиланади:**

**1)системали тарзда ёндашиш;**

**2)комплекс тахлил услубияти.**

Комплекс тахлил услубиятининг моҳиятини қуйидагича ёритиш мумкин. Даставвал тахлил қилинаётган курсаткич белгиланган база билан таккосланади, сунгра унга таъсир қилувчи омиллар аникланади ва шу омилларнинг таъсири ҳисоблаб чиқилади. Сунгра уларнинг узгариш сабаблари аникланиб, шу асосда қорхона имкониятлари излаб топилади.

### **Утилган мавзу бўйича саволлар**

1. Иктисодий тахлилнинг предмети деб нимага айтилади?
2. Тахлилнинг методи нима?
3. Иктисодий тахлилнинг методи нима?

### **3-мавзу: Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили.**

- 1. Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва курсаткичлар тизими.**
- 2. Талаб ва таклиф қонуни ва унинг ишлаб чиқариш дастурини белгилашга таъсири.**
- 3. Ишлаб чиқариш дастурининг мувофиқлиги ва тигизлиги таҳлили.**
- 4. Махсулот таркиби, ассортименти ва сифати таҳлили.**
- 5. Махсулот сотиш бўйича шартнома шартларини бажариш таҳлили.**

#### **1. Таҳлилнинг аҳамияти, вазифалари ва курсаткичлар тизими.**

Бозор иқтисодиёти шароитида махсулот ишлаб чиқариш таҳлили

2-йўналишда указилади.

- 1) Молиявий натижа ва молиявий ҳолатга таъсир этувчи омил сифатида;
- 2) корхона ишлаб чиқариш дастури бажарилишини намоён этувчи омил сифатида.

Бозор иқтисодиётига утгунга қадар бу мавзу ХФТнинг энг марказий мавзуси ҳисобланарди. Маъмурий-бўйруқбозлик даврида юқори ташкилотлар учун корхонанинг молиявий ҳолати, молиявий натижаларидан қура унинг қандай махсулот ишлаб чиқаргани қатъароқ аҳамиятга эга эди. Фаолиятнинг уша пайтда асосий ҳисобланган бу қисмини таҳлил қилиш учун аввал яппи махсулот, кейинчалик товар махсулот, норматив соф махсулот, сотилган махсулот қаб қурсатқичлар белгиланган эди.

Қорхоналар фаолияти эса объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлгани сабабли, маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг тубдан зил қетиши бу қурсатқичларнинг узини оқлай олмаслигига сабаб бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ишлаб чиқариш қорхоналари молиявий ҳолатини белгилаб берувчи асосий фаолият тури ҳисобланади. Демак, бозор иқтисодиёти шароитида қорхона фаолиятининг асосий манбаи ҳисобланади.

Таҳлил давомида қуйидаги қурсатқичлардан фойдаланилади:

1) Сотилган махсулот ҳажми— бу харидорларга шартномалар асосида юқлаб жунатилган ва туланган товар махсулот қиймати;

2) Товар махсулот сифатида сотиш учун мулжалланган тайёр махсулот қиймати.

Ишлаб чиқариш дастурини баҳолашда ишлаб чиқариш ҳажминини тавсифловчи натурал қурсатқичларнинг (дона, метр, тонна ва ҳ.к.) ҳам аҳамияти қаттадир.

Юқоридаги қурсатқичлар ишлаб чиқариш дастурини баҳолашда ишлатилади. Ишлаб чиқариш дастурини сотиладиган ва ишлаб чиқариладиган махсулот ҳажминини урганиш қорхона фаолиятини объектив баҳолашга асос бўлмаслигини инобатга олиб, таҳлил махсулот сифати, ассортиментини ва ишлаб чиқариш графиги бўйича масалаларни ҳам қамраб олиши қерак. Махсулот



ишлаб чиқариш ва сотиш тахлили объектларини қуйидаги чизма орқали курсатиш мумкин:



Демак, бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тахлилининг қуйидаги вазифаларини белгилаш мумкин:

- 1) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш дастурининг асосланганлиги ва тигизлигини баҳолаш;
- 2) маҳсулот ҳажмини тавсифловчи курсаткичларни умумий баҳолаш;
- 3) маҳсулот ассортименти, сифати ва меъёрийлиги тахлили.
- 4) ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг корхона молиявий натижалари ва молиявий ҳолатига таъсирини баҳолаш;
- 5) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг ички имкониятларини кидириб топиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тахлили учун йиллик ва чорак ҳисоботларининг 2-шакли “Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот”, “Товар маҳсулот баланси”, тармоқлар бўйича маҳсулот сортлилиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги махсус ҳисобот, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги оператив техник маълумотлар, ишлаб чиқариш сифатини бошқариш ҳамда сотиш бўлимларининг маҳсулот ишлаб чиқариш, шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги статистик ҳисоботлари ахборот манбалари сифатида ишлатилади.

## **2. Талаб ва таклиф қонуни ва унинг ишлаб чиқариш дастурини белгилашга таъсири.**

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар уз ишлаб чиқариш дастурларини маҳсулот етказиб бериш шартномаларига асосланиб аниқлайди. Ишлаб чиқариш дастури шартномалар асосида аниқланмаса, корхона уз маҳсулотини сота олмаслиги ва узининг молиявий ҳолатини унглай олмай қолиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида эса шартномалар жуда катта аҳамиятга эга. Шартномалар- бу икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқий ва жисмоний шахслар уртасидаги ҳуқуқ ва бурчларни расмийлаштирувчи битимдир. Шартномалар тузилиши одатда талаб ва таклифга асосланган бўлади, яъни бир

томон уз махсулоти ёки хизматини таклиф этса, иккинчи томон эса уни қабул қилса шартнома тузилган ҳисобланади. Шундай қилиб қорхонанинг ишлаб чиқариш дастури талаб ва таклифга асосланган дейиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида талаб ва таклиф қонуни ҳаракат қилади. Маълумки, талаб- бу маълум бир харидорларнинг маълум бир даврларда маълум бир бир махсулотларни маълум бир нархларда сотиб олиш эҳтиёжи, хоҳиши ва имкониятидир. Таклиф эса маълум бир ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир даврларда маълум бир махсулотларни маълум бир нархларда ишлаб чиқариш эҳтиёжи, хоҳиши ва имкониятидир. Қорхоналарда махсулот ишлаб чиқариш оптимал ҳажмини аниқлашда талаб ва таклифни инобатга олиш ниҳоятда муҳимдир. Бунинг учун иқтисодиёт назариясидан маълум бўлган махсулот ишлаб чиқаришнинг критик нуқтасини топиш услубиятидан фойдаланиш керак.

#### 4.Махсулот таркиби , ассортименти ва сифати таҳлили.

Махсулот сотиш ҳажми узғаришига 2-та омил таъсир қурсатади:

1 Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг узғариши.

2 Сотилмаган махсулот қолдигининг узғариши.

Бу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун баланс усулидан фойдаланамиз.

Махсулот сотиш омили таҳлили жадвал.

| Т/р | Курсаткичлар                                                     | Режа         | Ҳақиқ        | Четга чиқиш   |
|-----|------------------------------------------------------------------|--------------|--------------|---------------|
| 1   | товар<br>махсулот минг<br>сум                                    | 20000        | 22000        | +2000         |
| 2   | сотилмаган<br>махсулот<br>қолдиги:<br>йил бошига,<br>йил охирига | 3000<br>3000 | 3000<br>5000 | ----<br>+2000 |
| 3   | сотилган<br>махсулот<br>ҳажми                                    | 20000        | 20000        | ----          |

$$C=K_6+TM-K_0$$

Махсулот сотиш ҳажмининг режадаги билан баровар бўлишига қуйидагилар сабаб бўлган.

1.Махсулот сифатининг пастлиги.

2.Махсулот ишлаб чиқариш меъёрлигининг бузилиши.

3. Махсулот ассортиментининг узғариши.

Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2000 минг сумга ортган , лекин сотилмай қолган махсулот ҳажми режадагига нисбатан йил охирига 2млн. сумга ортиб кетган яъни бу махсулот сотишга салбий таъсир қурсатган. Махсулотнинг

сотилмай колишига куйитдагилар сабаб булиши мумкин: махсулот сифатининг пастлиги, махсулот ишлаб чикариш меъёрийлигининг бузилиши, махсулот ассортиментининг узгариши. Эслатма: юкоридаги маълумотлар таккослама улгуржи бахоларда келтирилган. Тахлил учун товар махсулот баланси (справка отвижении товарных продукции) хизмат килади.

Хакикий маълумотлар билан, яъни таккослама бахо эмас, балки хакикий бахо олинган маълумотларни юкоридаги жадвалнинг хакикий маълумотлари билан солиштирсак бахо узгаришининг сотиш хажмига таъсирини аниклаш мумкин.

Бошка барча шароитлар бир текисда булган холда махсулот сотиш, махсулотнинг ассортименти ва сифати хамда уни ишлаб чикариш меъёрийлигига боглик булиб колади. Ассортимент ва номенклатура тушунчасинни бири-биридан фарклай билиш керак.

**Номенклатура**—бу корхона ишлаб чикарадиган махсулот турларининг руйхати.

**Ассортимент эса**—махсулот турларининг микдорининг курсатилган руйхати.

Ассортимент режасини хеч қачон ортириб бажариш булмайди. Уни факат 100%га бажариш мумкин.

#### Таянч иборалар

**Номенклатура**—бу корхона ишлаб чикарадиган махсулот турларининг руйхати.

**Ассортимент эса**—махсулот турларининг микдорининг курсатилган руйхати.

#### Утилган мавзу буйича саволлар

1. Номенклатура деб нимага айтилади?
2. Ассортимент нима?

#### **4-Мавзу: Ишлаб чиқариш ресурслардан фойдаланиш тахлили.**

##### **1.Корхонанинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиши тахлили:**

**а) меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги тахлили.**

**б) меҳнат унумдорлигининг омилли тахлили.**

##### **2.Асосий воситалардан фойдаланиш тахлили:**

**а) асосий воситаларнинг техник ҳолати ва улар билан таъминланганлик тахлили;**

**б) асосий воситалардан фойдаланишнинг омилли тахлили.**

##### **3.Материал ресурслардан фойдаланиш тахлили:**

**а) материал ресурслар билан таъминланганлик тахлили;**

**б) материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли тахлили.**

##### **1.Корхонанинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиши тахлили:**

**а) меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги тахлили.**

Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасини урганниш учун 2-хил курсаткичдан фойдаланилади.

1. Мутлок четга чиқиш.

2. Нисбий четга чиқиш.

Мутлок четга чиқишни аниқлаш учун саноат ишлаб чиқариш ходимлариалоҳида категориялари бўйича режа ва ҳақиқий курсаткичлар таққосланади ва уларнинг ортиқ ёки кам эканлиги аниқланади.

| категориялар | режа | ҳақиқатда | мутлок | нисбий |
|--------------|------|-----------|--------|--------|
| ишчилар      | 300  | 280       | -20    | +10    |

1)  $360 \cdot 90\% = 270$

2)  $280 - 270 = 10$

Нисбий четга чиқишни аниқлаш эса, ишчиларнинг ҳисобот давридаги уртача йиллик сонидан товар маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига коррективровка қилинган ишчилар сонини айриб ташлаймиз. Коррективровка қилиш учун эса, ишчиларнинг режадаги уртача йиллик сонини товар маҳсулот ишлаб чиқариш режаси бажаралиши фоизи ёки коэффицентига қупайтирамыз ва ҳақиқатда талаб қилинадиган ишчилар сонини аниқлаймыз. Юқоридаги мисолдан қуришиб турибдики бу корхона ишчилар билан ортиги билан таъминланган. Лекин шунга қарамай режа бажарилмаган. Бунинг 2-та сабаби бор.

1.Алоҳида турдаги ходимлар билан корхонанинг етарли таъминланганлиги.

2.Иш вақтидан самарали фойдаланилмаганлиги.

Энг асосийси эса, ишчининг меҳнат унумининг пастлиги булиши мумкин. Биринчи сабабини ойдинлиштириш мақсадида ишчиларнинг сони узгариши 2-та гуруҳ буйича урганилади:

1. Асосий ишчилар.

2. Ёрдамчи ишчилар.

Булардан ташқари ишчиларнинг касб-хунари буйича таркиби урганилади.

Ишчилар малакаси буйича таҳлил ҳам, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик жихатидан катта аҳамиятга эга. Бунинг учун ишчилар сони алоҳида разрядлар буйича урганиб чиқилади.

б) меҳнат унумдорлигининг омилли таҳлили.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 2та гуруҳ курсаткичлари билан таҳлил қилиш мумкин.

1. Меҳнат унумдорлиги

2. Меҳнат талабчанлиги.

Меҳнат унумдорлиги маълум бир вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини англатса, меҳнат талабчанлиги бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатни ифода этади.

Меҳнат унумдорлиги қуйидаги курсаткичлар тавсифлайди:

1. Бир ходимнинг уртача йиллик меҳнат унумдорлиги, товар маҳсулот ҳажмини ходимларнинг уртача йиллик сонига бўлинади

$M_{ун1} = TM / X_{ур.й.с.}$

2. Бир ишчининг уртача йиллик меҳнат унумдорлиги

$M_{ун2} = TM / I_{ур.й.с.}$

3. *Бир ишчининг 1-кунлик меҳнат унуми. товар маҳсулот ҳажмини барча ишчилар томонидан ишланган кунлар сонига бўлинади.*

$M_{ун3} = TM / P$

4. Бир ишчининг уртача соатлик меҳнат унуми. товар маҳсулот ҳажмини барча ишчилар томонидан ишланган соатлар миқдорига бўлинади.

$M_{у4} = TM / C$

Энг умумлаштирувчи курсаткич — бу бир ходимнинг уртача йиллик меҳнат унумдорлиги. Бу курсаткичга қуйидаги омиллар таъсир курсатади:

1. Умумий ходимларнинг таркибида ишчилар сони ёки салмоги (улуши) нинг узгариши.

2. *Бир ишчининг уртача йиллик меҳнат унумининг узгариши.*

Уларнинг таъсирини аниқлаш учун мутлақ курсаткичлар, тафовутлар (фарқлар) усулидан фойдаланилади.

Бир ишчининг уртача йиллик меҳнат унумдорлигига эса қуйидаги омиллар таъсир курсатади:

1. Бир ишчининг уртача ишлаган кунлари сонининг узгариши.

2. Иш куни узунлигининг узгариши.

3. Соатлик меҳнат унумининг узгариши.

Бу курсаткичлар таъсирини аниклаш учун занжирли боғланиш усули энг кулай усули ҳисобланади.

Бир ишчининг уртача кунлик меҳнат унумдорлигининг узгаришига эса қуйидагилар ташкил қилади:

1. Иш кунининг уртача узунлик узгариши.
2. Уртача соатлик меҳнат унумдорлигининг узгариши.

Уларнинг таъсирини абсолют курсаткичлардаги фарқлар усулидан фойдаланиб аникланади.

Соатлик меҳнат унумдорлиги эса ишчининг малакаси унинг бошқа ресурслар билан таъминланганлигига боғлиқ бўлиб қолади.

## **2. Асосий воситалардан фойдаланиш таҳлили:**

### **а) асосий воситаларнинг техник ҳолати ва улар билан таъминланганлик таҳлили;**

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш дастурининг дастурининг бажарилиши, чиқарилаётган маҳсулот сифати, корхона молиявий ахволининг курсаткичи ва иш самарадорлиги куп жихатдан асосий фондлар ҳолатига боғлиқ бўлади.

Асосий воситалар ҳолатини таҳлил қилишда уларни тавсифловчи барча курсаткичлар ҳисоблаб чиқилиши, уларни тавсифловчи барча курсаткичлар ҳисоблаб чиқилиши, уларни базис даври бизнес-режаси, корхона моддий-техника базасини ривжлантириш режаси маълумотлари билан таққослаш; тафовутлар, унинг ҳолатидаги яхшиланиш ёки ёмонлашиш сабабларини аниклаш; асосий воситалар ҳолатини тавсифловчи курсаткичларни яхшилаш бўйича аниқ тавсияларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Бу курсаткичларнинг иқтисодий таърифи ҳамда уларни аниклаш усуллари қуриб чиқамиз.

**Эскириш коэффиценти** (Эск.к.) қуйидаги формула бўйича эскириш суммасининг асосий фондлар дастлабки қийматига нисбати билан аникланади:

АФЭ 1ш., 011-сатр

Эск.к. = АФ даст.к. = 1ш., 110 - сатр

бунда АФЭ- асосий фондларнинг эскириш суммаси;

АФ даст.к. - асосий фондларнинг дастлабки қиймати бўйича баҳолаш;

1ш. - 1-шакл “Бухгалтерия баланси”

010 ва 011-сатрлар - баланс сатрлари

**Асосий фондларнинг яроқлилик коэффиценти** қуйидаги формула бўйича асосий фондлар қолдиқ қийматини (дастлабки қиймат айрув эскириш) уларнинг дастлабки қийматига нисбати сифатида ҳисобланади.

АФ қолд.к. 1ш., 012-сатр

Ярок.к.к. = АФ даст.к. = 1ш., 010 - сатр,



**Янгиланиш коэффиценти** (Янг.к.) йил давимида янги келиб тушган асосий воситалар суммасини уларнинг йил охирига колдигига нисбатига асосланган куйидаги формула буйича аникланади:

АФ кел. 3-ш. 4 гр, 130-сатр

Янг.к.= АФ даст.к.к. = 3-ш. 6 гр., 130- сатр

бунда АФ кел. - янги келтирилган асосий фондларини баҳолаш;

АФ даст.к.к. - асосий фондларни давр охирига дастлабки киймати буйича баҳолаш;

3-ш 3-шакл “Асосий воситалар харакати тугрисида хисобот”;

4-гр. ва 6-гр. - 3-сон шакл графалари

130-сатр - 3 шакл сатри;

**Чикиб кетиш коэффиценти** ( Чик.к.) йил мобайнида сафдан чиккан асосий фондларнинг улар йил бошидаги колдигига тенг булиб, у куйидаги формула буйича аникланади;

АФ чик.

Чик.к. = АФ д.даст.к. = 3-ш, 5-гр, 130 сатр

3-ш, 3-гр., 130- сатр

бунда АФ д.даст.к. - асосий фондларнинг давр бошига дастлабки киймат буйича суммаси;

АФ чик. - хисобот даврида чикиб кетган асосий фондлар суммаси.

Барча коэффицентлар фондлар буйича хам, уларнинг турлари ва ускуналар гурухлари буйича хам хисоблаб чикилади ва одатда катор йиллар динамикасида куриб чикилади, сунгра хулосалалар чикарилади. Масалан, фондлар актив кисмидаги янгиланишнинг юкорирок коэффиценти корхонада асосий фондларни янгилаш уларнинг фаол кисми хисобига амалга ошираётганлигини курсатади ва бу фонд самарадорлиги, ходимлар мсехнат унумдорлиги курсаткичларига ижобий таъсир этади.

Асосий фондлар тузилмаси тармок хусусиятини хисобга олиб аникланади ва корхонанинг ишлаб чикариш - техник хусусиятларини акс эттиради. У ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш, актив ва пасив кисмларнинг корхона асосий воситалари умумий суммасидаги салмогидаги салмоги хамда уларнинг йил мобайнидаги узгаришлари ва динамикада, яъни бир неча йил учун аникланади. Мана шу асосда тузилманинг прогрессивлиги, корхона техник жихозлангшанлигининг усиши, бу узгаришларнинг кул меҳнати хиссасини камайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга таъсири тугрисида хулосалар чикарилади.

Асосий фондлар тузилмасини хисоблаб чикариш учун маълумотлар йиллик молиявий хисобот 3-шакл “Асосий воситалар харакати тугрисида хисобот”дан олинади.

Тахлил вақтида бу курсаткичларни ҳисоблаб чиқиш ва уларни динамикада таккослаш, асосий воситаларҳолатининг яхшиланиш ёки ёмонлашиш сабабларини аниклаш керак бўлади.

Асосий воситалар ҳолати курсаткичларини яхшилаш учун уларни меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг замонавий талабаларига жавоб берадиги янги машина ва ускуналарнинг харид қилиш ҳисобига янгилаш лозим бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби ва йўқлама маълумотлари асосида асосий воситаларни сотиб олишнинг мақсадга мувофиқлигини ва уларнинг ҳақиқий ҳолатини, уларнинг замонавий талабаларга мувофиқлигини урганиб чиқиш керак бўлади.

Асосий воситалар ҳолатини тула тавсифлаш мақсадида уларнинг тузилмасини аниклаш ва таҳлил қилиб чиқиш лозим бўлади. Шундай қилиб, асосий воситалар ҳолатини тавсифловчи курсаткичларни урганиш корхона ишлаб чиқариш қувватларини янада такомиллашган машина ва ускуналарни сотиб олиш, маънавий ва жисмоний эскирган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш йўли билан янгилашни бошлаш кераклигини курсатади.

Айтиб утилганидек, фонд билан таъминланганлик, техник жиҳозланганлик, меҳнат ва ишларнинг механизациялашганлик коэффицентлари корхонанинг моддий-техник база билан таъминланганлигинини тавсиф этувчи асосий курсаткич ҳисобланади.

Фонд билан таъминланганлик коэффиценти асосий саноат-ишлаб чиқариш фондлари қийматининг энг куп сонли сменадаги ишчилар сонига нисбати сифатида аникланади.

У ишчиларнинг меҳнат қуроллари билан таъминланганлик даражасини акс эттириб, қуйидаги формула бўйича аникланади:

$$\Phi_{т.к.} = \text{ИФ} \setminus \text{Ис}$$

бунда  $\Phi_{т.к.}$  - фонд билан таъминланганлик коэффиценти;

ИФ - асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

Ис - энгмкуп сонли сменадлаги ишчилар сони.

Таҳлил қилиш учун молиявий ҳисобот (3-сон ш.) ва статистик ҳисобот (1-Тш. “Меҳнат ҳисоботи”) дан олинади. Агар корхона бир неча сменада ишласа, энг куп сонли сменадаги ишчилар сони сменадаги ишчилар сони тугрисидаги маълумотлар бухгалтерия ёки меҳнат ва иш ҳақи бўлимидан олинади. Ҳисоботларда бундай маълумотлар йук.

Техник таъминланганлик коэффиценти ишлаб чиқариш ускуналари суммаси, яъни асосий воситалар актив қисмининг энг куп сменадаги ишчилар сонига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқилади ва қуйидаги формула бўйича аникланади:

$$T_{т.к.} = \text{Иу} \setminus \text{ИС}$$

бунда  $T_{т.к.}$  - техник таъминланганлик коэффиценти;

Иу - ишлаб чиқариш ускуналари йигиндиси.

Бу коэффициентлар бир йилга ҳам, маълум санага ҳам ҳисоблаб чиқиши мумкин. Бу коэффициентларни бир йил учун ҳисоблашда асосий фондлар ва ходимлар сони тугрисидаги маълумотларни йиллик уртача маълумотлар сифатида олиш керак.

Мехнатни механизациялаштирганлик коэффициенти ходимларнинг умумий сонига меҳнати 50 % дан ортиқ механизациялаштирилган ходимлар улушини ифодалайди.

Ишларни механизациялаштирганлик коэффициенти ишларни механизациялаштирилган усулда бажаришга сарфланган вақтнинг умумий вақт сарфларига нисбати сифатида аникланади.

Мавжуд ҳисоботда ишларни механизациялаштирилган усулда бажариш вақт сарфлари, меҳнати механизациялаштирилган ёки нотула механизациялаштирилган ходимлар сони тугрисида маълумотлар йук. Шунинг учун меҳнатни ва ишларнинг механизациялаштирганлик коэффициентини ҳисоблашда маълумотларни танлов ёки эксперт усулида аниклаш лозим бўлади.

Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлил килинар экан, уларни тавсифловчи курсаткичларни ҳисоблаб чиқиш лозим бўлади. Бу курсаткичларни олдинги йил ва катор йиллар курсаткичлари билан киёслаб, уларнинг узгариш ҳамда ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши; маҳсулот сифати ва қул меҳнатдан ҳалос қилишга таъсири тенденциялари тугрисида ҳулосалар чиқариш мумкин.

#### **б) асосий воситалардан фойдаланишнинг омилли таҳлили.**

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун қуйидаги курсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

Фонд самарадорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотни уларнинг уртача (йиллик уртача) қиймати сифатида қуйидаги формула бўйича аникланади:

$$ФС=ИЧ/АФ$$

бунда ФС - фонд самарадорлиги;

ИЧ - таҳлил қилинаётган даврда маҳсулот ишлаб чиқариш;

АФ - ишлаб чиқариш асосий фондларининг йиллик уртача қиймати.

Фонд рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сумига тугри келадиган фойда улушини ифода этади. У соф фойданинг асосий воситалар йиллик уртача суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Раф=(СФх 100)/ АФ$$

бунда Раф - асосий фондлар рентабеллиги;

СФ - соф фойда.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигига куйдаги омиллар таъсир этади:

- ишлаб чиқарилган ва сротилган маҳсулот ҳажми;
- асосий фондларнинг йиллик уртача қиймати;
- ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги;
- асосий фондлар айрим турларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Таҳлилда бу омиллар таъсирини ҳисоблаш, олдинги йил ва жорий йилдаги ишлаб чиқариш дастури билан қиёслаш керак. Бу омиллар таъсирини ҳисоблашда қиради.

### **3. Материал ресурслардан фойдаланиш таҳлили:**

#### **а) материал ресурслар билан таъминланганлик таҳлили;**

Иқтисодий курсаткичларнинг узғариши ҳар қандай давр ичида жуда куп омиллар таъсири остида руй беради.

Омиллар деганда эса шундай элемент, сабаб ёки шароитлар тушуниладики, уларнинг таъсири остида узғаришлар руй бергани сабабли, уларни руй бераётган иқтисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаракатлантирувчи қучи деб айтиш мумкин.

Одатда 1-,2-,3-даражали омилларни бир-биридан фарқлашади. Айнан мана шу гуруҳлаш у ёки бу курсаткичининг таҳлили аҳамияти ва йуналишларини аниқлашда жуда катта аҳамиятга эга

Материал ресурслардан фойдаланиш таҳлилининг аҳамиятини аниқлаш учун биз иқтисодий узғаришлар туб моҳиятини англаб етишимиз зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар учун молиявий ҳолат, молиявий натижалар муаммоларини ҳал қилиш муҳимроқдир. Бу курсаткичлар корхона фаолияти якунини ифода этгани сабабли, улар жуда куп омиллар таъсир этиш натижасидир, дейишимиз мумкин. Бу омилларнинг қайси бири аҳамиятлироқ, қайси бири асосийси? Бу саволга жавоб бериш учун омилларни туркумлаш талаб этилади. Бундай туркумлаш турли олимлар томонидан турлича амалга оширилган. Шулардан энг маъқулини қуйида келтирамиз (1-чизма).

Чизмадан қурилиб турибдики, корхоналар молиявий ҳолати ва натижаларини белгитлаб берувчи омилларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин экан: ички ва ташқи. Ички омиллар бевосита корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган омиллар. Ташқи омиллар эса корхона фаолияти билан боғлиқ эмас, лекин улар унинг фойда ва рентабеллигига сензиларли таъсир курсатади. Қурилиб турганидек, ички омилларни яна иккита гуруҳга ажратамиз: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш. Булардан бизга аҳамиятлиси - бу ишлаб чиқариш омилларидир.

Ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари - меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари ва меҳнатнинг узи - билан таъминланганлик ва улардан фойдаланишни акс эттиради. Бу омиллар ҳар доим

биринси даражали омил деб қабул қилинади, чунки улар маҳсулот қиймати шаклланишда бевосита иштирок этадилар.

Ишлаб чиқариш омиллари ичида қуриб турганимиздек, материал ресурслари мавжудлиги ва улардан фойдаланиш муҳим урин тутати. Бу омилнинг узини экстенсив ва интенсив гуруҳларга ажратиш лозим, чунки ана шундагина таҳлилнинг йўналишлари ва вазифаларини аниқлаш мумкин.

Экстенсив омилларга меҳнат ресурслари ҳажми, улардан унумсиз фойдаланиш кабиларни киритсак, интенсив омилларга материал ресурслари ҳажми узгармаган ҳолда, улардан тежаб-тергаб сарфланиш йўллари, яъни такомиллаштириш, материаллар айланишни тезлаштиришни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, корхона ҳужалик фаолитяи натижалари бир томондан материал ресурслар билан таъминланганликка иккинчи томондан улардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ экан.

Юқоридагилардан қуриниб турибдики, уларнинг барчасини инобатга олиб, таҳлилнинг қуйидаги асосий вазифаларини санаб ўтиш мумкин:

1. материал ресурслар сарфи бўйича меъерларнинг (нормаларнинг) сифати ва асосланганлигига баҳо бериш;
2. материал ресурслари ҳақиқий, сарфининг меъерлардан четга чиқишини ва унинг сабабларини урганиш;
3. материал ресурслардан фойдаланишни яхшилашнинг ва шу асосда таннархни пасайтириш, ишлаб чиқаришни ҳажмини орттириш ва фойдани қўлқўтиришни ички имкониятларини аниқлаш ва умумлаштириш;

Бу вазифаларни бажариш учун корхона чораклик ва йиллик ҳисоботлари жумладан “Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот” ( 2-шакл) ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ҳақидаги ҳисобот, маҳсулот турлари бўйича калькуляция варақлари ҳам аше ва материаллар сарфи меъерларига риоя қилиш ҳақидаги тармок ҳисоботлари ва бошқа оператив - техник маълумотлардан фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида материал сарфини камайтиришнинг қуйидаги йўллари мавжуд.

-маҳсулотларни узгартириш ва такомиллаштириш:

-ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш.

Энг маъқул билиш карталарини қўллаш орқали материалларга кетадиган харажат нормаларининг камайтириш:

ишлаб чиқаришда брак маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик.

Юқоридагиларнинг асосида материал ресурслардан фойдаланиш таҳлилин қуйидаги босқичлар бўйича амалга ошириш керак деб ўйлаймиз.

1) *Моддий техника таъминоти билан маҳсулот ишлаб чиқариш режалари узаро кесилганлигини текшириш.*

2) *Материал ресурсларни харажатларини ҳажмини ва уни динамикасини урганиш.*

3) *Материал ресурслари таркиби ва структурасини урганиш.*

4)Материал ресурсларни алохда турлари буйича таъминланганлик даражаси ва уларни урнини алмаштириш корхона фаолияти натижаларига таъсирини урганиш.

5)Махсулотларни умумий ва хусусий материал талабчанлигини урганиш.

6)Материал ресурслардан фойдаланишни корхонанинг умумлаштирувчи курсаткичларига таъсирини аниклаш.

7)Резервларни аниклаш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни таъминлаш.

Моддий техника таъминоти режасини бажарилишини таҳлил қилиш.

Корхонанинг материал ресурслари билан таъминланганлигини таҳлил қилишда аввалам бор моддий-техника таъминоти режасининг сифатини текширилади.

Режанинг тугрилигини унга асос қилиб олинган норма ва нормативларни текширишдан бошлаш керак. Сунгра таъминот режасининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларга ҳамда захираларни ташкил қилишга мос тушишини текширилади.

Корхона фаолияти узлуксизлигининг муҳим шартларидан бири бу корхонанинг материал ресурсларига булган эҳтиёжини қоплаш манбалари билан таъминланганлигидир. Бу манбалар ташқи ва ички бўлиши мумкин. Ташқи манбаларга шартномалар асосида мол етказиб берувчилардан қелувчи материал ресурслари қиради.

Ички манбаларга эса хом ашё чиқиндиларини қамайтириш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш корхонанинг узида материал ва ярим фабрикатларни ишлаб чиқариш илмий техника тараққиётини жорий қилиш натижасида материалларни тежаш.

Демак материал ресурсларни ташқаридан сотиб олишдан булган ҳақиқий эҳтиёжни аниқлаш учун материал ресурсларига булган умумий эҳтиёждан ички манбалар буйича суммани айлриш керак экан.

Шундан сунг материал ресурслар булган умумий эҳтиёждан ички манбалар буйича суммани айлриш керак экан.

Шундан сунг материал ресурсларга булган эҳтиёжининг шартномалар билан таъминланганлигини текшириш керак, яъни шу материалларни қелтириш учун шартномалар тузилганми ёки йукми деган саволга жавоб берилади.

Биз ушбу таҳлилни Андижон биокимё заводи мисолида бажаришга ҳаракат қилдик.

Қуйида ушбу корхонанинг бугдойга булган эҳтиёжининг шартно-малар билан таъминланганлигини қуриб чиқиш учун 1-жадвални қелтирамиз.

Материал ресурслар эҳтиёжининг 1-жадвалда шартномалар билан таъминланганлиги ва уларнинг бажарилиши таҳлили.

| Мате-<br>риал | Режа<br>буйича<br>эҳтиёж | эҳтиёжни<br>қоплаш<br>манбалари | Шартном<br>алар<br>тузили-<br>ши | Шартн<br>омалар<br>билан<br>таъмин<br>ланганл<br>ик % | қелтирил<br>ган<br>материал<br>лар | шартнома<br>лар<br>бажарили<br>ши %<br>7:5x100 |
|---------------|--------------------------|---------------------------------|----------------------------------|-------------------------------------------------------|------------------------------------|------------------------------------------------|
|               | Т                        |                                 | Т                                |                                                       |                                    |                                                |



|  |  |  |  |         |  |  |
|--|--|--|--|---------|--|--|
|  |  |  |  | 5:2x100 |  |  |
|--|--|--|--|---------|--|--|

Бозор иктисодиёти шароитида корхонани материал ресурслари билан таъминлаш асосан шартномалар орқали бажарилади. Моддий техника таъминоти ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун корхонанинг таъминот бўлими ва омборхонанинг маълумотларига муроҷат қилиш керак бўлади. Ана шу маълумотларга асосланган ҳолда материаллар гуруҳи бўйича уларни келтирилиши режасининг қандай бажарилганлигини аниқлаш мумкин. Йиллик ҳисоботдан ишлаб чиқариш захираларини йил бошига ва йил охирига бўлган қолдиқлари тугрисидаги маълумотлар баланسدан ва бошқа маълумотлар бошланғич ҳужжатлардан олиниб ва шу маълумотларга асосланиб моддий техника таъминоти режасини бажарилишига умумий баҳо беришимиз мумкин.

Таҳлил натижасида қуйидаги аналитик жадвалдан фойжаланишимиз мумкин. (2-жадвал)

Материал ресурслари билан таъминланганлик режасининг бажарилиши таҳлили.

| №  | КУРСАТКИЧЛАР                     | Асосий материал | Ёрдамчи материал |  |
|----|----------------------------------|-----------------|------------------|--|
| 1  | Режа бўйича сарфларниш           | 36790           |                  |  |
| 2  | Режа бўйича йил охирига қолдиқ   | 2800            |                  |  |
| 3  | Йил бошига бўлган ҳақиқий қолдиқ | 2700            |                  |  |
| 4  | Таъминот режаси (1-2+3)          | 36690           |                  |  |
| 5  | Ҳақиқий харажат                  | 31960           |                  |  |
| 6  | Бошқа материалларни сотиш        | ---             |                  |  |
| 7  | Йил бошига бўлган ҳақиқий қолдиқ | 2700            |                  |  |
| 8  | Йил бошига бўлган ҳақиқий қолдиқ | 2700            |                  |  |
| 9  | Ҳақиқатдан таъминот(5+7-8)       | 31960           |                  |  |
| 10 | Мутлоқ фарқ (9-4)                | --              |                  |  |
| 11 | Таъминот режасини бажарилиши %   |                 |                  |  |

Шуни айтиб ўтиш жоизки бундай юзаки таҳлил корхоналарнинг таъминот ҳолатини ҳар томонлама аниқлашда етарли эмас, чунки корхоналар умуман материаллар билан таъминланганлиги ҳолда, уларни баъзи бирлари бўйича ортиқча баъзилари эса бўйича кам таъминлаши эҳтимоли бор.

Бозор иктисодиёти шароитида келтириалаётган материалларнинг сифати яъни уларни стандартлари шартлари ва бошқаларга тугри қилишини текшириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, материалларни етказиб бериш муддатларига ҳам алоҳида аҳамият бериши керак.

Материал ресурслари билан таъминланганлигини махсулот ишлаб чиқариш узлуксизлигига катта таъсир қурсатади. Ҳозирги бозор иктисодиёти шароитида Ковбак усули кенг қулланилмоқда. Бу усулда материал ресурсларини

шартномада етказиб беришни аниқ вақти курсатилади. Агар махсулот етказиб берувчи ташкилот уз вақтида мажбуриятларини бажармаса ва натижада ишлаб чиқариш тухтаб қолса, бу ҳолатда ишлаб чиқаришнинг тухташ натижасида бўлган барча харажатларни махсулот етказиб берувчи ташкилот уз зиммасига олиши шарт.

Таъминот режаси бажарилиши тахлилининг охирида материал ресурсларари захиралари (запаслари) ҳолати урганилади. Бунинг учун қуйидаги жадвални тузиш мумкин.

3-жадвал

Материал ресурслари захиралари ҳолати тахлили

| материаллар | Уртача суткалик сарф Т. | хакикий захира |     | захира нормаси |         | махс. нормадан четга чиқиш |       |
|-------------|-------------------------|----------------|-----|----------------|---------|----------------------------|-------|
|             |                         | тонна          | кун | максимал       | минимал | кун                        | тонна |
| Бугдой      | 120                     | 1200           | 10  | 12             | 10      | 2                          | 240   |

#### **б) материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли тахлили.**

Ишлаб чиқариш ресурслар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган ресурслардан бири материал ресурслардир.

Ишлаб чиқарилган махсулотни 90%ни моддий харажатлар ташкил қилади. Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида материал ресурслардан фойдаланишнинг асосий максоди, ана шу ресурслардан самарали фойдаланишдан иборатдир. Тахлил давомида умумий ва хусусий курсаткичлардан фойдаланилади.

Умумий ва хусусий курсаткичлар тизими.

Материалларни режа даражасида тайёплаш махсулот ишлаб чиқаришнинг узликсизлигини таъминлайди.

Тахлил қилиш орқали материаллардан фойдаланишни ортиқча сарф харажати бўлган бўлса, у ҳолда қанча кам махсулот ишлаб чиқарилади ёки материалларни тежаш натижасида қанча қушимча махсулот ишлаб чиқарилганлигини аниқлаш керак.

Материал ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини тавсифлашда умумлаштирувчи ва яқка курсаткичларда қулланилади.

Умумлаштирувчи курсаткичларга қуйидагилар қиради.

1.Материал қайтими.

2.Материал сигими.

### **3.Материал харажатларининг махсулот таннархидаги улуши.**

Материал кайтими аниклашда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳажмини материал харажатлар қийматига бўламиз. Бу курсаткич 1сумлик сарфланган материал ресурслардан канча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини курсатади.

Материал сигими харажат қилинган материалларни қайтимини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига бўлиш орқали аникланди. Бу бир курсаткич бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар суммасини англатади.

Маҳсулот таннархи таркибида материал харажатларни улуши материал харажатларни товар маҳсулот таннархига бўлиш орқали аникланади. Бу курсаткич бир-бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар суммасини англатади.

Маҳсулот таннарх таркибида материал харажатларини улуши материал харажатларини товар маҳсулот таннархига бўлиш орқали аникланади. Унинг динамикаси материал сигими узғаришида акс эттиради.

Материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи хусусий курсаткичларга хом-ашё сигими узғаришни акс эттиради.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи хусусий курсаткичларга хом - ашё сигими, металл сигими, энергия сигими ва алоҳида маҳсулотлар материалсигими курсаткичлари қиради.

Хусусий материал сигими курсаткичи ҳам қиймат, ҳамқиймат, ҳам натура қуринишда аникланиши мумкин. Уни натура қуринишда аниклаш учун сарфланган материал миқдорини ишлаб-чиқарилган маҳсулот миқдorigа бўлиш керак.

Таҳлилнинг кейинги босқичида материал сигимининг омилли таҳлили амалга оширилади.

Агар материал қайитмини қуйидаги формула билан курсатсак, унга қандай омиллар таъсир қурсатишини аниклашимиз мумкин.

$$M_k = T_M / M_{\text{хар}}$$

Материал сигими эса қуйидагича ифодаланади.

$$M_c = M_{\text{хар}} / T_M$$

Формуладан қуриниб турибдики бу иккала курсаткич яъни материал қайтими ҳам материал сигими ҳам 2 та курсаткичга боғлиқ экан:

1.Ишлаб чиқарилган товар маҳсулот ҳажмига;

2.Материал харажатлари суммасига:

Товар маҳсулот ҳажми эса уз навбатида маҳсулотнинг миқдори унинг структураси ва баҳосининг узғаришига боғлиқ.

Материал харажатлар суммаси эса ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, унинг структураси, маҳсулот бирлиги учун материал сарфи ва материаллар қиймати узғаришига боғлиқ.

Шундай килиб, материал кайтимига ҳам материал сигимига ҳам куйидаги омиллар таъсир курсатади деб айтишимиз мумкин:

- 1.Ишлаб чиқарилган маҳсулот асартименти ва структурасининг узгариши;
- 2.Маҳсулот бирлигига сарфланган материаллар суммасининг узгариши;
- 3.Материаллар баҳосининг узгариши ;
- 4.Товар маҳсулот улгуржи баҳосининг узгариши;

Бу омиллар таъсирини занжирли боғланиш усули билан аниқланади.  
Андижон Биокимё заводи мисолида куйидагиларни таҳлил қиламиз:  
Материаллардан фойдаланиш таҳлили учун маълумотлар.

4-жадвал

| №  | Курсаткичлар                                     | Сумма  |
|----|--------------------------------------------------|--------|
| 1  | Материал ишлаб чиқариш учун материал харажатлари |        |
| а) | режа бўйича                                      | 309132 |
| б) | ҳақиқий маҳсулот ҳажми учун режа бўйича          | 298900 |
| в) | ҳақиқий маҳсулот (асс-т) учун режа бўйича        | 309000 |
| г) | режа баҳолари бўйича ҳақиқатда                   | 309000 |
| д) | ҳақиқий харажатлар                               | 331857 |
| 2  | Товар маҳсулот қиймати                           |        |
| а) | режа бўйича                                      | 539457 |
| б) | ҳақиқий маҳсулот ҳажми (режа структураси бўйича) | 520400 |
| в) | режа асослари бўйича ҳақиқатда                   | 609404 |
| г) | ҳақиқийси                                        | 674453 |

Бу маълумотлар асосида 4та омил таъсирини куйидаги 5-жадвал ёрдамида занжирли боғланиш усули билан ҳисоблаймиз.

5-жадвал

Материал сигимининг омилли таҳлили

|  | Режа | ҳақиқатда                                                          |                                                           |                                                            |                         |               |
|--|------|--------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|-------------------------|---------------|
|  |      | ҳак-й<br>ҳаж-ми<br>режа<br>структура<br>си, хар-<br>т ва<br>баҳоси | ҳак-й<br>қиймат<br>х-т мат-<br>л режа<br>баҳоси<br>бўйича | ҳак-й<br>хар-<br>тлар<br>мах-т<br>режа<br>баҳоси<br>бўйича | мах-т<br>режа<br>баҳоси | ҳақиқат<br>да |

|                             |        |          |        |        |        |        |
|-----------------------------|--------|----------|--------|--------|--------|--------|
|                             |        | буйича   |        |        |        |        |
| 1)мат-л хар-тлариМС         | 309132 | 298189,4 | 309000 | 309000 | 331875 | 331875 |
| 2)товар махсулот киймати МС | 539457 | 520400   | 609404 | 609404 | 609404 | 674453 |
| 3)мат-л сизими тийин(1:2)   | 57,3   | 57,3     | 50,7   | 50,7   | 54,4   | 49,2   |

Умумий узгариши

49,2-57,3=-8,1 тийинга материал харажатлар камайган.

Таянч иборалар

**Эскириш коэффиценти** (Эск.к.) куйидаги формула буйича эскириш суммасининг асосий фондлар дастлабки кийматига нисбати билан аникланади.

**Асосий фондларнинг яроклилиқ коэффиценти** куйидаги формула буйича асосий фондлар колдик кийматини (дастлабки киймат айрув эскириш) уларнинг дастлабки кийматига нисбати сифатида хисобланади.

**Янгиланиш коэффиценти** (Янг.к.) йил давимида янги келиб тушган асосий воситалар суммасини уларнинг йил охирига колдигига нисбатига асосланган куйидаги формула буйича аникланади.

**Чиқиб кетиш коэффиценти** ( Чик.к.) йил мобайнида сафдан чиккан асосий фондларнинг улар йил бошидаги колдигига тенг булиб, у куйидаги формула буйича аникланади;

**Утилган мавзу буйича саволлар**

1. Эскириш коэффиценти деб нимага айтилади?
2. Асосий фондларнинг яроклилиқ коэффиценти нимада ифодаланади?
3. Янгиланиш коэффиценти деганда нимани тушунаси?
4. Чиқиб кетиш коэффиценти нима?

## 5-Мавзу: Махсулот таннархи тахлили.

- 1.Бозор иктисодиётида харажатларни тахлилининг вазифалари.
- 2.Харажатлар таркиби ва туркумланиши бўйича янги низомга асосан узгаришлар.
- 3.Бир сумлик товар махсулотига кетган харажатлар даражасига умумий баҳо бериш .
- 4.Бир сумлик товар махсулотига кетган харажатлар омиллий тахлили.

### 1. Бозор иктисодиётини харажатлар тахлилининг аҳамияти ва вазифалари.

Бозор иктисодиётига утиш шароитида материал ресурслардан тежаб тергаб фойдаланиш зарур. Республикамиз иктисодиётининг муносабатларига утиш натижасида маъмурий буйруқбозликка асосланган таъминот тизимининг тугатилиши саноаткорхоналари олдига ишлаб чиқаришни хом-ашё ва энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш борасида бир катор муҳим вазифаларни қўйди.

Хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш даражаси тармоқлар ва ишлаб чиқаришларнинг технологик хусусиятларининг ҳисобга олган ҳолда турли курсаткичлар билан характерланади. Масалан туқимачилик ишлаб чиқаришида шундай курсаткич бўлиб 100 метр хом газламага тугри келувчи ип сарфи, ип йиғирув ишлаб чиқаришида пахтадан ип чиқиш даражаси, ёғ-мой саноатида бир тонна ёғ ишлаб чиқаришда сарфланган чигит микдори ҳисобланади. Материалларнинг ишлаб чиқаришда ишлатилишининг характерловчи киймат курсаткичлари каторида қуйидагиларни курсатиш мумкин:

а)махсулотнинг умумий материал талабчанлиги (МТ)

Бу курсаткич махсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар кийматининг ишлаб чиқарилган махсулотнинг кийматига бўлиб топилади ва у 1сумлик махсулот ишлаб чиқариш учун сарф килинган материал микдорининг билдиради.

Сарф килинган материаллар киймати

МТ=-----

Ишлаб чиқарилган махсулот киймати

б)материаллар киймати (МТ)

Бу курсаткич ишлаб чиқарилган махсулотлар кийматининг шу махсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар кийматига бўлиб топилади ва у сарф килинган ҳар бир сумлик материал ҳисобига ишлаб чиқарилган махсулот ҳажмининг билдиради.

ишлаб чиқарилган махсулот киймати



МК=-----

сарф килинган материаллар киймати

в)материал талабчанлигини хусусий курсаткичлари.

Материал талабчанлигининг хусусий курсаткичлари материалларни хар бир элементи буйича килинган харажатларни ишлаб чикарилган махсулот кийматига булиб топилади.

г)Материал кайтимини хусусий курсаткичлари.

бу курсаткични топиш учун ишлаб чикарилган махсулот киймати шу махсулотни ишлаб чикариш учун сарфланган материаллар турларининг кийматига булинади.

Материал сигимини камайиши (ортиши) хисобига иктисод килиб килинган (ортикча сарфланган) материал ресурслар хажми материал талабчанлик микдорининг камайган (ортган) кисмини режадаги бахоларда хисобланган хакикатдаги махсулот хажмига купайтириб топилади.

Махсулотниг материал сигимини камайтириш хисобига ишлаб чикарилган ёки унинг ортиши хисобига ишлаб чикарилмай колган махсулот хажмини топиш учун иктисод килинган (ортикча сарфланган) материал харажатлар кийматини режадаги ва хакикатдаги материал купайтирилади.

Тахлил жараёнида материал ва энергия ресурсларидан фойдаланишни махсулот таннархига таъсири ва уларни янада окилона ишлатилиши йуллари аникланади.

## **2.Харажатлар таркиби ва туркумланиши буйича янги низомга асосан узгаришлар.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Махсулот (ишла, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида Низом” нинг қабул қилиниши банклар, корхоналар , солиқ органлари ва барча хужалик юритувчи субъектлар учун махсулот ишлаб чикариш (иш ва хизматлар)ни ва сотиш харажатларини хисобга олиб боришниг ягона услубиёти асосларини белгилаб берди.

Мазкур Низом корхоналарда бухгалтерия хисобини, солиқ органларида солиққа тортиш жараёнини, шунингдек, корхоналарнинг рақобатбардошлигини аниқлаш ва бошқа мақсадларда кенг қулланилади.

Ушбу Низомнинг асл мақсади харажатларни бухгалтерия хисобида тугри ва тулик ақс эттириш, хужалик юритувчи субъектлар молиявий хисоботини тузишни улар фаолиятини ва солиқ солинадиган базани тугри аниқлашдан иборат.

Эндиликда харажатлар мазкур низомга мувофиқ қуйидаги турттагурух буйича тавсифланади:

1.Махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.(бевосита ва билвосита моддий харажатлар, меҳнат харажатлари, бошқа харажатлар, шу жумладан, юклама харажатлар)

2. Давр харажатларини (сотиш харажатлари, бошқариш харажатлар ва зарарлар)

3.Молиявий фаолият бўйича харажатлар (фоизлар бўйича харажатлар, салбий курс фарклари, кимматли коғозларга қуйилган маблағларни қайта баҳолаш, молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар)

4.Фавқулодда зарарлар Республикамиз пахтани қайта ишловчи корхоналари мисолида харажатлар таркиби тугрисидаги Низомнинг амалий жиҳатларини қуриб чиқарилган бўлсак, харажатлар таркиби ва молиявий натижаларини шакллантиради.

Низомнинг “Молиявий фаолият бўйича харажатлар” деб номланган учинчи бўлимидаги 3.1. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ҳисоб ставкалари доирасида ва улардан юқори даражада қисқа муддатли ҳам узок муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан, тулов муддати утган ва узайтирилган ссудалар бўйича туловларнинг номли бандидаги харажатлар корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақларидаги 80-”Фойда ва зарарлар” ҳисоб варағида юритилиши мулжалланган.

Қисқа муддатли банк кредитлари ва уларнинг фоизлари бўйича туловларни махсулот таннархига олиб бориш лозим. Бунинг боиси, банк кредитлари “Давр харажатлари” таркибида ҳисобга олиб борилса, банкдан олинган кредит маблғи корхона фойдаси ҳисобидан қайтарилади. Ҳозирги иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириб жараёнида аксарият корхоналарнинг молиявий натижалари ижобий курсаткичлар билан яқунланмаяпти. Демак, бу ҳолатни инобатга олиш керак. Яъни ҳозирги утиш даврида банкнинг қисқа муддатли кредитларини таннархга қушиб, уни баҳо орқали қайтариб олиш тез ва самарали, оқилона усул ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг қабул қилиниши бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақлари режасини янгилашда ҳам тўртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлининг 1999 йил 2-апрелдаги 84-сонли “Корхоналар молиявий ҳужалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоб ва рақамларининг режа-лойиҳаси” ни умумхалқ муҳокамасига чиқариш, уни қўллаш бўйича йуриқнома ишлаб чиқиш, шунингдек, муокамадан сўнг уни амалиётда татбиқ этиш тугрисида буйруғи чиқди.

Мазкур Низомда бухгалтерия ҳисобини ўрта ажралмас таркибий қисмга бўлиб юритиш мумкин.

1.Молиявий ҳисоб ва ҳисобот;

2.Бошқарув (менежерлик) ҳисоби ва ҳисоботи;

3.Солиқлар ҳисоби ва ҳисоботи.

Молия ҳисоб ва ҳисобот асосан, корхонанинг ташки миқдорлари, Яъни акциядорлар, кредиторлар инвесторлар, давлат ташкилотлари ўчун

мулжалланган булиб. у ягона улчов бирликлари умумийлик тамойилларига асосланган ахборотларни бошқариш учун хизмат килади.

Шартли доимий харажатлар Ўзбекитсон Республикаси Молия Вазирлигининг 1995 йил 4 апрелда ёки 17-02/28 сонли “Корхона ва ташкилотлар бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботидаги узгаришлар” тугрисидаги инструктив хатига биноан шартли доимий харажатлар 26- “Давр харажатлари” хисоб варагида олиб борилиши кузда тутилган. бу хисоб варақ, 43- “Тижорат харажатлари “ ва “Муомала харажатлари” синтетик хисоб варақларини ҳам уз ичига илова хисоб вараги тарзида киритган.

### **3.Бир сумлик товар махсулотига кетган харажатлар даражасига умумий баҳо бериш**

Бир сумлик товар махсулотга кетган харажат ишлаб чиқариш самарадорлиги курсаткичларидан биридир. Бу курсаткич корхона товар махсулот тула таннархининг шу махсулот улгуржи нахрлари кийматига нисбати билан аникланади. масалан, товар махсулотнинг киймати 100миллион сумни, шу махсулотнинг тула таннархи 90 миллион сумни ташкил этса, у ҳолда товар махсулотнинг ҳар сумига килинган харажатлар курсаткичи 90 тийинга фойда эса 10 тийинга тенг булади. Демак, бу курсаткичда фойда билан махсулотнинг тула таннархи уртасидаги боғлиқликни ёққол қуришимиз мумкин. Бу курсаткични таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар йиллик хисоботнинг 1-т-”Саноат махсулотининг таннархи тугрисидаги хисоботнинг номли формасидан олинади.

Бир сумлик товар махсулотга кетган харажатларни таҳлил қилиш.

| № | Курсаткичлар                                                                  | утган йили | режа бўйича | жорий йилда ҳақиқатда       |                                   |                               |
|---|-------------------------------------------------------------------------------|------------|-------------|-----------------------------|-----------------------------------|-------------------------------|
|   |                                                                               |            |             | режа тан нархи, режа баҳоси | ҳақиқий таннарх и, ҳақиқий баҳоси | ҳақиқий таннарх и режа баҳоси |
| 1 | Товар махсулотнинг тула таннархи (минг сум хисобида)                          | 6034       | 5859        | 6071                        | 6018                              | 6018                          |
| 2 | Товар махсулотнинг корхона улгуржи баҳоси (минг сум)                          | 6806       | 6615        | 7010                        | 7010                              | 7010                          |
| 3 | Бир ойлик товар махсулотига тугри келувчи харажатлар (тийин) 1 қатор: 2 қатор | 88,66      | 88,57       | 86,60                       | 85,85                             | 85,85                         |

жадвалдан қурилишича, корхона жорий йилда бир сумлик товар махсулотига тугри келувчи харажатлар миқдорини утган йилганисбатан 0,09 тийинга (88,66-88,57) камайтиришни мулжалланган эди. Ҳақиқатда эса утган йилга нисбатан 2, 81 тийинга (88,66-85,85) камайди. Жорий йилда эса харажатлар ҳақиқатда

режага нисбатан 2,72 тийинга (88,57-85,85) камайди. Бу ерда харажатлар микдорининг камайишига куйидаги омиллар таъсир курсатади:

1.Махсулот ассортиментни ва структурасининг узгариши  $86,60-88,57=-1,92$  тийин. Демак, режалаштирилган махсулот структурасини узгариши бир сумлик товар махсулотга кетган харажати 1,97 тийин камайтирган. бу эса жами ишлаб чикарилган махсулот хажмини 138,1 минг сумга оширди яъни

$$\frac{1,97 \times 7010}{100} = 138,1 \text{ минг сум}$$

2. Махсулот таннархи даражасининг узгариши  $(85,85-86,60)=-0,75$  тийин. Демак, товар махсулотга кетган харажатлар микдорининг 0,75 тийинга камайишикушимча равишда 52,5 минг сумлик махсулот ишлаб чикариш имконини берди, яъни

$$\left( \frac{0,75 \times 7010}{100} \right) = 52,5 \text{ минг сум.}$$

3. Улгуржи бахонинг узгариши  $(85,85-85,85)=0$  Демак, улгуржи бахонинг таъсири булмаган.

Шундай килиб уч омилнинг таъсири  $(-1,97)+(-0,75)+0=-2,72$  тийинга тенг булади. бу эса жорий йилдаги хакикатдаги харажатларнинг режага нисбатан камайган микдори (-2,72 тийинга) тугри келади.

#### **4.Бир сумдик товар махсулотга кетган харажатлар омилли тахлили.**

Бир сумлик товар махсулоти учун килинган харажатларнинг омилли тахлили унинг режасидаги куйидаги омилларнинг таъсирини аниклашни кузда тутати:

- 1.Ишлаб чикарилган махсулот таркиби ва ассортиментининг узгариши.
- 2.Алохида олинган махсулотлар таннархининг узгариши.
- 3.Материал ресурсларга белгиланган бахолар ва таърифларнинг узгариши.
- 4.Тайёр махсулот улгуржи бахосининг узгариши.

Агар жами ишлаб чикарилган махсулот хажмида харажат даражаси паст булган махсулотларнинг улуши ортса 1 сумлик товар махсулот учун килинган харажатлар камаяди, ёки махсулот умумий хажмида харажат юкори булган махсулотлар улуши ортса, 1 сумлик товар махсулоти учун килинган харажатлар купаяди.

Агар алохида олинган махсулотлар таннархи хисобот даврида пасайса, харажатлар даражси камаяди, аксинча, махсулотлар базага нисбатан купайса, 1 сумлик товар махсулоти учун килинган харажатлар даражаси ортади.

Агар хисобот даврида истеъмол килинаётган хом-ашё, материал ва энергия ресурсларига белгиланган бахолар ва таърифларнинг ошиши юз берган булса бу

харажатлар даражасини оширишга, аксинча, бу баҳоларда пасайиш юз берган бўлса

1 сумлик товар маҳсулоти учун килинган харажатлар даражасини камайтиришга сабаб бўлади.

Агар ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини яхшиланиши ёки ушбу маҳсулотга талабнинг ортганлиги ҳисобига тайёр маҳсулотнинг улгуржи баҳоси ортса, харажатлар даражаси пасаяди, ёки, аксинча маҳсулот сифатининг ёмонлашуви ёки истеъмол бозорида ушбу турдаги маҳсулотларнинг таклифи ортиб кетиши ҳисобига тайёр маҳсулот баҳоси пасайса, 1 сумлик товар маҳсулоти учун килинган харажатлар даражаси ортади.

Харажатлар даражасига маҳсулот таркиби ва ассортиментининг узгаришини таъсирини топиш учун режадаги харажатларни ҳақиқатдаги маҳсулот ҳажми ва ассортиментига қайта ҳисобланган режа маълумотлар билан солиштириш лозим.

Харажатлар даражасига маҳсулотлар таннархи узгаришини таъсирини топиш учун режадаги баҳоларда қайта ҳисобланган ҳақиқий харажатларни, режадаги харажатларни маҳсулотнинг ҳақиқатдаги ҳажми ва ассортиментига қайта ҳисобланган маълумотлар билан солиштириш лозим.

Харажатлар даражасига материал ресурсларга белгиланган баҳолар ва таърифларнинг узгаришини таъсириши топиш учун ҳақиқатдаги харажатларни тақсимлаб топилган курсаткични уша харажатларни режадаги баҳоларда ҳисобланган даражаси билан солиштириш мумкин.

Харажатлар даражасига товар маҳсулотига белгиланган баҳоларнинг таъсирини топиш учун ҳақиқатдаги харажатларни, шу харажатларни товар маҳсулотини режадаги улгуржи баҳоларида ҳисобланган даражаси билан солиштириш лозим.

Ҳисоблаб топилган маълумотлар йигиндиси ҳақиқатдаги ва режадаги харажатлар уртасидаги фаркни билдирувчи ушбу формуланинг натижасига тенг бўлиши лозим.

Таҳлилнинг аҳамияти ушбу омилларни корхона фойдасига туъсирини аниқлаганда янада ортади.

### **III қисм. АУДИТ АСОСЛАРИ.**

#### **1-мавзу: Бозор иктисодиётига утиш шароитида аудитнинг роли, мақсади ва ташкилий принциплари.**

- 1. Аудитнинг юзага келиш тарихи.**
- 2. Аудит - молиявий назоратнинг янги шакли.**
- 3. Аудитнинг мақсади ва вазифалари.**
- 4. Аудитнинг турлари ва ташкилий шакллари**

##### **1. Аудитнинг юзага келиш тарихи.**

"Аудит"- латинча "audio" сўздан олинган бўлиб, "у эшитади" деган маънони билдиради. Профессор Ю.М.Иткин аудиторни миждозини саломатлиги тугрисида хулоса чиқаришдан аввал уни яхшилаб текшириб чиқувчи врачга ухшатади. Врач узининг илми ва жахон тажрибасида тан олинган усуллардан фойдаланиб касалнинг ҳолатига хулоса беради, аудитор ҳам корхонанинг барча фаолият тамонларини урганиб чиқиб унинг молиявий ҳолатига хулоса беради.

Қадимий ёзувларга қараганда Хитой жаҳонда аудиторлик тизимини ташкил қилган биринчи давлат бўлиши мумкин. Чунки эра миздан аввалги 700 йилдаёқ бу ерда бош аудитор лавозими мавжуд бўлган. Бош аудитор хизмати давлатнинг пул маблағлари ва мулкidan фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган амалдорларни хизмат вазифалари доирасида ҳаракат қилиш ҳолатини назорат қилиш билан шугулланган.

Европада аудит фаолият тури сифатида Англияда юзага келди. Аудитор термини у ерда илк бор 1299 йилдан бошлаб ишлатила бошланган. У даврда инглизларнинг катта ер эгалари уларнинг номидан иш юритаётган кишиларнинг фаолиятини тугрилигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида иккинчи бир бетараф кишига мувожаат қилишган. Аудит тугрисидаги кейинги эълатмалар 1324 йилга таълуқли. Шу йили қирол фармони билан Англиянинг Оксфорд, Беркшир, Жанубий Эмптон, Уилтс, Самсет ва Дорсет графликларида аудитор лавозими жорий қилинган.

Аудиторлик ташкилоти биринчи бор Венецияда 1581 йилда ташкил этилган ва у "CoLLegio Dei Rekonati" деб аталган. Бу ташкилот обрусининг баландлиги ва унга аъзо бўлишни жуда қийинлиги билан ажралиб турган. Бу ташкилотга аъзо бўлиш учун ҳар бир номзод 6 йил мобайнида тажрибали ҳисобчини ёнида ишлаган ва тегишли имтиҳонларни мувоф-фақиятли топширган ҳамда уз устозидан тавсиянома олган бўлиши лозим эди.

Аудитнинг ҳуқуқий асослари Шотландияга, аниқроқ қилиб айтилса унинг пойтахти Эдинбургга бориб такалади. 1853 йилда у ерда расман Эдинбург аудиторлар институти ташкил қилинган.

Саноатнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини қупайиши, корхоналардаги ҳисоб-китоб қайдлари қуламини ортиши



ва уларнинг тугрилигига ишонч ҳосил қилиш нуктаи назаридан тасдиқлаш заруриятини юзага келганлиги аудит тугрисидаги қонуннинг туғилишига сабаб бўлди. 1844 йилда БуюкБританияда компаниялар тугрисида қабул қилинган қонунлар мажмуида биринчи бор фирмаларнинг низомларида уларнинг ҳисоб китоблари ва ҳисоб вароқларини текшириб боровчи аудитор лавозимини жорий қилиниши кузда тутилган.

1845 йилда эса темир йул фирмалари балансларини аудиторлик текширувдан утқозиш қонун билан мажбурий қилиб қўйилган. Аудиторлик текширувини мажбурий қилиб қўйилганлиги бундай хизматларга эҳтиёжни кескин ортишига сабаб бўлди ва у анча даромадли соҳага айланди. Бунинг натижасида бу соҳага нопок шахсларнинг интилиши кучайди. Натижада баъзи бир аудиторларни уз қасбини суистеъмол қилганликлари оқибатида қасб обрусини саклаш ва орттириш борасидаги тегишли ишлар қилиш ва уни бажарадиган ташкилот тузишга эҳтиёж туғилди. Улардан

бири 1870 йили Буюк Британияда тузилди ва аввал "Инглиз бухгалтерлари институти" номи билан юритила бошланди. Кейинчалик эса 1880 йилдан бошлаб эса у "Инглиз ва Уэльс дипломли бухгалтерлар институти" номи билан юритила бошланди. 1885 йилда Лондонда "Аудиторлар ва бухгалтерлар жамияти" юзага келди. Бу жамиятлар мамлакат микёсида бухгалтерия тамойилларини белгилаш ва фирмаларни аудиторлик текширувдан утқозиш билан шугулланган. Харакатдаги қонуниятга қура Буюк Британиядаги барча қорхоналар ва ташкилотлар юқорида тилга олинган жамият аъзолари томонидан аудиторлик текширувдан утқозилиши шарт қилиб қўйилган. Бу жамият аъзолари миқозларга аудиторлик текширув-ларидан ташқари солиқлар ва қорхонани истикбол йуналишларини белгилаш борасида ҳам маслаҳатлар беришган.

Аудиторлик Буюк Британияда қасб сифатида обру топа бошлагандан сунг, 1880 йилларда бу улқадан АКШ ва Канадага қучиб кетган бухгалтерлар Квебек шаҳрида қирол ҳуқуматининг руҳсати билан "Квебек дипломли бухгалтерлар институти" ва 1886 йилда Нью-Йорқда "Америка давлат бухгалтерлар жамиятини" барпо қилишган.

Европада аудиторлик текширувларини Буюк Британиядан кейин 1867 йилда Франция илк бор амалиётга жорий қилди.

Аудиторлик текширувларининг аҳамиятини тушунган мамлакатлар бирин-кетин уни уз иқтисодий ҳаётларига жорий қила бошладилар. Шунга қура аудиторлик тугрисидаги қонун Голландияда 1893 йилда, Германия ва АКШда 1896 йилда ва Хиндистонда 1909 йилда қабул қилинди.

Россияда "аудит" сузи Петр-I ҳуқмронлик қилган даврларда пайдо бўлган. У даврда "аудитор" сузи харбий терговчи маъносини аңглатган. Биринчи мартабу суз генерал Вейде тамонидан 1698 йилда харбий қушинлар учун тузган Низомида тилга олинган. Аудиторлар асосан харбий қушинларда фаолият қурсатиб, низолар билан боғлиқ ҳолатларни урганиш ва улар тугрисида ҳулоса бериш билан шугулланганлар.

Россияда аудиторлар институтини расман ташкил килишга 1888, 1907-1912 ва 1929-1930 йилларда ҳаракат килиб қурилган. Лекин буларнинг барчаси ҳукукий асоснинг йуқлиги натижасида муваффақиятсизликка учради.

Аудиторлик ишини ривожланишига 1929-1933 йилларда юз берган жаҳон иқтисодий инкирози сезиларли таъсир қурсатди. Акционерлик жамиятлари ва корхоналарнинг оммавий инкирозга учраши ларнинг ҳисоботларини мустақил аудиторлар томонидан тасдиқлаш заруриятини тугдирди.

Бунинг натижасида 1931 йилнинг узидаёқ Германияда ҳукумат қарори билан ҳисоботи эълон қилиниши лозим бўлган корхоналарда аудиторлик текширувларини утказиш мажбурий қилиб қуйилди.

АҚШда эса худди шу мақсадда 1932 йили "Қимматбаҳо қозғаларнинг тугрилиги ҳақидаги АҚТ" қабул қилинди. Унга қура акция ва облигациялар чиқарувчи ҳар қандай корхоналар уз фаолиятларини йилда бир марта аудиторлик текширувидан утказишлари шарт эканлиги таъкидланган. Бундан ташқари мана шу ҳужжат асосида қимматли қозғалар ва биржалар фаолиятини тартибга солувчи Комиссия акциялар ва облигациялар чиқараётган ва уз фаолиятини турли штатларда олиб боровчи компанияларнинг молиявий ҳолатини текшириш ва улар бўйича аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш бўйича махсус талаблар ишлаб чиқди. Бу ҳужжатда қурсатилган талабларга қура юқорида тилга олинган корхоналарда текширув олиб борган аудитор уз ҳисоботида амалга оширган ишларни тулик ёритиши ва корхона молиявий фаолияти бўйича уз фикрини аниқ баён қилиши лозим эди. Бу қоида тез орада уз ижобий натижасини қурсатди. Шундан сунг 1934 йилда, "Молиявий ҳисоботларни мустақил аудиторлар тамонидан текшириш" деб номланган ҳужжат эълон қилинди. Бу ҳужжатда аудиторлик фаолиятини андозага солиш ишлари давом эттирилиб, аудиторларга теширув жараёнида инвентар қайдномаларини урганиш ва ҳисоблашлар бўйича дебиторларни тасдиқлаш қоидасига риоя қилиш тақлиф қилинди.

Аммо уша даврдаги амалий тажрибадан қелиб чиқиб аудиторлар инвентар қайдномаларини урганмай ва дебиторлик қарзларини аниқламай туриб ҳам молиявий ҳисоботларни тасдиқлашда давом этавердилар. Тақлиф қилинган қурсатмаларга лоқайдлик билан қараш, амалиёт тасдиқлашича сохта муомалаларни қупайишига олиб қелди.

Бу ҳолат аудиторлик текшируви андозаларини яратиш жараёни билан шугулланадиган қомитетни тузишни тақозо қилди, ва 1939 йили Америка дипломли жамоатчи муҳосабачилар институти тамонидан умумий тарзда фойдаланиш учун қабул қилинган аудит андозаларининг яратишга асос бўлган расмий қоидалар биринчи маротаба эълон қилинди.

Аудиторлик ишининг янги босқичга қутарилиши юз бериши мумкин бўлган ҳатоликлар ва қонунбузарликларни олдини олиш учун ички аудитни ривожлантириш зарурлигини қелтириб чиқарди. Шунга қура Америка Қушма Штатлари 1941 йилда ички аудиторлар институтини ташкил қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Аргентинада 1945 йилда, Бразилия ва Мексикада 1946 йилда, Италия, Греция ва Нигерияда 1955 йилда Аудиторлик фаолияти тугрисидаги қонунлар қабул қилинди.

1948 йили Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти "Умумий тарзда қабул қилинган аудит андозаларини" тасдиқлади, ички аудиторлар институти эса "Ички аудиторларнинг мажбуриятлари" ни эълон қилди.

Европада аудит андозаларини яратиш устида ишлаш XX асрнинг 50 йилларида бошланди. Бу борадаги изланишларни олиб бориш учун 1951 йилнинг ноябрь ойида Парижда "Иктисод ва молия соҳасида тафтиш олиб боровчи экспертларнинг Европа кенгаши" ташкил қилинди. Бу ташкилот уз таъсир доирасига кирган 18 Европа мамлакатларининг 29 та ташкилотида қулланилиши кузда тутилган аудит андозаларини яратди.

Буюк Британияда аудит соҳасидаги ишларни тартибга солиш иши билан Англия ва Уэлс дипломли бухгалтерлар институти, Ирландия дипломли бухгалтерлар институти, дипломли бухгалтерларнинг киролик ассоциацияси, кироликнинг молиялаштиришнинг ижтимоий жамғармалари ва ҳисоби институтини уз таркибига олган "Бухгалтерия ташкилотларининг маслаҳат комитети" шугулланди.

Бу комитет қошида Буюк Британия аудиторларининг фаолиятида фойдаланиш мажбурий ҳисобланган аудит андозаларини ишлаб чиқиш ни уз зиммасига олган "Аудиторлик амалиёти комитети" (APC) (Audit Practics Committe) фаолият курсатди. Бу ташкилот ҳозир ҳам аудит андозаларининг аудиторларга янада тушунарли қилиш борасида эътиборга лойик ишларни олиб бормоқда. Профессор Р.Доджнинг ёзишича APC аудит андозаларидан фойдаланиш тартиби ёритилган 27 та алоҳида қулланма, 10 дан ортиқ қисқа курсатма ва яна бир қанча шарҳлар ишлаб чиққан. Мана шу маълумотларни уз ичига олган аудит ва ҳисобот бўйича чиқадиган йиллик маълумотномалар ҳар йили 1070 варақдан ортади.

1973 йили Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти (AICPA)нинг молиявий ҳисоботлар билан шугулланувчи Кенгаши ташкил топди ва у ҳозиргача қулланилиб келинаётган ва замон талаби билан тулдирилиб борилаётган "Умумий тарзда қабул қилинган аудит андозалари (GASS)" ни эълон қилди.

Иктисодиёт, бизнес ва савдо соҳасида халқаро муносабатларнинг қучайиши, узга давлатлар иктисодиётига капитал сарфини сезиларли тарзда ортиши, бир неча мамлакатлар иштирокида тузилган халқаро миллий корпорациялар таъсирининг қучайиши ва бунинг натижасида халқаро бухгалтерия ҳисобининг аҳамиятини ортиши, ҳамда халқаро микёсда ҳизмат курсатувчи аудиторлик фирмаларининг пайдо бўлиши натижасида 1977 йили Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) ташкил топди. Бу уюшмага дастлаб 49 мамлакатдан 63 та ташкилот аъзо бўлиб кирган бўлса, ҳозирда унда 79 давлатдан 105 ташкилот аъзо бўлиб турибди.

Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси шу кунгача аудиторлик фаолиятида фойдаланиш учун 29 та асосий ва яна 4 та йулдош андозалар ишлаб чиқди ва эълон қилди. "Қучли олтилик" деб тан олинган халқаро аудиторлик фирмалари уз фаолиятларида IFAC ишлаб чиққан андозалардан фойдаланиши ва уларга ишора қилиши бу ташкилотнинг обрусини юқорилигидан далолат беради.

Аудит амалиётида компьютерлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. 1960 йилларда бухгалтерия вазифаларини бажариш жараёнига компьютерларни жалб қилиш жуда қучайди. Чунки бу табора ортиб бораётган ахборотлар тупламини тез, сифатли ва қуп вариантли усулда қайта ишлаш имконини берар эди. Шунинг учун Америка ички аудиторлар институти 1977 йили аудит сифатини баҳолаш ва маълумотларни электрон қайта ишлаш тизимларини назорат қилиш мақсадида аудитнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш имкониятлари бўйича лойиҳа ишлаб чиқди.

1976 йили "Маълумотларни электрон қайта ишлаш тизими аудиторлари ассоциацияси", "Маълумотларни электрон қайта ишлаш тизими аудиторлари институти" ва ассоциациянинг тадқиқод ҳамда таълим билан шугулланувчи шаҳобчаси ташкил қилинди. Бу ташкилотлар тамонидан олиб борилган ишлар натижасида 1987 йили "Ахборот тизимларида аудитнинг умумий андозалари" яратилди.

Собик Совет Иттифокида бошланган қайта қуриш 80-йилларнинг урталарида чет эл сармоялари иштирокида тузилган қушма корхоналарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида ҳам чет эл сармоячилари ҳам совет давлати тамонини тегишли маълумотлар билан таъминлаб турувчи аудиторлик ташкилотига зарурият тугилди. Шунинг учун ҳуқуқий асос йуқлигига қарамай СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1987 йил январь ойидаги 48 ва 49 сонли қарорлари билан қушма корхоналарда мажбурий аудиторлик текширувларини амалга ошириш билан шугулланувчи биринчи аудиторлик фирмаси "ИНАУДИТ" юзага келди.

Собик Иттифок Республикалари ичида Эстония Республи-касида аудиторлик фаолиятини биринчилар қаторида амалиётга жорий қилди. Бу ерда Эстония Республикасининг 1990 йил 19 февралдаги 33 сонли қарори билан "Эстония Республикасида аудиторлик фаолияти тугрисида вақтинчалик Низом" қабул қилинди.

Худди шундай вақтинчалик Низом Белоруссия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 сентябрдаги 367 сонли қарори билан Белоруссия республикасида ҳам тасдиқланди. Вақтинчалик Низом ҳаракат қилган вақт давомида тупланган тажриба асосида Белоруссия республикасида аудиторлик фаолияти тугрисида Қонун ишлаб чиқилди ва у 1994 йилнинг 4 февралдан қучга қирди.

Украина Республикаси Олий Совети тамонидан қабул қилин-ган "Аудиторлик фаолияти тугрисида" ги Қонун 1993 йилнинг июль ойидан қучга қирди.

1992 йилнинг 17 юни куни эса Россия федерациясининг 38 та шахридаги 45 та аудиторлик ташкилотларининг ташаббусларига кура "Россия аудиторлар коллегияси" юзага келди.

Россия Федерацияси Президентининг 1994 йил 4 февралдаги 54 - РП сонли фармойишига асосан ташкил этилган Россия Президенти ҳузуридаги аудиторлик фаолияти буйича Комиссия Россия Феде-рацияси ҳудудида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, маҳаллий хусусиятлардан келиб чикиб аудит андозаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ишлари билан шуғулланмоқда.

Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Аудиторлик фаолияти буйича Комиссия раисининг биринчи уринбосари Ю.А.Данилев-скийнинг маълумотларига кура ҳозир Россия Федерациясида 4 мингдан ортиқ аудиторлик фирмалари фаолият қурсатиб турибди. Шундан минг-дан ортиги Москва шаҳрининг узида жойлашган.

"Юникон","Росэкспертиза","Группа Центр Инвест","ФБК","Руфаудит" каби аудиторлик-маслахат фирмалари бу соҳада жуда сезиларли ютуқларга эришдилар.

Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолияти Ўзбекистон республикаси Олий Советининг 1992 йилнинг 9 декабридаги қарори билан тасдиқланган "Аудиторлик фаолияти тугрисида"ги Қонун,"Аудитор (аудиторлик фирмаси) тугрисидаги Вактинчалик қоидалар","Аудиторлик палатаси тугрисидаги Вактинчалик қоидалар", ҳамда Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги "Молиявий назоратни мустаҳкамлаш ва ҳужалик фаолиятига молиявий назоратнинг аудиторлик шаклини жорий қилиш тугрисида"ги қарори асосида ташкил қилинган.

Ўзбекистон республикаси аудиторлик хизматлари бозорида 150 дан ортиқ миллий аудиторлик фирмалари фаолият қурсатиб турибди. Аммо миллий аудиторларимизнинг малакасини ҳали етарли эмаслиги республикамиз бозорига бу соҳада гоят катта ютуқларга эришган ва жохон бозорида тан олинган йирик халқаро аудиторлик фирмаларининг кириб келиши ва ҳатто муҳим йуналишлар буйича кенг кириб боришларига сабаб бўлмоқда. Республикамиз аудит хизматлари бозорида катта урин эгаллашга ҳаракат қилаётган халқаро аудиторлик фирма-ларига "Артур Андерсен","КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Куперс Энд Лайбрэнд", "Прайс Уотерхауз" ва "Делойт энд Туш" каби фирмалар қиради.

Бу фирмаларнинг қудратини қуз олдимизга келтириш учун қуйидаги маълумотларга мурожаат қилиш қифоя. 1849 йил Лондонда асос солинган "Прайс Уотерхауз" фирмасининг ҳозирда жаҳоннинг 122 мамлақатида бўлимлари мавжуд ,ва уларда 45 мингдан ортиқ киши хизмат қилади. "ІВМ","Шелл", "Эксон", "Барклейз Бенк", "Ллойдз Бэнк", "Чейз Манхеттен Бэнк","Кодак", "Рейтер", "Сони" каби машҳур корпорациялар ушбу фирманинг мижозлари ҳисобланадилар.



Машхур фирмалардан яна бири булган "Эрнест энд Янг" аудиторлик фирмаси жахоннинг 141 дан ортик мамлакатда фаолият курсатиб, унда 6400 ходим ишлайди. Бу фирманинг кудратини куйидаги маълумотлар тасдиклаши мумкин. Америкада чикадиган "Форчун", "Американ Банкир", "Бейт", ва "Инк" журналларининг маълумотларига кура "Эрнест энд Янг" фирмаси жахондаги

- а) 500 та йирик саноат компанияларининг 109 тасига
- б) 100 йирик банкнинг 33 тасига
- в) 200 та етакчи сугурта компанияларининг 68 тасига
- г) 182 та йирик тиббиёт марказларининг 66 тасига
- д) Мудофаа Вазирлигига карашли 100 етакчи компанияларнинг 22 тасига
- е) 100 жуда тез усаётган компанияларнинг 25 тасига хизмат курсатади.

Ушбу фирма хизмат курсатаётган мижозлар ичида "Макдональдс", "Кока-кола", "Американ Экспресс", "Дженерал Моторс", "Шеврон", "Бритиш Петролиум" каби машхур корпорациялар бор.

Голландия, Буюк Британия, АКШ ва Германиядаги аудиторлик фирмалари иштирокида тузилган "КПМГ" халқаро аудиторлик фирма-сининг 142 та мамлакатда, 500 дан ортик шахобчалари мавжуд булиб, уларда 40 мингдан ортик ходим хизмат килади. "Ксерокс", "Дженерал

Электрик" каби машхур корпорациялар бу фирманинг мижозлари булиб хисобланади.

Ўзбекистоннинг аудит хизматлари бозорида уз урнини топишга ҳаракат қилаётган халқаро аудиторлик фирмаларидан яна бири "Делойт энд Туш" фирмасидир. Бу фирма жахоннинг 126 мамлакатда уз булимларига эга булиб, дунеда энг йирик хисобланган 200 банкдан 55 тасига ва миллиард доллардан юқори активга эга булган жами банкларнинг 27 фоизига хизмат курсатади. Бу фирма Ўзбекистон бозорида банк тизимини жохон андозаларига мослаштириш, уларни аудиторлик текширувидан утказиш, ходимларини уқитиш масалалари билан шугулланмокда. Бундан ташқари у яна бир йирик халқаро аудиторлик фирмаси булмиш "Куперс энд Лайбренд" фирмаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкани Бошқариш ва Тадбиркорликни Куллаб Кувватлаш Давлат Комитети ва Республика Кучмас Мулк Биржасига хусусийлаштирилаётган мулкларни баҳолаш, уларнинг аукцион савдосини ташкил қилиш ҳамда Ўзбекистон республикаси ҳукуматиға кимматли коғозлар бозори ва фонд биржалари фаолиятини ташкил қилиш буйича ёрдам бермокдалар.

## **2. Аудит - молиявий назоратнинг янги шакли.**

Республикаимиз иктисодиётини бозор муносабатларига юз тутиши мулкчиликнинг турли шакллариға корхоналар, хиссадорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар, ҳамда қўшма корхоналарнинг вужудға қелишиға сабаб



булди. Бундай корхоналарни бошқаришни ёш гайратли, таваккалчиликка қурқмай боровчи ишбилармонларнинг янги авлоди қўлга олди. Аммо, уларнинг қўпчилиги қўнунчилик, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда солиқ сиёсати бўйича ҳали етарли билим ва тажрибага эга эмас эди. Бу ҳолат эса уларнинг фаолиятига тўсқинлик қила бошлади. Бухгалтерия ҳисобига етарли аҳамият бермаслик, ҳужалик муомалаларини нотўғри расмийлаштириш, солиқларни ҳисоблашда ҳатоликларга йўл қўйиш ва ўз вақтида ўтқазиб бермаслик, ҳамда қўрхона бизнесининг ривожланишини тўғри белгилай олмаслик натижасида қўп тадбирқўрлар зарар қўрдилар ва ҳатто тегишли идоралар тамонидан уларнинг қўрхоналари ёпиб қўйилди.

Аммо шундай шароитда юқсак мақсадларни қўзлаган тадбирқўрларга қўнунчилик, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи, солиқ сиёсати ва бошқа масалалар бўйича амалий ёрдам боровчи ташкилотга зарурийат тўғилди.

Ҳар бир янгиликнинг яхши томони билан биргаликда ақси ҳам бўлганидек бозор иқтисодиётига ўтиш жамиятнинг нопўқ қатламини бизнеснинг турли соҳаларига қўқур қўриб боришларига шароит яратиб қўйди. Улар турли шаклдаги қўрхоналарни давлат қўйхатидан ўтқазиб олишиб, софдил тадбирқўрларни алдов йўллари билан қўйин аҳволга солиб қўйдилар. Асосида ҳеч нарса бўлмаган қўрхоналарнинг раҳбарлари, ноёб бўйўмлар, маҳсулотлар ўтқазиб беришни ёқи зарур турдаги хизматлар қўрсатишни ваъда қилишиб қатта суммадаги маблагларни ўзлаштириб юбордилар.

Мана шундай шароитда тадбирқўрларга тўғри йўл қўрсата оладиган уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёрдам бера оладиган ташкилотга зарурийат тўғилди. Чўнки бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳеч қайси фирма баланси муқтақил аудитор томонидан тасдиқланмаган қўрхона билан алоқа қилмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан юқори ташкилотларига эга бўлмаган, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган фирмалар, жамиятлар, қўмпаниялар, қўпорациялар вужудга қелди. Табиқи, "бу қўрхоналарда молиявий назоратни қайси ташкилот олиб бориши қерак?", деган савол тўғилди. Бундай вазифа солиқ идораларининг фаолият доирасига қўритилмаган. Улар бундай қўрхона-ларни бюджет билан ҳисоблашишларида ўрнатилган тартибга риоя қилинаётганлиги нуқтаи назаридан текширишлари мўмкин ҳолос. Демак ҳужалик фаолиятининг жуда қўп томони назоратсиз қўлиб қетмокда.

Мана шундай шароитда мулкчиликни турли шаклларига асосланган ва республика иқтисодиётининг ҳамма жабҳаларида фаолият қўрсатаётган қўрхоналарда давлат манфаатини, қўнунчиликни ҳимоя қила оладиган ташкилотга зарурийат тўғилди.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қўғозлар бозорини юзага қелиши қўпчилик қўрхоналарни шу бозорга ўзларининг ақциялари, облигациялари, сертификатлари ва бошқа турдаги қимматга эга бўлган қўғозларини қўқариш имқониятини яратди. Бу қўрхоналар бозорни эгаллаш ва қатта миқдорда капитал йиғиш мақсадида реклама фаолиятини қескин

кучайтирадилар.Реклама махсулотининг бундай катта хажмлари бозор иктисодиёти тугрисида хали етарли билимга эга булмаган ҳукукий ва жисмоний шахсларни меҳнат билан йиккан жамгармаларини қайси соҳага йуналтириши борасидаги муаммони ечишда гангитиб қуйди.Купчилик нопок одамларнинг сохта ваъдаларига ўқиб,Россия фуқоролари "MMM","Тибет","Чара-Банк","Хопёр-Инвест","Техинвест -М" каби "донги кетган"компанияларнинг алдовларидан қўйиб қолганидек қийин ахволга

тушиб қолишлари мумкин эди.Ўзбекистон республикаси ҳукумати бу ҳолатни олдини олиш мақсадида "буш маблағини бирор-бир қорхонанинг бизнесига йуналтирмоқчи бўлган ҳар қандай ҳукукий ёки жисмоний шахс шу қорхонани мустақил эксперт тамонидан тасдиқланган маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлиши керак"деган фикрни илғари сурди.

Мана шундай шароитда қимматли қозғалар бозорида фаолият қўрсатмоқчи бўлган ҳукукий ва жисмоний шахсларга эмитентлар тугрисида аниқ маълумотлар бера оладиган ташкилотга зарурият тугилди.

Бундан ташқари ҳиссадорлик жамиятларининг вужудга қилиши, қорхона ҳодимларини мулк эгаси (ҳиссадорлар) ва ҳиссадорлик жамиятининг маъмуриятига ажратди.Ҳиссадорларда жамият раҳбариятини қорхона бизнесини ривожлантириш,бухгалтерия ҳисоби,солиқлар соҳасида, ҳамда жамият фойдасини тақсимлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати тугрисида аниқ маълумотлар олишга хоҳиш пайдо бўлди.Жамият раҳбарларида эса қорхонанинг барча бугинларида ҳисоб ва ҳисобот қандай йўлга қўйилганлиги,уларнинг объективлик даражаси,бугинлардаги "нозик жойлар" тугрисида ҳолисона маълумот олиш хоҳиши юзага қелди.Чунки қорхона бизнесини ривожланишидан ҳамманинг манфаатдорлиги ҳис қилина бошланган эди.

Худди шундай шароитда ҳиссадорларга қорхонадаги ҳақиқий ахвол тугрисида аниқ маълумот бера оладиган ташкилотга зарурият тугилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини ташкил қилувчи мулкчиликнинг турли шаклларида асосланган банклар,сугурта компаниялари,аҳоли ва қорхоналарнинг буш маблағларини акциялар,облигациялар ва бошқа қимматбоҳо қозғаларга жойлаштириш билан шугулланувчи сармоя ва молия компаниялари, ҳамда чет эл капиталли иштирокида тузилган турли қорхоналарнинг юзага қилиши,давлатда ва улар билан иқтисодий алоқага қиришаётган ҳукукий шахсларда бундай қорхоналарнинг фаолияти тугрисида объектив маълумотларга эга бўлиш заруриятини тугдирди.

Аудиторлик фирмалари эса худди шу йуналишлар бўйича юзага қелган эҳтиёжларни қондирувчи ва иқтисодий ҳаётда бу соҳада юз берган бушлиқни тулдирувчи ташкилот сифатида юзага қикди.

Ҳуш "аудит" ўзи нима.Бу тушунча латин тилидаги "audio" сузидан олинган бўлиб,"эшитмоқ","у эшитади" деган маъноларни билдиради.

Америка ва инглиз олимларининг фикрича бундай тушунча хатто кадимий Рум ва Юнон давлатларининг маданияти гуркираган вақтда ҳам мавжуд булган.

Лекин уша вақтдан бери жахон иктисодиёти ривожда жуда куп узгаришлар юз берди.Худди шу каби аудит тушунчасининг маъноси ҳам сифат жихатидан кенгайди ва маълум даражада узгарди. Жумладан,инглиз олими Leslie R Howardнинг фикрича,- аудит "аудитор томонидан корхонанинг маълум давр ичидаги молиявий ҳолатига баҳо берувчи ҳисобот тузиш учун унинг ишчи муомалалари акс этган ҳужжатларни текширилиши билан боғлиқ жараёндир" (144.16)

Инглиз олими Р.Додж узининг "Аудит андозалари ва меъёрлари буйича қискача қўлланма" китобида аудитни "мустақил текшириш ва корхона молиявий ҳисоботи тугрисида фикр билдириш" деб таърифлайди(53.286).

Назоратнинг халқаро тушунчалари маълумотномасига қўра "аудит ташкилотнинг фаолияти ва муомилаларини белгиланган мақсадлар,бюджет,қоидалар ва андозаларга тугри қилишига қаноат ҳосил қилиш учун амалга ошириладиган шарҳдир.Бу шарҳнинг мақсади вақти-вақти билан тузатишни талаб қилувчи четга чиқишларни аниқлашдир"(36.38-526).

Собиқ иттифок республикалари ичида биринчилар қаторида қабул қилинган Эстония республикасининг "Аудиторлик фаолияти тугрисидаги вақтинчалик Низоми"да аудитга қўйидаги таъриф берилган:

"Аудит-аудиторлик корхонаси ёки алоҳида буюртмачилар билан корхоналар,ташкилотлар,муассасалар ёки алоҳида буюртмачилар уртасида тузилган шартнома асосида корхонанинг бераётган молиявий ахборотларини назорат қилиш билан боғлиқ жараён бўлиб,унинг асосий мақсади ҳисобот,баланс ва корхона натижаларини баҳолаш,ҳамда корхона фаолиятининг турли масалалари буйича хизмат қўрсатишдир"(75.1436).

Россия федерациясида аудит масалалари билан чуқур шугуланиб келаётган профессор Ю.А.Данилевскийнинг фикрича, аудит ҳужалик субъектларининг бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қўнун асосида тузилган йиллик молиявий ҳисоботларини ундаги активлар, мажбуриятлар,уз маблағлари ва йиллик молиявий натижаларни тугри,тулик ва аниқ акс эттирилишини урганиш мақсадида утқазиладиган ҳолисона текширишдир (50.56).

Иктисод фанлари номзодлари Е.А.Стойнов ва Е. С.Стойноваларнинг фикрича, " аудит корхонада амалга ошириладиган комплекс иктисодий таҳлилдир" (101.56)

Аммо аудит фақатгина иктисодий таҳлил эмас.Унда корхонани фаолиятини назорат қилиш,ҳужжатли текширувдан утқазиш каби муҳим йўналишлар мавжуд.

Аудиторлик фаолиятида иктисодий таҳлил ва тафтишнинг ролипрофессорлар А.Д Шеремет,М.И.Бакановларнинг"Иктисодий таҳлил назарияси" китобида яққол қўрсатилган.Шунга қўра аудиторлик тек-ширувида иктисодий таҳлил ва тафтишни қўшиб олиб бориш у ёки бу ҳужалик бугинига янада чуқурроқ

кириб бориш, ва ҳар томонлама асосланган ҳулоса ва тақлифлар бериш имконини яратади (139.566).

Амалиётда бевосита аудиторлик текширувлари билан шугулланувчи мутахассислар аудитни нисбатан торроқ маънода тушунадилар. "ДРТ-Инаудит" аудиторлик қўшма корхонасининг бош директори уринбосари К.Л.Угольниковнинг фикрига қўра "аудит-корхоналар ва муассасаларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тугрилиги ва ҳаққонийлиги нуқтаи назаридан текшириш билан боғлиқ жараёндир" (130.796)

Берилган таърифлардан қуриниб турибдики, олимлар ва амалиётчилар аудитни биринчи навбатда текширув қуроли сифатида қўрмоқдалар. Текширувнинг объекти бўлиб эса молиявий ҳисобот ва уларда ақс этган маълумотлар юзага чиқмоқда.

Бизнинг фикримизча аудитга корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини текширадиган техник жараён дебгина эмас, балки турли соҳаларда қўқур билимга эга бўлган мутахассислар томонидан олиб бориладиган тадқиқот деб қараш лозим. Унинг вазифаси эса ҳозирги қўнда назоратгина эмас, балки қўрхонани бошқаришдаги заиф бўгинларни топиш, унинг бизнесини ривожланиш истикболларини аниқлаб бериш, қўнунчилик, солиқ сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби бўйича қўрхона раҳбариятига маслаҳатлар беришдан иборат бўлиши қерак.

Шу нуқтаи назардан аудитга Париж олий тижорат мактабининг бухгалтерия ҳисоби бўйича адъюнкт-профессори Ж.Леворш томонидан берилган ва Америка бухгалтерлар ассоциациясининг бухгалтерия ҳисобининг асосий концепциялари бўйича қўмитети (American Auditing Association-AAA- Committee on basic auditing concepts) томонидан тақлиф қилинган таъриф юқорида биз қўйган талабларга қўпроқ мос тушади.

Бу таърифга қўра, аудит- иқтисодий воқеа ва ҳодисалар тугрисида объектив маълумотлар олиш, уларни баҳолаш, ушбу ҳаракатларни маълум меъзонларга мос тушиш даражасини аниқлаш ва бу тугридаги ҳолисона чиқарилган ҳулосаларни тегишли истеъмолчиларга етқазиб бериш билан боғлиқ системали равишда олиб бориладиган жараёндир (80.40-426).

Ушбу таъриф бизга қўпроқ маъқул бўлгани учун уни қенгроқ ёритишга ҳаракат қиламиз. Таърифдан қуриниб турибдики:

1. Аудиторлик текшируви системали равишда амалга ошириладиган жараёндир.

Аудит аниқ бир мақсадни қўзлаб амалга ошириладиган ва аниқ мақсадга эга бўлган тадқиқотдир. Бирор бир фирманинг фаолиятини объектив баҳолаш, унинг ривожланиш истикболларини қўрсатиб бериш учун аниқ бир дастур асосида системали равишда тадқиқот олиб бориш лозим. Онда-сонда утқазилган текширувлар натижасида берилган маслаҳатлар фирмага қўтган самарани бермаслиги мумкин. Шунинг учун бозор иқтисодиёти ривожланган

мамлакатлардаги йирик компания ва халқаро корпорациялар куп йиллар давомида битта аудиторлик ташкилоти билан ишлашни маъкулқурадилар.

2.Аудиторлик текшируви маълум бир корхонага оид иктисодий воқеа ва ҳодисалар тугрисида маълумотлар туплаш ва уларга ҳолисона баҳо беришдан иборат жараёндир.

Аудиторлик текшируви давомида корхона раҳбарияти томонидан аудиторга корхона фаолиятига таълуқли маълумотлар такдим этилади.Бу ҳолатда корхона раҳбари текшириш учун такдим килинган маълумотларнинг тугрилигига тула жавобгардир.Бундан ташқари аудиторнинг ўзи текшириладиган объект тугрисида маълумотлар йиғиб,уларни урганади ва ўзга бирор бир ҳуқуқий ёки жисмоний шахсларнинг таъсирисиз ҳолисона ҳулоса чиқаради.Чунки йиғилган маълумотлар асосида ўзининг ёки ўчинчи шахснинг максадини қўлаб қўллагуви ҳулоса бериш ва бу орқали мижозга зарар етказиш қонун билан таъқиқ қилинади.

3.Аудиторлик текшируви корхоналардаги иктисодий воқеа ва ҳодисалар тугрисидаги маълумотларни аввалдан қабул қилинган меъзонларга мос қилишини урганиш билан боғлиқ жараёндир.

Аудитор текширув ўтказадиган корхона раҳбарияти такдим этган ва ўзи йиққан маълумотларга асосланиб,корхонадаги иктисодий жараёнлар ва улар тугрисидаги маълумотларни ҳаракатдаги қонун,қоидалар,меъёрлар ва андозаларга мос қўлиш даражаси тугрисида ҳулоса беради.Меъёрий ҳужжатлардан четга чиқиш ҳоллари юз берса аудитор ўз ҳулосасида қонуннинг ёки бухгалтерия андозаларининг қайси моддаси қай тарзда бузилганлиги ҳақида аниқ маълумот беради.Агар четга чиқишларни миқдорий ҳолда баҳолаш имқони бўлса, аудитор ўни аниқ ҳисоб-қитоблар билан ўз ҳисоботида акс эттиради.

4.Аудиторлик текшируви текширув натижаларини тегишли истеъ-молчиларга етказиш билан боғлиқ жараёндир.

Тегисшли истеъмолчиларга етказиладиган маълумотлар аудиторнинг текширув натижасида ҳосил қилган фикр ва мулоҳазаларидан иборат бўлади.Аудитор бу ҳулосаларни ўз ҳисоботида акс эттиради ва ў орқали маълумотларни текширувни тайинлаган корхона раҳбарияти ва ўнинг руҳсати билан корхона билан иктисодий алоқада бўлган ташкилотларга етказилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тугрисидаги қонуни" билан танишар эканмиз,ўшбу ҳужжатни тайёрланган мутахассисларни аудит борасидаги жаҳон тажрибасини чуқур урганиб чиққанликлари ва ўни жаҳон андозаларига яқинлаштиришга ҳаракат қилганликларини қуввоҳи бўламиз.

Бу қонунга қўра"аудит-муайян вақолатлар берилган шахслар (аудиторлар,аудиторлик фирмалари) томонидан ҳужалиқ юритаётган субъектларнинг молиявий ҳисоботларини тугрилигини,улар амалга оширган молиявий ва ҳужалиқ муомалалари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларига қай даражада



муофклигини, мукаммаллиги ва асослигини, бухгалтерия хисоби ҳамда молиявий хисоботларни юритишга куйилган талабларга кай даражада мувофклилигини аниклаш мақсадида утказиладиган молиявий хужжатларнинг экспертизаси ва тахлилидир. Аудит, шунингдек консалтинг-ни уз ичига олади(2).

Бу таъриф анча узун булишига карамай аудит билан боғлиқ асосий ҳолатларни уз ичига олади.

Аудит тугрисида узбек тилида дарслик ва укувчининг жиддий талабларига жавоб бера оладиган укув кулланмаларининг камлиги, матбуотда эълон қилинаётган мақолаларнинг назарий жиҳатдан заифлиги олимлар ва амалиётчи мутахассислар уртасида аудитнинг аҳамияти ва молиявий назорат йуналишида тутган урни тугрисида мунозараларнинг келиб чиқишига сабаб булмокда. Бу мунозараларда аудиторлик фаолиятини назоратнинг шундай кенг тизими ҳаракат қилаётган бизнинг иқтисодиётимизга бутунлай кераксиз ҳаракатга чиқариб қуйишдан бошлаб, уни то молиявий назоратнинг ягона шаклига айлантиришгача булган фикрлар билдирилмокда.

Бизнинг фикримизча молиявий назорат том маънода олганда, аудитдан кенгрок тушунча. Аудит шу назоратни амалга оширишнинг бир шаклидир.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда назорат тизимини урганиб чиққан профессор Ю.М.Иткин ва доцент Б.Бобобековларнинг ёзишича "Хорижий мамлакатларда молиявий (асосий) назорат қуйидаги схема буйича тузилган:

1) давлат молиявий назоратининг олий органи -хисоб палатаси ёки давлат бош аудитори мақамаси.

Бу орган парламент ёки президентга буйсунади ва давлат бюджетининг чиқим қисмини умумий назорати билан шугулланади.

Давлат молия назорати давлат тузилиши, бошқарув шакли ва миллий анъаналарлардан келиб чиққан ҳолда турли мамлакатларда турлича булиши мумкин. Қоидага қура қупчилик мамлакатларда давлат маблағларининг ҳаражатини назорат қилувчи парламент назорати муассасалари мавжуд. АКШда- бу бош назоратчи бошчилигидаги конгресснинг бош назорат бошқармаси; Буюк Британияда- Бош тафтишчи бошчилигидаги миллий назорат кенгаши; Канадада- Бош назорат-чи; Японияда- назорат тафтиш бошқармаси; Хиндистонда- давлат хисоботи, бюджет ва давлат корхоналари иши буйича парламент комитетлари; Финляндияда -5 та давлат тафтишчиси; Германия, Франция, Венгрияда - хисоб палаталари.

2) солиқ бошқармаси.

У ҳукумат ёки давлатнинг молия вазирлигига буйсунади ва асосан давлат бюджетининг қирим қисмини назорат қилади.

3) давлат бюджети орқали молиялаштириладиган вазирликлар ва бошқармалардаги назорат тафтиш булимлари.



Бу булимлар давлатнинг бош молиявий назорат органи ва шу тармокнинг вазирага буйсунади, ҳамда тармок учун ажратилган бюджет маблагларининг сарфланиши устидан назорат олиб боради.

#### 4) мустакил ташки молиявий назорат (аудит)

Бу турдаги назоратни олиб борувчилар шартнома асосида фаолият юритишиб корхона молиявий хисоботларининг тугрилигини текшириш, ва шу билан бирга иктисод, молия ва хисоб-китоб сохаларида маслахатлар бериш билан шугулланилар.

#### 5) ички назорат булимлари.

Купчилик корхоналарда тузилган назоратнинг бу тури объектда харажатлар, таннарх даражаси устидан назорат юритиш, ишлаб чиқариш, муомала ва махсулотларни сотиш соҳасидаги имкониятларни кидириб топиш, иктисод қилишнинг оптимал режимини сақлашни таъминлаш билан шугулланади (57. )

Молиявий назоратнинг янги шакли булмиш аудитнинг моҳияти ва аҳамиятини англаш учун уни назорат тизимида куп йиллардан бери қулланилиб келинаётган тафтишдан фарқини билиш лозим деб уйлаймиз.

Аудитни тафтишдан фарқи бизнинг фикримизча қуйидагиларда уз аксини топади:

##### 1. Текширув утқазиш мақсадига қура

Тафтиш утқазишдан асосий мақсад корхонадаги угирликлар қузбу-ямачиликлар ва бошқа камчиликларни топиш ва бунинг асосида айбдорларни жавобгарликка тортишдир.

Аудиторлик текширувининг асосий мақсади эса мижоз корхона молиявий хисоботини бухгалтерия хисоби ва хисоботи буйича ҳаракатдаги низом, андозалар ва курсатмаларга мос келиши нуқтаи назаридан баҳолаш, бу борада унга амалий ердан курсатиш ва мижоз билан узаро манфаатлар асосида ҳамкорлик қилишдан иборат.

##### 2. Текширувнинг амалий вазифаларига қура.

Тафтишнинг олдига қуйилган вазифа корхона активларининг сақланишини таъминлаш, қонунбузарликларни ва хизмат вазифасини су-истеъмол қилиш ҳолларини олдини олишдан иборат.

Аудит амалга оширадиган вазифа эса мижоз корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш, унинг таъсир доирасини қучайтириш, рақобатга бардошлик даражасини ошириш ва фирма бизнесининг ривожланиш истикболларини белгилаш буйича маслахатлар беришда уз аксини топади.

##### 3. Текширув утқазиш моҳиятига қура

Тафтиш бошқарув поғонасининг вертикали буйича амалга оширила-диган текширув булиб, асосан юқори ташкилотлар ва жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга булган муассасалар эҳтиёжини қондириш мақсадида амалга оширилади.

Аудит эса горизонтал йуналиш буйича ташкил қилинган текширув булиб у мижоз фирма ва у билан иктисодий алоқалар орқали боғлиқ булган банклар

,солик идоралари, сугурта компаниялари ва хиссадорлар манфаатини кузлаб амалга оширилади.

#### 4.Текширувчининг макомига кура

Тафтиш утказувчи шахс асосан тафтиш идорасининг ходим ҳисоб-ланади ва унинг ҳулосаси купчилик ҳолларда раҳбарнинг иродасига боғлиқ бўлади.

Аудитор эса мустақил эксперт макомига эга бўлиб,факат узининг фикрларига асосланиб ҳулоса чиқариш имконига эга.

#### 5.Текширув утказиш хоҳишига кура

Тафтиш юқори ташкилотлар ва жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган муассасалар тамонидан асосан мажбурий тарзда амалга оширилади.

Аудит эса асосан корхоналарининг уз хоҳишларига кура, танлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда уларнинг мурожаати асосида амалга оширилади.

#### 6.Текширув харажатларини молиялаштириш тартибига кура

Тафтиш харажатлари асосан текширувни тайинлаган юқори ташкилот тамонидан копланеди.

Аудиторлик текширувининг харажатлари эса шартнома асосида текши-рув утказилаётган фирма ҳисобидан копланеди.

#### 7. Текширув натижаларини такдим қилиш тартибига кура

Тафтишчи текширув натижаларини текширувни белгиллаган ташкилотларга,катта миқдорда давлат мулкани талон-тарож қилишлар ёки қонундан сезиларли четга чиқишлар аниқланганда эса тергов ва суд муассасаларига такдим қилиши мумкин.

Аудиторлик текшируви натижалари эса, агар у жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар тамонидан махсус тарзда тайинланмаган бўлса,факатгина ишга ёллаган фирма раҳбариятига берилади ва зарурият бўлса унинг асосий ҳолатлари ҳиссадорлар йиғилишига такдим қилиниши мумкин.

Бу маълумотлар бошқа ташкилотларга факат миждоз фирма раҳбарияти-нинг рухсати билангина берилиши мумкин.Бошқа ҳолларда эса текширув натижалари мустақил аудитор ёки аудиторлик фирмаси тамонидан сир сакланади.

#### 8.Текширув натижаларини расмийлаштириш тартибига кура

Тафтиш утказиш натижалари далолатнома ҳолида расмийлаштирилади ва у юқори ташкилотлар ёки текширувни тайинлаган идораларгагина корхона фаолиятида қонунчиликка риоя қилиш ҳолати тугрисида ҳулоса чиқариш ва айбдорларни жазолаш мақсадида такдим қилинади.Унинг маълумотлари аксарият ҳолларда кенг халқ оммасига эълон қилинмайди.

Аудиторлик текшируви натижалари эса аудитор ҳисоботи ва ҳулосаси ҳолида расмийлаштирилиши мумкин.Аудитор ҳулосаси жуда муҳим ҳужжат бўлиб у миждоз тамонидан молиявий ҳисоботлари билан бирга матбуотда эълон қилиниши ва бунинг натижасида у билан ҳамкорлик қилаётган ва қилмокчи бўлаётган ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларнинг эътиборини узига жалб қилиши мумкин.

#### 9.Текширув натижаларига жавобгарлик даражасига кура

Тафтиш натижаларига кура берилган курсатмалардан корхона зарар кургудек булса текширув утказган кимсани жавобгарликка тортиш хозиргача хисоб-китоб амалиётида жуда кам учрайди ва бу ҳолат конун билан катъий тарзда белгилаб қуйилмаган.

Агар аудиторлик текшируви натижалари асосида берилган курсатмалардан текширув утказилган корхона зарар курса,бу қурилган зиённи миқдор аудитор ёки аудиторлик фирмасидан конунда курсатилган тартибда ундириб олиш ҳуқуқига эга.

#### 10. Фаолият характериға кура.

Тафтиш юқори ташкилотлар томонидан берилган буйруқ ёки курсат-мани бажариш билан боғлиқ жараёндир.

Аудит эса-тарбиркорлик фаолиятидир. Аудитор корхонанинг молиявий хисоботини текшириш билан чекланиб қолмасдан, миқдорга ҳақ эвазига молия, бухгалтерия хисоби, солиқлар, валюта муомилаларини юритиш, банк иши, сугурта компаниялари фаолияти, ташки бозорга чиқиш ва шунча ухшаш муҳим фаолият йуналишлари буйича маслаҳатлар бериш билан ҳам шугулланади.

Иккала текширув турининг ухшашлиги аввалам бор улар бажарадиган вазифада уз аксини топади. Яъни тафтиш ҳам, аудиторлик текшируви ҳам охири оқибатда корхоналарда амалга оширилаётган ҳужалиқ муомилаларини конун, меъёрий ҳужжатлар талаблари ва халқаро андозаларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари аудиторлик текшируви пайтида тафтиш жараёнида қулланиладиган барча усуллардан кенг фойдаланилади.

Жаҳон тажрибасида аудиторлик текширувлари махсус рухсатнома (лицензия)га эга булган аудитор ёки таркибида шундай ҳуқуққа эга булган камида битта аудитор фаолият курсатаётган аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон республикасида "Аудиторлик фаолияти тугрисидаги Конун" нинг 2-моддасига кура Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолияти билан фақат аудиторлик фирмалари шугулланиши мумкин.

Бу ҳужжатга кура аудиторлик фирмалари - Ўзбекистон республикасининг конунларига мувофиқ тузилган бўлиб, белгиланган тартибда руйхатдан утказилган уз Низомига кура фаолият соҳаси аудиторлик хизмати курсатишдан иборат булган корхоналардир. Аудиторлик фирмалари Ўзбекистон республикасининг конунларда белгиланган тартибда кичик корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар ва очик турдаги хиссадорлик жамиятларидан ташқари бошқа барча ташкилий - ҳуқуқий шаклдаги корхоналар тарзида барпо этилиши мумкин. Аудиторлик фирмасида аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга булган камида иккита аудитор ишлаши лозим.

Конун муаллифлари ушбу моддани ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасидаги хозирги ҳолатдан келиб чиққан булсалар керак.

Хозирда республикада жаҳон аудит тажрибасини яхши билган мута-

хассислар жуда кам, аудиторликка даъвогарлик килаётган шахсларнинг купчилигини эса корхона менеждменти, маркетинг, ҳуқуқ, солиқ сиёсати, ташки иктисодий алоқалар каби йуналишлар бўйича мавжуд билимлари бозор иктисодиети талабларига тулик жавоб бермайди. Ривожланишнинг ҳозирги боскичида юқорида келтирилган йуналишлар бўйича чуқур билим ва тажрибага эга булган мутахассисларни факатгина аудиторлик фирмаси бир жойга туплаши ва уларнинг ёрдамида сифатли аудиторлик текширувини утказиши мумкин. Ўзбекистон республикасида аудит амалиёти бўйича маълум тажриба туплангач ва жаҳон андозаларига жавоб берувчи мутахассислар тайёрлашга эришилгач бошқа ривожланган мамлакатлардаги каби алоҳида олинган мутахассисларга ҳам аудиторлик фаолияти билан шугулланишга ижозат берилиши мумкин.

Куриб чикканимиздек аудит бозор инфраструктурасининг муҳим таркибий қисми сифатида молиявий назорат тизимида ўз ўрнига эга.

Аудиторлик хизмати ҳозирги кунда ҳам давлат учун, ҳам текширув утказилаётган корхоналар, фирмалар, банклар, сармоя фондлари, сугурта компаниялари ва шу корхона бизнесига кизикиши булган бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар учун жуда зарур булган молиявий назорат шаклидир.

### **3. Аудитнинг мақсади ва вазифалари**

Аудит бозор муносабатлари субъектлари (корхоналар, ташкилотлар, банклар, сармоя ва нафақа фондлари, биржалар, сугурта компаниялари ва ҳақозолар)нинг молиявий ҳисоботини экспертизадан утказиш ва таҳлил қилиш билан боглик муракаб жараёнدير.

Аудитнинг асосий мақсади ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботида акс эттирилган маълумотларни ҳаракатдаги қонунлар, андозалар ва бошқа меъерий ҳужжатлар талабига мос қилиши, уларнинг объективлиги ва аниқлиги нуқтаи назаридан ҳолисона баҳолашдир. Консалтинг хизматлари курсатиш билан боглик аудиторлик фаолиятининг мақсади эса мижоз корхонага ҳужалик юритишда йул қуйилаётган қамчиликлар, ишлатилмай ётган имқониятларни, иктисодий инқироздан қикиш йулларини курсатиб бериш, махсулотни ишлаб қикариш ва сотиш ҳаражатларини қамайтириш, оқилона бошқарув тизимини ишлаб қикиш ва бозорни эгаллаш стратегиясини яратиб бериш орқали барча соҳаларда унинг мувоффақиятини таъминлашдан иборатдир.

Бозор иктисодиетига утиш шароитида республикаимиз ҳуқумати тамонидан олиб қорилаетган ислохатларда- "давлат ва унинг ҳоқимият тузилмаларини ҳужалик фаолиятига бевосита аралашмаслиги", сиесати муҳим урин тутмоқда (1.576). Давлат иктисодиетни бошқаришда бевосита бозор дастакларидан фойдаланишни мувоффақиятларимиз гарови сифатида баҳоламоқда. Шунинг учун ҳам давлат бозор инфраструктурасининг барча халқаларига, жумладан, "сугурта ва аудиторлик хизматларининг, ҳуқуқий хизмат курсатадиган ва

консалтинг ташкилотларининг, шунингдек, бозор иктисодиети шароитларида ишлашга кодир булган мутахассисларни тайерлаш буйича турли марказларнинг фаол иши бозор шароитида тадбиркорлар фаолиятининг баркарорлигини оширишга кумаклашиши керак",-деган муҳим вазифани куймоқда (1.54б).

Бу масъулиятли ишни бажаришда аудиторлик хизмати олдига куйилган асосий вазифа корхонани эълон қилиниши лозим булган молиявий хужжатлари,биринчи навбатда баланс ҳамда молиявий натижалар ва уларнинг ишлатилиши тугрисидаги ҳисобот маълумотларнинг тугри-лигини текширишдан иборатдир.Бундан ташқари аудиторлар мижоз билан келишилган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш,самарали молиявий сиёсат ва сармояларни йуналтиришнинг истикболли стратегиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ махсус вазифаларни ҳам бажарадилар.

Узига юклатилган вазифаларни тулақонлик билан бажариш учун аудитор корхонанинг молиявий ҳисобот шакларида акс эттирилган маълумотларга таъсир утқиши мумкин булган барча фаолият йуналишларини урганиб чиқиши лозим.

Молиявий ҳисобот маълумотларига сезиларли таъсир курсатувчи ҳолатлардан бири корхонада бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат қай йусинда ташкил қилинганлигидир.Аудитор текширув мобайнида:

- фирмада ташкил этилган бухгалтерия тизими корхона фаолияти тугрисида тулик ва объектив маълумотлар олиш имконини берадими ?

- бухгалтерия ходимларининг малакаси талаб даражасидами?

- цехларда ва булимларда дастлабки хужжатларни расмийлаштиришга маъсул ходимлар етарли даражада эътибор билан ёндаш мўқдами?

- йиғма хужжатларни тайёрлашда ҳатоликларга йул қуйилмаяптими?

- хужалик муомилаларини акс эттирувчи китобларда гайри табиий ёзувлар йукми?

- ички назорат олиб боровчи ходимлар фирманинг ишлаб чиқариш технологияси ва бошқарув системаси билан муқаммал танишми?

- омборларда ва фирма ҳудудида сакланаётган материал қийматлик-ларининг бутлигини таъминлаш учун барча тадбирлар амалга оширил-ганми?

- ишлаб чиқариш цехлари,участкалари ва ишчи жойлари материал қийматликлар,ёқилги, энергия ресурсларининг ҳаражат қилиш меъёрлари билан таъминланганми?

- ҳаражат меъёрларига риоя қилиш устидан қандай назорат олиб борилади? қабил саволларга тулик жавоб топишга ҳаракат қилади.

Корхона бизнесининг ривожланиш истикболларини белгилаб бериш учун аудитор мижоз фирмада менежментни ташкил қилиниш ҳолати;унинг бизнес-режасини асослиқ даражаси;корхонанинг меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш захиралари,асосий воситалар ва номатериал активлар билан таъминланганлик ҳамда уларда фойдаланиши самарадорлиги даражаси;дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати ва уларни юзага



келиш сабаблари;сармояларни сарфлаш йуналишларининг тугрилиги;ва шу каби унинг бошка фаолият томонларини синчковлик билан урганиб чиқиши зарур.

Республика иктисодиётида кулланилаётган солик турларининг хилма-хиллиги,уларнинг ставкалари ва ҳисоблаш усулларига давр талабидан келиб чиқиб тез-тез узгартириш киритилиб турилиши корхоналарга ушбу соҳада аудиторлик хизматлари курсатиш заруриятини тугдирди. Аудиторлар миждозларга соликларни ҳисоблаш, улар бўйича ҳисоботлар тайёрлаш, ҳисоботларни солик маҳкамаларида ҳимоя қилиш ва соликлар бўйича қонун тамонидан берилган имтиёзлардан тулигича фойдаланиш йулларини курсатиб бериш бўйича қатта ёрдам курсатишлари мумкин.

Аудиторлик текширувларини утқазиб бўлгач, аудитор уз ҳулосаларини ҳисобот ҳолида жамлайди ва корхона раҳбариятига топширади.Керак бўлса ҳисоботнинг асосий жойларини директорлар қенгаши ёки ҳиссадорлар йиғилишида тушинтириб бериши лозим.

Аудитор фирманинг ривожланиш истикболларини белгилаш бўйича уринли фикр айта олиши учун корхона бизнесини тушиниши,унинг нозик томонларини билиши лозим бўлади.

Аудитор(аудиторлик фирмаси)нинг вазифалари Ўзбекистон республикасининг "Аудиторлик фаолияти тугрисида"ги Қонуни 8-моддасида қуйидагича берилган.Аудитор (аудиторлик фирмаси):

- аудиторлик текширувларини сифатли утқазиш,шунингдек, текширувлар утқазиш билан боғлиқ бошка аудиторлик хизматлари курсатиш;

- узи текшираётган ҳужалиқ юритиш субъектининг раҳбариятига текширув чоғида аниқланган бухгалтерия ҳисоб-қитобини юритиш ҳамда молиявий ҳисобот ҳужжатлари тайёрлашга нисбатан қуйиладиган талаблар ва қонунлар бузилганлиги ҳақида маълум қилиши;

- уз вазифасини бажариш чоғида аниқланган, аммо ошқор қилиниши миждозга зарар етқазиши мумкин бўлган маълумотларни (суд талабига биноан маълумотларни тақдим этишдан ташқари ҳоллада)сир саклаши;

- текшириш тугалланиб,ҳулоса чиқарилгунча қадар узрсиз сабабларсиз уз фаолиятини тухтатиб қуймаслиги;

- заруратга қараб,узи утқазган текширув натижаларини маълум қилиш учун мулкдорлар(ҳиссадорлар)нинг умумий йиғилиши қақрилишини талаб қилиши,башарти,уз ҳатти ҳаракатларида ҳолис ва одил бўлолмаса,уз фаолиятини давом эттиришдан воз қечиши шарт.

Бизнингча қонуннинг бу моддасида аудитор (аудиторлик фирмаси)нинг вазифалари,маждурияти,маъсулияти ва этиқ муамолари аралаштириб юборилган.Қонунда,бизнинг фикримизча, аудитор (аудиторлик) фирмаси-нинг вазифаларини берилиши шарт эмас. Бу ҳолат аудиторлик андозалари (стандартлари)билан белгиланади.Агар аудитор (аудиторлик фирмаси)ни вазифасини қонунга бериш лозим деб топилса уни аниқ ва равшан қилиб санаб утиш лозим.



Айрим мутахассисларда аудит текширув утказилаётган фирмада фаолият юритишдаги хатоликлар ва кузбуямачиликларни аниклаш учунгина утказилади,- деган фикр мавжуд.Бизнинг фикримизча буни аудитнинг асосий максоди деб булмайди.Чунки корхона бизнесини юритишдаги хатоликлар ва кузбуямачиликларни олдини олиб бориш борасидаги масъулият конун буйича унинг рахбарига юклатилган. Корхона рахбари эса шу ҳолатларни олдини олиш учун фирмада самарали ички назоратни ташкил қилган бўлиши керак.

Агар махсус килинган сохталаштириш ҳолатларини аниклаш шартномада курсатилмаган бўлса ва бу тугрисида аудиторга алоҳида топширик берилмаган бўлса,бундай ҳолатларни излаб топиш аудиторнинг мажбуриятига кирмайди.Аммо, аудитор текширув жараёнида белгиланган қоидалар ва ҳаражат меърларидан четга чиқиш, маълумотлари корхона молиявий натижаларига таъсир курсатувчи ва ҳисоботни нотугри тузилишига олиб келувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда сохталаштириш ҳолларини аниқлаб бориши ва бу ҳолатларни юзага келтирган шароитлар,унинг сабабчилари ва ҳисоб-китоб тизимидаги "нозик" бугинлар тугрисида аниқ фикрга эга бўлиши лозим.Бу эса дастлабки ёки йигма ҳужжатларни расмийлаштиришга маъсул ходимларни келасида шундай ишга қул уришдан аввал уйланишга мажбур қилади.Натижада бу йуналишдаги иш ижобий томонга узгара бошлайди.

Лекин ҳисоб-китоб ишларини ривожлантириш борасида фойдали фикр айтиш учун аудиторнинг узи бу соҳада чуқур билимга ва тажрибага эга бўлиши лозим.

Тажриба шуни тасдиқлайдики,текширув учун четдан жалб қилинган юқори малакали мутахассис -аудитор уз тажрибасига таянган ҳолда корхонадаги асл ҳолатни ва ундаги буш бугинларни тезда англаб олиши ҳамда фирма бизнесини ривожлантириш борасида жудаям дадил ғояларни беришлари мумкин.

#### **4.Аудитнинг турлари ва ташкилий шакллари.**

Аудит назариясида унинг турлари ва текширувларни утказишнинг ташкилий шакллари урганиб чиқиш фойдадан ҳоли эмас. Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг профессори,"Бошқарув ва аудит"фирмасининг директори П.И.Камышанов(9.6б),Ўзбекистон республикаси бухгалтерлар ассоциациясининг Президенти,Тошкент молия институтининг профессори Ю.М.Иткин(3.139б),профессор А.Л.Бавдей (10.15б), Москва аудиторлар палатаси томонидан аудиторларга қўлланма сифатида тавсия қилинган монографиянинг муалифи А.К.Солодов-ларнинг(11.14б),фикрича, аудит икки турга бўлинади: ички ва ташқи аудит.

Москва давлат университетининг профессори В.П.Суйц аудиторлик текширувларини қуйидаги турларга бўлади:

##### **1. Ривожланиш эволюциясига қура:**

- а) тасдикловчи аудит;
- б) тизимли-мулжалли аудит;
- в) таваккалчиликка асосланган аудит.

## 2. Конун буйича белгиланишига кура:

- а) конунда курсатилган корхоналарда утказилган аудит;
- б) ташаббус оркали ташкил килинган аудит.

## 3. текширув утказувчи субъектларга кура:

- а) ташки аудит;
- б) ички аудит.

## 4. Текширувни амалга ошириш даврига кура:

- а) дастлабки аудит;
- б) кайтарилувчи (келишилган)аудит.

Ушбу туркумланиш профессор В.П.Суйцнинг аудиторлар учун амалий кулланма сифатида чиқарган "Аудит"номли амалий кулланмасида курсатилган тартибда берилди ( 1.8б )

Бизнинг фикримизча,турли ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда аудитнинг туркумланишини яна ҳам кенгайтириш мумкин.Биз куйидагича туркумланишни таклиф қиламиз:

## 1.Текширув утказувчи субъектларга кура:

- а) ташки аудит;
- б) ички аудит.

Ташки аудит бухгалтерия ҳисоби,тафтиш,иктисодий таҳлил, иктисодий математик усуллар,давлат сиёсати,солиқлар,истикболни белгилаш, конун-чилик, рухшунослик йуналишлари буйича мукамал билимга эга булган,аудиторлик текширувларини утказиш учун рухсатномаси (лицензияси)булган мустақил аудитор ёки аудиторлик фирмаси томонидан шартнома асосида амалга оширилади. Бу текширувнинг максади текширилаётган фирманинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботини ҳаққонийлик нуктаи назаридан баҳолаш, корхонанинг молиявий стратегиясини яхшилаш,хужалик юритиш самарадорлигини ошириш,унинг тулов қобилияти ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш буйича курсатмалар ишлаб чиқиш,хамда аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа турдаги хизматлар курсатишдир.

Америка кушма штатлари ички аудиторлар институти (Institut of Internal Auditors)нинг таърифлашича,"ички аудит корхона манфаатларини кузлаб унинг ишини текшириш ва баҳолаш буйича амалга оширилган фирма ичидаги мустакил фаолиятдир. Ички аудитнинг мақсади корхона ходимларига уз хизмат бурчларини бажаришда ёрдам курсатишдир"(2.6б )

Демак ички аудит фирманинг шу мақсадлар учун ташкил этилган махсус булими ёки ходимлари томонидан амалга оширилади.Бу фаолият турининг хусусияти шундаки ички аудиторлар корхона раҳбарига буйсунадилар ва унинг штатида турадилар. Ички аудиторлар авваламбор корхона ишлаб чиқариш технологиясини яхши билишлари,бундан ташқари бухгалтерия ҳисоби,иктисодий таҳлил,ҳуқуқшунослик каби йуналишлар буйича мукамал билим эгаси булишлари лозим.Улар корхона фаолият йуналишининг барча бугинларини текшириш билан шугулланиб,жойларда меъёрий курсакичлар ва ҳаракатдаги конун талабларидан четга чиқишларни юзага келиш сабабларини,бугинлардаги заиф жойларни аниқлайдилар ва корхона фаолиятини яхшилаш имконини берувчи имкониятларни кидириб топадилар.Ички аудитнинг корхона учун аҳамиятли томонларидан бири у раҳбариятни бошқарув қарорлари қабул қилиш учун тезкор маълумотлар билан таъминлаб туради.

Агар ташқи аудит юзага чиқиб булган ҳатоликлар ва камчиликларни урганса,ички аудит шу камчиликларни руёбга чиқармаслик устида ишлайди ва бу жараёнга уз таъсирини утказиши мумкин.

Лекин ички аудит билан ташқи аудитнинг фарқли томони ҳам мавжуд. Бу уларнинг урганиш объектларида яққол қуринади.

Ички аудиторларнинг эътибори асосан бошқарув ҳисоби ва ҳисобо-тини урганишга қаратилган булса,ташқи аудиторлар асосан молиявий ҳисоб ва ҳисобот маълумотларни урганиш билан шугулланадилар.

Профессор Ю.М.Иткиннинг фикрича молиявий ҳисобот маълумотлари айрим ҳолларда ички аудитнинг урганиш предмети булиши ҳам мумкин(3.139б )

Аммо текширув утказишда ташқи аудиторларнинг ҳуқуқлари анча кенгдир.Улар корхона молиявий ҳисоботида акс эттирилган маълумотларни тугрилигини аниқлаш учун бошқарув ҳисобининг турли йуналишлар буйича тупланган маълумотлардан фойдаланишлари ва бу ишни сифатли амалга ошириш учун уларнинг узини ҳам бу ишга жалб қилишлари мумкин.

Профессор А.Ф. Аксененконинг фикрича ходимлар сони 50-75 кишидан ортмайдиган кичик корхоналарда ички аудитни ташкил қилиш қутилган самарани бермаслиги мумкин(4.\_\_\_\_.).

## 2.Текширувнинг конун буйича белгиланишига қура:

- а) конунда курсатилган корхоналарда утказиладиган аудит;
- б) корхона ташаббуси билан ташкил қилинган аудит.

Харакатдаги конун ва коидаларга кура иктисодиётни бошқарув зарурияти ва аудиторлик текширувларини ташкил қилиш имкониятларидан келиб чиқиб давлат ривожланишнинг турли босқичида аудиторлик текширувидан утиши ва молиявий ҳисоботларини эълон қилиши шарт бўлган корхоналар рўйхатини тасдиқлайди. Жумладан, Германияда таркибида 50 кишидан ортиқ ходим ишлаётган, балансининг умумий суммаси 3,9 млн.маркадан юқори бўлган ва сотиш ҳажми 13,9 млн. немис маркасида ортиқчани ташкил қилувчи корхоналар агар шу курсаткичлардан иккитасига тугри келсалар мажбурий тарзда аудиторлик текширувига тортиладилар.Буюк Британияда йиллик товар айланиши 25000 фунт стрелингдан юқори бўлган ҳар қандай фирманинг раҳбарияти узининг сармоядорлари,хиссадорлари,узок муддатли кредитлар берган банклари,молия идоралари, жамоат ташкилотлари ва конунда курсатилган бошқа фойдаланувчиларга аудитор тамонидан текширилган молиявий ҳисоботларини тақдим қиладилар. Францияда таркибида 100 дан ортиқ ходим ишлайдиган барча хиссадорлик,коммандит жамиятлари, фирмалар, компаниялар, кредит ташкилотлари;ҳодимлари сонидан катъий назар облигация чиқарувчи барча корхоналар,ҳамда йиллик ишлар ва хизматлар ҳажми 500 минг франкдан ортиқ бўлган кишлоқ хужалиги кооперативларининг молиявий ҳисоботлари мажбурий аудиторлик текширувига тортиладилар.Россия федерациясининг конунларига кура мулкчилик шаклларида катъий назар, маҳсулот сотишдан олган тушумлари конун билан белгиланган кам ойлик иш ҳақининг 500 минг баробаридан ортиқни ташкил қилувчи ва балансининг активлари ҳисобот йилининг охирига конунда белгиланган кам ойлик иш ҳақининг 200 минг баробаридан ортиқча бўлган корхоналар мажбурий тарзда аудиторлик текширувидан утқазилдилар.

Ўзбекистон Республикасида "Аудиторлик фаолияти тугрисидаги конун"нинг 16- моддасига кура Ўзбекистон Республикасида дастлабки тарзда аудитор текширувидан утган молиявий ҳисобот ҳужжатлари :

- ташкилий-ҳукукий шакли мулкдорларнинг мулкый жавобгарлиги чекланиши кузда тутилган хужалик юритаётган субъектлар;
- акциялар фонд биржаларида қимматга эга бўлган хужалик юритаётган субъектлар;
- мулк шаклидан қатъий назар банклар; - мулк шаклидан қатъий назар сугурта компаниялари;
- фаолият соҳаси учинчи шахсларнинг маблағларини акциялар, облигациялар ёки бошқа қимматбаҳо қозғаларга жойлаштиришдан иборат бўлган инвестиция ва молия компаниялари;
- биржалар;
- чет эл инвестицияларига эга бўлган корхоналар;
- доирасини ҳар йили Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган бошқа субъектлар тамонидан эълон қилиниши шарт.(12.45-46б).

Демак конунда белгиланган ва Вазирлар Махкамаси тамонидан тасдиқланган руйхатга киритилмаган хужалик юритиш субъектлари аудиторлик текширувларини уз эхтиёжлари,имкониятлари ва хохишларига кура амалга оширишлари мумкин.Лекин айрим ҳоларда бу коидадан четга чиқишлар ҳам юз бериб туради.

### 3.Текширувни утказилиш хохишига кура:

- а) мажбурий тарзда тайинланган аудит;
- б) корхона ихтиерига кура тайинланган аудит.

Конун буйича аудиторлик текшируви утказилиши шарт булган корхоналар ҳам ва у соҳада эркинликка эга булган корхоналар ҳам ҳисобот даври ичида айрим ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда мажбурий аудиторлик текширувига тортилиши мумкин.Мисол учун давлатнинг юкори бошқарув идоралари республика,вилоят ёки регион учун муҳим аҳамиятга эга булган объектларга ажратилган давлат маблағларини сарфланиш самарадорлигини аниқлаш;банклар, кредит берилаётган;сугурта компаниялари хужалик фаолияти сугурта қилинаётган;инвестиция фондлари ва молия компаниялари уз қимматли қозғаларини фонд бозорида жойлаштиришга ҳаракат қилаётган;чет эл инвесторлари сармояларини жойлаштиришга мулжаллаётган корхоналар молиявий ҳолатни баҳолаш;суд, прокуратура ва жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга булган бошқа идоралар эса шу жараёнга жалб қилинган корхоналарда конунбузарлик ҳолатларини берилган маълумотларга мос тушишини аниқлаш мақсадида мажбурий тарзда аудиторлик текширувлари белгиланганлари мумкин.

Бошқа ҳолларда корхоналар Вазирлар Махкамасининг руйхатига киритилган ва киритилмаганлигидан қатъий назар уз эхтиёжларидан келиб чиқиб ҳисобот даври ичида аудиторлик хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

### 4.Текширувни амалга ошириш даврига кура:

- а) дастлабки аудит;
- б) қайтариловчи (қелишилган) аудит.

Дастлабки аудит аудиторлик текшируви ёки унинг консалтинг хизматида биринчи бор фойдаланаётган корхонада амалга оширилади.Бу жараён аудитор ёки аудиторлик фирмаси учун жуда муҳим аҳамиятга эга.Чунки дастлабки натижаларга қараб миқдори корхона ушбу аудитор ёки аудиторлик фирмасининг хизматида қўлғусида фойдаланиш ёки фойдаланмаслик тугрисида ҳулоса чиқаради.

Кайтарилувчи (келишилган) аудит аудиторлик фирмасини мижоз корхона билан узок вақтлар давомида ҳамкорлик қилиш натижасида амалга оширилади. Бу турдаги аудитнинг аҳамияти ва берадиган самараси жуда катта.

Жумладан, аудитор (аудиторлик фирмаси) узок вақт давомида уз мижозининг бизнесини мукамал урганиб олади ва бу унга аудиторлик текширувларини тез ва самарали қилиб утқизишига ёрдам беради. Мижоз корхона эса биринчидан, корхона фаолиятини яхши билувчи юкори малакали аудиторлардан юкори сифатли, кенг қуламли ва шу билан бирга ҳар тамонлама асосланган фикрлар олиш имкониятига эга бўлса; иккинчидан, ҳар сафар янги аудитор қидириш, унга корхона бизнесини тушунтириш ва текширув жараёнида юзага келадиган иккиламчи даражали саволларга жавоб беришдек ноҳуш ҳолатлардан қутилади.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши буйича йигилган тажрибага қура йирик компаниялар ва халқаро корпорациялар узок вақтлар давомида уз аудиторларини алмаштирмасликка ҳаракат қиладилар. Мисол учун жаҳонга машҳур бўлган "ИВМ", "Эксон", "Дюпон" каби компаниялар узок даврлардан бери "ПРАЙС УОТЕРХАУЗ"; "Форд" компанияси эса "КУПЕРЗ ЭНД ЛАЙБРАНД"; "Макдональдс", "Кока-Кола" фирмалари эса "ЭРНЕСТ ЭНД ЯНГ"; "Дженерал электрик", "Ксерокс" компаниялари эса "КПМГ"; "Дженерал моторс", "Боинг", "Крайслер" компаниялари эса "ДРТ"; "Юнайтед эйрлайнз" компанияси эса "АРТУР АНДЕРСЕН" каби халқаро аудиторлик фирмалари билан ҳамкорлик қилиб келадилар.

#### 5. Фаолиятни қамраб олиш даврига қура:

- а) якуний аудит;
- б) маълум даврни қамраб олган аудит;
- в) давомли аудит;
- г) муолажа тарзида утқазилган аудит.

Якуний аудит асосан ҳисобот даври якунлангандан кейин амалга ошириладиган аудит. Бу текширув турининг устунлиги шундаки, биринчидан, аудитор тулик якунланган даврни текширувдан утқизиш имкониятига эга бўлади ва бу ҳолат унга корхона фаолияти тугрисида якунланган ҳулоса айтиш шароитини яратади, иккинчидан эса, агар бухгалтерия ҳисоб-китоби ва молиявий ҳисобот маълумотларига узгартириш қиритиш керак бўлса аудитор уни бир марта амалга ошириш имконини қулга қиритади. Бу аудит турини аудиторлик фирмасига қийинчилик тугдирадиган томони шундаки, молиявий даврнинг тугаши барча корхоналар учун бир ҳилда. Агар аудиторлик фирмаси ёки аудитор бир неча корхоналарга хизмат қурсатаётган бўлса, у ҳолда текширувни утқизиш учун тегишли ходимлар гуруҳини йигиш ва вақт захирасини тақсимлаш анча мураккаблашади. Бу эса мижоз корхоналарни янги аудиторларни излаши ёки уз аудиторнинг хизматида фойдаланишга аҳд



килинса молиявий хисоботни эълон килинишини чузилиб кетишига сабаб булиши мумкин.

Корхона рахбарияти ёки акционерлар йигилишининг курсатмасига биноан аудитор маълум даврни камраб олган аудиторлик текширувлари ҳам утказиши мумкин. Бу давр корхонанинг ойлик, чораклик, ярим йиллик, 9 ойлик фаолият даврларини камраб олиши мумкин. Бу текширув тури якуний аудитдан килинадиган ишлар кулами билан ажралиб туради. Бундай турдаги текширув бир катор устунликларга эга. Жумладан корхонага фаолият натижаларининг у ёки бу давридаги маълумотларини эълон килиш зарурияти тугилиб қолади. Шунда бу турдаги текширувни амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари у молиявий даврдаги якуний текшируни утказишни тезлатиши; хатоликлар ва камчиликларни вақтида аниқлаш ва уларни бартараф килиш бўйича вақтида фикрлар бериш имконини беради.

Бу текширув турининг камчилиги аниқланган маълумотлар ва берилган хулосаларга якуний аудиторлик текширувидан кейин узгартиришлар киритишни талаб килиши ва бу ҳолат қушимча ишни юзага келтиришида намоён бўлади.

Давомли аудит турига жуда зарур ҳоллардагина мурожаат қилинади. Чунки бу жуда қиммат турувчи хизмат туридир ва ундан факат молиявий жихатдан бақувват корхоналаргина фойдаланишлари мумкин. Мисол учун узок вақтлардан бери самарали фаолият юритиб келаётган бақувват фирма рахбарияти кейинги пайтларда бозорда узмавқеини пастлаб кетаётганлигини сезиб қолди. Ахвол шу йусинда кетса тез орада фирма инқрозга учраши мумкинлигини ҳис қилган директорлар кенгаши, ушбу ҳолатни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш ва уларни тез орада бартараф килиш йулларини курсатиш, ва корхона бизнесини ривожлантириш истикболларини белгилаб бериш билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун аудиторлик фирмасига мурожаат қилади. Тегишли расмийчиликларни амалга оширгандан кейин аудиторлик фирмаси мижоз корхонанинг бизнеси билан боғлиқ соҳаларда фаолият курсатаётган билимли, катта тажрибага эга бўлган мутахассисларни жалб қилган ҳолда узок вақт давомида жиддий аудиторлик текшируви утказиши мумкин. Бу текширув турини хусусияти шундаки, биринчидан, бутун ҳисобот даври ичида амалга оширилиши мумкин; иккинчисидан, текширувларни олиб боришда корхона рахбарияти ёки улар тайинлаган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Ушбу текширув турининг аҳамияти шундаки, бунда мижоз фирма уз бизнесининг мувоффақиятли юритилишига тусқинлик қилаётган омилларни аниқ билиб олишлари, уларни бартараф килиш ва келажакда уз бизнесини қай йусинда давом эттириш борасида малакали, ҳар тарафлама асосланган хулосаларга эга бўлишлари мумкин. Лекин бу текширув турида айрим камчиликлар мавжуд. Жумладан, текширилаётган корхона ходимлари текширув жараёнида улар расмийлаштираётган ҳужжатлар-нинг тугрилигини текшириш мақсадида жуда қуп безовта қилинишлари мумкин. Бундан ташқари мижоз

корхонанинг ҳисоб ҳодимлари иш давомида юзага келаётган кийин ҳолатларда аудитордан ёрдам олишга интилишлари, уни ҳотоликларни тугрилаш ва баланс ҳисоботлари тузишга жалб қилишга ҳаракат қилишлари мумкин. Бу мижоз учун фойдали бўлса ҳам, аудитордан қушимча вақт сарфлашни ва интенсив иш олиб боришни талаб қилади.

Муолажа тарзида утказилган аудит асосан аудиторлик хизматидан доимий тарзда фойдаланилмайдиган корхоналарда муҳим ҳужжатларни расмийлаштириш ёки уларни тегишли истеъмолчиларга тақдим қилишдан аввал фойдаланилади. Мисол учун баланс ҳисоботлари тайёрлаш; банкка кредит мажбурияти тайёрлаш; сугурта компанияларига фирма бизнесини ишончилигини тасдиқловчи ҳужжат тайёрлаш; инвестиция фондларига сармояларини шу корхона бизнесига йуналтиришни асослаб берувчи ҳисоб-китоб тайёрлаш жараёнларида ҳотоликларга йул қуймаслик учун муолажа тарзида аудиторлик текшируви утказилиши мумкин.

#### 6. Корхона фаолиятини камраб олиш қуламига қура:

- а) комплекс тарзда утказиладиган аудит;
- б) муайян фаолият йуналиши бўйича утказиладиган аудит.

Аудиторлик текширувлари комплекс тарзда, яъни корхона фаолиятининг барча йуналишларини камраб олган ҳолда утказил-гандагина яхши натижа бериши мумкин. Бундай текширув натижасига қура аудитор текширув утказилган корхона тугрисида тугалланган ва мукамал ҳулоса айтиши мумкин. Бу текширувларнинг афзаллиги шундаки, мижоз корхона текширув натижасига қура фирманинг таъминот, ишлаб чиқариш, муомала, сотиш, молиявий натижаларни аниқлаш, сармояларни жойлаштириш, менежмент, маркетинг каби муҳим йуналишлари бўйича чуқур таҳлил маълумотларига эга бўлади. Бу маълумотлар келажакда корхона раҳбариятига бошқарув қарорлари қабул қилишда жуда катта фойда келтириши мумкин.

Аммо бундай текширув утқизиш қуп вақтни талаб қилади. Шунинг учун фаолият давомида оператив вазифаларни бажариш учун аудиторлик хизматининг торроқ қуламида олиб бориладиган фаолиятидан фойдаланиш мумкин. Бу текширув тури корхонани барча йуналишларини эмас балки қуйилган вазифани бажариш учун таълуқли бўлган томонларнигина камраб олиши мумкин. Масалан корхона раҳбарияти аудитор олдига рақобатни қучайтириш учун баҳони пасайтириш мақсадида таннаҳхнинг юқори чегарасини аниқлаш ва уни пасайтириш йулларни топиш вазифасини қуйиши мумкин. Ёки мижоз корхона аудиторга маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш учун маҳсулотни сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишини топшириш мумкин. Бундай ҳолларда аудитор фақат муайян фаолият турини урганиш ва фақат шу йуналишни бўйича ҳулоса билдириши лозим.

Стив Джобс ва Уильям Гейтс томонидан хусусий компьютерлар яратилгандан бошлаб, улар иктисодиётнинг барча соҳалари, шу билан барча аудиторлик фаолиятига ҳам табора чуқурроқ кириб кела бошлади.

7. Шунга кура аудиторлик текширувларига компьютер техникасини жорий килинганлик ёки йуклигига қараб аудит:

- а) анъанавий (қулда) амалга ошириладиган аудит;
- б) компьютер техникасида амалга ошириладиган аудитга бўлинади.

Қулда амалга ошириладиган аудитнинг камчилиги, биринчидан, уни қуп вақт талаб қилишида; иккинчидан, таҳлил қилиниши мумкин бўлган ҳулосалар вариантларининг чегараланганлигида; учинчидан, ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳатоликларга йул қуйиш эҳтимолини юқорилигида ва айрим фикрларни билдиришда шахсий тажрибагагина таяниб ҳулоса чиқаришда намоён бўлади. Лекин қорхона фаолиятида шундай ҳал қилувчи рухий ҳолатлар борки қанчалик муқаммал бўлмасин уларни техника ҳис қила олмайди.

Компьютер техникаси ёрдамида аудиторлик текширувини утқизиш узининг бир қатор устунлиқларига эга. Бу қулда амалга оширилган аудитда йул қуйиладиган қамчиликларини сезиларли даражада қамайтирилишида уз аксини топади. Яъни текширув жуда тез амалга оширилиши, ҳисоб-китоблардаги ҳатоликларни деярли бўлмаслиги; бир қатор омиллар, баъзан бутун бир лабаратория ёки институт ишлаб қикқан дастурий маҳсулотга таяниб, асосланган, қуп вариантли ҳулоса олиш мумкинлиги текширувининг бу турини афзаллиқларига қиради. Лекин бу текширув тури ҳам узига ҳос қамчиликларга эга. Улар туғрисида қулланма мизнинг бешинчи бобида батафсил туҳталиб ута миз.

8. Тасдиқ талаб қилинишига кура:

- а) тасдиқ талаб қилувчи аудит хизматлари;
- б) тасдиқ талаб қилмайдиган аудит хизматлари.

Қорхона молиявий-ҳужалиқ фаолиятининг маълум давр ичидаги ҳолатини аудиторлик текширувидан утқизиш, унинг бухгалтерия ҳисоби, бюджет билан ҳисоблашишлар ҳолатига баҳо бериш, мулкни баҳолаш қаб и хизматлар яқунлангач, маҳсус ҳужжатлар (аудитор ҳулосаси, аудитор ҳисоботи) билан расмийлаштирилиши талаб қилинади. Аммо аудиторлик фирмалари маҳсус тасдиқни талаб қилмайдиган фаолият йуналишлари билан ҳам шугулланадилар. Жумладан, солиқларни ҳисоблаш ва улардаги имтиёзлардан туғри фойдаланиш; дивидендларни ҳисоблаш ва тулаш, валюта муомалалари, ташки иктисодий фаолиятни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қаб и йуналишлар бўйича маслаҳатлар бериш; янги очилаётган қорхоналар низомини

тайёрлаш, корхоналарни меъёрий хужжатлар билан таъминлаш; мижоз корхона ҳисоб ходимларини малакасини ошириш; янги конун ва йуриқномаларни муҳокамасига бағишланган семинарлар утказиш каби хизматлар аудитордан махсус тарзда ҳисобот берилишини талаб қилмайди.

Аудиторлик ишини ривожлантиришнинг охириги 25 йилини таҳлил қилиб чиққан инглиз олими Рой Додж узининг " Аудит андозалари ва меъёрлари бўйича қисқача қўлланма" (13.96) номли китобида ривожланиш эволюциясига қўра аудитни қўйидаги уч турга ажратади:

### 1.Тасдиқловчи аудит.

Ривожланишнинг бу босқичида аудиторлар бухгалтерия хужжатлари ва ҳисоботлари маълумотларини тасдиқлаш мақсадида текширув утказган. Ўзбекистон Республикасидаги аудиторлик иши бизнинг фикримизча ҳозир шу босқичда турибди.

### 2.Тизимли-мулжалли аудит

Аудиторлар бу босқичда ҳатоликларни олдини олиш мақсадида корхонани бошқариш, айниқса ички назоратни самарадорлигини оширишга асосий эътиборни қарата бошладилар. Таҷрибалар шуни қўрсатдики, ички назорат қанчалик тўғри ва самарали ташкил қилинган бўлса ҳисоб-қитобларнинг аниқлиги ва ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлиги шунча оғтар экан. Бу эса аудиторларга қўп ҳолатларда ички назоратчиларнинг маълумотларга ( у ёки бу даражада) ишонган ҳолда иш олиб бориш имқониятини яратди. Энди улар ҳар бир қамчиликни сабабини аниқлаш учун утқазиладиган текширувга қетадиган вақтини ички аудиторлар ва корхонанинг бошқа бўғинларидаги ходимларга ҳатоликларни бартараф қилиш ва иш самарасини ошириш бўйича маслаҳат беришга сарфлай бошладилар.

### 3.Таввақалчиликка асосланган аудит

Ривожланишнинг кейинги босқичида ишлаб чиқариш қўламларининг ортиши, фаолият юритишининг маракқаблашиши аудиторлик текширувлари утқазиш ва қонсалтинг хизматлари қўрсатишда тавакқалчилик даражасини оширди ва аудиторлар ундан сакланиш бўйича тегишли ҳаракатларни қилишга мажбур бўла бошладилар. Чўнки сифатсиз утқазилган аудиторлик текшируви натижасида мижоз зарар қўрса аудитор ёки аудиторлик фирмаси ўз мавқеи ва мижозини йўқотиб қина қолмай, балки қонунда белғиланган миқдорларда жарима тулашга ҳам тортилиши мўмкин. Аудиторлик фирмалари уртасида

мижоз учун курашни хисобга олсак бу ҳолат унинг ҳаёт-мамотини ҳал қилиб қуйиши мумкин.

Қупчилик мамлакатларда кейинги йилларда қулланиб келинаётган аудитнинг яна бир турига тухталиб утмоқчимиз. Аудитнинг бу тури 1960 йилларда Швецияда юзага келган бўлиб у "самарадорлик аудити" деб аталади. Унинг моҳияти шундаки, маълумотларни расмий тарзда қонуниятга мос тушиши ва бухгалтерия ҳисобидаги тугрилиги бу турдаги аудиторлик текширувининг охир мақсади эмас, балки давлат аудити учун бошланғич нукта ҳисобланади. Чунки қорхоналар ташқи томондан қаралганда фойдали ишлаётган бўлишлари, лекин бу ҳолат давлатнинг ривожланиш талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Яъни текширувнинг бу турида қорхона фаолияти мазкур давлатнинг ижтимоий-сиёсий мақсадларига мос тушиши нуктаи назарида урганилади. Демак аудитнинг бу тури давлатнинг олий мақсадини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

Аудит назариясида уни текширувларни утқазилиш шаклига қура ҳам турқумлаштириш муҳим урин тутди. Профессор В.П. Суйцнинг фикрича шу белгига қура аудит 3 турга бўлинади:

1. Молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан утқазил;
2. Доимий тарзда (қелишилган ҳолда) амалга ошириладиган аудит.
3. Бошқарув ва ишлаб қикариш фаолиятини аудиторлик текширувидан утқазил ( 5.76).

Профессор Ю.М. Иткиннинг фикрича аудит турларига профессор В.П. Суйц таъқидлаб утганлардан ташқари жамоатчилик текширувларини ҳам қиритил зарур ( 3.1396 ).

Париж олий тижорат мактабининг бухгалтерия ҳисоби бўйича адъюнкт - профессори Ж. Леворш узининг америкалик олимлар Д. Тейлор ва Дж. Глизаннинг " Аудит: умумий принциплар, услублар", ҳамда, У. Келл ва бошқалар иштирокида яратилган "Замонавий аудит" номли дарсликларига асосланиб тайёрлаган " Ишбилармон доираларда аудитнинг роли " (6.40-426) деб номланган маърузасида аудитнинг қуйидаги вариантларини қелтиради.

1. Молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан утқазил
2. Талабларга мос тушиши нуктаи назаридан утқазиладиган аудиторлик текшируви.
3. Хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утқазил

Бизнинг фикримизча профессор Ж. Леворш берган аудит вариантларини профессор Ю.М. Иткиннинг фикрлари билан тулдирсак вазият яна ҳам ойдинлашади. Шуларга асосланиб аудит назариясида унинг қуйидаги вариантларини ажратиб қурсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан утқазил.

Аудиторлик текширувининг бу вариантыда мижоз корхонанинг молиявий хисоботлари улардаги маълумотларни белгиланган меъзонлар ва молиявий хисобот ҳамда бухгалтерия хисоботини стандартлаштириш Комитети ва шунга ухшаш обрули ташкилотлар томонидан тасдиқланган бухгалтерия хисобининг умумий тарзда қабул қилинган қоидаларига мос ҳолда тузилганлиги нуқтаи назаридан текшириб чиқилади. Текширув натижаларига қўра аудит бу маълумотларнинг тўғрилиги тўғрисида ҳулоса беради. Бу текширув асосан қорхона томонидан шартнома асосида четдан жалб қилинган аудиторлар ва аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади. Молиявий хисоботларни аудиторлик текширувидан утқизиш натижасида йиғилган маълумотлар қорхона раҳбарияти, унинг акционерлари, мижоз қорхона билан иқтисодий алоқада бўлаётган ташклотлар -банклар, сугурта компаниялари, инвестиция фондлари ва шу қабил бошқа истеъмолчилар ва қенг халқ оммасига етқизилади. Бу маълумотлар давлат томонидан тайёрланадиган махсус маълумотномаларда эълон қилинади.

Ўзбекистон республикасида "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун"нинг 16 моддасида қўрсатилганидек ошқор этиладган йиллик молия хисоботи ҳужжатлари тегишли молия йили тўғаллангандан кейин қўпи билан 5 ой ичида эълон қилинади. ( 7.486 ).

2.Талабаларга мос бўлиши нуқтаи назаридан утқизиладиган аудиторлик текшируви.

Бу текширув шакли аввалги вариантдан биров қенгрокдир. Унда текширув қўлами молиявий хисобот билан қекланиб қолмайди. Бунда аудитор қорхона раҳбариятининг топширигига қўра фирманинг молиявий ва ҳужалиқ фўолиятидаги қонкрет йуналишларда қилинаётган ишларини тасдиқланган шартлар, қоидалар ва қонунларга мос тушишини урганиб қикади. Бу шартлар, қоидалар ва қонунлар қорхона раҳбарияти, акционерлар, қредиторлар ва давлат томонидан белгиланиши мумкин. Масалан қорхона раҳбарияти қўнлик тушаётган нақд пуларни уша қўниёқ депонентга утқизиш ва ишчи-қодимларни қўшимча ишга жалб қилиш бўйича қоида қабул қилган бўлиши мумкин. Ёқи бўлмаса қредиторлар қорхона билан тузган шартномаларида айланма капитални қиска муддатли мажбуриятларга бўлган маълум нисбатни саклаш ва давр давомида облигацияларни қайта сотиб олиш фондига узлуксиз тулов қилиб туриш бўйича талабларни қўйган бўлишлари мумкин. Ёқи давлат ҳам мулк шаклидан қатъий назар қорхоналардан меҳнат муносабатлари бўйича қабул қилинган қонунларга қўоя қилишни талаб қилади. Қорхона раҳбарияти фирманинг қонкрет бўгинлари, қонкрет қодимлар томонидан шу шартлар, қоидалар ва қонунларга қатъий қўоя қилинилаётганлиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиб туриш учун белгиланган график асосида ёқи тасоди фан аудиторлик текширувини тайинлаши мумкин. Бу текширувни асосан



корхонанинг ички аудиторлари бажаради.Агар корхона штатида ички аудиторлар кузда тутилмаган бўлса бу иш четдан жалб килинган мустакил аудиторга топширилади.

3.Бошқарув ва ишлаб чиқариш фаолиятини аудиторлик текширувдан утказиш.

Текширувнинг бу вариантида фирманинг ташкилий ва бошқарув фаолияти бозор иқтисодиёти талабларга мос келиши нуктаи назаридан урганиб чиқилади.Чунки бозорга уз махсулот,ишлари, хизматларини таклиф килувчилар сонининг ортиши,сифатининг яхшиланиб бориши рақобат курашининг кескинлашувига олиб келади. Шундай экан корхоналар бозорда уз мавқеларини сақлаб қолиш ва ортириб бориш учун замонавий ташкилий тизим ва оптимал бошқарув тизимига эга бўлиши лозим.Бу шароитда фаолиятини бирор бир босқичида мукамал асосланмаган маълумотларга таяниб нотугри бошқарув қарори қабул қилиш корхонанинг ҳаёт-мамотини ҳал қилиб қуйиши мумкин.

Америка дипломли бухгалтерлар институтининг хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утказиш масалалари билан шугулланувчи махсус комитетининг таъкидлашича,аудитнинг бу варианти қуйидаги ўрта мақсадни қўлаб амалга оширилади:

- фаолият самарадорлигини баҳолаш.Бунда олинган натижалар корхона раҳбарияти ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар томонидан белгиланган дастурлар,андозалар ва мақсадларга солиштирилади;

- фаолиятни яхшилаш имкониятларини аниқлаш. Аудитор амалга оширган таҳлил маълумотларига асосланиб,ҳаражатларни камайтириш, унумдорлик ва иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятларини аниқлайди;

- фаолиятни яхшилаш ёки кейинги ҳаракатларни амалга ошириш бўйича курсатмалар бериш.( 8.42б )

#### **4.Жамоатчилик текширувлари**

Бундай текширувлар кенг жамоатчиликни қизиқтираётган йўналишлар бўйича маълумотлар йиғиш ва эълон қилиш мақсадида ўтказилади.Мисол учун турли жамоатчилик ташкилотлари мустакил ташки аудиторларга конкрет корхоналарда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қилинаётган ишлар ҳолати ёки турли аҳоли пунктларида истеъмол саватининг қуламини аниқлаш бўйича топширик беришлари мумкин (3.139б)

Таянч иборалар

**"Аудит"** - лотинча "audio" сузидан олинган булиб, "у эшитади" деган маънони билдиради.

**Халқаро аудиторлик фирмаларига** "Артур Андерсен", "КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Куперс Энд Лайбренд", "Прайс Уотерхауз" ва "Делойт энд Туш" каби фирмалар киради.

**Аудитнинг асосий максоди** хужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботида ақс эттирилган маълумотларни ҳаракатдаги қонунлар, андозалар ва бошқа меъерий ҳужжатлар талабига мос келиши, уларнинг объективлигива аниқлиги нуқтаи назаридан ҳолисона баҳолашдир.

**Аудиторлик текширувларини қуйидаги турларга бўлинади:**

**1. Ривожланиш эволюциясига қура:**

- а) тасдиқловчи аудит;
- б) тизимли-мулжалли аудит;
- в) таваккалчиликка асосланган аудит.

**2. Қонун бўйича белгиланишига қура:**

- а) қонунда қурсатилган қорхоналарда утқазилган аудит;
- б) ташаббус орқали ташкил қилинган аудит.

**3. текширув утқазувчи субъектларга қура:**

- а) ташки аудит;
- б) ички аудит.

**4. Текширувни амалга ошириш даврига қура:**

- а) дастлабки аудит;
- б) қайтариловчи (қелишилган) аудит.

**Ташки аудит** бухгалтерия ҳисоби, тафтиш, иқтисодий таҳлил, иқтисодий математик усуллар, давлат сиёсати, солиқлар, истикболни белгилаш, қонун-чилик, рухшунослик йуналишлари бўйича муқаммал билимга эга бўлган, аудиторлик текширувларини утқазуш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлган муқтакил аудитор ёки аудиторлик фирмаси томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

**Ички аудит** фирманинг шу мақсадлар учун ташкил этилган махсус бўлими ёки ходимлари томонидан амалга оширилади. Бу фаолият турининг хусусияти шундаки ички аудиторлар қорхона раҳбарига бўйсунадилар ва унинг штатида турадилар.

**Дастлабки аудит** аудиторлик текшируви ёки унинг қонсалтинг хизматида биринчи бор фойдаланаётган қорхонада амалга оширилади.

**Қайтариловчи (қелишилган) аудит** аудиторлик фирмасини миқоз қорхона билан узок вақтлар давомида ҳамқорлик қилиш натижасида амалга оширилади.

**Яқуний аудит** асосан ҳисобот даври яқунлангандан кейин амалга ошириладиган аудит.

**Давомли аудит** турига жуда зарур қоллардагина муқожаат қилинади. Чунки бу жуда қиммат турувчи хизмат туридир ва ундан факат молиявий жихатдан бақувват қорхоналаргина фойдаланишлари мумкин.

**Муолажа тарзида утказилган аудит** асосан аудиторлик хизматидан доимий тарзда фойдаланилмайдиган корхоналарда муҳим ҳужжатларни расмийлаштириш ёки уларни тегишли истеъмолчиларга тақдим қилишдан аввал фойдаланилади.

**Мустиқиллик** аудиторлик касбининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бу-фаолиятнинг фалсафий таркибини ташкил қилувчи мағиз ҳисобланади.

**Ҳужжатли исбот деб**-текширув жараёнида аниқланган ва инкор қилиб бўлмайдиган даражада тасдиқлов қучига эга бўлган маълумотларга айтилади. Улар аудиторга мижоз фирма молиявий ҳисоботи тугрисида мумкин бўлган аниқликда ҳулоса айтиш имконини беради.

#### **Утилган мавзу бўйича саволлар**

1. Аудит сузи нимани аңлатади?
2. Аудитнинг асосий максади нимадан иборат?
3. Ташки аудит нима?
4. Ички аудит нима?
5. Ҳужжатли исбот деб нимага айтилади?

## **2-мавзу: Аудиторлик текширувларининг ташкилий принциплари.**

### **1 .Аудиторлик касбига куйиладиган талаблар.**

#### **2. Аудитор этикаси.**

### **1 .Аудиторлик касбига куйиладиган талаблар.**

Хозирги пайтда аудиторлик касби, дунёда энг обрули ва энг даромадли касблардан бирига айланди. Шунинг учун хисоб-китоб соҳасида маълум билим ва тажрибага эга булган ва хатто эга булмаган мутахассислар ҳам шу фаолият йуналишида уз кучларини синаб куришга ҳаракат килмоқдалар. Лекин шу билан биргаликда бу фаолият йуналиши ута нозик ва таваккалчилик даражаси юкори булган ишлардан бири хисобланади. Чунки сифатсиз тарзда курсатилган аудиторлик хизмати шу ишни амалга оширган кимсага жуда сезиларли маънавий ва моддий зарар етказиши ва хатто озодликдан махрум килиш жазосигача олиб бориши мумкин. Шунинг учун азалдан бу касб ходимларига жуда катта талаблар куйиб келинган.Бунинг аҳамияти Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар (American Institute of Certified Public Accountants - AICPA )

институти томонидан 1939 йилда биринчи бор ишлаб чиқилган 10 та аудит андозаларидан дастлабки иккитаси аудиторга куйиладиган касб талабларига бағишланганлигида ҳам куринади.

Булардан биринчиси - юкори малакали касб эгаси булиш.

Яъни аудиторлик фаолияти билан шугулланмокчи булган мутахассис иктисодий ҳаётнинг турли йуналишлари: давлат сиёсати, мутахассислик фанлари, ҳужалик ва солик қонунчилиги, рухшунослик, компьютер техникаси буйича муқаммал билим соҳиб ва уз зиммасига олган вазифани бажара олиш қобилиятига эга булиши керак. Ақл билан иш тутиш ҳам аудиторнинг касб хусусиятларидан бири хисобланади.

Аудит соҳасидаги аҳамиятга сазавор асарлардан бири хисобланган "Аудит фалсафаси" номли китобнинг муаллифлари R.K.Mautz ва H.A.Sharaf аудиторлик касбини куйидагича таърифлайдилар: аудитор аудит назарияси ва амалиётини билиши, маълум даражада тайёргарлик, тажриба ва малакага эга булиши, белгиланган меъёрлардан четга чиқиш ҳолатларини аниқлай олиши ва шундай ҳатоликларни аниқлаш борасидаги охириги тадқиқотлардан бохабар булиши лозим. Юкори малакали касб эгаси булган аудитордан текшириладиган компанияда қулланиладиган ички назорат усулларини урганиб олиш, компаниянинг бухгалтерия ва молия соҳасидаги муаммолари туғрисидаги барча маълумотларни йиғиш, қутилмаган ҳолатларга тез мослашиш ва таниш булмаган шароитларни тез урганиб олиш,тадқиқодни текшириладиган корхонада сезиларли қамчиликлар борлиги (ёки йуқлиги) туғрисида шубҳалар тулик йуқолгунча давом эттириш,уз ёрдамчиларига эътибор билан маслаҳат бериш ва уларнинг ишини текширишни амалга ошириш талаб қилинади.(1.140б)

Касб талаблари тугрисидаги иккинчи аудиторлик андозаси "Мустакиллик" деб аталади. Аудит назарияси ва амалиётида мустакиллик - бу энг аввало фикр юритишда объективлик ва соф- лилликдир. Яъни аудитор касб этикасига риоя қилган ҳолда миқдор корхона маълумотларини объектив тарзда урганиб чиқиши ва унинг тугрисида ҳалисона фикр билдириш имкониятига эга бўлиши керак. Объектив фикр юритиш, ҳулоса қилишда мустакил бўлишга ҳалакит берадиган ҳаракатлар мавжуд бўлса (аудитор текширилаётган корхонанинг катта ҳажмдаги акциясига эга бўлса, ёки унинг раҳбарияти билан қариндошчилик муносабатида бўлса, ёки аввал уша корхонада ишлаган бўлса вхк) аудитор текшурув утқизишдан бош тортиши керак. Аудиторлик касбидagi мустакиллик тамойилини қўлланманинг. "Аудиторнинг касб этикаси" бандида янада кенгрок қуриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аудиторларга юқорида қўпчилик давлатлар томонидан тан олинган шартлардан ташқари яна бир қатор талаблар қўйилади.

Мисол учун, аксарият давлатларда аудиторлик фаолияти билан шугулланмокчи бўлган мутахассис шу мамлакатнинг фуқороси бўлиши шарт. Фуқоролик ҳуқуқидан вақтинча бўлса ҳам маҳрум қилинган, судланган ёки суриштурув-тергов ишларига жалб қилинган, рухий қасаллиги бўйича даволаниб қиккан қимсалар қўпчилик давлатларнинг қонунларига қўра аудиторлик фаолияти билан шугуллана олмайдилар.

Аудитордан қўраданлик ҳуқуқини талаб қилиш шартига Россия федерациясида анча эркин муносабат билдирилган. Яъни Россия федерациясининг "Аудиторлик фаолияти тугрисидаги қонун лойихасига" қўра аудиторлик фаолияти билан рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлган идоралардан шу фаолият тури билан шугулланиши учун белгиланган тартибда лицензия олган фуқоролар, аудиторлик фирмалари ва шу жумладан қорижий ва қорижий ҳуқуқий ёки қисмоний шахс иштирокида тузилган аудиторлик фирмалари шугулланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча Ўзбекистон республикасида бу масалага анчагина эҳтиётқорлик билан ёндашиш лозим. Республикада мулкни давлат тасарруфидан қикариш ва ҳусусийлаштириш кетаётган ва бунга мамлакатнинг қелажаги боғлиқ бўлиб турган бир даврда қалқаро миқёсида обрўга эга бўлган бўлса ҳам ўзбек қалқининг турмуш тарзини, анъаналари, урф-одати, қадриятларини яқши билмайдиган ва унинг қелажаги учун бефарқ бўлган қорижий аудиторлик фирмаларининг қизматида қойдаланишга ута берилиб қетмаслик лозим. Ҳозирда қўчмас мулк аукционларини утқизишда республикада "Прайс Уотерхауз" фирмаси қизматида қенг қойдаланилмокда. Шуни қисобга олиш қеракки аудит тажрибасида шу фаолият билан шугулланувчи фирмалар томонидан қойдали ва доимий буюртмалар олиш учун давлатнинг расмий шахслари, сиёсий арбоблар ва юқори мансабдаги бошқа шахсларини сотиб олиш қоллари, қой ёки миллат ҳусусиятларини қисобга олмай сифатсиз аудитор-

лик текширувлари утказиш холлари тез-тез учраб туради. Бу фирмани Буюк Британия ва АКШ компаниялари тузганлигини эсласак масаланинг сиёсий томони ҳам келиб чиқади. Шунинг унутмаслик керакки обрӯли аудиторлик фирмалари ҳам объектив ва субъектив омиллар таъсирида учинчи бир томоннинг манфаатини кузлаб иш қилиши ҳам мумкин. Фикримизнинг далили сифатида бир қатор маълумотларни келтирамиз. АКШларида чиқадиган "Иктисодчи" (Economist ) журнаlining баҳоларига қура АКШ нинг узида кейинги 10 йил ичида аудиторлик фирмаларига нисбатан умумий суммаси 30 млрд доллар булган 4000дан ортиқ иш қузгатилган. Буларнинг ичида донг қетган халқаро аудиторлик фирмаси булмиш " Эрнест энд Янг " фирмаси ҳам бор. Бу фирма Америка Қушма Штатлари ҳукуматиға "Линкольн Сейвинз энд Лоан" компаниясининг текшируви билан боглик қузгатилган иш буйича 400 млн доллар жарима тулади. Буюк Британияда эса " қучли олтиликка " қирувчи аудиторлик компанияларидан бири булган "Клинцельд, Пит, Мервик ва Герлер (КПМГ) фирмаси "Ферранти" компанияси томонидан унга нисбатан қузгатилган даъво буйича 71 млн Америка доллари ҳисобида жарима тулашға мажбур булди.

Демак аудиторлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар доирасини белгилаш давлат аҳамиятидаги масалаға айланди. Чунки у давлатимиз ва халқимиз манфаатлари билан чамбарчас боглик. Шунинг учун миллий аудиторлар қатламини тайерлаш, уларни вақти-вақти билан мамлакатимиз ичида ва чет давлатларда малакасини ошириш масаласига давлат аҳамиятидаги муаммо деб қараш лозим деб ҳисоблаймиз.

Аудиторға қуйиладиган муҳим талаблардан бири амалий тажрибаға эға булишдир. Бу соҳада ҳам турли мамлакатларда турлича меъзонлар мавжуд. Жумладан, АКШ ва Францияда фуқоро аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини олиш учун олий иктисодий маълумотға эға булиши ва уз мутахассислиги буйича амалиётда энг қаида уч йил ишлаган булиши керак. Германияда эса амалиёт билан шугулланиш даври аудитор учун 4 йилдан, Чехияда эса 10 йилдан қам булмаслиги керак.

Аудитор учун энг зарурий ҳолат унинг тажрибаси булганлиги учун бу мамлакатларда олий маълумотға эға булмаган мутахассислар ҳам шу фаолият йуналиши билан шугулланиш ҳуқуқини қулға қиритишлари мумкин. Бунинг учун улар аввалом бор аудиторлик фирмасида ходим, бухгалтер, солиқ маслаҳатчиси булиб ишлаган булишлари ва унинг бу соҳадаги иш тажрибаси АКШда қолледжни бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги буйича тугатгандан кейин 3 йилдан, Франция ва Германияда эса 15 йилдан қам булмаслиги керак. Профессорлар С.А. Стуков (2.25-346) ва А.Л. Бавдейларнинг фикрича (3.30-316) Россия федерациясида аудиторлик фаолияти билан шугулланишға олий иктисодий маълумот булган қимсалар учун қаида 3 йил, урта иктисодий маълумотға эға булганлар учун эса қаида 5 йил амалий тажрибаси булгандагина руҳсат бериш лозим.



Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга кура Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолияти билан факат олий маълумотли ва молия,бошқарув,бухгалтерия ҳисоби ҳамда назорат соҳаларида камида 5 йиллик амалий иш тажрибасига эга булган мутахассислар шугулланиши мумкин.(4.1746).

Аудиторга куйиладиган кейинги талаблардан бири уни доғ тушмаган обрӯ ва мавкега эга булишидир. Бу шартнинг аҳамияти жуда катта. Чунки бу талабга аудитор фаолият билан шугулланиш даврида доимо риоя килиши лозим. Касбга хос булмаган ёки унинг обрусини туширишга сабаб булувчи ҳаракатлар килган аудитор аудиторлар палатасининг "Аудитор этикаси комитети" томонидан лицензиядан маҳрум килиниши мумкин.Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти томонидан ишлаб чиқилган 501 коидага биноан аудиторлик касбининг обрусини туширишга сабаб булувчи ҳолатларга куйидагилар кириши мумкин :

а) мижозни талаб килишига карамай унга текширув пайтида ишлатилган китоблар ва ёзувларни кайтаришдан бош тортиш (мижоз хизмат хакини туламаган булса ҳам);

б) келиб чиқиши ,баданининг ранги, дини жинси ёки миллати каби белгилар буйича узгаларни камситиш оркали касбнинг обрусини туқиш ;

в) давлат томонидан белгиланган аудиторлик текширувини утказганда, мижоз аниқ топширик беришига карамай давлат аудиторлик андозалари ва меъёрларига риоя килмаслик;

г) бухгалтерия ҳисобвароклари ва молиявий ҳисоботларга сохталаштирилган ва ноаниқ ёзувларни килиш ёки шунга рухсат бериш ва бошқалар (5.776).

Айрим мамлакатларда аудиторлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган шахсларга ёш нуктаи назариядан ҳам талаблар куйилади. Мисол учун АКШда олий ёки урта махсус маълумотга эга булган мутахассис аудиторлик фаолияти билан шугулланиши учун унинг ёши 21 ёшдан, Францияда 25 дан,Чехияда эса олий маълу мотлилар учун 35,олий маълумоти булмаганлар учун эса 40 дан кам булмаслиги керак.Германия, Россия, Ўзбекистонда эса мавжуд конуний ҳужжатларга кура аудиторларга ёш нуктаи назаридан чегара куйилмаган.Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш билан шугулланувчи ташкилотлар ушбу масала буйича ҳам уз муносабатини билдиришлари лозим деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча олий укув юртларидаги ҳозирги укутиш даражаси, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудитни жаҳон андоза- лари буйича узбек тилидаги адабиётларнинг камлиги, айниқса вилоятларга бу йуналишдаги янгиликларнинг етиб боришининг кийинлиги ,ушбу соҳада ҳали етарли тажрибанин йуклиги ва шунга кура касб обрусини саклашни ҳисобга олиб Ўзбекистон республикасида аудиторлик билан шугулланувчи шахслар ёшини пастки чегарасини белгилаб куйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.Бизнинг фикримизча бу ёш 26 дан кам булмаслиги керак ва бунда даъвогарнинг амалий иш тажрибаси

мутахассислик буйича камида 5 йилни ташкил килиши лозим. Фикримизни қандай асослаймиз? Аксарият уқувчилар урта мактабни 17 ёшда тамомлайдилар. Агар улар уша йили олий уқув юртига киришга мувоффақ бўлсалар 4 йилдан кейин дипломли мутахассис бўлиб етишадилар. Лекин назарий билимнинг узи сифатли аудиторлик текширув утказиш учун кифоя эмас. Демак у бирор бир корхонада ҳисоб-китоб ёки солиқ ишларида тажриба орттириши керак. Иқтидорли мутахассис бизнинг фикримизча 5 йилда уз ишининг анчагина иқир-чиқирларини билиб олиши мумкин.

Фаолият бошлаш учун аудиторга қуйиладиган талаблардан яна бири уни аудиторлар палатаси ёки бошқа обрули ташкилотлар томонидан белгиланган дастур асосида малака имтихонларини топширган, бу тугрисида шаходатнома олган ва махсус рухсатнома (лицензияга) эга бўлган бўлишлигидир.

АҚШда булажак аудиторлар : бухгалтерия ҳисоби назарияси; бошқарув ва молиявий ҳисоб; аудит назарияси ва амалиёти; корхоналар иқтисоди ва молия каби фанлардан малака имтихонлари топширадилар.

Европа ҳамкорлиги кенгаши узининг 1984 йил 10 апрелда бўлиб ўтган йиғилишининг 8-курсатмасида умумий бозор давлатлари доирасига кирган мамлакатларда фаолият курсатиш ҳуқуқига эга бўлиш учун аудиторлар: аудиторлик иши ; йиллик ҳисобот таҳлили; бирлаштирилган (консолидированный) ҳисобот ; бошқарув ҳисоби ва ички назорат тизими курсатмалар ва андозалар; рақобат; солиқ, гражданлик, тижорат, меҳнат ва сугурта ҳуқуқи ;

ахборот тизимлари; корхоналар, тармоқлар иқтисоди; молия ; математика ва статистикадан мукамал билимга эга бўлишлари ва шу фанлардан имтихон топширган бўлишлари керак, деган талабни қуйди ва уз ҳамкорларига шу рўйхат асосида малака имтихонларини ташкил қилишни таклиф қилди.

Германияда мутахассислик имтихонлари тегишли блокларга ажратилган: Буларга қуйидагилар қиради:

1. Аудиторлик иши ;
2. Корхоналар ва тармоқлар иқтисоди ;
3. Микро ва макроиқтисодий сиёсат асослари ва молия;
4. Хужалиқ ҳуқуқи ;
5. Солиқ ҳуқуқи

Имтихонлар таркибига давлатнинг юқори иқтисодий идораларининг, саноатчилар доираси ёки савдо-саноат палатасининг еки шунга ухшаш ташкилотларнинг биттадан вакили ва иккита аудитор кирган камида 15 йиллик амалий тажриба ва бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик иши, қонунчилик, солиқ соҳалари буйича мукамал билимга эга бўлган комиссия томонидан қабул қилинади.

Россия халқ хужалиғи академияси қошидаги халқаро олий бизнес мактабининг "Эккаунтинг ва аудит маркази" директори профессор Н.П. Кондраковнинг фикрича олий иқтисодий институтлар ва университетларни

тамомлаган мутахассислар, ёки урта махсус таълимга эга булиб амалиётда узок йиллардан бири ишлаётган амалиёт ходимлари аудиторлик дипломига эга булишлари учун махсус дастур асосида тайёрланган курсни утишлари лозим. Бу курс куйидаги фанлар блоклари буйича ташкил этилади :

1. Бозор муносабатлари ва хужалик юритишининг янги шакллари ( 30 соат );
2. Хужалик ҳукуки ( 30 соат );
3. Солик ҳукуки ( 30 соат );
4. Аудит ( 80 соат );
5. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ( 60 соат );
6. Хужалик фаолиятини тахлили ( 40 соат );
7. Халқаро ҳисоб асослари ( 30 соат );
8. Корхоналарга банк хизмати курсатиш (20 соат ) ;
9. Бухгалтерия ҳисоби,хужалик фаолияти тахлили ва аудитни компьютёрлаштириш ( 80 соат )

Дастур буйича умумий соатлар миқдори 400 соатни ташкил қилади ва бунини узлаштириш 11 ҳафтага мулжалланган. Шундан бир ҳафтаси амалиёт билан танишиш ва бир ҳафтаси имтихонлар топширишга ажратилган.Бундан ташқари тингловчилар курс охирида аудит, бухгалтерия ҳисоби ва хужалик фаолияти тахлили буйича битирув ишлари ёзишлари лозим.

Қоидага қура юқорида тилга олинган давлатларнинг барчасида малака имтихонларини муваффақиятли топширган аудиторларга махсус шаходатнома берилади ва улар уша давлатнинг аудиторлар рўйхатига киритилади.Бу ҳолат аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия ) олиш имконини беради. Рухсатнома (лицензияни) Россия Федерацияда Молия вазирлиги ва унинг рухсати билан федерация таркибидаги республика, улқа, вилоят, автоном вилоят, автоном округ,Москва ва Санкт-Петербург молия идоралари бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон республикасининг "Аудиторлик фаолияти тугрисидаги қонунининг 4-моддасига қура аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия ) Ўзбекистон республикаси аудиторлар палатасининг розилиги билан Ўзбекистон республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан утган аудиторлик фирмасига берилади. Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш учун рухсатнома (лицензия) лар бериш Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланади.

Буюк Британияда аудиторлик фаолияти билан шугулланиш учун олий ёки урта махсус маълумотли булиш,малака имтихонларини топшириш етарли эмас. Аудитор булардан ташқари "олий мартабали бухгалтер" унвонига эга булиши ва мустақил касб эгаси ёки аудиторлик фирмасининг хизматчиси сифатида бирор бир касб ташкилотининг аъзоси булиши лозим.

"Олий мартабали бухгалтер" ёки "олий малакали бухгалтер"унвонини олиши осон эмас. Бунинг учун университет ёки институтни тамомлаш ёки катта тажрибали амалиётчи булиш етарли эмас, даъвогар булардан ташқари

касб сертификациясидан утиши лозим. Америкада бу иш куйидаги уч йуналиш буйича амалга оширилади: молиявий хисоб, бошқарув хисоби, ички аудит. Сертификат олиш дастурида молиявий хисоб буйича: аудиторлик иши, хужалик ҳукуки, хисобнинг назарий муаммолари, хисобнинг амалиётга тадбиқ қилиш аспекти; бошқарув хисоби буйича: бизнес иқтисоди ва молияси, бихивиоризм\* назарияси, бошқарувнинг ташкилий ва психологик аспекти; хисоботни тузиш; аудиторлик текширувини утқизиш, солиққа тортиш қоидалари ички хисобот ва унинг таҳлили, қарор қабул қилиш, моделлаштириш ва ахборот тизимлари назарияси; ички аудит буйича эса: ички аудит назарияси ва амалиёти, бошқарув, микдорий усуллар ва ахборот тизимлари, хисоб мо-  
лия ва иқтисод саволлари каби йуналишлар буйича билим бериш кузда тутилган.

Сертификациялаш курсини муваффақиятли тамомлаган тингловчи молиявий хисоб (Certified Public Accountant, CPA); бошқарув хисоби (Certified Management Accountant, CMA) ва ички аудит (Certified Internal Auditor, CIA,) буйича мутахассис сифатида махсус сертификат олади.

Бу ҳолатни Ўзбекистон республикасида аудиторлар тайёрлаш жараёнида хисобга олиш зарур деб уйлаймиз. Масаланинг моҳияти шундаки, ҳозирги кунда республикада қўқчилик иқтисодий институтлар ва иқтисодиёт Университети "Аудит" мутахассислиги буйича мутахассис тайёрламоқдалар. Бу йуналиш буйича ўқийдиган талабалар битирув имтиҳонларини топширгач "Аудитор" мутахассислигига эга бўладилар. Қоидага қўра бу мутахассислар бирор бир қўрхонага қўриб ўз ишларини бошлашлари қўрак. Лекин қим бўлиб?

Аудиторлик фирмаси қўчиш ўчун шундай битирувчилардан қамида иқ-қитаси лицензияга эга бўлиши қўрак. Аммо бу битирувчиларга (лицензия) олиш ўчун қасб имтиҳонлари топшириш ўчун рўқсат бериш қўракми йўқми? деган савол туғилади. Чўнки институт ёқи университетни имтиёзли дипломга тамомлаган мутахассис ҳам ҳозирги мураккаб шароитда сифатли аудиторлик текшируви ўтқазолмаслиги аниқ. Ўзбекистон республикасининг аудиторлик фаолиятини тартибга қўлувчи ҳужжатларида ўшбу масалага ҳам аниқлик қиритилиб қўйилиши лозим.

Бу қўрада Франция республикаси тажрибасини ўрганиб қўқиш қўйдадан қўли эмас. Қитобқўнга тушинарли бўлиши ўчун уни қенгрок тарзда ёритиб берамиз.

Францияда аудитор бўлиш ўчун даъвогар шахс авваломқўр турт йиллик олий маълумотга эга бўлиши лозим. Турт йил мобайнида талаба иқтисод, ҳужалик ҳукуки асoslари, арбитраж жараёни, меҳнат ва солиқ ҳукуки, бухгалтерия хисоби, қет тиллар, қўрқўнани ташқил қилиш ва бошқариш, молияни бошқариш, амалий математика ва информатика, бошқарувни назорат қилиш каби фанлардан билим оладилар. Ўқув курсини охирида талаба Францияда ёқи ўмумий бозор мамлақатларининг бирида 6 ҳафтадан қам бўлмаган ўқув амали ётини ўтайди.

Укиш тугагач битирувчи 3 йил мобайнида бирор бир аудиторлик фирмаси ёки хусусий тарзда аудиторлик билан шугулланаётган аудитор қошида аудиторлик ишининг амалий масалаларини урганади. Бунда амалиётнинг бир қисми хорижда утказилиши ҳам мумкин. Амалиёт уташ учун битирувчи аудиторлик ташкилотининг маҳаллий бўлимига ариза бериши лозим. Ушбу идора битирувчининг аризасини қондиришга розилик билдирса, у амалиётчилар рўйхатиға қушилади. Маҳаллий аудиторлик идораси битирувчини аудиторлик фирмаси ёки аудиторға бириктириб қуяди, унга раҳбарни белгилайди ва вақти-вақти билан амалиётни уташини назорат қилиш учун текширучиларни жунатиб туради.

Амалиёт утқазаётган қимса уз раҳбарининг қўрсатмаларини бажариши шарт. Амалиёт қоникарсиз утаётган бўлса у раҳбар томонидан тўхтатилиб қўйилиши мумкин. Раҳбар амалиётнинг ишчи томониғагина эмас, балки бўлажак мутахассисда ахлоқ сифатларини мўжассамлаштириш жараёниға ҳам жавоб беради.

Амалиёт даврида стажер бажарган ишлари учун маош олиб туради. Амалиёт якуниға қўра битирувчи битирув иши ёзади, аудит бўйича ёзма имтиҳон топширади, ҳамда имтиҳон комиссиясининг сўхбатидан утади. Шундан сўнг унга тантанали тарзда диплом топширилади ва у мутахассис сифатида миллий ёки маҳаллий аудиторлар рўйхатиға қиритилади.

Чет эл тажрибасидан ибрат сифатида олишимиз мумкин бўлган яна бир нарса бу аудитор қасамидир. Германияда бу ҳолат аудиторға қўйиладиган талаблардан биридир. Аудиторликка даъвогарлар қасб имтиҳонларини муваффақиятли топширганларидан кейин қўйидаги мазмунда қасам ичадилар :

"Хар нарсаға қодир ва хар нарсани билувчи ҳудо номи билан қасам ичаманки, мен ута масъулият ва виждонийлик билан бухгалтер-аудитор вазифасини бажараман, текширув давомида олинган маълумотларни ута зўққолик билан сир саклайман, аудиторлик текширувлари далолатномалари ва улар бўйича ҳулосаларни софдиллик ва ҳаққонийлик билан тузаман, бу ишда Ҳудо менға ёр бўлсин" (6.136).

Бизда анъанаға қўра инсон саломатлиги учун жавобгар бўлган тиббиёт ходимлари фаолият бошлашдан аввал уз ишларида софдил бўлишға, инсон ҳаётини саклаб қолиш йулида бор билим ва тажриба-басиларини ишға солишға доимо тайёр туражаклари тўғрисида Гиппократ қасамини ичадилар. Ваҳоланки тўғрилиқ, софдиллик аудиторлик ишининг ҳам мазмунини ташкил қилади. Шунинг учун гарб ишбилармон жамоатчилиги аудиторлик қасбини ахлоқ принциплари нуқтаи назаридан руҳонийдан кейин қўядилар. Чўнки миждоз қорхона (шахс) ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиниш даражаси аудиторни уз фаолиятиға виждон билан ёндашишиға бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон республикасида аудиторлар тайёрлаш тажрибасида аудиторларни фаолият бошлашдан аввал қасамёд қилдириш анъанасини жорий қилиш бу соҳа мутахассисларининг ахлоқий дунёқа қарашини



кенгайишига ва уларда касбни кадрлаш руhini юзага келишига сабаб буладиган ҳолат деб ҳисоблаймиз.

## **2. Аудитор этикаси.**

Аудиторлик билан мутахассис даражасида шугулланаётган шахс жамиятда ишонч қозониш ва уз касбига нисбатан ҳурмат уй готиш учун касб этикаси принципларига қатъий риоя қилиши лозим. Касб этикаси принциплари бир тамондан аудиторни жамият олдидаги масъулиятини таъкидласа, иккинчи томондан, шу принциплар асосида уз фаолиятини ташкил қилиши аудиторни иш жараёни ва ундан кейин иш берадиган ноҳушликлардан саклайди.

Ҳар бир мамлакатда аудиторлик ишига раҳбарлик қиладигани шу соҳа мутахассисларининг касб хусусиятларини ҳисобга олган махсус кодекслар ишлаб чиқишлари лозим.

Конуний қучга эга булган бу ҳужжатларда аудиторнинг ҳуқуқи, мажбурияти ҳамда уни уз фаолият натижалари буйича миҳоз, учинчи шахслар ва давлат олдидаги жавобгарлиги масалалари аниқ ёритилган булиши керак. Чунки бу ҳужжатдан аудитор уз ишини ташкил қилиш учун қайси ҳислатларни доимо ёдда тутиши кераклигини, миҳозлар, учинчи шахслар ва давлат эса қайси меъёрий қоидалар бузилганда аудиторни маънавий ва моддий жавобгарликка тортишлари мумкинлигини билишлари лозим.

Бу ҳолатлар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда касб этикаси қоидалари ёки тамойиллари тугрисидаги меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Касб этикаси қоидалари биринчи булиб 1905 йили Америка жамоатчи бухгалтерлар ассоциацияси тамонидан қабул қилинган.

Иқтисод ва молия соҳасида тафтиш билан шугулланувчи экспертларнинг Европа кенгаши тамонидан тавсия қилинган ва Швеция мустанкил аудиторлари ассоциация тамонидан фойдаланиш учун қабул қилинган "Касб этикаси қоидаларида" аудиторлик фаолияти учун муҳим булган қуйидаги ҳолатлар қайд қилиб утилган:

1. Касбга ҳос юриш-туришлар
2. Мустанкиллик
3. Уринсиз ҳаракатлар
4. Касб мажбуриятлари
5. Сир тутиш
6. Ҳамкасблар билан муносабатлар
7. Реклама, буюртма қидириш
8. Меҳнатга ҳақ тулаш ( 1.65-716 )

1988 йилда Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти тамонидан қабул қилинган касб ҳаракатлари кодекси аудиторни иш жараёнида риоя қилиши лозим булган этик тамойилларни 5 та қоидага муҳассамлаштирган:

1. Мустанкиллик, тугрилик, ҳолислик



2. Умумий ва техник андозалар
3. Мижоз олдидаги мажбуриятлар
4. Хамкасбларга нисбатан мажбуриятлар
5. Бошка мажбуриятлар ва коидалар (2.936)

Ушбу этик принциплар аудитор ҳаракатларининг умумий йуналишлари сифатида талкин қилиниши керак. Уларнинг ҳар бири тугрисида кенгрок тухтатилиб утамыз.

## 1. Мустақиллик, тугрилиқ, ҳолислиқ

Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти томонидан белгиланган ҳаракат меъёрлари тугрисидаги 101 коидага кура "ижтимоий амалиёт билан шугулланувчи дипломли жамоатчи бухгалтер касб йуналиши буйича хизмат курсатар экан АICPA кенгаши томонидан тайинланган идоралар томонидан чиқарилган андозаларга кура мустақил булиши лозим" (3.666).

Мустақиллик аудиторлик касбининг муҳим хусусиятларидан бири булиб, бу- фаолиятнинг фалсафий таркибини ташкил қилувчи мағиз ҳисобланади.

Аудиторнинг мустақиллиги уни давлат идорасининг штатдаги ходими булмаганлиги, назорат-тафтиш идораларига буйсунмаслиги ва уларнинг курсатмалари ва назорати остида ишламаслигида уз аксини топади.

Бу тамойилнинг аҳамияти шундаки, аудитор қанчалик малакали, тажрибали булмасин, агар у уз мустақиллигини исботлай олмаса, унинг молиявий ҳисобот тугрисидаги фикри мижоз ва учинчи шахслар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга булмайди. Шунинг учун аудит андозаларида аудиторнинг мустақиллигига ҳалакит берувчи ҳолатлар тугрисида кенг тухталиб утилган.

101 коидаги берилган берилган тушунтиришларга кура аудиторнинг мустақиллиги қуйидаги ҳолатлар юз берганда бузилади. Агар аудитор:

1. Текширилаётган компаниядан тугридан-тугри ёки қатта ҳажмда эгри молиявий даромад олган ёки уни олишга розилиқ билдирган булса;

2. Бирор бир мулкнинг раҳнамоси, буйруқ берувчи ёки сарфловчиси булиб, бунинг натижасида компаниядан исталган тусдаги тугридан-тугри ёки қатта ҳажмда эгри молиявий даромад олиши мумкин булса;

3. Компания, унинг раҳбарияти, директорлари, ва йирик қорхоналари билан биргалиқда сармояга эга булса, ёки компанияга қуйилган сармоялар текшируви билан узвий боғлиқ, ҳамда унинг соф даромади ёки даромади унга қарам булса;

4. Компания, унинг раҳбарияти, директорлари ёки йирик акционерларидан қредит олган ёки уларга қредит берган булса;

5. Компания билан таъсисчи, топширувчи ёки ишончли шахс сифатида боғланган булиб, овоз бериш ҳуқуқини олган ва шу тарзда ҳақиқатда компаниянинг раҳбарларидан бири ёки унинг ходимига айланган булса.

6.Компаниянинг нафақа ёки ходимларнинг фойдада катнашиш фондиди таксимловчиси булган булса (3.68б).

Англия конунчилиги тегишли мутахассисликка эга булганда компаниянинг хиссдорлари,дебиторлари,кредиторлари ва хатто фирма хизматчиси ёки ходимининг якин кариндошлари (эри, хотини, угли, кизи вхк) га ҳам аудиторлик текширувини утказишни ман килмаган. Аммо, саноат ва савдо Департаменти, Англия ва Уэлс дипломли бухгалтерлар институти, Шотландия дипломли бухгалтерлар институти, Ирландия дипломли бухгалтерлар институти, Киrolликнинг дипломли бухгалтерлар ассоциацияси тамонидан ишлаб чикилган касб этикаси коидалари эса юкорида келтирилган шахсларни аудиторлик текширувларини утказишни махсадга мувофик эмас деб хисоблайди.

Аудиторнинг мустакиллиги масаласи бу фаолият йуналиши юзага келгандан бошлаб давлат идоралари, назариятчи олимлар ва амалиетда фаолият курсатаётган мутахассислар уртасидаги тортишувларга сабаб булмокда.Жумладан профессор Дж.Робертсоннинг фикрича :

1) агар компания рахбарияти дипломли жамоатчи бухгалтерга нисбатан унинг аудиторлик ёки бошка аттестация ишларидаги камчиликларига ишора килган холда суд жараёни бошлаган ёки бошлайман деб пуписа килаётган булса ҳам ;

2)дипломли жамоатчи бухгалтер компания рахбариятининг фирибгарлик ёки алдовда айблаб унга нисбатан суд жараёнини бошлаган ёки бошлайман деб пуписа килаётган булса ҳам аудиторнинг мустакиллигини бузилган деб хисоблаш лозим (3.69-70б).

Инглиз олими профессор Р.Доджнинг таъкидлашича, мижоз-фирма рахбарияти ёки унинг ходимлари билан калин дустлик, кариндошлик алокалари ва эр-хотинлик муносабатлари булганда; битта мижоздан олинаётган меҳнат хаки аудиторнинг умумий даромадини 15 % дан ортигини ташкил килганда ҳам аудиторнинг мустакиллиги бузилган хисобланади (4. 53-54б).

Германияда бу даража 25% килиб белгиланган.( 5.39б)

Швеция аудиторларининг этик принциплари буйича юкорида келтирилган холатлардан ташкари агар аудитор мижоздан унга хурмат белгиси ёки оддий буюм деб хисоблаб булмайдиган совга олган булса ҳам мустакиллик принципини бузган хисобланади ва у текширувдан воз кечиши лозим (1.68б).

Агар аудитор мустакил булмаса, у томонидан бажарилган барча ишлар умумий тарзда кабул килинган андозаларга мос эмас деб хисобланади ва бу аудитор шу тарзда тузилган хисоботларга хулоса тузишдан четлаштирилади. Бу холат "Жамоатчи дипломли бухгалтерни молиявий хисоботлар билан алокаси"номли аудит андозасида аник ифодасини топган (3.52б).

Аудиторлик касбининг мустакиллиги уни текширув жараёнида тугрилиқ ва холислиқ билан ҳаракат кила олиш ва молиявий ҳужжатларга бировнинг таъсирисиз фикр билдира олиш қобиляти билан ҳам белгиланади.

Тугрилик-аудиторга нисбатан булган ишончга таъсир курсатувчи муҳим белги бўлиб ҳисобланади.

Ҳолислик-аудиторни миқознинг, учинчи шахслар ва ўз ҳиссиётларининг таъсирига берилмаган ҳолда корхона фаолияти ва унинг молиявий ҳисоботига нисбатан мустақил фикр билдира олиш қобилиятидир.

Текширув жараёнида аудиторнинг тугрилик, ҳолислик ва демакки мустақиллик даражасига таъсир утказишга ҳаракат қилиш ҳолатлари юз бериши мумкин. Бу шароитда аудитор ўзини учинчи шахслар ва давлат олдида ҳам маънавий, ҳам моддий жавобгар эканлигини ёддан чиқармаслиги ва текширувнинг охиригача мустақил, тугри ва ҳолис бўлишга ҳаракат қилмоғи зарур. Агар бунинг иложи бўлмаса текширувни давом эттиришдан воз кечиши ва ўз ҳаракатини ёзма равишда изохлаб бериши керак бўлади.

## 2. Умумий ва техник андозалар

АИСПА Кенгашининг умумий андозаларни ҳаракати тугрисидаги 201 қонунсига қўра аудиторлар фаолият давомида қўйидаги талаб ларга жавоб беришлари лозим:

А. Ўз касбининг устаси бўлиш.

Аудиторлар ва уларнинг фирмалари ўзлари яхши биладиган ва чуқур тушуниб етган йўналишлар бўйичагина хизмат курсатишлари лозим. Ахборотлар қўламининг кескин ортиб бораётганлиги, янги-янги ҳужалик муаммоларининг юзага келаётганлиги, ташқи сиёсат ва солиқ масалаларидаги ўзгаришлар аудитордан ўз фаолиятини юритишда чуқур билим ва ақл талаб қилади. У бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича юз бераётган ўзгаришларнигина эмас балки давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, миқозининг фаолият йўналишлари, уни бозорни эгаллаш бўйича қилаётган ҳаракатлари, мамлакатда қўнунчилик соҳасида ва аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа йўналишларда юз бераётган ўзгаришлар тугрисида бохабар бўлиши, уларни чуқур урганиб бориши ва амалиётда қўллаш билиши лозим.

Мутахассислик фанлари бўйича етарли даражада назарий билим ва амалий иш тажрибасига эга бўлиш ҳам аудитор этикаси қондаларида муҳим урин тутувчи ҳолат ҳисобланади. Чўнки 10 йиллаб, 15 йиллаб бош ҳисобчилик қилаётган шахсларни текшириш учўн аудиторда маънавий жихатдан ҳам ҳуқуқи бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда у том маънода ўзини МУТАХАССИС деб ҳисоблай олиши керак.

Б. Етарли даражада эътиборли бўлиш.

Касбга оид хизматларни курсатаётганда аудитор текширилаяётган воқеа ва ҳодиса, ҳар бир ҳужжатни синчковлик билан урганиб қикиши лозим. Бўндан ташқари у шахсий қўзатувлар олиб бора ётганда, ёки жавобгар шахсдан тушунтириш хатлари олаяётганда, ёки жойларда бухгалтерия қўдимларининг ишларини текшираяётганда уларнинг ҳар бирига эътибор билан муносабатда

булиши ва текширув натижасида уларнинг орасига совуқлик тушириб қуйиш ёки бир -бирига ишончсизликни тугдириб қуйишдан эҳтиёт булиши лозим.

В.Режалаштириш ва назорат.

Молиявий ҳисобот ва корхона балансини сифатли ва уз вақтида текширувдан утказиш, вақт фондини ва вазифаларни тақсимлаш ҳамда текширув харажатларини аниқлаш учун аудитор уз ишини режалаштириб олиши ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориши лозим.

Текширув жараёнини олдиндан режалаштириб олиш биринчидан, ишни системали равишда олиб борилишини таъминласа, иккинчидан унга кетадиган вақт сарфини оптималлаштиради.

Г.Етарли микдорда тегишли маълумотларга эга булиш.

Аудитор бирор бир воқеа ёки ҳодиса тугрисида фикр билдириши ёки курсатма бериши учун бу тугрида етарли маълумотга эга булиши лозим. Унинг корхона фаолиятидаги заиф бугинларга қилган ишораси ҳам, текширув жараёнида аниқлаган қонундан четга чиқиш ҳоллари ҳам, ҳамда уларни бартараф қилиш ёки таъсир кучини камайтириш билан боғлиқ айтилган фикрлари ҳам, барча-барчаси мавжуд ҳужжатларга асосланган булиши шарт.

Бундан ташқари аудит андозаларига риоя қилиш ҳолатини тартибга солувчи 202 қоидага қўра (3.726) аудитор фаолиятининг барча (аудит, назорат ва маълумотлар йиғиш, бошқарув, солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар бериш ва қасбига оид бошқа хизматлар қўрсатиши) томонларини қамраб олган аудитнинг техник андозаларини сузсиз бажариши лозим.

Аудитнинг техник андозаларини яхши билиш ва унга фаолият жараёнида қатъий риоя қилиш биринчидан, текширувни сифатли амалга оширилишини таъминласа, иккинчидан, аудиторни иш жараёнида ва ундан кейин юзага келадиган қелишмовчиликлардан ҳимоя қилади. Аудитнинг техник андозаларига қўлланманинг 2.4 бандида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

### 3.Мижоз олдидаги мажбуриятлар

Аудит-тадбиркорлик фаолиятидир. Аудитор миқоз билан тузган шартномаси асосида фаолият юритади. Шундай экан у имкони борича миқозининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, унга сифатли хизмат қўрсатишга ҳаракат қилиши лозим. У ҳар қандай ҳолатда ҳам салбий маълумотларни йиғувчи, қўш қилувчи ва айбловчига айланиб қолмаслиги қерак (5.356). Текширув натижасида аниқланган заиф бугинлар, ҳатоликлар ва қамчиликларни аудитор миқозига имкони борича унинг нафсониятига теғмайдиган шаклда, яъни тилақлар, маслаҳатлар, қўрсатмалар ва ҳоказолар ҳолида етказишга ҳаракат қилмоғи лозим. Аниқланган қамчиликлар ва

хатоларни тугрилаш ёки уларнинг салбий таъсирини камайтиришнинг имкони булса аудитор бу борада миждозига ёрдам бериши керак. Аммо, аудитор хар кандай холатда ҳам миждозининг ноқонуний харакатларини ёкламаслиги, уни беркитишга харакат қилмаслиги, молиявий ҳисобот маълумотларини сохталаштиришга йул қуймаслиги лозим.

Қорхонани қескин рақобат қураши мавжуд булган бозор муносабатларига утиши ишлаб чиқариш ва тиждорат фаолияти билан боғлиқ сирларни сақлашни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Мамлакатдаги қонунчилик эса унинг бу ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқади. Шунга қура миждоз билан аудитор уртасида тузилган шартномада ҳам қорхона фаолияти билан боғлиқ сирни сақлаш ва қорхона раҳбарияти ёки жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга булган идораларнинг руҳсатисиз уни ошқора қилмаслик шартлари қузда тутилади. Харакатдаги қонунларга қура ушбу шартларга риоя қилмаслик маънавий, моддий ва жиной жавобгарликни қузда тутди.

Лекин бу, аудитор ҳамма шароитда ҳам яққол қузбуямачилик, ноқонуний харакат ва қатта ҳажмда давлат ёки жамият мулкани талон-тарож қилиш холатларига қуз юмиши керак, деган гап эмас. Аудитор қонунчиликка қура жиной жавобгарлик қузда тутилган қонунбузарликларни аниқлаган вақтида миждозга бу тугрисида суд-тергов идораларини тегишли тартибда ҳабардор қилишни маслахат бериши лозим. Агар миждоз бундан бош тортса, аудитор текширувни давом эттириш ва молиявий ҳисобот тугрисида ҳулосани тайёрлашдан воз қечиши ва уз харакатини ёзма равишда асослаб бериши керак булади.

Аудитор миждоз билан булган муносабатини ва текширув жараёнида тупланган маълумотларни уз манфаати йулида фойдаланиши мумкин эмас.

Немис аудиторларининг қасб этиқаси меъёрларида тиждорат сирини сақлаш қоидалари қатта уринни эгаллайди. Жумладан, аудитор, қасам ича туриб, уз миждозларининг сирини сақлабгина қолмасдан, узига қарашли ёрдамчилари ва бошқа ходимларидан уларга ишонилган сирни хар кандай шароитда ошқора қилмасликлари тугрисида ёзма тилхат олиши керак. Германия қонунларига қура "тиждорат сирини тугрисидаги қонун"ни бузганлиги учун аудитор бир йилгача қамол жазосига ҳуқм қилиниши ёки қатта миқдордаги жарима билан жазоланиши мумкин( 5.39-40б).

Бундан ташқари харакатдаги қонунчиликка қура текшириш ту-галланиб, ҳулоса чиқарилгунга қадар аудитор узрсиз сабабларсиз уз фаолиятини тухтатиб қуймаслиги лозим.

Аудитор текширув натижаларига қура миждозга молиявий ҳисобот ва бухгалтерия балансининг тугрилиги тугрисида ҳулоса тайёрлаб беради. Агар аудиторлик ҳулосасидаги мавжуд ноаниқ маълумотлар асосида миждоз, учинчи шахслар ва давлатга зиён етса уқонун олдида маънавий, моддий ва жиной жавобгарликка тортилади.

#### 4.Хамкасбларга нисбатан мажбуриятлар.

Аудитор уз хамкасблари билан дустона алокаларни урнатишга ҳаракат қилиши лозим.

Аудиторлар доимо уз амалий тажрибаларини оширишга ҳаракатқиладилар, лекин миждоз учун рақобат қураши хамкасбларининг инсонийлик қадри ва қасб обрусини туширмайдиган йуллар билан олиб борилиши қерак.

Аудитор устоз сифатида билими, тажрибаси пастроқ хамкасбларига ёрдам бериши, қатта хамждаги буюртмаларни бақаришда ёрдамга қақариши, ёки буюртмани сифатли бақаришга қузи етмаса уни бошқа тажрибалироқ аудиторга топишириши лозим.

Агар аудитор қорхонага янги тайинланган булса, у мавжуд ҳолат туғрисида маълумот олиш учун миждозининг аввалги аудиторига муружаат қилиши мумкин. Аввалги аудитор шу ҳолатда уз хамкасбига фирмадаги ҳолатни объектив ёритиб бериши, лозим топса рақбарият билан ишлаш буйича маслаҳатлар билан ердам берса мақсадга мувофиқ булади.

Аудитор ноурин ҳаракат ёки ҳато қилган хамкасбига нисбатан танқидий фикр айтишдан аввал мана шу ҳолат юз берган барча шароитларни яхшилаб урганиб қиқиши лозим. Шундан кейин хам агар танқидни айтиш зарурияти туғилса, уни хамкасбининг нафсониятига теғмайдиган шаклда ва узгаларнинг иштирокисиз айтиши лозим. Агар танқид жиддий булиб аудиторнинг фирма рақбариятига ёзма равишда берилишини қузда тутадиган булса, уни топиширишдан аввал аудитор хамкасбини ҳатнинг мазмуни билан таништириши мақсадга мувофиқ булади.

#### 5. Бошқа мажбуриятлар ва қоидалар.

Аудитор узининг маҳорати, сидқидил меҳнати, янгиликка интилиши, уз билимини доимо ошириб бориши ва ибратли шахсий ҳаёти билан уз қасбининг обрусини оширишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Аудиторлар узларининг ирки, дини ва жинсидан қатъий назар барча учун бир ҳилда имқониятлар яратилиши ва ижтимоий ҳимоя қоидалари қулланишига эришмоғлари лозим.

Аудитор уз қасбига мос қелмайдиган, унинг обрусини туширишга олиб қелувчи фаолият билан шугулланмаслиғи лозим. Аммо у аудиторлик фаолиятининг ҳаракатдаги андозаларига қура узининг билими, тажрибаси доирасида бухгалтерия ҳисоби, солиқлар, бошқарувни ташқил қилиш ва шунга яқин соҳаларда маслаҳат бериш билан шугулланиши ва укув юртларида бухгалтерия ҳисоби ва у билан боғлиқ, бошқа фанлардан дарс бериши мумкин.

Аудит андозаларининг тавсифи туғрисидаги 502 қоидага қура "ижтимоий амалиёт билан шугулланаётган дипломли жамоатчи бухгалтер қишиларни фикрини қалғитувчи реклама ёки ҳизматнинг бошқа турлари воситасида миждозларни жалб қилмаслиғи қерак. Бундан ташқари мажбурлаш,



фирибгарлик йули билан хизматларни тикиштириш ёки уз хизматини ута тиришкоклик билан таклиф килиш ҳам ман килинади" (3.77-786).

Аудиторлик фирмасининг уз фаолияти ва хизмат турлари тугрисидаги рекламаси ахборот тарзида булиши ва обьектив холатни акс эттириши лозим.

Аудит аъзоларининг тавсифи тугрисидаги 503 коидага кура аудиторни бирор бир кимсага мижоз топиб бергани учун ҳақ тулаши ҳам ман килинади(3.786).Чунки мижоз учун курашиш аудиторнинг мустакиллигига ва обьективлигига салбий таъсир курсатиши мумкин.

Харакатдаги коидаларга кура аудитор текширув утказаетган фирмани акциялари ва облигацияларига эга булмаслиги ёки унинг эгаларидан бири булмаслиги керак.

Аудиторнинг меҳнат ҳақи унинг билими, тажрибаси, ишнинг маъсулияти ва ҳажмидан келиб чикиб белгиланади. Лекин аудитор узининг иш ҳаққи ҳажмини ошкора килмаслиги лозим. Бундан ташқари у агар аудиторлик фирмаси номидан фаолият курсатаётган булса мижоз билан меҳнатга ҳақ тулаш шартларини муҳокама килиши ёки у билан пулли ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириши мумкин эмас.Чунки профессор Я.В.Соколовнинг ёзишича мижоз билан ҳисоб -китоб ишларини факатгина фирма маъмурияти амалга оширади ва мижоздан канча пул олаётганини факат маъмурият ва мижоз билиши керак холос ва бу тугрида аудиторларга ахборот берилмаслиги ҳам мумкин. Аудиторлар фирмани канча пул топаётгани ва шундан канчаси уларга берилаётганлигини ҳисоблаб утирмасликлари ва муҳокама килмасликлари лозим ( 6. 136 ).

Фаолият давомида аудитор уз хизмат бурчини билдириш билан боглик булмаган совгалар қабул килмаслиги керак. Мабодо аудиторга мижоз ҳурмат рамзи сифатида совга топширса, аудитор уни қабул килиши, тақдим килувчига миннатдорчилигини билдириб, совгани аудиторлик фирмасининг маъмуриятига топшириши лозим.

Булардан ташқари профессор Я.В.Соколовнинг фикрича аудитор фаолият давомида яна қуйидаги холатларга ҳам эътибор бериши лозим:

1) текширув тугамасдан туриб узи ишлаётган фирма билан меҳнат шартномасини бузмаслиги;

2) аудиторлик фирмаси талабига кура утказилаётган уқишдан бош тортмаслиги;

3) мижозларга касб доирасидан чикувчи хизматлар курсатмаслиги;

4) мижознинг ноконуний ҳаракатларини қувватламаслиги лозим (6.136).

Профессор С.А.Стуковнинг ёзишича американинг электр вагаз саноати компанияларида юкорида келтирилган умумий коидалардан ташқари бу тармоқлар учун хусусиятли булган коидалар корхона ишчи хизматчилари қаби аудиторларга ҳам тегишлидир. Жумладан, ушбу тармоқ корхоналарида текширув олиб бораётган аудиторлар уз иш жойларида ут очар куроллар, портловчи ва захарли моддаларни сакламасликлари ва ахлокий бузуклик килмасликлари лозим ( 5. 426 )

Бозор муносабатларини Россия ва собик иттифок таркалгандан кейин юзага келган бошка давлатларга чуқурроқ кириб бориши бу мамлакатларда ҳам аудиторлар фаолиятини тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқиш заруриятини тугдирди.

Бухгалтерия ҳисоби, молиявий назорат ва ҳужалик фаолияти тахлили билан шугулланувчи олимлар бу борадаги уз фикрларини матбуотда эълон қилинаётган мақолалар, рисоалар, укув қулланмалари ва илмий нашрларда баён қилиб турибдилар.

Россия Молия Вазирлиги ҳузуридаги назорат тафтиш бошқармасининг бошлиғи профессор Ю.А.Данилевскийнинг фикрича жаҳонаудит андозаларидан келиб чиққан ҳолда Россия Федератив Рес-публикасида қуйидаги этик нормалардан фойдаланиш мумкин:

1) аудиторлар "Аудиторлар фаолияти тугрисидаги Қонун" талабларига қатъий риоя қилишлари керак. Улар эркин қасблар учун хусусиятли бўлган мустиқлик тамойилига тугри қелмайдиган ҳар қандай ҳаракатлардан узларини қасқашлари лозим;

2) аудиторлар ишни уз номидан бажарадилар; агар уз фаолиятларини бир неча қиши бирқалиқда олиб борғудек бўлса, уларнинг бирлашмаси аудиторлик фирмаси деб аталиши лозим. Ҳар қандай турдаги реклама ман қилинади. Уз вазифасини бажариш чоғида, аудиторлар реклама деб қурилиши мумкин бўлган бошка қилимлардан фойдаланмасликлари ёки бошка қасблар бўйича илми борлиғи, ва бошка мутихассисликка ишора қилмасликлари лозим.

3) аудиторлар қомпанияни бевосита ёки қилвосита бошқаришда қатнашишдан бош тортишлари лозим, бу ҳатто олиавий қомпания бўлса ҳам; у савдо-сотик фаолияти билан бевосита ёки воситачи орқали шугулланмаслиғи ёки аудиторлик фаолияти соҳасига қирмайдиган бошка ишларни бажармаслиғи лозим.

4) аудиторлар уз фаолиятлари билан тугри ёки қилвосита боглик бўлмаган воситачилик ёки даллоллик қизматлари учун белқиланган тақдирловни олишга ва бошка қимсага утқазиб беришга ҳаққи йук.

5) аудиторларни қасб фаолиятидан олаётган даромадлари оз сондаги қижозлардан тушаётган ёки улар бажараётган вазифа ёки топшириклар битта қурух ёки битта бўлимдан қикаётган бўлмаслиғи лозим; аудитор уз қиммасига фаолиятини софдиллик билан бажаришга тусқинлик қилувчи мажбуриятлар олмаслиғи керак;

6) аудитор узи ёки унинг бирор бир ҳамқори, малақали қизматқиси ёки иш урганувқиси, ёки бўлмаса фирмасининг бирор бир қодими томонидан текширилиб қикмаган қисоботларнинг тугрилиғи тугрисидаги ҳулосага имзо қекмаслиғи керак ( 7.94-956).

Ю.А. Данилевскийнинг тажрибали амалиётқи ва олим сифатида Россия аудиторлари учун тақлиф қилинаётган ҳаракат қоидалари аудиторлик амалиётининг қатта қисмини қамраб олган ва Россия аудиторлари учун қасб этиқаси меъёрларини тайёрлашда қатта аҳамиятга эга. Аммо бизнинг

фикримизча у айрим камчиликлардан ҳам холи эмас.Ю.А. Данилевский аудиторлар учун хар кандай рекламани ман килмокда. Бизнингча бу тугри эмас. Албатта реклама жахон аудит андозаларида таъкидланганидек мижознинг фикрини чалгитиш, уни алдов йули билан жалб килишга хизмат килмаслиги керак. Лекин фирма тугрисидаги ахборот, таништирув, хизматни холисона таклиф килиш мазмунига эга булган реклама хар кандай касб каби аудиторлар учун ҳам жуда зарурдир. Бундан ташкари бу коидаларда аудиторни мижоз, учинчи шахслар ва давлат олдидаги маъсулияти, унинг уз хамкасбларига муносабати, корхона сирини саклаш масалалари, аудиторлик касбининг обрусини ошириш борасидаги аудиторнинг харакатлари акс этмаган.

Профессор В.П.Суйц аудитор этикаси масаласига уз муносабатини билдириб, улар учун мухим булган 4 та коидани ажратиб курсатади. Булар:

1. яхлитлик, маъсулият, мустакиллик;
2. сир саклаш;
3. махорат ва чукур билимга эга булиш;
4. мустакиллик ( 8. 26б)

Бизнинг фикримизча профессор В.П.Суйцнинг таклифида ҳам камчилик мавжуд. Биринчидан, у аудит амалиётининг ҳамма томонини камраб олмаган.Иккинчидан, ажратиб курсатилган коидаларга тулик ва аник таъриф берилмаган ва учинчидан, унда кайтариш мавжуд. Яъни биринчи ва туртинчи коидада мустакиллик тамойили ажратиб курсатилган. Биринчи холатда у аудит натижаларига фикр билдиришда мустакилликни кузда тутди, иккинчи холатда эса уз фаолиятини юритишда мустакил булишни такозо килади. Лекин бизнингча бу холатларни ажратиб курсатиш шарт эмас, уларни битта "мустакиллик" деб аталган коидага бирлаштириш кифоя килади.

Бизнинг фикримизча, аудиторлар учун харакат коидалари ишлаб чикиш жараёнида, хар бир харакатга тулик маълумот бериш, ни бузилишига олиб келувчи сабабларни курсатиш ва бу холатда аудиторнинг харакатини аник курсатиб бериш зарур. Аудитор, айникса фаолиятини янги бошлаётган шахс унга нима мумкину, нимагани килинганлигини, маълум хужалик холатларига тушганда кандай харакат килса мақсадга мувофик булишини олдиндан яхши билиши лозим. Чунки аудиторлик фаолияти ута маъсулиятли, катта таваккалчиликка асосланган ва маълум даражада хавфли бизнес туридир.

Бу борада профессор С.А.Стуковнинг фикрлари анчагина тулик деб хисоблаймиз. У узининг "Аудитга кириш" номли китобидааудиторлик фаолиятининг асосий тамойиллари сифатида куйидаги коидаларни ажратиб курсатади:

бухгалтер-аудиторларни фикрлаш ва хулоса бериш жараёнидаги мустакиллиги;  
чукур билим ва юксак махорат;  
мижозга нисбатан яхши муносабатда ва бетараф булиш;  
хулосаларнинг объективлиги ва тугрилиги;  
мижоз билан муносабатлар ва унинг молиявий холатига тегишли тижорат сирини саклаш;

аудиторлик текшируви натижалари асосида берилган курсатмалар ва хулосалар учун бухгалтер-аудиторнинг масъулияти;  
аудиторлик касбининг обрусини оширишга ҳар тарафлама ҳаракат қилиш ( 5. 34-35б)

Умуман олганда ҳисоб ходимларининг этикаси масаласи рус олимлари орасида анча узоқ вақтдан буён муҳокама қилиб келинади. 1836-1916 йилларда яшаб ўтган буюк рус олими Ф.В.Езерский биринчилар қаторида эксперт сифатида фаолият юритаётган шахс объектив ва мустакил бўлиши лозим деб ёзиб қетган эди. Рус олимларининг кейинги йиллардаги муҳокамалари асосида 1996 йилнинг 4 декабри куни Россия Аудиторлар Палатаси тамонидан "Аудиторларнинг касб этикаси Кодекси" қабул қилинди ( 9.11-15б).

Кодекс аудиторлардан қуйидаги қоидаларга риоя қилишни талаб қилади:

1.Аудиторлар ўз ҳаракатлари ва қарорларида умуминсоний ахлоқ ва одоб қоидаларига риоя қилиши,виждонан яшаши ва ишлаши лозим.

2.Ташқи аудитор нафақат ўз миқдори,балки бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг барча фойдаланувчилари манфаатларини ҳимоя қилиш доирасида ҳаракат қилиши лозим.

3.Аудитор ўз ишида объектив ва эътиборли бўлиши лозим.

4.Аудитор мустакил бўлиши лозим.

5.Аудитор юқори малакали мутахассис бўлиши лозим.

6.Аудитор миқдорининг маълумотларини сир сақлаши таъминлаши лозим.

7.Аудиторлар солиқ қонунчилигига қатъий риоя қилишлари ва ўз даромадларини солиқдан яширмасликлари лозим.

8.Солиқ қонунчилигининг бузилиши аниқланган ҳолларда текширув ўтказиладиган қорхона раҳбариятига бу ҳақда ва унинг оқибатлари тўғрисида езма ахборот бериши лозим.

9.Аудиторнинг хизмат ҳақи иш ҳажми ва қурсатиладиган хизматнинг сифати билан белгиланиши лозим.

10.Аудитор ўз ҳамкасбларига дустона муносабатда бўлиши ва уларнинг фаолиятини асосланмаган тарзда танқид қилишдан узини тийиши лозим.

11.Ходимлар ва аудиторлик фирмаси раҳбарияти ўртасида муносабатлар касб мажбуриятларини бажаришдаги ўзаро масъулият, содиқлик, қатъийлик, аудиторлик хизматлари қурсатишни доимо такомиллаштириб бориш, унинг мазмунини бойитиш борасида қайгуриш тарзида ташкил қилиниши лозим.

12.Аудиторлик хизматлари рекламаси ахборот тарзида ташкил қилиниши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши, яхши таъб билан тузилган бўлиши, ҳамда унда потенциал миқдорларнинг алданиб ёқи иккиланиб қолиши ва бошқа аудиторларга нисбатан ишончсизлик туғилишига сабаб бўлувчи маълумотлар бўлмаслиги лозим.

13.Аудитор узининг объективлиги ва мустакиллигига салбий таъсир қурсатиши мумкин бўлган фаолият турлари билан шугулланмаслиги лозим.

14.Аудиторлар натижалари кейинчалик купчиликка эълон килиниши кузда тутилаётган киесий тадқиқод ва рейтинглар утказишдан ва узлари тийишлари лозим ва бошқалар.

Россия аудиторларининг касб этикаси Кодексини яратишда фаол катнашган "Союзаудит" хиссадорлик жамиятининг президенти, профессор В.Ф.Палийнинг фикрича, ушбу меъёрий хужжатда катта аҳамият берилган аудиторнинг мустақиллиги тамойили,

а) агар у мижозининг топшириги асосида маслаҳат бериш, ҳисоботларни тузиш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар курсатаётган бўлса;

б) агар у ишлаётган аудиторлик фирмаси собиқ вазирлик, кумита, бошқарма қошида ташкил қилинган ва у авваллари ушбу вазирлик, кумита ва бошқармага бўйсунган ташкилотларга хизмат курсатаётган бўлса ҳам бузилган ҳисобланади.

Унинг фикрича,агар аудитор текширувни 3-5 кун ичида утказиб, яъни мижозининг фаолияти тугрисида етарли миқдорда маълумот йигмай туриб ҳулоса берган тақдирда ҳам касб этикаси қоидалари бузилган ҳисобланади (10.16-20б).

Бу қоидаларнинг купчилигини аудит амалиётининг жаҳон андозаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси аудиторлари учун ҳам ҳаракат қоидалари сифатида қабул қилиш мумкин. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда аудиторнинг ҳаракат қоидалари ва андозалари курсатилган махсус аудиторлик кодекси ишлаб чиқиш жараёнини тезлатиш зарур. Ўзбекистон аудиторларининг касб этикаси қоидалари бизнингча икки қисмдан иборат бўлиши лозим. Биринчи қисмда аудиторнинг ҳаракат қоидалари умумий ҳолда берилиб унинг мазмуни тушунтирилса, иккинчи қисмда эса ҳар бир қоида тармок хусусиятларидан келиб чиқадиган ҳаракат доираси ва бу қоида амалга оширишда таяниш лозим бўлган қонун ва қонуний ҳужжатлар, уларга риоя қилишда дуч келиши мумкин бўлган тусиқлар ва бу ҳолатларда аудиторнинг ҳаракатлари учун тавсиялар келтирилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон республикаси аудиторларининг касб этикаси қоидалари бўйича мулоҳазаларимиз қўлланманинг 5.4 бобида кенгрок тарзда ёритилади.

Аудит амалиётидаги муҳим ҳолатлардан бири аудиторлик фаолияти устидан назоратни амалга оширишдир.

Ҳар қандай бизнесда бўлгани каби аудиторлик фаолиятида ҳам объектив ва субъектив омиллар таъсири остида қонунбузарликлар, номақбул ҳаракатлар, ҳатоликлар, фирибгарлик ва ташкилий жинойтчиликда катнашиш ва шу каби яна бир қатор қонуний ҳаракатлар юз бериши мумкин. Мана шу ҳатоларнинг олдини олиш, қамайтириш ва ҳужалиқ юритувчи субъектларга уларнинг таъсирини сусайтириш мақсадида аудиторлик фаолияти устидан давлат назорати олиб борилади.

Мисол учун АКШда аудиторларни касб қоидаларига риоя қилишини Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти, Америка Қўшма



Штатлари бош бюджет назорат бошкармаси ва компьютер аудити буйича мутахассис-аудиторларнинг ассоциацияси назорат килиб боради. Швецияда бу вазифа мустакил аудиторлар ассоциацияси кенгашига юклатилган. Англияда аудиторлар ҳаракати коидаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат килишни Англия ва Уэльс олий мартабали бухгалтерлар институти уз зиммасига олган.

Францияда номакбул ҳаракатлар қилган аудиторлар билан 1969 йили ташкил топган Миллий интизом палатаси ёки шу палатанинг жойлардаги идоралари шугулланади. Улар аудитор томонидан амалга оширилган ноқонуний ҳаракатнинг мазмуни ва етказиши мумкин бўлган салбий таъсиридан қелиб чиққан ҳолда уни оддий хайфсан, шахсий варақасига ёзиш шарти билан хайфсан, вақтинчалик қасб билан шугулланишдан четлатиш ва нихоят аудиторлар рўйхатидан чиқариш тугрисида қарор билан жазолаши мумкин. Аудиторнинг ҳаракатлари интизом доирасидан чиқиб жиноий жавобгарлик таъсирига утган бўлса, бу ҳолат Франция қонунларига қўра баҳоланади (5.40-41б).

Аудиторлик қасби этикаси коидаларини бузиш Германияда аудиторлар палатаси тамонидан қўриб чиқилади. Палата аудиторнинг нотўғри ҳаракатларини тасдиқловчи барча ҳужжатларни диққат билан урганиб чиққач, агар у жиноий жавобгарлик доирасига қирмайдиган бўлса, аудиторга қўидаги ўч қазонинг бирини қўллаиди: оғохлантириш; 20000 марка миқдорида қарима ва нихоят аудиторлар сафидан чиқариш (5.стр.40б).

Россия, Эстония, Беларуссия республикаларида ҳозирда ҳаракат қилаётган қонун ва қонун қўидаги бошқа ҳужжатларга қўра аудиторнинг номакбул ишлари етказган қарарни ўндириш ва уни лицензиядан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Россияда бу ҳолатни Россия аудиторлар палатаси, Москва шаҳри аудиторлар палатаси ва ўлка,вилоят аудиторлар палатлари назорат қилиб боради.

Эстонияда қасб этикаси коидаларига қўоя қилишни назорат қилиш иши Республика Қўия вазирлиги ҳузурида қўолият қўсатаётган "Аудиторлик қўолияти бўйича қенгаш" тамонидан амалга оширилади.

Белоруссия ва Ўзбекистонда бу вазифани амалга ошириш республика Вазирлар Маҳқамаси ҳузуридаги Аудиторлар палатасига юклатилган.

#### Таянч иборалар

**"Аудит"**- лотинча "audio" сузидан олинган бўлиб, "ў эшитади" деган маънони билдиради.

**Халқаро аудиторлик фирмаларига** "Артур Андерсен", "КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Қуперс Энд Лайбренд", "Прайс Уотерхаўз" ва "Делойт энд Туш" қабирмалар қиради.



**Аудитнинг асосий мақсади** хужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботида ақс этирилган маълумотларни ҳаракатдаги қонунлар, андозалар ва бошқа меъерий ҳужжатлар талабига мос келиши, уларнинг объективлигива аниқлиги нуқтаи назаридан ҳолисона баҳолашдир.

**Аудиторлик текширувларини қуйидаги турларга бўлинади:**

**1. Ривожланиш эволюциясига қура:**

- а) тасдиқловчи аудит;
- б) тизимли-мулжалли аудит;
- в) таваққалчиликка асосланган аудит.

**2. Қонун бўйича белгиланишига қура:**

- а) қонунда қурсатилган қорхоналарда утқазилган аудит;
- б) ташаббус орқали ташкил қилинган аудит.

**3. текширув утқазувчи субъектларга қура:**

- а) ташки аудит;
- б) ички аудит.

**4. Текширувни амалга ошириш даврига қура:**

- а) дастлабки аудит;
- б) қайтариловчи (қелишилган)аудит.

**Ташки аудит** бухгалтерия ҳисоби,тафтиш,иктисодий таҳлил, иктисодий математик усуллар,давлат сиёсати,солиқлар,истикболни белгилаш, қонун-чилик, рухшунослик йуналишлари бўйича муқаммал билимга эга бўлган,аудиторлик текширувларини утқазиш учун рухсатномаси (лицензияси)бўлган муқтакил аудитор ёки аудиторлик фирмаси томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

**Ички аудит** фирманинг шу мақсадлар учун ташкил этилган махсус бўлими ёки ходимлари томонидан амалга оширилади.Бу фаолият турининг хусусияти шундаки ички аудиторлар қорхона раҳбарига бўйсунадилар ва унинг штатида турадилар.

**Дастлабки аудит** аудиторлик текшируви ёки унинг қонсалтинг хизматида биринчи бор фойдаланаётган қорхонада амалга оширилади.

**Қайтариловчи (қелишилган) аудит** аудиторлик фирмасини миқоз қорхона билан узок вақтлар давомида ҳамқорлик қилиш натижасида амалга оширилади.

**Яқуний аудит** асосан ҳисобот даври яқунлангандан кейин амалга ошириладиган аудит.

**Давомли аудит** турига жуда зарур ҳоллардагина муқожаат қилинади.Чунки бу жуда қиммат турувчи хизмат туридир ва ундан факат молиявий жиҳатдан бақувват қорхоналаргина фойдаланишлари мумкин.

**Муолажа тарзида утқазилган аудит** асосан аудиторлик хизматида доимий тарзда фойдаланилмайдиган қорхоналарда муҳим ҳужжатларни расмийлаштириш ёки уларни тегишли истемолчиларга тақдим қилишдан аввал фойдаланилади.

**Муқтакиллик** аудиторлик қасбининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бу-фаолиятнинг фалсафий тарқибини ташкил қилувчи мағиз ҳисобланади.

### **Утилган мавзу буйича саволлар**

1. Аудит сузи нимани англатади?
2. Аудитнинг асосий максоди нимадан иборат?
3. Ташки аудит нима?
4. Ички аудит нима?
5. Хужжатли исбот деб нимага айтилади?

### **3-мавзу: Аудиторлик текширувларини режалаштириш .**

#### **1.Аудиторнинг ҳукуки мажбурияти ва масъулияти**

#### **2.Аудитор ишини режалаштириш.**

##### **1.Аудиторнинг ҳукуки мажбурияти ва масъулияти**

Аудиторлик хизматлари курсатиш ута масъулиятли ва катта таваккалчиликка асосланган фаолият тури булгани учун аудиторлар узларининг бизнеси билан боглик булган барча конун, меъёрий хужжатлар ва коидалар билан мукаммал таниш булишлари лозим.

Аудиторнинг ҳукуки,мажбурияти ва масъулияти аудиторлик фирмаси фаолият курсатаётган мамлакат конунлари, Аудит амалиёти буйича Халқаро Комитет (International Auditing Practices Committee(IAPC)) ва бошқа халқаро касб ташкилотлари тамонидан ишлаб чиқилган аудит андозалари ҳамда миждоз билан аудиторлик фирмаси уртасида тузилган шартномада курсатилган булади.

Мисол учун аудиторнинг ҳукуки, мажбурияти ва масъулияти Кипр, Малазия, Нигерия, Фиджи, Шри-ланка каби мамлакатларда уша давлатнинг конунлари ва IAPC нинг аудит буйича халқаро андозалари; АКШда "Аудит тугрисида ягона конун (1984й), Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти (AICPA) томонидан ишлаб чиқилган аудит андозалари (GAAS);Англияда "Компаниялар тугрисидаги конун (1985й) ва IAPC нинг халқаро аудит андозалари билан тартибга солинади.Россияда аудиторлик фаолияти конун холида хали расмийлаштирилгани йук.Аудиторлик фирмалари ва хусусий холда аудиторлик фаолияти билан шугулланиб келаётган аудиторлар бу максадда Россия Федерацияси Президенти томонидан 1993 йилнинг 22 декабрь куни 2263 сон билан тасдиқланган"Россия Федерациясида аудиторлик фаолияти тугрисида"ги Муваккат Низомда фойдаланмоқдалар.

Мамлакат доирасида ҳаракат қилаётган конунлар, аксарият давлатлар томонидан тулалигича ёки айрим узгартиришлар билан қабул қилинган халқаро аудит андозалари ва аудиторнинг жамиятда тутган урни унга бир қатор мажбуриятларни юқлайди. Жумладан:

-аудиторлик текширувини утказиш ёки консалтинг хизматлари курсатишни юкори савияда ва сифатли қилиб амалга ошириш.Чунки миждоз корхоналар (шахслар) сифатсиз утказилган текширув ёки курсатилган хизмат буйича зиён кургудек булсалар аудиторга даъво билдиришлари мумкин;

-текширув давомида ва корхона тугрисида уз хулосаларини тайёрлаётган вақтида аудитор мустақил ва объектив булиши, касб этикаси коидаларига,корхонанинг ички тартиби ва шартнома шартларига риоя қилиши ҳамда уз фаолиятида конуний усул ва воситалардан фойдаланиши зарур;

- аудитор турли булимлардан текширув жараёнида фойдаланиш учун олинган хужжатлар, узи тайёрлаган ҳисоб-китоб ва хулосаларнинг бутлигини таъминлаши лозим;

- аудиторлик текширувлари ва консалтинг хизматлари курсатаётганида аудитор уз мижозининг манфаатини конун доирасида максимал тарзда химоя килишга интилиши, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш имконини берувчи йўлларни кидириб топиши ва уларни жорий килиш бўйича курсатмалар бериши лозим;

Мана шу ҳолат аудиторнинг обрусини ошириш, унга ишончини кучайтириш ва аудитор билан мижоз корхона уртасида давомли ҳамкорликни юзага келишига сабаб бўлади. Аудитор текширув давомида факатгина негатив ҳолатларни кидириш билан машгул бўлиб, уларни бартараф килиш бўйича фойдали маслаҳатлар бермаса ёки бера олмаса бундай аудитор бозорни бўйналишида уз мавқеини йукотиб боради;

-аудитор корхонада мавжуд угирликлар, камомодлар, кузбўямачиликлар ҳолларига принципиал муносабатда бўлиши, ҳар бир ҳолатни ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши ва унга нисбатан уз фикрини айтиши лозим;

-корхонада аниқланган камчиликлар, ҳатоликлар, угирлик ва конундан четга чиқишнинг бошқа ҳоллари ва ички назоратдаги заиф бугинлар тугрисида биринчи навбатда корхона раҳбариятига хабар бериши лозим;

-камомад ва угирликларни урнини коплаш талаби мавжуд бўлган ҳолларда аудитор уз ҳулосасида бу ҳолат кимнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида юз берганини бевосита курсатиб ўтиши, ёки зарар келтирган кимсани аниқлай олмаган бўлса қушимча текширув ўтказишни тавсия килиши лозим;

-агар корхона фаолиятидаги конундан четга чиқишлар ва молиявий ҳисоботдаги кузбўямачиликлар жиддий ҳуқуқий ёки молиявий тусга эга бўлса аудитор бу тугрида малакали ҳуқуқшунослардан корхона сирини сақлаган ҳолда маслаҳат олиши, шундан сунггина бу ҳолатга уз ҳулосасини билдириши лозим;

-Ўзбекистон республикаси конунларида курсатилган ҳоллардан ташқари қолган барча шароитларда аудитор мижоз корхона фаолиятига боғлиқ маълумотларни сир сақлаши ва корхона раҳбарининг рухсатсиз ҳеч кимга бермаслиги лозим;

-суриштирув, прокуратура, тергов идораларининг топшириги билан ўтказилган текширув маълумотларини аудитор уша идоранинг рухсатсиз ошқора қилмаслиги керак. Текширув натижаларига қура жавобгар шахсларга жиноий иш қузғалгудек бўлса, прокурор ёки суд уз қарори билан аудиторни корхона сирини сақлаш мажбуриятидан озод қилиши зарур;

-аудитор текширув жараёнида ўзи ёки унинг ходимлари томонидан муқаммал урганиб чиқилмаган ҳужжатларга имзо чекмаслиги керак. Бу уни кейинчалик юзага келадиган қелишмовчилик ва даъволардан сақлайди;

-аудитор мижоз корхонада олиб бораётган текширувларининг охирида корхонанинг молиявий-ҳужалик фаолияти тугрисида ҳулоса ва шартномада курсатилган бошқа ҳужжатларни тайёрлаши ва корхона раҳбариятига топшириши лозим;

-аудитор текширув натижаларига кура жиддий камчиликлар аникланса, ёки унга тазйик утказишга ҳаракат қилиш ҳолларига учраса, ёки ҳисоботнинг тугрилигига шубҳа ҳосил қилган бошқа ҳолларда корхона молиявий ҳисоботини тасдиқлашдан бош тортиши лозим;

-корхона ҳисоботини тасдиқлашдан бош тортиш ҳоллари юз берса аудитор уз ҳаракатини ёзма ҳолда малакали қилиб асослаб бериши лозим;

-текширув тугалланиб,хулоса чиқарилгунга қадар узрли сабабларсиз аудитор уз фаолиятини тухтатиб қуймаслиги лозим;

-текширув жараёнида юзага келган шароитлар таъсирида башарти уз хатти -ҳаракатларида ҳолис ва одил бўла олмаसा аудитор этикаси қоидаларидан келиб чиқиб аудитор текширувни давом эттиришдан воз кечиши керак;

-аудитор касбига ҳос бўлмаган йуналишлар бўйича хизмат курсатмаслиги лозим;

-аудиторлик фирмалари шу йуналишда фаолият курсатаётган бошқа ташкилотларнинг обрусини туширишга,уларнинг хизмати сифатига шубҳа тугилишига сабаб бўлувчи реклама сиесатини олиб бормасликлари лозим;

-аудиторлик фирмалари ва уз фаолиятини мустақил олиб боровчи аудиторлар Ўзбекистон Республика қонунларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритишлари ва бухгалтерия ҳисоботларини уз вақтида тегишли идораларга топшириб туришлари ва ҳаракатдаги қонунларга кура белгиланган солиқларни тулаб боришлари лозим.

Қурилиб турибдики аудиторга жуда катта мажбурият юқлатилган. Мана шу мажбуриятларни тулик бажариши учун аудитор қонун бўйича бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиши лозим.

Россия федерациясида аудит тугтрисидаги қонуннинг йуқлиги шароитида Россия федерацияси Молия Вазирлиги қошидаги назорат-тафтиш бошқармасининг бошлиғи,профессор Ю.А.Данилевскийнинг фикрича аудиторнинг ҳуқуқи, мажбурияти ва масъулияти биланбоғлиқ ҳолатлар текширув пайтида ва ундан кейин қелишмовчиликларни қелтириб чиқармаслик мақсадида миқоз билан аудиторлик фирмаси уртасида тузиладиган шартномада қурсатилиши лозим.

Ўзбекистон республикасида бу ҳуқуқий ҳолатлар Ўзбекистон республикасининг "Аудиторлик фаолияти тугтрисидаги қонун"ида уз аксини топган.Қонуннинг 2 бўлим 8 моддасига кура:"Аудитор (аудиторлик фирмаси) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- икки тамонлама тузилган шартнома асосида ҳужалиқ юритаётган субъектнинг ҳисобот ҳужжатларини аудиторлик текширувидан утказиш ва қонсалтинг хизматлари қурсатиш;

-ушбу Қонун, Ўзбекистон республикасининг бошқа қонуний ҳужжатларининг талабларига асосланиб текширишнинг шакл ва услубларини мустақил белгилаш;

- текширув кетаётган корхона ва учинчи шахсларнинг кулида турган ва текширув объектининг мулкый ҳолати ва фаолиятини характерловчи ҳужжатлар билан танишиш;

- утказилаётган текшириш ёки аудиторлик хизмати курсатиш муносабати билан текширилаётган ҳужалик субъекти раҳбарлари ва бошқа ходимлардан, шунингдек учинчи шахслардан оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунтиришлар олиш;

- уларни лицензиядан маҳрум этишга доир қарор устидан судга шикоят қилиш (1.41б).

Конуннинг 11 моддасидаги бандлар гарчанд текширув утказилаётган корхоналарнинг раҳбарларига қаратилган бўлса ҳам уларни аудиторнинг ҳукуки сифатида қабул қилиш мумкин. Бу модда "Аудиторларнинг (аудиторлик фирмаларининг) ишлаши учун шарт-шароитлар яратиб бериш" деб аталади ва унга кура ҳужалик юритаётган субъект раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар аудиторнинг талабига биноан:

- молия-ҳужалик фаолиятининг тавсифлаб курсатувчи ҳужжатларни тақдим этишлари;

- ёзма ёки оғзаки шаклда зарур тушунтиришлар беришлари;

- текширилаётган объектларнинг молия-ҳужалик фаолиятини экспертизадан сифатли утказиш учун бошқа шарт-шароитларни яратиб беришлари шарт (1.42-43б).

Ўзбекистон республикасининг "Аудиторлик фаолияти тугрисида"ги Конуни ҳамдустлик давлатлари ичида биринчилар қаторида қабул қилинганлиги учун ҳам ушбу ҳужжатнинг аудитор (аудиторлик фирмаси)нинг ҳуқуқлари келтирилган моддалари айрим жузъий камчиликлардан холи эмас. Бизнингча, ушбу конунда аудиторлик фирмаси (аудитор)нинг ҳукуки умумий тарзда келтириб қуйилган. Лекин, тажрибадан маълумки амалиётда шундай ҳолатлар бўладики мижоз билан аудитор уртасидаги қелишмовчиликларни ҳал қилиш учун конунга мурожаат қилишга тугри қелиб қолади. Демак, "Аудиторлик фаолияти тугрисида"ги Конун шу йуналишни тартибга солувчи асосий ҳужжат экан, унда аудиторни узига юклатилган вазифаларни касб этикаси, халқаро аудит андозалари талаблари даражасида амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқлари бирма-бир санаб утилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Чет давлатлар тажрибаси, аудит назарияси ва амалиётига бағишланган мақолалар, рисоалар ва дарсликлар ҳамда конуний ҳужжатлар билан танишиб чиққан ҳолда шуни айтиш лозимки, аудитор конунда ва муайян шартномада курсатилган вазифаларнинг юқори савияда бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши лозим;

1. Ушбу конун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа конуний ва меъёрий ҳужжатлари, ҳамда ҳужалик юритаётган субъект билан тузилган шартнома талаблари ёки суриштирув, прокуратура, тергов ва суд идораларининг



топширикларидан келиб чиккан холда текширув утказишнинг шакл ва услубларини мустакил тарзда белгилаш.

Аудитор мижоз корхона рахбари ёки бошка масъул шахсларни аудиторлик текширувини олиб бориш усуллари, тартибини белгилаш ва текширув хулосаларини тайёрлаш ишларига таъсир утказишларига йул куймаслиги лозим. Чунки текширув натижаларига кура килинган хулосалар буйича юзага келган даъволар учун факатгина аудитор жавобгар хисобланади.

2. Корхонанинг молиявий, хужалик ва ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ муомалалар акс эттирилган барча маълумотларни текширувга тортиш ҳукуки.

Аниқрок килиб айтидиган булсак, аудитор текширув утказётган корхонанинг бухгалтерия китоблари, журналлари, ҳисоб кайдномаларидаги ёзувлар, пул маблағлари, кимматбохо қозғалар, материал қийматликлари, асосий воситалар ва бошка мулк турлари буйича мавжуд булган барча маълумотларни ҳеч қандай тусиксиз текширувга тортиш ҳуқуқига эга булиши лозим.

3. Текширув жараёнида юзага келган саволларга аниқлик киритиш мақсадида текширув утказётган объект ёки йуналиш билан у ёки бу даражада боғлиқ булган масъул шахслар ва корхона билан иқтисодий алоқада булган ёки булаётган учинчи шахслардан ушбу ҳолатни ёритувчи ҳужжатлар, ҳисоб - китоблар, ёзма ва оғзаки тушунтиришларни олиш ҳуқуқи.

Аудитор шубҳа тугдираётган ҳар бир ҳолатни муқаммал урганиб чиқиши, унинг оқибатларини ҳисоб китоблар ва хулосалар, тушинтириш хатлари билан тасдиқлаб бориши лозим.

Корхона рахбари эса аудиторлик текшируви учун тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг тугрилиги учун жавобгардир. Масалага бошка тарафдан ёндашсак текширув жараёнида аудитор узини кейинчалик юзага қилиши мумкин булган асоссиз даъволардан саклаш қораларини қуриб бориши керак.

Шу жойда эътибор бериладиган нарсаяна шундан иборатки, аудитор масалага аниқлик киритиш мақсадида учинчи шахслардан олаётган маълумотларга ута эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим. У корхона рахбари ёки бошка раҳбар ҳодимлар билан қариндошчилик белгилари бор ёки текширилаётган бизнесда улуши мавжуд шахсларнинг маълумотларидан фойдаланмасликка ҳаракат қилиши лозим. Агар улардан фойдаланишга мажбур булиб қолинса, улар тамонидан тақдим қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний тарзда расмийлаштириб топширилишини талаб қилиши лозим булади.

4. Корхонанинг активлари ва мажбуриятлари, мулки ва товар-материал қийматликларини ёппа ёки танланма йўқламадан (инвертаризациядан) утказиш ҳуқуқи.

Бу ҳуқуқ корхона активлари, мажбуриятлари ҳамда товар материал қийматликларини ҳақиқий ҳолатини молиявий ҳисобот маълумотларига мос тушиши ёки тушмаслигини аниқлаш учун жуда зарур. Чунки аудиторлик

текширувини асосий мақсадларидан бири молиявий ҳисобот маълумотларни тугрилиги тугрисида хулоса беришдир.

5.Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга маълум бир партида нозорат остида бериш, хом ашё, материаллар, ёкилги ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини текшириб куриш ҳукуки.

Бу ҳолат аудиторга ишлаб чиқаришга сарфланаётган хом ашё, материаллар, ёкилги ва бошқа материал қийматликларнинг ҳақиқатда тайёр маҳсулот ва чиқинди бериш коэффициентини аниқлаш ва бу ҳолатга моддий ҳаражатлар сифатининг таъсирини урганиш учун зарур.

6.Асосий фондларнинг техник ҳолати ва технологик режимга риоя қилиш шартларини урганиш учун шу соҳа мутахассисларини жалб қилиш ҳукуки.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида корхона бизнесининг муваффақияти куп томондан унда кулланилаётган техника ва технологияга боғлиқ. Бу соҳада асосли фикр айтиш учун шу соҳани тушуновчи, ундаги янгиликлардан хабардор бўлган, ушбу тармок корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича катта тажрибага эга бўлган мутахассиснинг катнашиши фойдадан холи эмас.

7.Бошқа корхоналар, банклар, сугурта компаниялари, сармоя ва нафақа фондлари ва шу қаби ташкилотлардан корхона билан амалга оширган ҳужалик муоммалаларини тасдиқловчи ҳужжатлардан нусхалар сураш ва маълумотномалар олиш бўйича суров бериш ҳукуки.

Бу ҳукук аудиторга тугрилигига шубҳа тугилган ва уни корхона маълумотлари билангина солиштириш қутилган натижаларни бермайдиган ҳолатларга аниқлик киритиш учун зарур. Бу шароитда ҳам аудитор учинчи шахслар бераётган ҳужжатларнинг нусхаси ва маълумотномаларнинг тегишли тарзда расмийлаштирилиши лозимлигини ёдда тутиши лозим.

8.Конундан четга чиқишлар ва расмийлаштиришда катта ҳатоликларга йул қуйилган ҳужжатлар аниқланган ва уларнинг сакланишига қафолат йук бўлган ҳолатларда уларни белгиланган тартибда уз сакловига олиш ҳукуки.

Бу ҳолат кейинчалик маъсул шахслар билан юзага келадиган келишмовчиликларни олдини олади ва аудиторни муайян йуналиш бўйича уз хулосаларини билдиришда далил бўлиб хизмат қилади.

9.Аудиторнинг мижоз корхона иш фаолиятига боғлиқ масалалар қурилаётганда таъсисчилар (акционерлар)нинг умумий йигилишлари, директорлар кенгаши ёки фирма раҳбариятининг ишчи йигинларида катнашиш ҳукуки.

Бу ҳукук аудиторга корхонадаги умумий рухий ҳолатни ва ундаги юзага келаётган муаммоларга корхона раҳбарияти ва оддий акционерларнинг билдираётган муносабатларини урганиш учун жуда зарур бўлиб, аудитор уз хулосасини расмийлаштираётганда уларни ҳисобга олиши мумкин.

Аудиторлик хизмати қурсатиш фаолиятини юкори таваккалчилик даражаси билан боғлиқ бизнес тури эканлиги унга юклатилган масъулиятда уз аксини топади. Аудиторлик фирмалари ва мустақил тарзда шу бизнес билан

шугулланиб келаётган аудиторларнинг иши, асосан улар фаолият курсатаётган давлатнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ҳам Аудиторлар Палатаси томонидан назорат қилинади.

Эстония Республикасида бу вазифа Молия Вазирлиги қошида фаолият курсатувчи "Аудиторлик фаолияти бўйича кенгаш"га юклатилган (2.146-147 б)

Давлат аудиторларининг фаолиятини шундай текширувларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар назорат қилишлари мумкин. Масалан АКШ конгресси ва АКШ бюджет-назорат бошқармаси (U.S.General Accounting Office-GAO) давлатдан ажратмалар субсидиялар, шартномалар, кооперация бўйича битимлар, кредитлар, кредитлар бўйича қаровлар, қўшма мулк, сугурта ҳамда ёрдам олаётган штатлар ва маҳаллий ҳукумат идораларининг фаолиятларини аудиторлик текширувидан ўтказувчи аудиторлар ишини АКШнинг 1984 йили қабул қилинган "Аудит тугрисидаги ягона қонун" шартларини бажариш бўйича назорат қилиш ҳуқуқига эга.

Аудиторнинг хизмат курсатиш билан боғлиқ масъулиятини ҳар қандай қонуний ҳужжатларга асосланиб аудиторлик фирмаси (аудитор) билан мижоз қўшма уртасида тузиладиган шартномаларда аниқлаштирилади. Аудиторнинг масъулият қўшма профессор В.П.Суйц таъкидлаганидек, ўрта шартли қисмга бўлиш мумкин:

- мижоз олдидаги жавобгарлик;
- фуқаролик қонунчилиги асосида ўзининг шахслар олдидаги жавобгарлик;
- жиноий жавобгарлик. (3.90б)

Аудиторнинг мижоз олдидаги жавобгарлиги қўшма ҳолатлар юз берганда юзага келади:

- аудиторлик текшируви натижалари қўшма юборилган бўлса;
- текширув ёки консалтинг хизмати сифатсиз тарзда амалга оширилган ва бу ҳолат қайта текширувни талаб қиладиган бўлса;
- текширув натижалари объектив ёритилмаган бўлса;
- қонундан четга чиқиш ва суистеъмол қилиш ҳоллари тулик ёки қисман берқилинган ёки қайтариб қўшма бўлса;
- текширув натижаларига қўшма нотўғри ва асоссиз ҳулосалар қилинган ва қўшма зарар қўшма тулик аниқланмаган бўлса;
- аудитор хизмат вазифасидан қўшма мақбул мақсадларда қўшма бўлса;
- текширув маълумотларини қўшма ошқора қилган ва кейинчалик текширув натижасида уларнинг қўшма (қўшма) таъкидланмаган ва уни ошқора қилиш далилларни қўшма қилинишига олиб қўшма бўлса;
- шартнома шартлари тулик қўшма бўлса.

Бундан ташқари аудитор текширув қўшма ўзи томонидан қўшма қилинган мутахассислар ишининг сифати ўқун ҳам мижоз олдида жавобгардир.

Ҳар қандай қонунларга қўшма аудиторлар ўқунинг шахслар олдида ҳам ўз фаолият натижалари бўйича жавобгардирлар.

Аудиторлик текшируви қўшма мижоз қўшманинг акционерлари, ў билан иқтисодий алоқада бўлаётган қўшмалар, банклар, қўшмалар, сугурта

компаниялари, сармоя ва нафақа фондлари ва бошқа кредиторлар учинчи шахслар бўлиб юзага чиқишлари мумкин.

Сифатсиз ёки нотугри утказилган аудиторлик текшируви ёки мижоз билан келишилган ҳолда бузиб курсатилган молиявий ҳисобот маълумотлари буйича иш қилиш натижасида юқорида тилга олинган корхоналарга зарар етса, улар аудиторни мулкӣ, маъмурий ва ҳатто жиноӣ жавобгарликка тортишлари мумкин.

Мана шу оқибатнинг олдини олиш учун аудитор шартномада текширув натижаларидан учинчи шахсларни огоҳ қилиш ҳолатига аниқлик киритиб олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тугрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида аудиторнинг жавобгарлиги қуйидагича берилган;

Аудитор ва аудиторлик фирмаси аудиторлик текширувлари утказиш чоғида ушбу қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунӣ ҳужжатларини бузганлиги учун:

- Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ мулкӣ ва маъмурий жавобгарликка;

- лицензия берган идоранинг қарорига мувофиқ аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилинишини тухтатилишигача ёки бундай лицензиядан маҳрум этилишигача бўлган интизомӣ жавобгарликка тортиладилар (1.43б).

Аммо қонуннинг бу моддаси аудитор қайси ҳолатларда лицензиядан маҳрум қилиниши мумкин ва у қанча вақтдан кейин фаолиятини тиклаш учун суров билан мурожаат этиши мумкин деган саволларга жавоб бермайди.

Россия Федерациясининг "Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш буйича Муваққат Низом"ининг 25-бандига қўра аудиторлик фаолиятини амалга ошириш буйича берилган лицензиялар қуйидаги ҳолатлар юз берганда бекор қилинади:

- а) лицензия берилгандан кейин, аудитор(аудиторлик фирмаси) томонидан лицензия олиш учун берилган аризада нотугри маълумотлар борлиги аниқланса, ҳамда аудитор томонидан аттестация комиссиясининг тегишли тарзда расмийлаштирилмаган ёки муддати утиб кетган рухсатномаси асосида ҳулоса топширилган бўлса;

- б) аудитор (аудиторлик фирмаси) лицензияда курсатилмаган фаолият билан шугулланса;

- в) аудитор (аудиторлик фирмаси) томонидан текширув натижасида олинган маълумотларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида бирор бир қимсага бериш ҳоллари юз берса;

- г) Россия федерацияси қонунларида курсатилган ҳоллардан ташқари, аудитор (аудиторлик фирмаси) томонидан ҳужалиқ юритувчи субъект раҳбарининг розилигисиз текширилган ҳужжатлар ва аудитор ҳулосасининг мазмунини ошқора қилиш ҳолати юз берса;

д) аудиторлик фаолияти билан шугулланаётган шахсга нисбатан, уни муайян вазифани эгаллаши ёки молиявий хужалик муносабатлари соҳасида муайян фаолият тури билан шугулланиш ҳукукидан маҳрум қилиниши кузда тутган жиноий иш бўйича суд қарорининг қонуний қучга кириши ҳолати юз берса;

е) аудиторлик фаолияти билан шугулланиш учун лицензия берган идоранинг шу лицензиянинг эгаси бўлган аудитор (аудиторлик фирмаси) ни мунтазам равишда (уч ва ундан ортиқ марта) сифатсиз утказган текширувлари ёки курсатган аудиторлик хизматлари бўйича уни шу ҳуқуқдан маҳрум қилиш мақсадида судга ёки арбитраж судига мурожаати асосидаги қарор қонуний тарзда қучга кирса.

Бошқа асосларга қура лицензиядан маҳрум қилишга йул қуйилмайди (3.104-105б).

Эстония республикасида ҳаракат қилаётган аудит тугрисидаги қонуний ҳужжатларга қура аудитор узига қуйилган талаб чегарасидан чиқиш ҳолларини содир қилса аудиторлик фаолияти бўйича кенгаш томонидан жазоланиши мумкин. Бу жазо-курсатиб утиш, хайфсан эълон қилиш ва лицензиядан маҳрум қилиш ҳолида бўлиши мумкин. Аудиторлар малака гувоҳномасидан қуйидаги ҳолларда маҳрум қилинишлари мумкин;

а) агар аудитор томонидан утказилган текширув бир неча бор сифатсиз бўлиб чиқса;

б) агар аудитор уз фаолиятини акс эттириб боровчи қундалиқ тутмаган ва уни кенгаш томонидан белгиланган муддатларда назорат учун тақдим қилмаган бўлса;

в) бошқа ҳолатларда, агар аудитор уз фаолиятини Эстония республикасининг қонунлари ва аудитор учун белгиланган талабларни бир неча бор қупол тарзда бузган бўлса.

Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳукукидан маҳрум қилинган аудитор шу ҳолат юз берган санадан энг камида уч йил утқач, умумий тарзда аудитор ҳуқуқини олиш учун тегишли идораларига суров билан мурожат қилишлари мумкин (2.147б).

Аудитор миждоз қорхонага, учинчи шахслар ва давлатга етказган зарари учун мулкӣ жавобгарлика ҳам тортилиши мумкин. Бу ҳолат чет давлатларда муқаммал ишлаб чиқилган ва унга иқтисодиети ривожланган мамлакатларда жиддий эътибор берилади. Жаҳон аудит амалиёти тажрибасини урганиш шуни курсатадики, сифатсиз аудиторлик текширувидан моддий зиён қурган қорхона шу зарарни етказган фирмадан Германияда 500 минг маркагача, Австрияда 250 минг шиллинггача, АКШ да 100 қарра, Россия Федерациясида эса аудиторлик фирмасидан 500 ва аудиторлик билан тадбирқор сифатида шугулланаётган шахсдан эса 100 минимал иш хақи миқдорида ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Аудиторлар АКШда "уз қасби билан боғлиқ хизматларни сифатсиз бажарганлиги натижасида юзага қелган мулкӣ зарар учун жарималар ва қамок қазосини уз ичига олган жиноий жавобгарликка ҳам тортилишлари мумкин" (5.91б).



Узбекистон республикаси Фуқоролик Кодексининг 1 қисм 14 моддасига биноан ҳуқуқи бузилган шахс (мижоз) айбдордан узиға етказилган зарарни тулиғича туланишини талаб қилиб олиши мумкин. Ушбу Кодекснинг 1 қисм 48 моддасига қура ҳуқуқий шахс (аудиторлик фирмаси) уз мажбуриятлари бўйича бутун мулки билан жавоб беради. Фуқоролик кодексининг 1 қисм 1022 моддасида айбдор тамондан зиен қурган тамонга маънавий тавон пули туланиши ҳам қузда тутилган. Аудитор тамонидан текширув жараенида қонунбузарлик қоллари ,бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни юритишда йул қуйилган жиддий қатоликларни берқитиш қолларига йул қуйилса, у Фуқоролик Кодексининг 179 моддасига биноан ўқдан беш минимал иш ҳақи миқдориға қаримаға тортилиши мумкин.

Узбекистон Республикасида аудит хизматлари бозорининг 5 йиллик тажрибасини ўрганиш шуни қурсатадики, мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини тартибға қолувчи қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг муқаммал эмаслиғи, аудитнинг миллий андозаларининг йуқлиғи ва услубий асоснинг қали эътиборға қойиқ тарзда қаратилмағанлиғи, ўзбек тилида амалий қолланмаларининг қамлиғи, қамда аудиторларни қали етарли тажрибаға эға эмаслиғи шароитида ўларға Фуқоролик Кодексининг 1 қисм 14 моддасида ва "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ғи Қонуннинг 12 моддасида қузда тутилган жавобқарлик қораларини қоллаш жуда қуп муқахассисларни тез орада судма-суд қарсон бўлиши ва энди томир отиб қелаётган аудит тизимиға жиддий зиен етиб қолиши мумкин. Биз, аудиторлик

тизимини оёққа туриб олғуниға ва ўнинг муқаммал услубий асоси қаратилғуниға қадар тажрибасизлиғи оқибатида қатоликка йул қуйган аудиторлар ва аудиторлик фирмаларига қуйидағи интизомий қоралар қолланишини тақлиф қиламиз:

- а) оғохлантириш бериш;
- б) қайфсан эълон қилиш;
- в) лицензия қаракатини вақтинчалиқ тўхтатиб қуйиш;
- г) лицензияни қақириб олиш;
- д) аудиторлар сақидан бутунлай қикариш.

Лицензияси қақириб олинган аудитор (аудиторлик фирмаси)ға уз қаракатлари юзасидан қулоса қикариб олиши, муқахассислари сиқатини қахшилаши, текширув услубларини тақомиллаштириб олишлари ва бошқа зарур қолатлар ўқун 3 йил муқдат бериш мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу муқдат ўтғач, аудиторлик фирмаси уз фаолиятини тиклаш ва янғи лицензия олиш ўқун теғишли идораларға белғиланган ҳужжатларни топширишларига рўхсат бериш мумкин.

Мижозға етказган моддий зарари ўқун эса янғи ташқил қилинган аудиторлик фирмасини солиқлардан имтиезлар қаракат қилиш даврида 100 минимал иш ҳақи суммаси миқдорида қаримаға тортиш тартибини қиритиш мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Фаолиятининг ўчинчи йилидан бошлаб эса аудиторлик фирмаларининг масъулият даражасини 500 минг сум миқдорида



белгилаш мумкин.Чунки уртача даражада фаолият курсатган аудиторлик фирмаси бу давр ичида камида 500-700 юз минг сум микдорида мулк яратиши мумкин.

## **2.Аудитор ишини режалаштириш.**

Аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнида халқаро аудит меъёрларининг 2-сонли "Аудиторни миждоз олдидаги мажбурият хати ",3- сонли "Аудитни тартибга солувчи асосий принциплар", 4-сонли "Режалаштириш " номли андозаларидан фойдаланиш таклиф этилади.

Бу андозаларда илгари сурилган асосий мазмун аудиторлик текширувини сифатли ва уз вақтида амалга ошириш учун режалаштириш жараёнининг зарурлигини асослаб беришдир.

Аудитор уз ишини шундай режалаштириши керакки, бу нарсa унга белгиланган вақт ичида корхона молиявий ҳисоботи, бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларининг тугрилигини аниқлаш, амалга оширилган ҳужалик муомилаларининг қонунийлиги ва уларни бухгалтерия ҳисобларида акс эттириш тугрилиги ҳақида ҳолисона ҳулоса қабул қилиш имконини бериши лозим.

Режа миждоз корхона фаолияти тугрисида тупланган маълумотларга асосланиши лозим.Миждоз тугрисида маълумотлар туплаш утказилиши қутилаётган аудиторлик текширувининг мақсадлари билан боғлиқ.

Аудиторлик текширувлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

- бухгалтерия ҳисоботи ва ички назоратга баҳо бериш;
- молиявий ҳисобот қурсатқичлари тугрилигини текшириш;
- корхонани давлат тасаррувидан чиқариш ва ҳусусийлаштиришга тайёрлаш;
- валюта операцияларининг тугрилигини текшириш;
- акциялар ва бошқа қимматбаҳо қозғалар чиқариш тугрисида тавсия қилинган маълумотларни тасдиқлаш;
- корхонанинги молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- корхона маҳсулотларига ички ва ташқи бозордаги талаб даражасини урганиб бериш;
- корхона имқониятларидан қелиб чиқиб рақобат қилувчи фирмалар билан қурашишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва бошқалар

Аудитор текширувнинг мақсади ва олдига қуйилган вазифаларидан қелиб чиқиб миждоз тугрисида маълумотлар йиғишга ва бир қатор дастлабки ҳаракатларни амалга оширишга қиришади. Жумладан:

1.Аудитор агар миждоз янги бўлса у билан ҳамқорлик қилиш керакми, йукми, агар у илгарида алоқа қилиб қелаётган миждоз бўлса у билан муносабатларини

давом эттириш мақсадга мувофиқми, йўқми деган саволларга жавоб бериши лозим.

Туплаган маълумотлари бўйича аудитор бу фирмаларни фирибгарлик, ҳисобот маълумотларини сохталаштириш, активларини узлаштириш ва аудиторларга тазйик утказишга ҳаракат қилишда айбланганликларини аниқласа текширувдан воз кечиши мумкин.

2.Аудитор миқжозни аудитор хизматидан фойдаланишга мажбур қилган сабабларни аниқлаши лозим.

Бу маълумотлар аудиторлик текшируви таваккалчилигини аниқлаш учун зарур бўлади. Чунки корхона инкирозга юз тутаетган, тулов шартларини мунтазам бузиб келаетганлиги учун судга берилган мулкани мусодара қилишга тайёрланаётган, ноқонуний фаолият юритишда ва фойдани яширишда айбланаётган бўлса таваккалчилик даражаси жуда юқори бўлади ва бу ҳолатда аудиторлик фирмаси уз тажрибаси ҳамда ходимларининг билимини ҳисобга олган ҳолда бу буюртмани олиш ёки олмаслик тугрисида қарор қабул қилиши керак.

3.Аудитор миқжоз фирма билан иқтисодий алоқада булаётган ҳужалик субъектлари тугрисида атрофлича маълумот йиғиши лозим.

Бу нарса аудиторлик текшируви натижаларини истеймолчиларини аниқлаш ва ҳулосаларини расмийлаштиришда уларнинг эҳтиёжларини туларок ҳисобга олиш имқонини беради.

4.Аудитор миқжоз корхона тугрисида имқони борица тула маълумотга эга булиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу маълумотлар корхона фаолиятининг қуйидаги томонларини ёритиши лозим:

- корхона ишлаб чиқаришининг ҳусусиятлари ва қуламлари;
- корхона махсулотининг истеймолчилари;
- махсулотларнинг янги турларини яратиш борасида олиб борилаётган изланишлар, тадқиқотлар;
- фирманинг истеймол бозоридаги урни ва ишбилармон доиралардаги унинг мақвеи;
- корхона бизнесининг ривожланиш истикболлари;
- корхонадаги моддий техника таъминоти ва махсулотларни сотиш тизимида қулланилаётган усуллар;
- корхонадаги бошқарув тизими, унинг раҳбарияти ва ходимларининг тарқиб, уларнинг ёши ва билим даражалари;

5.Аудитор узини, аудиторлик фирмасини ва унда ишлаётган ходимларни миқжоз корхона манфаатлари билан боғлиқлик даражасини урганиб чиқиши лозим.

Бу ҳолат аудиторлик текширувини муқтақиллик, ҳолислик принципини таъминлаш учун зарур.

Агар фирма ходимларини, ёки уларнинг оилаларини миқжоз корхонага алоқадорлиги бўлса ва у аудитни ҳолислигига таъсир этиш қучига эга бўлса фирма ёки аудитор бу буюртмани бажаришдан воз кечиши лозим.

Мана шундай маълумотларга эга булгач,агар аудитор буюртмани олиш уринли, деб хисобласа,уз розилигини миждозга маждурият хати оркали ёзма равишда билдиради.

Маждурият хатининг шакли ва мазмуни миждознинг тилакларидан келиб чикиб турлича булиши мумкин.

Шу билан биргаликда халкаро аудит андозаларига кура маждурият хатида асосан куйидаги холатлар хисобга олиниши кузда тутилади:

- молиявий ахборотларни аудиторлик текширувидан утказишнинг максоди;
- корхона рахбариятини молиявий ахборотлар учун маъсулияти;
- харакатдаги конунлар,андозалар,касб идораларининг курсатмаларига ишораларни хисобга олган холда аудит кулами;
- текширув натижасида олинадиган хисоботлар ёки бошка ахборотларнинг шакли;
- аудиторлик текширувини утказиш учун ажратилган вақтни чегараланганлигини хисобга олиб,шу вақт ичида текширув канчалик тулик олиб борилса ҳам,ёлгон маълумотларни аникланмай колиш эхтимолини мавжудлигини курсатиш;
- аудиторлик текшируви билан боглик маълумотлардан бемалол фойдаланиш имкониятини яратиш лозимлиги.

Булардан ташкари аудитор хатга яна куйидаги холатларни ҳам кушиши мумкин:

- аудитни режалаштиришга таалукли битим;
- миждоздан маждурият шартларига розилигини тасдиклашни сураш;
- миждоз учун тузиб берилиши кузда тутилаётган бошка бирор бир хат ёки хисоботлар тафсифи;
- хизматни такдирлаш буйича таклифлар

Буларга аниклик киритилгач, унга яна куйидаги холатлар ҳам кушилиши мумкин:

- аудитнинг айрим йуналишларига бошка аудиторлар ва экспертларни жалб килишга таълукли битим;
- текширувга ички аудиторлар ва миждознинг бошка ходимларини жалб килишга таълукли битим;
- агар имкони булса аудитор маждуриятларини хар канакасига камайитиришга харакат;
- миждоз билан аудитор уртасида кейинчалик юзага келиши мумкин булган битимларга ишора ( 1.146).

Куйида жахон андозалари буйича таклиф килинган аудиторнинг миждоз олдидаги маждуриятлари тугрисидаги хат намунаси келтирилади.

"Чинор" хиссадорлик жамияти

директорлар кенгашининг раиси,

жаноб

Солиев Б.К.га

Хурматли жаноб Солиев!

Сиз бизга компаниянгизни утган хисобот даври учун тузилган баланси, фойда ва зарарлар хисобвароги, ҳамда молиявий ҳолатдаги узгаришлар тугрисидаги хисоботини аудиторлик текширувидан утказиб беришни сураб мурожаат қилибсиз.

Биз фирмамизга ишонч билдирганингиз учун сизга миннатдорчилик изхор қиламиз ва бу мажбуриятни зиммамизга олишга рози эканлигимизни билдираамиз.

Ушбу хатнинг мақсади компаниянгизни аудитори сифатида ҳаракатларимиз асосини аниқлаш, сизга ва бизга тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаб олишдан иборат.

#### 1. Аудит

1.1. Аудиторлик текшируви бухгалтерларни халқаро федерацияси томонидан тавсия қилинган жаҳон андозалари ва мамлакат ҳудудида ҳаракат қилаётган қонуний ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

1.2. Текширув жараёнида молиявий хисоботни ҳисоб амалиёти ва қонун талабларига асосан тузилганлиги ва уларда акс этган маълумотларни тугрилиги урганиб чиқилади.

1.3. Молиявий хисоботни тугри тузилганлиги ва у компаниядаги ҳақиқий ҳолатни ҳолисона акс эттирганлиги тугрисида уз фикримизни билдириш учун қуйидаги саволларни урганиб чиқишимиз лозим бўлади:

а) компанияда бухгалтерия счёти тугри юритиладими, шахсан бориб қурилмаган бўлимлардан олинган маълумотлар аудиторлик текширувини утказиш учун етарлими;

б) компанияни баланси, фойда ва зарарлар хисобвараги бухгалтерия хисобварақларида акс эттирилган маълумотларга мос тушадими;

в) қиндан ҳам аудиторлик текширувини утказиш учун тулик хборот ва тушинтиришларга эга бўлдикми;

г) компания бошқаруви ҳисоботида қурсатилган маълумотлар текширалаётган молиявий хисоботда акс эттирилган маълумотларга мос тушадими;

1.4. Ҳаракатдаги қонунларга қура компанияга тегишли ҳисоб регистрларини юритиш ва молиявий хисоботни тугри ва объектив тузиш масъулияти сизга юклатилганлигини таъкидлаб утаамиз.

1.5. Аудиторлик текширувини самарали утказиш учун ҳужалик муомилалари акс этган барча бухгалтерия ҳужжатлари, бошқа маълумотлар, ҳиссадорлар йиғилишлари ва директорлар кенгашининг қарорлари ҳамда директорлар кенгаши раисини ҳисоботидан тулик фойдаланишга ва компаниянинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий масалалари қурилаётган барча йиғилишларда қатнашишга руҳсат беришингиз лозим.

1.6. Зарурият тугилса аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган саволларга берган оғзаки жавобларингизни сиздан ва компаниянинг бошқа

масъул ходимларидан ёзма равишда тасдиқлашингизни сураб мурожаат қилишимиз мумкин.

1.7.Аудиторлик текшируви давомида касб талаби нуктаи назаридан молиявий ҳисоботни тузишда йул қуйилган ноаниқликлар, ҳатоликлар ва қонунбузарлик ҳолларини аниқлашимиз лозим бўлади. Бундай ҳолатлар учун жавобгарлик сизнинг зиммангизда эканлигини таъкидлаб утамиз.

Аммо, биз ҳатолар ва қонундан четга чиқиш ҳолларини махсус кидириш билан шугулланмаймиз ва бу ҳолат аудитнинг асосий мақсадига қирмайди.

1.8.Фаолият йуналишлари бўйича аниқланган ҳар бир камчилик ва қонунбузарлик ҳоллари бўйича сизга уз вақтида тулик ахборот бериб турамиз.

1.9.Аудиторлик текшируви учун ажратилган вақтнинг чекланганлиги ва айрим ҳолларда компания ички назорати маълумотларига ишонч билдириб иш қурганлигимиз учун қорхона фаолиятига сезиларли таъсир қурсатмайдиган айрим камчиликлар аниқланмай қолиши мумкин.

2.Хизмат ҳақи ишнинг ҳажми, масъулият даражаси ва текширувни амалга ошириш учун кетадиган вақт сарфи ҳамда текширувга жалб қилинган мутахассисларнинг малака даражасидан қелиб чиқиб белгиланади ва аудиторлик текширувини утқозиш бўйича шартнома баҳосини қелишиш тугрисидаги баённомада акс эттирилади.

Ҳатдаги ҳолатлар агар узғариш юз бермаса бир аудиторлик текширувидан иккинчисиғача бўлган давр ичида қучга эга.

Ҳатда баён қилинган ҳолатларга эътирозингиз бўлса, хабар беришингизни сураймиз ва уз томонимиздан қарашлардаги мавжуд қелишмовчиликларни биргаликда ҳал қилишга тайёр эканлигимизни билдирамыз.

Агар ҳат мазмуни сизни қаноатлантирса уни имзолаб, бир нусхасини бизга қунатишингизни сураймиз.

Ҳурмат билан : “Аудит-Сервис”аудиторлик фирмасининг директори  
Э.Муйдинов  
1998 йил 10 январь  
Андижон шаҳри

Агар миқоз компанияда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиб бериш, алдов ва қонунбузарлик ҳолатларни аниқлаб бериш ёки солиқлар бўйича маслаҳатлар беришни сураб мурожаат қилган бўлса бу ҳолатлар ҳатда алоҳида акс эттирилиши ва бу йуналишлар бўйича миқознинг топириги аниқлаштирилиб олиниси лозим.

Миқоз фирма раҳбариятини ҳатдаги ҳолатлар қаноатлантирса у аудиторлик фирмаси (аудиторга) уз розилигини ёзма ҳолда баён қилади. Шундан сунг аудитор текширувни утқозиш бўйича иш режасини тузишга қиришади.

Аудит амалиётида иш режасини тузишдан аввал корхона маълумотлари буйича дастлабки аналитик шархни амалга ошириш таклиф килинади. Америка олими Д.К Робертсоннинг фикрича дастлабки аналитик шарх маълум конунбузарликларга таълуқли хатоликлар мавжуд булган ҳисобварақларни аниқлаш ва келгусида уларни чуқурроқ урганишга эътиборни қаратиш имконини беради. Д.К Робертсон дастлабки аналитик шархни амалга оширишда аудиторга қуйидаги курсаткичларни урганиб чиқишни таклиф қилади

1) Дастлабки аналитик шарх маълумотлари аудиторга миқоз қўллаётган бухгалтерия ҳисоби, ички назорат тизими, аудитор тамонидан миқознинг хатоларини аниқланмай қолиши, ҳамда аудиторлик текширувининг самарасизлиги буйича таваккалчилик даражасини аниқлаш имконини беради.

Аудитор текширув жараёнида қандай ҳолатлар ва қийинчиликлар билан тўқнаш қолиши мумкинлигини аниқлаб олгандан кейин текширув режасини тузишга киришади. Унда қуйидаги йўналишларни қўзда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- аудиторлик текширувининг олдида қўйилган вазифалар;
- текширувдан утқизиш қўзда тутилаётган йўналишлар;
- текширув жараёнида алоҳида эътиборни жалб қилиш лозим булган фаолият йўналишлари;
- текширувни утқизиш кетма кетлиги;
- вақт сарфи;
- аудиторлар ўртасида вазифалар тақсимоли;
- ҳар бир йўналиш буйича текширувга тортиладиган давр;
- ҳар бир йўналиш буйича текширувни утқизиш усули;
- ички аудитор ишидан фойдаланиш мумкин булган ҳолатлар;
- экспертлар ва бошқа аудиторлар хизматидан фойдаланиш зарур булган ҳолатлар;
- ҳар бир оралик ва якуний босқичнинг натижаларини расмийлаштириш шакли;
- ҳулосалар

Аудиторлик текшируви режаси тайёр булгач, аудитор уни танишиб чиқиш ва ўз фикрини билдириш ўчун миқоз корхона раҳбарига тақдим қилади. Фикрлардаги номувофиқлик бартараф қилиниб, режа раҳбарият томонидан маъқуллангач, корхонада аудиторлик текширувига тайёргарлик буйича ҳаракат бошланади. Корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси фирмани аудиторлик текширувига тайёрлаш буйича тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг ҳар бирини бажариш буйича масъул ходимларни ва ишларни амалга ошириш вақтини белгилаб қўядилар.

Корхонани аудиторлик текширувига тайёрлаш ўчун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- корхонани фаолият юритишига асос булувчи ташкилий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш ва мазмунини урганиб чиқиш;



Бунда таъсис хужжатлари, корхонанинг Низоми ва фаолият турларини амалга оширишга рухсат берувчи лицензияларнинг мавжудлиги ва фаолиятнинг ҳозирги ҳолатини шу хужжатларга мос тушиш ёки улардан четга чиқиш ҳолларининг мавжудлиги урганилади.

- корхона фаолиятини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий хужжатларнинг мавжудлигини йўқламадан утказиш;

Бундай хужжатларга, бухгалтерия ҳисобини юритиш, солиқ турларини ҳисоблаш, имтиёзлар бериш, хизмат сафари харажатларини қоплаш тартиби ва бошқа ҳужалик муомилаларини юритиш бўйича қонун, низом ва йуриқномалар қиради.

- корхона фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужалик қоидаларининг мавжудлиги ва мазмунини урганиш.

Бундай хужжатларга бевосита корхона томонидан ишлаб чиқилувчи ва мулк, ер муносабатларини, дивидендлар тулаш, меҳнат ҳақи, моддий рағбатлаштириш, ижтимоий туловларни амалга ошириш ва бошқаларни тартибга солувчи хужжатлар қиради. Бундан ташқари уларга бухгалтерия ҳисоби хизматини тартибга солувчи, хужжатлар айланиши графиги, хизмат ходимларининг лавозимига таълуқли курсатмалар ва бошқалар қиради.

- корхонанинг ҳамкорлар ва моддий жавобгар шахслар билан шартнома муносабатлари ҳолатини текшириш;

Бундай хужжатларга миқдорнинг мол етказиб берувчилар, пудратчилар, харидорлар, буюртмачилар, кредит ташкилотлари, мулкни ижарага олиш, ҳамкорликда фаолият юритиш тугрисида тузган шартномалари, меҳнат битимлари ҳамда моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тугрисидаги битимлар қиради.

- бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги ҳолатини меъёрий хужжатларга мос қилиши даражасини урганиб чиқиш;

Текшириш жараёнида меъёрий хужжатлардан сезиларли четга чиқиш мавжудлиги ва уларни молиявий ҳисобот натижаларига таъсири қучлилиги аниқланса, бу ҳолатларни аудитор корхона раҳбарияти билан ҳал қилиш мақсадида белгилаб қўйиши лозим.

- ички назорат тизимининг ҳолати ва уни талабга жавоб бериш даражасини урганиб чиқиш;

Корхона раҳбариятига ҳаракатдаги қонунларга қўра самарали ички назоратни ташкил қилиш вазифаси юқлатилган. Ички назорат бухгалтерия хизматининг вазифасига қиради. Лекин айрим молиявий бакуват корхоналар ички назоратни амалга ошириш учун бевосита директорлар совети ёки ҳиссадорлар йиғилишига бўйсунадиган ички аудиторлик хизматини ташкил қилишлари ҳам мумкин. Бу ҳолда ички аудит бўйича ҳиссадорлар йиғилиши томонидан тасдиқланган Низом бўлиши лозим.

- корхонада иш юритиш тартиби ва ҳолатини урганиб чиқиш;

Бунда таъсисчилар, хиссадорлар йиғилишларининг, бошқарув мажлисларининг баёнлари, фармойишлар, буйруқларнинг мавжудлиги ва сақланиш ҳолати урганиб чиқилади.

- корхонада ишлаб чиқариш ва тижорат сирини ташкил қилувчи ҳужжатларнинг бутлиги ва уларнинг сақланиш ҳолатини урганиб чиқиш;

Корхона сирини ташкил қилувчи ихтиролар, патентлар, муалифлик гувоҳномалари, тажриба намуналари, лойиҳалар, "Ноу-хаулар" ва бошқалар белгиланган тартибда сақланиши лозим. Агар улар билан танишиш текширув режасига киритилган бўлса, аудитор фирма раҳбарияти томонидан корхона сирини ташкил қилувчи маълумотлар билан ишлаётганлиги тугрисида огохлантириб қуйилиши лозим.

Аудиторлик фирмаси (аудитор) корхона текширувга тайёрлаш ишларини олиб бораётган вақтда аудиторлик текшируви режасини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш билан шугулланади.

Қуйида аудит назарияси билан шугулланувчи олимлар ва амалиётчиларнинг фикрларини урганган ҳолда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган аудиторлик текширувнинг ишчи дастури таклиф қилинади.

1-боскич. Корхона молиявий -хужалик фаолиятига ташкилий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан аудиторлик баҳосини бериш

- корхонанинг ташкилий тузилиши ва фаолият юритишига асос бўлувчи ҳужжатларни текширувидан утқозиш;

- корхонанинг бухгалтерия ҳисоби бўйича олиб бораётган сиёсатига баҳо бериш;

- корхонадаги ички тартиб ва ички хужалик бўлимларининг хизмат вазифаларини белгиловчи қоидалар билан танишиш;

- ички назорат тизимига баҳо бериш;

- бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратни автоматлаштириш даражасига баҳо бериш;

- утган даврлар учун тузилган солиқ нозирининг далолатномалари ва аудиторлик ҳулосалари билан танишиш;

- бухгалтерия ҳисоботини ҳисоб амалиёти ва ҳаракатдаги қонунчиликка мос тушишига баҳо бериш;

- ҳамкор томонлар ва моддий жавобгар шахслар билан шартномаларни расмийлаштириш ҳолатига баҳо бериш;

- корхонада иш юритишни ташкил қилинишига баҳо бериш;

- корхона сирини ташкил қилувчи маълумотларни сақланиш ҳолатини урганиш ва баҳолаш.

2-боскич. Молиявий ва хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утқозиш

Бу боскичда:

- корхона газнаси, ҳисоб, валюта ва банкдаги бошқа ҳисобларда сақланувчи пул маблағлари, пул ҳужжатлари ва қатъий ҳисобдаги қозғалар;

- ҳисоблашишлар билан боғлиқ маълумотлар;

- а) меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар;
- б) ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар;
- в) мол етказиб берувчилар, пудратчилар, харидорлар, турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар;
- г) бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоблашишлар;
- д) ижтимоий сугурта ажратмалари бўйича ҳисоблашишлар;
- е) фахрийлар ва бандлик фондига ажратмалар бўйича ҳисоблашишлар;
- ж) ҳиссадорлар билан ҳисоблашишлар;
- мол-моддий кийматликлар, арзон баҳо ва тез эскирувчан буюмларнинг ҳолати ва ҳаракати;
- асосий воситалар ва номатериал активлар;
- капитал қўйилмалар ва таъмирлаш харажатлари;
- қисқа ва узок муддатли молиявий қўйилмалар;
- таннарх таркиби, харажатларни таннархга қўшиш ва маҳсулот турлари уртасида тақсимлаш тартиби;
- тайёр маҳсулотларни оғборларга тулик қабул қилиш ва у ерда сақланиш ҳолати;
- устав капиталининг ташкил топиши ва ўзгариш ҳоллари;
- кредитларни олинishi ва ишлатишнинг мақсадга мувофиқлиги;
- ташки иқтисодий фаолият;
- баланс моддаларининг ҳаққонийлиги;
- фойда ва зарарларни фаолиятнинг ҳақиқий натижаларига мос тушиши қаби йўналишлар аудиторлик текширувидан ўтказилади.

3-босқич. Текширув натижаларини умумлаштириш ва аудитор ҳисоботини тузиш.

4-босқич. Аниқланган қамчиликларни бартараф қилиш бўйича қўрсатмалар ишлаб чиқиш ва маслаҳатлар бериш билан боғлиқ хизматлар қўрсатиш.

Аудиторлик текширувининг дастурида зарурияти бўлса алоҳида олинган ишларни бақарувчиларнинг исми шарифлари, муддатлари, экспертиза ва назоратдан ўтказишнинг усуллари ҳам қўрсатилиши мумкин.

Ўшбу дастур томонлар уртасида муҳоқама қилиниб, тегишли аниқликлар қиритилиб, тасдиқлангач миқоз ва аудиторлик фирмаси (аудитор) уртасида тузиладиган шартномага асос бўлади.

Шартномада амалга ошириладиган иш, текширув ўтказиш муддати, иш ҳажми, тулов тартиби, томонларнинг масъулиятлари ва форс мажор ҳолатлар қўзда тутилиши лозим. Шартнома шартлари ва миқоз қорхона томонидан берилган топширик моҳияти аудиторлик фаолияти тугрисидаги Қонун талабларига зид қелмаслиги қерақ.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи жаҳон андозалари, чет эл, рус, беларус ва украин олимларининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда аудиторларга миқоз фирма билан қўйидаги мазмундаги шартнома тузишни тақлиф қиламиз.

# АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ КУРСАТИШ ТУГРИСИДА Ш А Р Т Н О М А

" 12 " январь 1998 й

Андижон шаҳри.

Низом асосида фаолият юритувчи "АУДИТ-СЕРВИС" аудиторлик фирмаси (кейинчалик "Ижрочи") номидан фирма директори МУЙДИНОВ Э.Ж. бир томондан, Низом асосида фаолият юритувчи "ЧИНОР" ишлаб чиқариш бирлашмаси (кейинчалик "Буюртмачи") номидан унинг директори Солиев Б.К. иккинчи томондан қуйидаги келтирилган ҳолатларни амалга ошириш учун мазкур шартномани туздилар

## 1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1.Буюртмачи топширади ва Ижрочи мазкур шартномада курсатилган ҳажм ва шароитда буюртмачининг молиявий хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утқизишни уз зиммасига олади.

1.2.Ижрочи мазкур шартнома билан белгиланган фаолиятини фирма Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1995 йил "5" май куни берилган "53" сонли лицензия асосида ташкил этади.

## 2.ТАМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари.

2.1.1.Компанияни аудиторлик текширувига тайёрлаш буйича тегишли тадбирларни амалга ошириш.

2.1.2.Аудиторлик текшируви учун зарур бўлган хужжатларни 1998 йилнинг "15"январигача Ижрочиға топшириш .

2.1.3.Зарурият тугилганда аудиторнинг талабига биноан айрим саволларга ёзма равишда тушунтириш бериш.

2.1.4.Аудитори алоҳида хона,иш анжомлари, компаниянинг олисда жойлашган шахобчаларини текширувдан утқизиш зарурияти тугилса автомашина билан таъминлаш.

2.2. Ижрочининг мажбуриятлари

2.2.1.Компаниянинг 1997 йил "1" январидан 1997 йил "31" декабригача бўлган молиявий-хужалик фаолиятини аудиторлик текширувидан утқизиш.

2.2.2.Текширув натижаларига кура ёзма равишда ҳисобот ва аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш.

2.2.3.Компанияда бухгалтерия ҳисобини юритишни такомиллаш-тириш ва молиявий ҳисоботлар аниқлигини ошириш буйича курсатмалар ишлаб чиқиш.

2.2.4.Компанияға текширув жараёнида аниқланган ва қонун буйича жиной жавобгарлик қузда тутилмаган қамчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам бериш.

2.2.5.Текширув жараёнида дастлабки хужжатларни расмийлаштиришда қупол қатоликлар,уларнинг қупчилигини қавжуд эмаслик, бухгалтерия ҳисобини юритиш,қоликларни ҳисоблаш ва тулаш қамда ажратмалар қилишда

конундан жиддий тарзда четга чикиш ҳолатлари аниқланса аудитор Буюртмачига аудиторлик хулосаси урнига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ҳолати тугрисида эксперт хулосасини топширади.

### III. ХИЗМАТ ҲАКИ ВА ТУЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг 1.1 банди буйича Ижрочига топширилган ишнинг баҳоси аудиторлар тамонидан ҳақиқатда сарфланганиш вақтини соатлик иш қийматиға купайтириб топилади. Соатлик иш қиймати эса 19\_\_\_\_йилнинг "\_\_\_\_"\_\_\_\_да \_\_\_\_\_тасдиқланган ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланувчи аудиторлик текширувини утказиш буйича битим баённомаси буйича аниқланади.

3.2. Буюртмачи шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 7 кун ичида Ижрочининг \_\_\_\_\_счетаға \_\_\_\_\_бунақ \_\_\_\_\_сифатида \_\_\_\_\_сум утказиб беради.

3.3. Буюртмачи Ижрочи билан якуний ҳисоб-китобни ишни қабул қилиб олган вақтдан бошлаб 7 кун ичида амалга оширади.

#### IV. ИШНИ ТОПШИРИШ-КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома якуниға кура тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар Буюртмачига Ижрочи томонидан ишни топшириш қабул қилиш ДАЛОЛАТНОМАси асосида топширилади.

4.2. Буюртмачи ишни топшириш -қабул қилиш ДАЛОЛАТНОМАСИ ни олган вақтдан бошлаб 7 кун ичида уни қуриб чиқиши, эътирози бўлмаса ДАЛОЛАТНОМАни имзолаб Ижрочига жунатиши, ёки ишни қабул қилишдан бош тортмоқчи бўлса,уз ҳаракатларини асослаб бериши лозим.

4.3. Буюртмачи томонидан ишни қабул қилишдан бош тортиш асосға эға бўлса,Ижрочи 7 кун ичида мавжуд камчиликларни бартараф қилиши ва тегишли ҳужжатларға узгартириш қиритиши лозим.

4.4. Ишни муддатидан илғари бажарилиши ҳолати юз берса Буюртмачи уни муддатидан илғари қабул қилиб олиш ва ишға шартнома баҳоларида ҳақ тулаш ҳуқуқиға эға.

#### V. ТАМОНЛАР МАСЪУЛИЯТИ

5.1.Мазкур шартнома буйича белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли тарзда бажармаслик ҳоллари буйича Буюртмачи ва Ижрочи ҳаракатдаги конунлар ва мазкур шартнома шартлари-ға кура жавобгардирлар.

5.2.Ижрочи аудиторлик хулосасида келтирилган маълумотлар орқали Буюртмачига етказган зиёни учун тулик моддий жавобгарликни уз зиммасиға олади.

5.3.Иш давомида Буюртмачининг ташаббуси билан аудитор хизматида асосиз тарзда воз кечиш ҳолати юз берса, Ижрочига утказиб берилган бунақ суммаси қайтарилмайди.

5.4.Ижрочининг айби билан иш шартномада курсатилган муддатда яқунланмай қолса, Ижрочи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,2 фоизи миқдорида жарима тулайди.

5.5.Тулов муддати ва шартлари, ҳамда ишни қабул қилиб олиш вақти бўйича кечиктириш ҳолларига йул қўйган Буюртмачи Ижрочига кечиктирилган ҳар бир кун учун умумий тулов суммасининг 0,2 фоизи миқдорида жарима тулайди.

#### Ҳ.ҲУҒҒИЙЛИҚ

6.1.Томонлар ўз зиммаларига олган шартноманинг мавжудлиги ва мазмунини, ҳамда шу шартнома орқали бир-бирларига берган барча ахборотлар ва маълумотларни сир сақлаш, шартномада иштирок этаётган бирор бир томоннинг ўзга равишда берган розилигисиз ҳеч бир маълумотни тулик ва қисман ҳолда ўчинчи томонга ошқора қилмаслик мажбуриятини оладилар.

6.2.Ижрочи текширув жараёнида тўплаган маълумотларини Буюртмачининг розилигисиз бошқа мақсадларда қўйдаланиш ҳуқуқига эга эмас ва аксинча.

6.3.Ушбу шартнома бўйича Ижрочига юқлатилган ҳуғғийлик ва маълумотлардан қелишилмаган мақсадларда қўйдаланмаслик мажбурияти барчага маълум, ҳамда Ижрочининг айбисиз ошқор бўлган ахборотларга таълуқли эмас.

6.4.Ушбу шартнома асосида Буюртмачига берилаётган ахборотлар фақат ўнинг қўйдаланиши учун мулжалланган ва бу маълумотлар Ижрочининг розилигисиз тулик ўқи қисман ҳолда ўчинчи шахсларга берилиши ўқи ўларнинг иштироки билан қўйдаланишда бўлиши мумкин эмас.

#### Ҳ.ҚЕЛИШМОВЧИЛИҚЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1.Мазкур шартнома асосида қатнашчилар ўртасида юзага қелган қелишмовчиликлар музоқаралар асосида ечимга эга бўлмаса ўнинг яқуний ҳолда ҳал қилиниши ҳаракатдаги қонунлар асосида амалга оширилади.

#### Ҳ.ШАРТНОМАНИ МУДДАТИДАН АВВАЛ БЕҚОР ҚИЛИНИШИ

8.1.Шартномада қатнашаётган исталган томон қўйидаги ҳолатлар юз берган ҳолда иккинчи томонга ўзма ҳабар бериш воситасида шартнома ҳаракатини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга:

а) тамонларнинг бири тулов қобилиятини тулик йуқотса, ўнинг тўгатилиш ўқи қайта ташқил этилиши ҳолати юз берса;

б) тамонларнинг бирида фаолият билан анъанавий муомалаларнинг тўхтатилиши юз берса ўқи ўнинг тўхтатилишига ҳавф тўгилса;

в) тамонларнинг бири иккинчи томоннинг розилигисиз шартномага тегишли маълумотларни тулик ўқи қисман ҳолда ўчинчи шахсларга қўйдаланиш учун бериш ҳолатига йул қўйса ;

г) тамонларнинг бирига маънавий ва жисмоний таъйик ўтқазиш ҳоллари юз берса ;

д) аудиторни муайян шароитда мустақил бўла олмаслик ҳолатлари юзага қелса;

8.2.Мазкур шартноманинг 8.1 банди бўйича курсатилган ҳолатлар бўйича шартноманинг тўхтатилиш ҳолати юз берса Ижрочининг ҳизмат ҳақи ўнинг



томонидан тузилган ва ҳақиқатдаги бажарилган иш ҳажми ҳамда уни бажариш учун кетган вақт сарфи акс эттирилган биртамонлама ДАЛҶОЛАТНОМА асосида Буюртмачи томонидан туланади.

8.3.Уз навбатида Буюртмачи шартномани аудиторлик фирмасининг айби билан тухтатилиши юз берган ҳолда қурган маънавий ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган моддий зиёнини қоплашни талаб қилиб судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

#### IX.ШАРТНОМАНИ ХАРАКАТ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ТАМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

9.1.Шартноманинг ҳаракат қилиш муддати-бошланиши 1995 йил 25 февраль -тугатилиши 1995 йил 25 март

9.2.Томонларнинг манзилгохлари ва ҳисобварагининг рақамлари:

ИЖРОЧИ: Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлигининг 1995 йил 23 майда берилган 53 сонли Лицензияси эгаси "Аудит-Сеевис" аудиторлик фирмаси

— Манзилгоҳ: 710002.Андижон шаҳри,Тинчлик кучаси

9-А уй.тел.25-54-18,25-76-01

АТБ "Андижонбанк"даги ҳисоб рақами

20210000000184579001,Код 00083

Директор \_\_\_\_\_Э.Муйдинов м.у.

БУЮРТМАЧИ: \_\_\_\_\_

Манзилгоҳ: \_\_\_\_\_

Директор: \_\_\_\_\_

м.у.

Шартномага илова қилинадиган ва аудиторлик текширувининг шартнома баҳоларини белгилаб берувчи баённома қуйидаги мазмунга эга бўлади.

1998 йил " 12 "

январда тузилган

шартномага

1 илова.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ КУРСАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМА  
БАХОСИНИ

КЕЛИШИШ ТУГРИСИДА

## БАЁННОМА

Биз куйидаги имзо чекувчилар, Буюртмачи номидан корхона директори Солиев Б.К. ва Ижрочи номидан аудиторлик фирмасининг директори Муйдинов Э, шуни тасдиқлаймизки, шартнома катнашчилари "Аудит-Сервис" фирмаси тамонидан курсатилаётган аудиторлик хизматлари учун туланадиган хакни кушилган киймат солгини ҳисобга олган ҳолда \_\_\_\_\_ сум миқдорида брвис" аудиторлик фирмаси Мазкур баённома Ижрочи ва Буюртмачи уртасида узаро ҳисоблашишлар ва туловларни амалга ошириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Буюртмачи номидан

Ижрочи номидан

----- "Аудит-Сервис" фирма-  
----- сининг директори  
Э.Муйдинов  
-----

\_\_\_\_\_  
м.у.

\_\_\_\_\_  
м.у.

**Таянч иборалар**

"Аудит"- лотинча "audio" сузидан олинган бўлиб, "у эшитади" деган маънони билдиради.

**Халқаро аудиторлик фирмаларига** "Артур Андерсен", "КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Куперс Энд Лайбренд", "Прайс Уотерхауз" ва "Делойт энд Туш" каби фирмалар қиради.

**ЮЗЛАШТИРИШ** - асосан аудиторлик текшируви жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган идоралар томонидан тайинланганда кулланилади. Бу усулнинг моҳияти, моддий жавобгар шахсларда қамомат ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар аниқланганда вазиятга уша шахслар ва уларнинг курсатмаларига қура шу ҳолатларни келтириб чиқарган кимсаларни юзлаштириш натижасида аниқлик киритишдан иборат.

**ИКТИСОДИЙ ТАХЛИЛ** аудиторга иктисодий жараёнларни янада кенгрок ва чуқуррок урганишга имкон яратади.

**ЮЗАКИ ТАНИШУВ.** Аудитор текширувни ёки хизмат курсатишни бошлашдан аввал миқроз корхонадаги аҳвол билан юзаки танишиб чиқади.

**ТАНЛАНМА КУЗАТИШ.** Урганилиши лозим бўлган тупламдан зарурий миқдордаги бирликлар махсус усуллар билан танлаб олишса ва улар устида утқазиладиган кузатиш маълумотлари бутун тупламга тарқатилса, бундай усул танлама кузатиш дейилади.

**ДАЪВО ВА ТАЛАБЛАРНИ УРГАНИШ.** Аудитор бу усулдан текширув жараёнида корхонага ёки корхонани учинчи шахсларга нисбатан молиявий ҳисоботга сезиларли таъсир курсатиши мумкин бўлган даражада талаб ва

даъволари мавжудлиги тугрисида ахборотга эга булган ҳолатда,бу воқеликка аниқлик киритиш мақсадида фойдаланилади.

**СУРОВ УТКАЗИШ.** Аудитор лозим булган ҳолатда мижоз корхона ишчи ва хизматчилари уртасида узини кизиктирган масалалар буйича суров утказиши мумкин. У суровномадаги саволларни шундай тузиш керакки,суралувчи (респондент) унга "ха" ёки "йук" деб жавоб кила олсин.

**МАНТИКАН БАХОЛАШ.** Бу усул орқали ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳужалик муомилаларини замон,макон ва ҳажмда юзага кела олиш имконияти аниқланади.Бошқача килиб айтганда ҳужжатда акс этган воқеликни мантикка мос келиши урганилади.

**ИЖРОЧИЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОКОТ.**Бу усул ноқонуний ҳаракатлар акс эттирилган ҳужалик муаммоларини амалга оширган ишчи ва хизматчилар билан воқеликка аниқлик киритиш мақсадида бевосита суҳбатлашув тарзида амалга оширилади.

### Утилган мавзулар буйича саволлар

- 1.Юзлаштириш нима?
- 2.Иқтисодий таҳлил нима?
- 3.Юзаки танишув нимани тушунаси?
- 4.Танланма кузатиш нимани тушунаси?
- 5.Даъво ва талабларни урганиш нимани тушунаси?
- 6.Суров утказиш. нимани тушунаси?
- 7.Мантикан баҳолаш нимани тушунаси?
- 8.Ижрочилар билан бевосита мулокот нимани тушунаси?



#### **4-мавзу:Аудиторнинг иш хужжатлари.**

##### **1. Аудиторнинг иш хужжатлари.**

##### **2. Аудиторлик далиллари ва уларни йиғиш усуллари.**

##### **2. Аудиторлик далиллари ва уларни йиғиш усуллари.**

Бозор иктисодиёти шароитида корхона фаолиятини сифатли бошқариш учун етарли миқдорда ахборотга эга бўлиш лозим. Ахборот ҳажмининг талаб даражасидан кам бўлиши урганилаётган воқелик тугрисида тулик таъсуротга эга бўлиши ва у тугрисида аниқ ҳулоса чиқариш имконини бермайди. Ҳаддан ташқари ортиқча ахборотга эга бўлиш ҳам ишни қийинлаштиради. Яъни уни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва натижаларни умумлаштириш учун кетадиган вақт сарфи воқелик тугрисида нотугри ҳулоса чиқариб қуйиш эҳтимоли ортади.

Ахборотлар билан аудит уртасида ҳамбарчас боғлиқлик мавжуд. Текширув жараёнида уз навбатида аудит учун манба бўлиб ҳисобланувчи ахборотларнинг узи тугрилиги нуқтаи назаридан урганиб чиқилади. Демак, аудиторлик текширувининг сифати ва тахлилий ҳулосаларнинг аниқлиги аввалом бор молиявий ҳисоботга киритилган маълумотларнинг сифатига боғлиқ. Молиявий ҳисоботларга бухгалтерия ҳисоби тизимидаги камчиликлар, ҳатолик ва маълум максадларни қўлаб оқилишни бўзиб қўрсатиш натижасида қириб қолган маълумотлар аудитор ҳулосасига салбий таъсирини қўрсатиши мумкин. Шунинг учун иш бошлашидан аввал аудитор текширув учун тақдим қилинган маълумотларни синчковлик билан урганиб чиқиши ва воқеликни молиявий ҳисоботларда тугри ёки нотугри акс эттирилганлиги тугрисида далил йиғиши лозим. Бу иш аудиторлик хизматлари қўрсатиш жараёнида муҳим бугин бўлиб ҳисобланади. Чунки молиявий ҳисобот ёки корхонанинг фаолияти тугрисидаги аудиторнинг фикри текширув жараёнида йиғилган далилларга асосланиб юзага келади.

Халқаро аудит меъёрларининг "Аудиторлик исботи" деб аталган андозасида (1.426), аудитор молиявий ҳисобот тугрисида асосланган фикр айтиши учун етарли миқдорда ҳужжатли исбот йиғиши лозим, деб таъкидланган.

Ҳужжатли исбот деб-текширув жараёнида аниқланган ва инкор қилиб бўлмайдиган даражада тасдиқлов қўчига эга бўлган маълумотларга айтилади. Улар аудиторга мижоз фирма молиявий ҳисоботи тугрисида мумкин бўлган аниқликда ҳулоса айтиш имконини беради.

Исботлов қўчига эга бўлиши учун маълумотлар реал, воқеликка тегишли ва етарли миқдорда бўлиши лозим.

Аудитор текширув натижаларига қўра берадиган ҳулосасини тугрилигини таъминлаш учун мижоз фирма фаолиятининг қуйидаги йўналишларини урганиб чиқиши ва улардаги ҳолатни корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, назорат ва фаолият юритишнинг бошқа йўналишларини тартибга солувчи қўнун ва

конун кучига эга булган бошка хужжатларнинг талабларига мос тушиши ёки тушмаслиги тугрисида далиллар йигиши лозим:

1.Корхонани фаолият юритишини унинг Низоми ва таъсис хужжатларида акс эттирилган мақсад ва вазифаларга мос тушиши нуктаи назаридан урганиш;

2.Хисоботларни расмийлаштириш тартиби ва туликлиги нуктаи назаридан урганиш;

3.Фирма балансини корхонадаги барча актив ва пасивларни ҳисобга олган,олмаганлиги ва уларни ҳақиқатан ҳам мижозга тегишли эканлиги ва баланс модаларини тугри ҳисобланганлиги нуктаи назаридан урганиш;

4.Корхона молиявий натижаларини ҳисобот давридаги барча даромад ва харажатлар ҳисобга олинганлиги,уларни ҳақиқатан ҳам юз берганлиги ва утган даврлардаги аниқланмай қолган даромадлар, зарарлар, талаб қилиб олинмаган дебиторлик қарзлари, қаромадлар,табiiй офатлардан қурилган йукотишлар баланс модаларига тугри қушилганлиги нуктаи назаридан урганиб чиқиш;

Бундан ташқари баланс ҳамда фойда ва зарарларнинг умумий валютасига таъсир қурсатувчи қуйидаги йуналишлар ҳам урганилиб чиқилади ва улар буйича далил-исботлар йиғилади:

5.Банклардан олинган қисқа ва узок муддатли кредитларни, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ташкилотларидан берилган молиявий ёрдамларни белгиланган йуналишлар буйича сарфланиши, ларни қайтарилганлик ҳолатларни юз берган бўлса, уни ҳақиқатга тугри қелиши нуқти назаридан урганиш;

6.Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари буйича мавжуд суммаларни уларнинг барчасини ҳисобга олинганлиги ёки йуқлиги,маблагларни тугри ҳисобланганлиги,тулов муддатлари ва уларни ҳақиқатга мос қелиши нуқти назаридан урганиш;

7.Меҳнатга ҳақ тулаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни корхонадаги ходимларнинг ҳақиқатдаги сонини ҳисобга олинганлиги, уларнинг барчасига буйруқлар билан расмийлаштирилганлиги, қайдномаларда улик шахсларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, меҳнат ҳақини тугри ҳисобланганлиги ва имзоларнинг ҳақиқийлиги, иш ҳақиға деб олинган суммаларни бошка йуналишларга ишлатилмаганлиги, талаб қилиб олинмаган суммани белгиланган вақтида банкга қайтарилганлиги нуктаи назаридан урганиш;

8.Бюджет билан солиқлар ва бошка туловлар буйича ҳисоб-китобларни уларнинг тугри ҳисобланганлиги, мавжуд имтиёзлардан тугри фойдаланилганлиги, тегишли муддатларда утқазиб берилганлиги ва бундай муомилаларни урганилаётган давр ичида қиндан ҳам содир булганлиги нуктаи назаридан урганиш.

Мана шу йуналишларни урганиш натижасида йиғилган далиллар аудиторга мижоз фирма молиявий ҳисоботи ҳақида бирор-бир фикр айтиш имконини беради.



Аудиторлик далилининг сифати улар олинган манбага бевосита боғлиқ булади. Аудиторлик далилларини тузиш учун қуйидагилар манба бўлиб хизмат қилиши мумкин:

1. Таъсис ҳужжатлари;
2. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари;
3. Хужалик муомилаларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилган ёки уларни юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
4. Хужалик маблағлари ва уларнинг манбаларини ҳолати ва ҳаракати тугрисидаги маълумотлар.
5. Илгариги аудиторлик текшируви натижалари баён қилинган ҳужжатлар;
6. Фирма лабораторияси тақдим қилган ҳужжатлар;
7. Директорлар кенгаши ва таъсисчилар йиғилишининг баёнлари келтирган ҳужжатлар.
8. Фирма маъмурияти ва ходимлари билан мулоқатга киришиш натижасида олинган маълумотлар;
9. Меъёрий ҳужжатлар;
10. Учинчи шахслар (банклар, харидорлар, таъминотчилар, солиқ идоралари, фирмадаги ижарага олинган воситаларнинг эгалари ва хоказолар).

Аудитор нотугри ҳулоса чиқариб қуйиш ҳафини камайтириш учун ўз фикрларни бир неча манбадан олган маълумотларга асосланиб тузиши керак. Агар бир манбадан олинган далиллар бошқа бир манбадан олинган маълумотларга мос тушмаса, ёки уларни инкор қилса аудитор изланишини чуқурлаштириши ва бу воқелик бўйича юзага келган шубҳани бартараф қилишга имкон берувчи далилларни излаб топиши лозим.

Аудиторлик далиллари маълум сифат талабларига жавоб бериш лозим. Улар авваламбор ишнинг моҳиятига мос тушиши, тулик ва сифатли бўлиши, воқелик билан тасдиқланган ҳамда ишончли бўлиши лозим. Халқаро аудит андозаларида бу ҳолат "етарлилик" ва "мос тушиш" каби тушунчалар билан тавсифланади. "Етарлилик" аудиторлик далилининг миқдор мезони бўлиб ҳисобланади, "мос тушиш" тушунчаси далилни реал воқеликни акс эттириши ҳамда унинг ишончлик даражасини белгилайди.

Аудиторлик далилининг сифатига қуйидаги омиллар таъсир қурсатиши мумкин:

а) ёлгон ахборот бериш таваккалчилигининг даражаси. Бу таваккалчилик қуйидагилар таъсири остидаги юзага келиши мумкин:

- 1) модданинг моҳияти;
  - 2) ички назоратнинг ҳолати;
  - 3) корхона томонидан бажарилаётган тадбирнинг моҳияти;
  - 4) раҳбариятга таъсир қурсатиш қучига эга бўлган ҳолатлар;
  - 5) корхонанинг молиявий ҳолати;
- б) модданинг молиявий ахборотдаги моддийлик даражаси;
- с) илгариги аудиторлик текширувларида ортирилган тажриба;

д) аудиторлик текшируви натижалари, аникланиши мумкин бўлган алдов ва хатоликлар;

е) ахборотнинг тури

Мана шу омилларнинг таъсири канчалик кучли бўлса аудиторлик далилини тасдиқлов кучи шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Текширув натижасида олинadиган аудиторлик даллиларини маълум белгиларга кура гурухларга ажратиш мумкин. Масалан:

1. Олинган манбанинг жойига караб

а) ташки далил;

б) ички далил

Ташки далилни олиш учун аудитор мижоз фирма билан иктисодий муносабатларни олиб борган ва бораётган банклар, сугурта компаниялари, сармоя фондлари, буюртмачилар, мол етказиб берувчилар ва бошқа дебитор ва кредиторларга мурожаат килади ва маълум вокеликни юзага келган ёки келмаганлиги ҳамда унинг микдор ёки киймат даражаси тугрисида ёзма ёки огзаки тасдиқлов олади.

Корхонанинг ичида олинган далил ички далил булиб хисобланади. Ички далил ҳам ким томонидан тайёрланганлигига караб 2 гурухга булинади:

а) аудиторнинг узи аниклаган далил;

б) корхона томонидан такдим килинган далил

Вокеликни мохиятини очиш нуктаи назаридан ташки далил ички далилга нисбатан, аудиторнинг узи аниклаган далил эса корхона томонидан такдим килинган далилга нисбатан ишончлироқ хисобланади.

2. Фойдаланишда максадга мувофиқлигига караб

а) хужжат билан расмийлаштирилган далил;

Бунда вокелик инкор килиб булмайдиган хужжатлар билан тасдиқланган бўлади. Масалан, дастлабки бухгалтерия хужжатлари, хисоб регистрларидаги ёзувлар, асосий воситалар ва моддий кийматликларни йуклама килиш кайдномалари, корхона лабораториясининг техник тахлили маълумотлари ва х.к.

б) огзаки далил

Бунга корхона рахбарияти ёки моддий жавобгар шахслар томонидан фирмадаги мавжуд хатолик ва конунбузарлик ҳолатлари тугрисида берилган маълумотлар киради. Бундай маълумотларга эга булгач, аудитор уларнинг тугрилигини текшириб чиқади, тасдиқловчи хужжатлардан нусха олади ҳамда уларни тугрилаш имкони бўлса хисоб регистрлари ва молиявий ҳисоботдаги ёзувларга узгартириш киритишни таклиф килади.

Ахамиятига кура хужжат билан расмийлаштирилган далил огзаки далилга нисбатан ишончлироқ бўлади.

3. Вокеликка яқинлик даражасига кура ( 2.26б):

а) табиий далил

Бунда вокелик ва уни тасдиқловчи далил устма-уст тушади. Мисол учун аудитор фирманинг моддий кийматликлар сакланувчи омборини текширувдан утказади ва уларнинг ҳолати тугрисида аниқ маълумотга эга бўлади.

б) сунъий далил

Бунга амалга ошиб булган хужалик муомилалари, юзага чиккан вокелик тугрисида йигилган далиллар киради. Мисол учун маълумотларни етказиб бериш ёки сотиш жараёнини акс эттирган хужжатларни текшириш натижасида олинган далиллар.

Аудитор урганадиган хужжатларнинг аксарияти шу тоифага таълуқли булади.

в) мантикий далил

Таҷрибали аудитор ашёвий далиллар билан тасдиқланмаган вокеликни мантиқан таҳлил қилиб чиқиб унинг тугрисида уз хулосасини юзага келтириши мумкин.

Аудиторнинг хулосасига таъсир қурсатиши бўйича аҳамият даражасига қура аввал табиий, кейин сунъий ва сунгида мантикий далиллар келади. Демак мантикий далилларга асосланиб хулоса чиқарилганда аудит таввақалчилиги жуда юқори, сунъий далиллар қулланилганда камроқ, табиий далиллардан фойдаланилганда эса минимал даражани ташкил қилади.

4. Аниқлик даражасига қура

а) бирламчи далил

Бирламчи хужжатларга асосланган ёки бевосита аудиторларнинг узлари, ҳамда унинг иштирокида амалга оширилган ҳисоб китоблар, ҳаракатлар натижасида олинган далил. Масалан корхона ҳазинасидаги пуллар ва хужжатларни, омбордаги асосий воситалар ва моддий қийматликларни йўқламадан утказиш натижасида олинган далил.

б) иккиламчи далил

Бирламчи хужжатлар топилмаганда уларнинг нусхаларига асосланиб олинган далил. Лекин бу ҳолда аудитор хужжатнинг ҳақиқий нусхасини топишга ёки нусхадаги маълумотларни учинчи шахслардан тасдиқлаб олишга ҳаракат қилиши лозим.

в) эгри йул билан ёки узга манбага асосланиб олинган далил.

Бу ҳолат вокеликни содир булганлиги тугрисида бевосита унга тегишли булган бирламчи ёки иккиламчи хужжатларнинг йўқлиги шароитида бошқа манбаларга асосланиб хулосага келинганда юз беради.

Олинган далилларнинг тулиқлиги ва аниқлиги аудиторни уларга эришиш усулларидан фойдалана олиш даражасига боглиқ. Аудит амалиётида қурсатилаётган хизматнинг максоди ва назоратдаги объектнинг хусусиятларига қура аудиторлик далиллари олишнинг бир қатор усуллари қулланилади. Ушбу усулларни улардан фойдаланилганда ишончли далил бера олиш даражасига қура қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

А. Биринчи даражали ишончга эга булган далиллар берувчи усуллар

Буларга аудиторнинг узи амалга ошириши ёки бу жараёнда бевосита иштирок этиши ва натижада яққол қурилиб турган ҳамда эътирозга урин қолдирмайдиган далилларга эга бўлиш имконини берувчи усуллар киради. Бу гуруҳга қуйидагиларни қиритиш мумкин:

- 1.расман текширув
- 2.арифметик текширув
- 3.йуклама килиш
- 4.бухгалтерия хисоби регистрлари ва хисобвароклари боғланишининг тугрилигини текшириш.
- 5.моддий кийматликларни ишлаб чиқаришга назорат остида бериш.
- 6.узро назорат
- 7.вокеликка ҳукукий баҳо бериш

**РАСМАН ТЕКШИРУВ**- бу усулнинг мақсади ҳужжатларни расмийлаштиришда ва уларнинг реквизитларини тулдиришда йул қўйилган камчиликларни, ҳужжатларда қилишилмаган тугриллашлар,буёшлар,матн ва рақамларга қўшиб қўйишлар мавжудлигини ҳамда мансабдор шахсларнинг имзоларини ҳақиқийлигини аниқлагандан иборат.

Бу усулни қўллаганда аудитор қонунбузарлик ва суистеъмол қилиш ҳолларидан ҳалолат берувчи қўйидаги белгиларга эътиборини қаратиши лозим:

- 1) ижро ҳужжатида ушбу муомилани амалга оширишга асос булувчи қўрсатманинг йуклиги;
  - 2) ҳужжатни белгиланган шаклга ҳилоф равишда тузилганлиги;
  - 3) ҳужжатдаги айрим реквизитларни тулдирилмаганлиги;
  - 4) ҳужжатдаги айрим реквизитларни бир-бирига мос тушмаслиги;
- (ҳужжатга босилган тамга ва унда акс эттирилган қорхона номининг мос келмаслиги);
- 5) ҳужжатда раҳбар шахслар имзоларининг йуклиги ёки уларда ушбуга ҳуқуқи булмаган шахсларнинг имзоларини мавжудлиги;
  - 6) ҳужжатда унга зарур булган иловаларнинг йуклиги;
  - 7) асосий ҳужжат ва иловалардаги якуний суммаларни бир-биридан фарқ қилиши;
  - 8) ҳужжатда қилишилмаган узгартиришлар,буёш ва имзоларни қалбақлаштириш ҳолларининг мавжудлиги.

**АРИФМЕТИК ТЕКШИРУВ**- бунда текширувга жалб қилинган дастлабки ва йиғма ҳужжатлар,ҳамда уларга бириктирилган иловалардаги ҳисоб китоблар арифметик амалларнинг бажарилишини тугрилиги нуқтаи назаридан урганиб чиқилади ва зарур бўлса уларга тегишли узгартиришлар киритилади.

Бирок қорхонадаги барча ҳужжатларни арифметик текширувдан утказиб чиқишнинг иложи йук.Аммо,аудиторга бу усулни касса ва банк муомилаларини,ишчи ва хизматчилар,ҳамда ҳисобдор шахслар билан ҳисоблаштиришларни урганаётганда қўллашни маслаҳат берамиз. Чунки амалиёт қўрсатишича қўпроқ мана шу йўналишларда арифметик ҳатолар ортида қонунбузарлик ва суистеъмол воқеалиги ётади.

**ЙУКЛАМА ҚИЛИШ**- мол-моддий қийматлар,асосий воситалар,пул маблағлари ва ҳисоблаштиришларнинг мавжудлиги,сакланиши ва ҳолати тугрисида аниқ далил олиш имконини берувчи усулдир.

Йуклама утказишда аудитор куйидаги талабларга риоя килиши лозим:

1) моддий жавобгар шахсларга камомад ва угирликларни ёпиб юборишларига йул куймаслик учун йукламани тусатдан бошлаш;

2) йукламадан утказиш комиссиясини тузиш;

3) йукламани моддий жавобгар шахснинг иштирокида амалга ошириш;

4) йуклама утказишдаги ҳаракатлар кетма-кетлигига катъий риоя килиш: кийматликлар сакланаётган хоналарни муҳрлаш; улчов асбоб-ларнинг тугрилигини текшириш, охириги ҳисоботни олиб куйиш; моддий жавобгар шахслардан йуклама бошланишига қадар бўлган барча муомилаларга қирим ва қиким ҳужжатлари билан расмийлаштирилганлиги ва улар қушилганлиги, ҳамда унинг қулида ҳеч қандай ҳужжатлар ва нақд пул қолганлиги тугрисида тилхат олиш;

5) йукламадан утказилаётган кийматликларни бирма бир ҳисоблаб, тўртиб, улчаб ва ёзиб қикиш;

Йуклама амалга оширилаётган вақт давомида дам олиш соатлари ва қечаси кийматликлар сакланаётган жой берқитилади ва муҳрланади. Бу ҳолатда муҳр аудиторда, қалит эса моддий жавобгар шахсда сакланади.

Бундай тартиб йуклама бораётган давр ичида моддий жавобгар шахс томонидан текширув натижаларини сохталаштиришга ҳаракат қилишини олдини олади ва кийматликларнинг бутлигини таъминлайди.

Йуклама якунида аудитор моддий жавобгар шахсдан барча кийматликлар унинг иштирокида текшириб қикилганлиги ва бу борада йуклама утказиш комиссиясига эътирози йуклиги тугрисида тилхат олади. Бундан ташқари моддий жавобгар шахс уз тилхатида йуклама натижасида тузилган руйхатдаги кийматликлар унинг сакловида эканлигини қурсатиб утади. Шундан сунг йуклама натижасида олинган маълумотлар бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан такқослаб қикилади. Бу солиштириш натижасида моқодо четга қикиш ҳоллари юзага қелса аудитор моддий жавобгар шахсдан уларнинг ҳар бири учун батафсил тушинтириш талаб қилиб олади.

Агар омборда учинчи шахсларга тегишли ва уларнинг назоратидаги кийматликлар мақжуд бўлса, аудитор ушбу кийматликларнинг эгасидан уларнинг миқдори ва сифати тугрисида езма маълумотлар олиши лозим.

Мана шу жараенлари амалга оширгандан сунг аудитор мол-моддий кийматликлар, пул мақлаглари, асосий воситалар ва ҳисоблашлар балансда тугри акс эттирилганлиги, еки йуклиги бу йуналишлардаги четга қикишлар моддий еки номоддий эканлиги тугрисида фикр айтиш имқонига эга бўлади.

**БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ РЕГИСТОРЛАРИ ВА ҲИСОБВАРОҚЛАР БОГЛАНИШИНING ТУГРИЛИГИНИ ТЕҚШИРИШ.**

Мулқчилиқининг шакли ва фаолият йуналишидан катъий назар барча қорхоналардаги рақбар шахслар ва ҳисоб қодимлари у еки бу турдаги ҳужалиқ муомилаларини амалга ошириш ва расмийлаштиришда Ўзбекистон республиқасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи қонун ва низомларда қузда тутилган талабларга риоя қилишлари лозим.

Аудиторлар бухгалтерия хисоби регистрлари ва хисобвароклар боғланишини тугрилигини текшириш усули ердамида миждоз фирманинг бу йуналишдаги ҳолати қонуний ҳужжат талабларга қай даражада жавоб бериши, ҳамда уларни қупол равишда бузиш ҳолларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тугрисида фикр юриштиш имқонига эга буладилар.

Бу усулнинг мақсади бухгалтерия хисоби тизими бўйича юзага келадиган қуйидаги саволларга жавоб топишдан иборат:

1) бухгалтерия хисоби регистрларидаги ёзувлар тегишли ҳужжатлар ва ҳисоб-китоблар билан тасдиқланганми?

2) аналитик ҳисоб маълумотлари синтетик ҳисоб маълумотла рига мос келадими?

3) бухгалтерия ёзувлари ва ҳисобвароклари боғланиши тугри тузилган-ми?

4) синтетик ҳисобвароклар маълумотлари бош китоб, баланс ва ҳисобот маълумотларига мос тушадими?

5) ҳисоб регистрларига қилинган узгартиришлар қоидадан четга чиқмаганми?

6) угирлик ва суистъёмол воқелигини беркитиш мақсадида ҳужжатларни қалбақлаштириш ҳоллари юз бермаганми ва ҳоказолар.

Текширув жараёнида аудитор бу йуналиш бўйича амалиётда учрайдиган қуйидаги ҳолатларга эътиборини қаратиши лозим:

1) бухгалтерия хисоби қоидаларига ҳилоф бўлган ҳисоб вароклар боғланишининг мавжудлиги;

2) бухгалтерия хисоби регистрлари ва ҳисобвароклар боғланишига ҳужжатли асос бўлмай туриб узгартириш қиритилганлиги;

3) аналитик ҳисоб қарточқалари, йигма ва айланма қайдномалар, журнал ордерлар ва бош китобдаги ёзувларни бир бирига мос тушмаслиги;

4) қоидага қура очилиши лозим бўлган синтетик сётлар бўйича аналитик ҳисобнинг йуклиги,

5) актив ҳисобвароклар бўйича қредит томонда, пассив ҳисобвароклар бўйича эса дебит томонда қолдиқларнинг мавжудлиги;

6) ҳаракатдаги қоидаларда қузда тутилмаган ҳисобвароклардан қой-даланиш;

7) регистрлардаги қунларни нотугри ҳисоблаш ёки уларни қучиришда ҳатоликка йул қуйиш;

8) бир неча бухгалтерия регистрида акс эттирилган битта муомилани бир бирига мос тушмаслиги;

9) ҳисобвароклар боғланиши ҳужалиқ муомиласининг моҳиятига зид бўлиши;

10) бухгалтерия регистрларида қелишилмаган тузатишлар, бўяш ва ёзувларга қушимча қилиш ҳолларининг мавжудлиги.

Булардан ташқари амалиётда моддий қийматликлар ва қул маблагларини бир моддий жавобқар шахсдан иққинқисига ашёвий йукламани амалга оширмай туриб утқазиб бериш, бир шахснинг қулини иққинқисига ишонқномасиз бериб юбориш, тагида моддий асоси бўлмаган ҳужалиқ муомилаларини амалга ошириш, қорқона газнасида ишлатилмай қолган ёки



маълум мақсадлар учун ходимлар томонидан топширилган нақд пулларни узок муддат саклаб туриш ва бошқа шунга ухшаш тартиб бузарлик холлари учраши мумкин.

Юкорида келтирилган камчиликларнинг аникланиши мижоз фирмада мулкни угирлаш, камомадлар ва алдовларни беркитиш ва шу каби бир катор ноқонуний холатлар мавжудлигидан далолат беради.

#### **МОДДИЙ КИЙМАТЛИКЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКАРИШГА НАЗОРАТ ОСТИДА БЕРИШ.**

Бу усулдан ҳаракатдаги харажат меъёрларини талабга жавоб бериши, технологик интизомга риоя қилинаётганлиги, хом ашё, материал ва ёқилги ресурсларининг ҳақиқатдаги харажати, тайёр маҳсулот ва чиқинди чиқиш даражасини асослилигини текширишда фойдаланилади. Чунки корхоналар эскирган харажат меъёрларини қўллаган ҳолда хом-ашё, материал ва ёқилги ресурсларининг ҳисобга олинмаган ортиқча захираларини юзага келтиришлари, улардан маҳсулот ишлаб чиқариб сотишлари ва бу муомилаларни ҳеч қандай ҳужжатда акс эттирмасликлари, демак корхона солиққа тортилиши лозим бўлган молиявий натижалари суммасини камайтириб қўрсатишлари мумкин.

Бу усулни ишлаб чиқариш цикли қисқа бўлган корхоналарда қўллаш яхши натижа беради.

Ушбу усулнинг бир неча турлари мавжуд. Улардан тармок хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мумкин. Масалан аудитор корхонада амалга оширилган ҳисоб-китобларнинг тугрилигини текшириш учун, қурилишда бажарилган қурилиш монтаж ишларини назорат остида қайта улчаб чиқтириш; қишлоқ ҳужалигида сизирлардан соғилган сут, товуклардан олинган тухум, қуйлардан олинган жун; ун комбинатларида янчилган дон миқдорини узининг иштирокида қайта ҳисоблаб чиқтириши мумкин. Шу усулда олинган натижаларни бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларда акс эттирилган маълумотларга солиштириш орқали аудитор текшириляётган корхонада фирибгарлик холатларига йул қуйляётган ёки йуклигига баҳо бериши имконига эга бўлади.

**КАРАМА-КАРШИ ТЕКШИРУВ** - аудиторлик далилини олишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида бир хил ҳужалик муомиласи акс этган бир неча ҳужжатдаги, ёки уша ҳужжатнинг нусхаларидаги маълумотларнинг бир-бирига мос тушиши урганилади.

Мисол учун, цех бошлигининг ишлаб чиқарилган ва тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулоти тугрисидаги маълумотини омборчининг ҳисобот маълумотлари билан солиштириш, ёки қун давомида корхонадан чиқиб кетган маҳсулотларнинг ҳақиқий миқдорини, ушбу муомилани амалга оширилишига рухсат берилган ҳужжатларнинг бухгалтериядаги нусхасини омборчида ҳисобот учун қолган, қоровулхонада эса юқни чиқариш учун асос сифатида олиб қолingan нусхаларини солиштириш орқали аниқлаш мумкин.

Агар ҳужжатнинг асл нусхаси билан унинг қучирилган нусхаларидаги маълумотларда зиддият аниқланса, аудитор бу тугрисида фирма раҳбариятига

ахборот бериши,хатолик аникланган хужжатлардан нусха кучириб,уни рахбар имзоси билан тасдиқлаб олиши лозим.

Агар текширув жовобгарликка тортилиш ҳуқуқига эга булган идораларнинг тайинлови билан утказилаётган булса аудитор мижоз корхона хужжатларидаги маълумотларни шу хужалик муомиласининг карама-карши томони булган бошқа корхоналардаги хужжат билан солиштириб куриши имконига эга булади.Узга холларда аудитор мижоз корхона ва у билан иктисодий алоқада булган бошқа фирмалардаги маълумотларни солиштириш учун аудиторлик далилини олишнинг бошқа усулини куллайди.

**ВОКЕЛИККА ХУКУКИЙ БАХО БЕРИШ.**Аудитор бу усулдан шубхали хужалик муомилаларига дуч келганда уларни корхонанинг низоми, ҳаракатдаги конунлар ва ҳукумат қарорларига зид эмаслигини текширишда фойдаланади.Текширув жараёнида конунга ҳилоф муо милларнинг мавжудлиги юзага чикса аудитор уларни амалга оширишга рухсат берган бевосита ижро этган шахсларни аниклайди ҳамда бу ножуя ҳаракатлар ортида юзага келиши мумкин булган ҳолатларга баҳо беради.Ушбу вокеликни тасдиқловчи хужжатнинг бут қолишига шубха тугилса,аудитор уни ҳулоса чикаргунга қадар уз сакловига олиб қуяди.

Б. Иккинчи даражали ишончга эга булган далиллар олиш имко нини берувчи усулар.

Буларга текширув жараёнида иккинчи ва учунчи шахслар,ёки улар томонидан тақдим қилинган хужжатлар иштирок этадиган ва натижада аниклиги жуда юкори булмаган далиллар олиш имконини берувчи усуллар қиради.Бу гуруҳга қуйидаги усулларни қиритиш мумкин:

- 1) экспертиза;
- 2) лаборатория текширувидан утказиш;
- 3) суров ва тасдиқлов олиш;
- 4) текширув натижалари буйича ёзма равишда тушунтиришлар олиш;
- 5) юзлаштириш;
- 6) иктисодий таҳлил;

**ЭКСПЕРТИЗА** - зарур шароитларда малакали мутахассисларни жалб қилиш орқали утказиладиган текширув усули.Бу усул кулланганда мижоз фирмада технологик интизомга риоя қилиш,хом ашё ва материаларнинг ҳаражат меъёрларини ишлаб чиқиш ва куллаш тугрилигини аниклаш;ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини ва унинг сифатини баҳолаш;ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат томонидан белгиланган андозалар ва техник талабларига мос тушишини солиштириб чиқиш орқали аудиторга бу йуналишлар буйича асосланган фикр айтиш учун имкон яратилади.

Эксперт ҳулосасининг аниклиги унга тақдим қилинган хужжатлардаги маълумотларнинг сифатига ва экспертизанинг олдига қуйилган вазифани қай даражада тугри баён қилинганлигига боглик булади.

Иш якунида эксперт(лар) уз олдига куйилган саволларга асосланган жавоблар келтирилган хулосаларни расмийлаштиради(лар). Бунда экспертнинг хар бир жавоби маълум хужжат, хисоб китоб ёки ашёвий далиллар билан мустахкамланган булиши шарт.

Аудитор экспертиза усулидан унинг ёрдамида олинadиган маълумотлар жуда мухим ва уни ташкил килишга кетадиган харажатларга лойик деб хисобланган тақдирдагина фойдаланилади. Бошқа ҳолларда аниқлиги жуда юкори булмаса ҳам арзон тушадиган усуллардан фойдаланишга ҳаракат килинади. Шулардан бири назорат остида **ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ**дир. Аудитор бу усулдан мижоз корхонада ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган хом ашё ва материалар ҳамда тайёр маҳсулот ва чиқиндиларнинг техник курсаткичларини бузиб курсатилаётганлиги тугрисида маълумотга эга булса ёки бу борада унда шубҳа тугилган ҳолатда фойдаланиши мумкин. Бунда объектнинг физик ва кимёвий хусусиятлари урганилади. Масалан, пахтанинг намлилиги, ифлослилиги ; толанинг узунлиги ва пишиқлиги; чигитнинг ифлослилиги, туклилиги ва ёглилик даражаси; усимлик ёгининг ёниш даражаси ва бошқалар. Буларнинг урганиб чиқиш натижасида маҳсулот сифатининг пасайиши, яроксиз маҳсулот улушининг ортиши, чиқиндилар чиқиши купайишининг сабаблари ва сабабчилари ва бунинг натижасида корхонага етказилган зиён миқдорини аниқлаш имкони яратилади.

**СУРОВ ВА ТАСДИКЛОВ ОЛИШ.** Бу усулдан аудитор мижоз корхонадаги айрим хужжатларнинг ва хужалик муомилаларининг тугрилигига шубҳа тугилган ва ундаги маълумотларни учунчи шахслар томонидан тасдиқлаб олиш зарурияти юзага келган ҳолатда фойдаланиши мумкин. Унинг ёрдамида айрим хужжатлардаги маълумотларга узгартириш киритиш, уларни қалбаки хужжатлар билан алмаштириб қуйиш, хужалик муомилаларини бухгалтерия ҳисобида қисман ёки тулик бузиб курсатиш қаби ҳаракатлар ортида юзага келган қонунга зид ҳолатларни ва уларнинг моддийлик даражасини аниқлаш мумкин.

Мисол учун, қабул қилиб олинган моддий қийматликларнинг миқдори, тури ва сифат курсаткичлари тугрисидаги маълумотлар мижоз корхонанинг омбор китобида ва мол етказиб берувчи ташкилотнинг юк қогозларида бир ҳилда акс эттирилган булиши керак.

Самарали булишига қарамасдан бу усулни аудит амалиётида қуллаш анча мураккаб. Ундан олинadиган самара аудитор (аудиторлик фирмаси) нинг алоқалари, тажрибаси ва удабуронлигига боғлиқ булади. Чунки ҳаракатдаги қонунлар учинчи шахсларни аудиторнинг мурожатига жавоб беришларини (жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга булган идоралар мурожатини ҳисобга олмаганда) шарт қилиб қуйган эмас.

Аудитор шубҳа тугилган хужжатдаги маълумотларга аниқлик киритиш учун мол етказиб берувчидан ушбу воқеликнинг тугрилигига муносабат билдиришга эришиши лозим. Бунинг учун у учинчи шахсга суров хати билан мурожат

килади.Хатда мижоз фирма рахбариятининг учинчи шахсга аудиторнинг мурождати буйича жавоб беришига карши эмаслиги курсатилиши лозим.

Маълумотларни тасдиклаш тугрисидаги суров хати жахон аудит андозаларига кура ижобий ва салбий шаклга эга булади.Хатнинг ижобий шаклида учинчи шахсдан хисоботда курсатилган колдикка рози ёки рози эмаслигини тасдиклаш илтимос килинади. Салбий шаклида эса учинчи шахсдан колдикка рози булмаган такдирдагина жавоб бериши суралади.

Учинчи шахс аудиторнинг расмий мурождатига уни кизиктирган маълумот ётган хужжатнинг нусхасини тегишли тартибда расмийлаштириб жунатиши ёки хатда келтирилган колдикка уз муносабатини ёзма равишда билдириш оркали жавоб кайтариши мумкин.

Учинчи шахс аудиторларнинг суров хатига жавоб кайтармаслиги хам мумкин.Бундай ҳолатда аудитор уз саволига бошка йулар билан жавоб олишга ҳаракат килиши лозим.Мабодо,аудитор уз шубҳасига аниқлик киритадиган далил олишга эриша олмаса бу воқеликни аудит таввақалчилиги даражасига кушишга мажбур булади.Агар ушбу ҳатолик моддий тарзга эга ва молиявий хисоботга уз салбий таъсирини курсатиши мумкин булса аудитор бу ҳолатни уз ҳулосасини билдиришда хисобга олиши лозим.

**ЁЗМА РАВИШДА ТУШУНТИРИШЛАР ОЛИШ.**Бу усул текширув жараёнида топилган қонунбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарган сабабларни аниқлашда жуда қул келади.

Ўзбекистон республикасида "Аудиторлик фаолияти тугрисида" ги қонуннинг 11 моддасига биноан ҳужалик юритаётган субъект раҳбарлари ва моддий жавобгар шахслар аудиторнинг талабига биноан текширув жараёнида аниқланган ҳатоликлар,қамомад ва уғирликлар,молиявий интизомни бузиш ҳамда бошка қонуний ҳаракатлар юзасидан ёзма ва оғзаки шаклда зарур тушунтириш беришлари шарт.

Аудитор булардан ташқари ҳужалик муомиласининг бевосита иштироклари булган ишчи ва ходимлар ва учинчи шахслар,яъни имзо чекиб қул олувчилар,қишлоқ ҳужалиги хом ашёсини топширувчилар ва хисобдор шахслардан хам муайян воқеликни тасдиқловчи ёки инқор қилувчи тушунтириш хатлари олиши мумкин.

Агар мансабдор шахслар уз тушунтириш хатларида янги маълумотларнинг мавжудлигини қулақ қилиб қонундан четга чиқиш ҳолатларини инқор қилсалар аудитор уларнинг эътирозларини асослилигини диққат билан урганиб чиқиши лозим.

**ЮЗЛАШТИРИШ** - асосан аудиторлик текшируви жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга булган идоралар томонидан тайинланганда қулланилади.Бу усулнинг моҳияти,моддий жавобгар шахсларда қамомад ёки бошка қонуний ҳаракатлар аниқланганда вазиятга уша шахслар ва уларнинг курсатмаларига кура шу ҳолатларни келтириб чиқарган қимсаларни юзлаштириш натижасида аниқлик қиритишдан иборат.Мисол учун,қорхона газнасида қамомад қикса, ҳазиначи билан маблағни вақтинчалик фойдаланиб туриш учун олган

шахсни;омборда ноконуний муомилаларга йул куйилган булса, омборчи билан шу муомалани амалга оширишга огзаки буйрук берган маъсул шахсни учратиш.

**ИКТИСОДИЙ ТАХЛИЛ** аудиторга иктисодий жараёнларни янада кенгрок ва чукуррок урганишга имкон яратади.Унинг ёрдамида аудитор мижоз фирмадаги ишлаб чикариш ва сотиш дастурларининг асосланганлиги;унинг охирги натижаларини юзга келтирган сабаблар урганилади;угирлик,хисобот маълумотларни бузиб курсатиш ва уларга боглик иктисодий курсаткичлар уртасидаги зиддият топилади;уларнинг узгаришига алохида олинган омилларни таъсири хисобланади ва корхона фаолиятини яхшилаш имкониятлари аникланиб,уларни амалиётга жорий килиш тадбирларни ишлаб чикилади.

Аудит жараёнида иктисодий тахлилнинг занжирли богланиш, абсолют ва нисбий курсаткичлардаги тафовутлар,таккослаш,баланс, индекс каби анъанавий;хамда иктисодий математик моделлараштириш, математик дастур тузиш,интеграл,урганувчи вокелик уртасидаги корреляцион богланишни урганиш каби математик усуллардан кенг фойдаланилади.

Тахлил натижалари аналитик жадвал,маълумотнома,хулоса ва так-лифлар шаклида рамийлаштирилади.

**Сканирование.** Унинг ёрдамида аудиторлар мижоз хужжатларида акс эттирилган гайритабиий моддалар ва ходисаларни урганадилар.

Сканерлаш натижасида даромад счетларида дебетли, харажат счетларида эга кредитли колдикларни;дебиторлик карзларни счетларидан эътиборни тортувчи катта микдорларда маблагларни хисобдан чикариш ёки чек оркали тулаш;йил якунланишига оз колганда наkd пул куйиш оркали йирик депозитларни юзага келтириш;молиявий йил тугагандан кейинги ойда эса махсулот сотиш хажмининг гайритабиий холда камайиб кетиш холларини аниклаш мумкин (3.121-1226).

**В.Юзаки танишув,** кузатиш, мантикан фикрлаш ва хукукий кучга эга булмаган хужжатларга асосланиб исботлов кучи заиф булган далиллар йигишга имкон берувчи усуллар. Буларга куйида келтирилган усулларни киритиш мумкин;

- 1.Юзаки танишув
- 2.Танлама кузатиш
- 3.Даъво ва талаблар
- 4.Суров утказиш
- 5.Мантикий бахолалаш
- 6.Ижрочилар билан бевосита мулокат
- 7.Суратга олиш ва хронометрлаж килиш.

**ЮЗАКИ ТАНИШУВ.**Аудитор текширувни ёки хизмат курсатишни бошлашдан аввал мижоз корхонадаги ахвол билан юзаки танишиб чикади. Бундан максад фирмада омбор хужалигининг холати,мол-моддий бойликларни саклаш шароитлари;сакловдаги ва фойдаланишдаги техника ва технологиянинг холати;цех ва участкаларда меҳнатни ташкил килиш,ишчи ва хизматчиларни



ички тартибга риоя килиш даражаси;корхонага кириш ва ундан чиқиш жараёнини назорат килиш тизими ҳамда миждознинг имкониятлари тугрисида тушунчага эга булиш ва унга дастлабки баҳо беришдан иборат.

**ТАНЛАНМА КУЗАТИШ.**Урганилиши лозим булган тупламдан зарурий миждордаги бирликлар махсус усуллар билан танлаб олишса ва улар устида утказиладиган кузатиш маълумотлари бутун тупламга таркатилса,бундай усул танлама кузатиш дейилади(4.776).

Бу усул статистика курсида мукаммал ёритилган (4.77-926).

Аммо бу усулни аудиторлик фаолиятида куллашда хусусиятли тамонлари мавжуд.Умумлаштирувчи нисбий ва уртача курсаткичлар билан ишловчи статистикадан фаркли уларок молиявий назоратда бу усул купрок якка вокелик ва ходисалар билан иш олиб боради.

Аудиторлик текширувининг мазмуни дастлабки хужжатлар,хисоб,хи собот ва бошка маълумотларга асосланиб алохида олинган хужалик муомилалари ва жараёнларининг конунийлиги,тугрилиги,максадга мувофиқлиги ва иктисодий самарадорлиги урганилади.Аудиторни аввалом бор йул куйилган ноконуний харакатлар ва хатоликларнинг сабаблари, сабабчилари ва уларнинг моддийлиги даражаси кизиктиради. Уз узидан маълумки бундай вокеликларни урганиш натижаларини назорат объектининг барчасига ёйиб булмайди (5.386).

Бу усулнинг хусусияти шундаки,аудитор узга шахслар томонидан бажарилаётган ишларни,жараёнларни бевосита кузатиб туриши лозим.Факат мана шу холдагина олинган маълумот ишончли хисобланади.

#### **ДАЪВО ВА ТАЛАБЛАРНИ УРГАНИШ.**

Аудитор бу усулдан текширув жараёнида корхонага ёки корхонани учинчи шахсларга нисбатан молиявий хисоботга сезиларли таъсир курсатиши мумкин булган даражада талаб ва даъволари мавжудлиги тугрисида ахборотга эга булган холатда,бу вокеликка аниклик киритиш максатида фойдаланилади.Шу максадда у талаб ва даъволарнинг умумий руйхати ва кийматини аниклаш максатида корхона рахбарияти ва унинг хукукшуносига ёзма талаб билан мувожат килиши,бевосита мулокатда булиши,фирма кенгашининг баёнлари ва хат-хабарлари билан танишиб чиқиши лозим.Бу усулни куллашдан максад талаб ва даъволарнинг моддийлик даражасини аниклашдан иборат.

**СУРОВ УТКАЗИШ.**Аудитор лозим булган холатда миждоз корхона ишчи ва хизматчилари уртасида узини кизиктирган масалалар буйича суров утказиши мумкин.У суровномадаги саволларни шундай тузиш керакки,суралувчи (респондент) унга "ха" ёки "йук" деб жавоб кила олсин.

Доимий миждоз корхонада суровга тортишини мунтазам утказиб туриш ва унинг маълумотларини малакали тарзда тахлил кила олиш аудиторга корхонанинг у ёки бу йуналиши буйича диққатга сазовор маълумотларни олиши,объектдаги холатни узгайиб борилишини кузатиб туриши ҳамда корхона рахбарияти эътибор бермаётган тамонларни аниклаши учун асос булиб хизмат килади.



Аммо бу усулнинг камчиликлари мавжуд. Биринчидан, уни утказиш маблаг ва вақт талаб қилади. Иккинчидан, суровга тортилганлар суровномага жавоб беришлари шарт эмас. Демак уларнинг купчилиги бу ҳолатдан фойдаланишлари мумкин. Учинчидан, купчилик суровноманинг талабига қарамай саволларга уз билганларича эркин тарзда жавоб бериши мумкин. Бу ҳолат маълумотларни гурухлаштиришни қийинлаштиради. Туртинчидан - суровномадаги маълумотларни аниқлиги, унга жавоб берган кимсанинг тажрибаси, дахлсизлиги ва софдиллигига боғлиқ бўлади. Бешинчидан - суровнома маълумотлари юридик қучга эга эмас.

**МАНТИКАН БАХОЛАШ.** Бу усул орқали ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳужалик муомилаларини замон, макон ва ҳажмда юзага кела олиш имконияти аниқланади. Бошқача қилиб айтганда ҳужжатда акс этган воқеликни мантикка мос қилиши урганилади. Бунинг учун масалан, келтирилган юк массаси, уни олиб келган автомобилнинг юк қутара олиши имконияти ва юк ҳужжатида курсатилган идишнинг сизими билан; цех ҳисоботида курсатилган тайёр маҳсулот ҳажми унинг ишлаб чиқариш қувватлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот учун ҳисобланган иш ҳақи қайдноmaları билан; йуклама қилиш рўйхатида қайд қилинган хом-ашё еки материаллар миқдорини улар сақланиши мумкин бўлган майдон сизими билан; бирламчи ҳужжатларда курсатилган ёқилги ҳажмини уларга юкланаётган идишларнинг сизими билан солиштириб чиқилади.

Мантикан баҳолаш бошқа усуллар билан биргаликда уғирлик ва қушиб ёзишлик ҳолларини аниқлаш имконини беради. Бу усулнинг самараси уни қўллаётган аудиторнинг билими, тажрибаси ва мушоҳада қила олиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

**ИЖРОЧИЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОКАТ.** Бу усул ноқонуний ҳаракатлар акс эттирилган ҳужалик муаммоларини амалга оширган ишчи ва хизматчилар билан воқеликка аниқлик қиритиш мақсадида бевосита суҳбатлашув тарзида амалга оширилади. У купрок бошқа усуллар билан бирга қушиб олиб борилади.

Юқорида баён қилган усуллар аудиторга миқоз фирманинг молиявий ҳисоботи бўйича фикр билдириш учун етарли ва ишончли далиллар йиғиш имконини беради. Аудитор текширув жараенида аниқланган ҳатолик, ҳужжатларни расмийлаштиришдаги четга чиқиш ва қонунга ҳилоф муомилалар бўйича туплаган далил ва исботларини узининг ишчи қозғаларида муомиланинг мазмуни, унинг юзага қелган санаси, ҳужжатнинг рақами, имзо қеккан шахснинг исми шарифини қурсатган ҳолда қайд қилиб боради.

Ишчи қозғалар аудитор томонидан текширувни яхшироқ ташкил қилиш; текширув утқазилганлигини тасдиқлаш; далиллар йиғиш; унинг сифатини таъминлаш; ҳулосаларни ҳужжатлар билан қувватлаш ҳамда тортишувли низолар ва ҳолатларда дастак сифатида ишлатиш мақсадида юритилади. Мана шу ҳолатлар ишчи қозғаларини имқони борица батафсил олиб бориш заруриятини тугдиради. Аудитор ишчи қозғаларини шундай пухта юритиши

керакки ,бирор бир вокеликни тасдиклаш учун яна кайта дастлабки хужжатга кайтмаслиги лозим .

Жахон аудит андозаларига кура ишчи коғозлари куйидаги ҳолатларни камраб олиши лозим.

- 1) корхонанинг ҳуқуқий ва ташкилий тузилишига оид маълумотлар;
- 2) ҳуқуқий хужжатлар ,битимлар ва йиғишлар баёнларидан кучирмалар ёки уларнинг нусхалари :
- 3) мазкур компанияда аудитни режалаштириш жараёнини асос ланганлиги;
- 4) ҳисоб ва ички назорат тизимини урганиш ва баҳолаш натижалари;
- 5) килинган ишлар ва ҳисобвароклардаги кодиклар таҳлили;
- 6) молиявий ёки бошқа жараёнларни ривожланиш суръатларини характерловчи муҳим курсаткичлар ва трендлар таҳлили;
- 7) бажарилган аудиторлик ишларининг моҳияти,утказилиш вақти, ҳажми ва уларнинг натижалари;
- 8) ёрдамчилар тамонидан бажарилган ишлар аудитор тамонидан текширилганлиги ва таҳлил килинганлигини тугрисидаги далиллар;
- 9) аудиторлик муолажалари ким ва қачон бажарилганлиги тугрисида курсатмалар:
- 10) аудиторни экспертлар ,маслаҳатчилар ва учинчи тамоннинг бошқа вакиллари билан олиб борган суҳбатларининг баёни;
- 11) аудиторлик фаолиятига тегишли бўлиб ,мижозга ахборот берилган ва у билан куриб чиқилган масалалар бўйича битилган хатларнинг нусхалари шу жумладан мажбурият шартлари ва ички назоратни заифлиги тугрисидаги саволлар;
- 12) мижоз ва унинг вакилларида олинган хатлар;
- 13) ҳулосалар;
- 14) молиявий ҳисобот ва унга тегишли аудиторлик ҳисоботнинг нусхалари (6.52-53 б).

Ишчи коғозларда акс этган далилларга асосланиб ,аудитор мижоз корхонага тугриланиши мумкин бўлган ҳатолик ва ноқонуний муомилаларни бартараф этишда ,ҳамда шу боисдан бухгалтерия ҳисобвароклари ва ҳисоботга узгаришлар киритиш бўйича курсатма беради ва уни бажарилиши устидан назорат қилади.

Агар аудитор бирор бир муаммо юзасидан тулик ва ишончли далиллар йиғишга эриша олмаган бўлса бу ҳолатни у уз ҳисоботи ва ҳулосада баён қилиши лозим.

Ишчи коғозларнинг мазмуни ва юритишлиш тартиби аудиторни малака даражасини курсатади.

Молиявий ҳисобот мижозининг мулки бўлгани каби,ишчи коғозлар аудиторнинг мулки ҳисобланади.Аммо уларни сақлаш ва ундаги маълумотларни мижознинг руҳсатсиз учинчи шахсларнинг қулига тушиб қолмаслиги борасида аудитор қонун олдида жавобгардир.

## Таянч иборалар

**"Аудит"**- лотинча "audio" сузидан олинган булиб, "у эшитади" деган маънони билдиради.

**Халкаро аудиторлик фирмаларига** "Артур Андерсен","КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Куперс Энд Лайбренд", "Прайс Уотерхауз" ва "Делойт энд Туш" каби фирмалар киради.

**РАСМАН ТЕКШИРУВ**- бу усулнинг мақсади ҳужжатларни расмий лаштиришда ва уларнинг реквизитларини тулдиришда йул қуйилган камчиликларни, ҳужжатларда қелишилмаган тугрилашлар,буяш лар,матн ва ракамларга қушиб қуйишлар мавжудлигини ҳамда мансабдор шахсларнинг имзоларини ҳақиқийлигини аниқлагандан иборат.

**АРИФМЕТИК ТЕКШИРУВ**- бунда текширувга жалб қилинган даст лабқи ва йиғма ҳужжатлар,ҳамда уларга бириктирилган иловалардаги ҳисоб китоблар арифметик амалларнинг бажарилишини тугрилиги нуқтаи назаридан урганиб чиқилади ва зарур бўлса уларга тегишли узгартишлар киритилади.

**ЙУКЛАМА КИЛИШ**- мол-моддий қийматлар,асосий воситалар,пул маблағлари ва ҳисоблашларнинг мавжудлиги,сакланиши ва ҳолати тугрисида аниқ далил олиш имконини берувчи усулдир.

**ИЖРОЧИЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОКОТ**.Бу усул ноқонуний ҳаракатлар акс эттирилган ҳужалик муаммоларини амалга оширган ишчи ва хизматчилар билан воқеликка аниқлик киритиш мақсадида бевосита суҳбатлашув тарзида амалга оширилади.

## Мавзунӣ такрорлаш учун саволлар

- 1.Расман текширув деганда нимани тушунасиз?
- 2.Арифметик текширув деганда нимани тушунасиз?
- 3.Йуклама қилиш деганда нимани тушунасиз?
- 4.Ижрочилар билан бевосита мулоқот деганда нимани тушунасиз?

**5-мавзу:Аудит натижаларини расмийлаштириш. Ўзбекистон  
Республикасида аудитни ривожлантиш муаммолари.**

- 1. Аудитор хисоботи ва хулосасининг турлари.**
- 2. Молиявий хисобот эълон қилингандан кейин аниқланган фактлар.**
- 3. Аудитор ишининг устидан назорат.**
- 4. Ҳукукий ва услубий базани яратишдаги муаммолар.**
- 5. Тижорат сири шароитида аудитни ташкил қилиш**
- 6 .Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш муаммолари.**

**1. Аудитор хисоботи ва хулосасининг турлари.**

Аудитор хисоботини назарий ҳолда 3 қисмга бўлиш мумкин:

- а) кириш қисми
- б) тахлилий қисм
- в) якуний қисм

Аудитор хисоботининг кириш қисмида аудитнинг жаҳон ва миллий андозаларига қура қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

1) ҳужжатнинг номи- "Аудитор хисоботи","Аудиторлик фирмасининг хисоботи","Хусусий аудиторнинг хисоботи";

2) ҳужжатнинг қимга аталганлиги- "Хиссадорлик жамияти бошқарув кенгашига",мажбурий аудиторлик текширувини тайинлаган идора раҳбариятига,масалан:"Вилоят (шаҳар,туман) прокурорига" , "Хужалик суди"га в.х.к.;

3) аудиторлик фирмаси (аудитор)нинг лицензия рақами,олинган сана, лицензия берган ташкилотнинг номи ва лицензиянинг ҳаракат қилиш муддати;

4) миқдор билан тузилган шартноманинг рақами ва санаси;

5) аудиторлик текширувига тортилган давр;

6) текширувнинг бошланиши ва тугаган санаси;

Аудитор хисоботининг тахлилий қисмида аудиторни миқдор фирмада унинг фаолиятини қонун жиҳатидан баҳолаш ва молиявий хисобот шаклларида моддий аҳамиятдаги ҳатоликлар мавжуд еки йуклигини аниқлаш борасида олиб борилган ишлари ўз аксини топади.Жумладан,тахлилий қисмда қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

1) молиявий хисоботнинг текширувга тортилган қисмлари,яъни аудиторлик текширувининг объекти;

2) тулик ва танланма ҳолда текширув ўтказилган йўналишлар;

3) аудиторни маълумотлардан фойдаланиш жараенида мавжуд бўлган бўлган тусқинликлар (агар улар мавжуд бўлган бўлса);

4) аудиторлик текшируви жараенида меъерий асос сифатида қўлланилган қонунлар,жаҳон ва миллий аудит андозаларига ишора;

5) аудиторлик фирмаси (аудитор) билан миқдор корхона раҳбарияти уртасида молиявий ҳисоботда ақс этган маълумотларнинг ишончлилиги бўйича масъулиятнинг тақсими;

6) амалга оширилган аудиторлик текширувини босқичма-босқич таъсифи.

Жумладан:

а) корхона ички назорат тизимининг самарадорлиги таҳлили;

б) корхона бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини текширув натижалари;

в) корхона томонидан ҳужалик муомалаларини амалга оширишда қонунчилиққа риоя қилиш ҳоллари таҳлили;

г) текширув натижасида аниқланган ҳато ва алдов ҳоллари, ҳамда уларнинг моддийлик даражаси;

7) аудиторлик текшируви жараёнида бошқа аудитор еки эксперт хизматидан фойдаланиш ҳоллари юз берган бўлса, шунга ишора ва уларнинг иши сифати учун аудиторнинг масъулияти;

8) қонун билан жиноий жавобгарлик қўзда тутилмаган қамчиликларни бартараф қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ва тақлифлар таъсифи;

9) аудиторни текширувни утқизишга малақаси қўрлиғига ишора;

10) аудиторнинг муқтақиллиғига ишора;

11) текширув режалаштирилганлиғи ва уни қажарилиши назоратга олинганлиғига ишора;

12) фикр қилдириш учун етарли маълумот йиқилганлиғига ишора;

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисми молиявий истеъмолчилари учун ушбу ҳужжатдаги энг аҳамиятли бўлим бўлиб, унда асосан қуйидаги маълумотлар бўлади:

1) текширилган молиявий ҳисоботнинг тугрилиғи, уни қонун талаб-ларига жавоб қериши тугрисида аудитор ҳулосаси;

2) аудитор ва аудиторлик фирмаси раҳбарининг имзоси ҳамда фирма муҳри;

3) аудиторлик фирмасининг манзилгоҳи;

4) аудитор ҳисоботи тузилган сана;

## **5. Тиқорат сир шароитида аудитни тақкил қилиш**

Бозор иқтисодиётига утишнинг бошланиши- ишлаб қикарувчилар сонининг ортиши, тақдим қилинаётган маҳсулотлар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши, одамларда меҳнатга бўлган муносабатнинг узғариши қабби бир қатор иқобий ҳислатларни яратиш билан бирга айрим салбий ҳолатларнинг юзага қелишига ҳам сабаб бўлди. Бунини жумладан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг қонланишида қуриш мумкин. Буларга, иқтисодий ҳаётимизда Ўзбекистон Республикаси манфаатларига ҳилоф равишда битимлар тузиш; валюта қийматликларини қонунни бўзган ҳолда олиш ва утқизиш; чет эл валютасини яшириш; сохта тадбирқорлик; сохта банкротлик; банкротликни яшириш; монополияга қарши қонун ҳужжатларини бўзиш; солиқ ва бошқа туловларни тулашдан бўйин товлаш; фаолият билан лицензиясиз

шугулланиш;конунга хилов равишда ахборот туплаш;уни эгасининг рухсатисиз ошкор килиш ёки ундан гараз мақсадларда фойдаланиш каби янги жиноят турлари юзага келди.

Ўзбекистон республикаси ҳукумати ушбу жиноятларни олдини олиш ва бизнес соҳасига энди кириб келаётган тадбиркорларни номақбул ҳаракатлардан саклаш мақсадида янги конунлар ишлаб чиқмоқда ва ҳаракатдагиларига узгартиришлар киритиб бормоқда.Ўзбекистон республикасида конунчиликни таъминлаш ва назорат килиш идораларининг олдида турган вазифа мана шу йуналишлар билан боғлиқ конунлар мазмунини ишбилармон доираларга етказишдан иборат.Бу соҳада аудиторлик хизмати ходимларининг имкониятлари ҳам жуда каттадир.Чунки улар корхоналарнинг бизнес-режаларини тузиш;бухгалтерия ҳисобини тартибга солиб бериш;маркетинг хизматлари курсатиш ва молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан утказиш жараёнида Ўзбекистон республикасида тадбиркорликни тартибга солувчи конунларнинг бузилиши,мамлакат жиноят кодексида курсатилган иктисодий жиноятларнинг содир булишини олдини олиш борасида катта имкониятларга эгадирлар.Шуларни ҳисобга олиб тадбиркорлик ва эркин рақобатга таъсир курсатиши мумкин булган иктисодий жиноят турларидан бири-тижорат сирини эгасининг рухсатисиз ошкора килиш-,ҳолатига аудитор нуктаи назаридан баҳо беришни олдимизга мақсад килиб қўйдик.

Масалани эътиборга лойиқ тамони шундаки,бозор муносабатларига утиш шароитида ахборот узига ҳос ноёб товарга айланди ва унга нисбатан:

- ахборотнинг эгаси ким?

- ким ундан манфаатдор?

- унга эришишнинг эҳтимоли қандай?

- уни тижорат мақсадида ишлатиш мумкинми? деган саволлар нуктаи назаридан қарашга зарурият тугилди.Шунга қура сир сакланиши лозим булган ахборотлар туплами юзага келди.

Катта энциклопедик лугатнинг маълумотларига қура,"тижорат сир - бу корхоналар,компаниялар,фирмалар,банкларнинг уз фаолиятларини акс эттирувчи ҳужжатлар ва маълумотларни сир саклаш ҳуқуқидир" (1.610б).Демак,тижорат сир-тадбиркорларни давлат ва ҳужалиқ юритишнинг бошқа субъектлари билан буладиган муносабатларида уз манфаатларини ҳимоя килиш борасидаги эркинликка эга булиш ҳуқуқидир.Аммо тегшли назорат булмаган тақдирда бу ҳуқуқни суистеъмол килиш ҳоллари юз бериши ва бунинг натижасида иктисодиётга ва фуқоролар манфаатига катта зарар етказилиши мумкин.

Амалиёт конунбузарлик йулига кирган тадбиркорлар тижорат сирини никоби остида солиқлардан бош тортиш,ноқонуний валюта муомалалари,давлат кредитларини суистеъмол килиш,ҳужасизлик ҳолатларини яширишга ҳаракат килишлари мумкинлигини тасдиқламоқда. Шунинг учун давлатнинг қонуний



хужжатларида "тижорат сири" деган тушунчага аниқлик киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижда тижорат сирига қуйидаги маълумотлар киритилади:

- фирманинг молиявий ҳолати тугрисидаги маълумотлар;
- маркетинг ва баҳо стратегияси бўйича маълумотлар;
- тузилаётган битимларнинг шартлари ва унинг натижалари;
- ишлаб чиқаришни маҳсулот ҳажми ва турлари бўйича ривожлантир-ишнинг истикболдаги режалари;
- фирмани сотиш ва бирлаштириш шартлари;
- корпорациянинг ташкилий тузилиши;
- фирма хавфсизлик тизимининг асосий элементлари (2.146).

Ўзбекистон республикасида иктисодиётни ва тадбиркорликни тартибга солувчи қонуний ҳужжатларда фирмаларда сир тутилиши мумкин бўлган ахборотларнинг мавжудлиги эътироф этилган ва уларни эгасининг розилигисиз ошқор қилишга нисбатан қулланиладиган чора-тадбирлар курсатилган. Лекин бу ҳужжатларда тижорат сири таркибига нималар кириши ва нималарни киритиш мумкин эмаслиги тугрисида аниқ маълумотлар берилмаган. Бозор иктисодиети ривожланган мамлакатлар тажрибасини урганиш тижорат сири таркибига киритилиши лозим бўлган маълумотлар турларини аниқлаш имконини беради. Бизнинг фикримизча, тижорат сири сифатида қуйидаги маълумотларни ажратиб курсатиш мумкин:

- фирманинг молиявий ҳолати тугрисидаги маълумотлар;
- бозор тугрисида тупланган маълумотлар: баҳолар, чегирмалар, шарт-нома шартлари;
- фирма маҳсулоти тугрисидаги маълумотлар: фирма маҳсулотининг тех-ник тавсифлари ва ташқи қуриниши нуктаи назаридан рақобатлашувчи корхона маҳсулоти курсаткичлари билан таққослама таҳлили маълумотлари;
- илмий изланишлар тугрисидаги маълумотлар: янги технологик усуллар; булажак маҳсулотнинг техник курсаткичлари; илмий изланиш ишларининг дастури; янги алгоритмлар, формулалар, "ноу-хау"лар;
- моддий техника таъминоти билан боғлиқ маълумотлар: фирманинг хом-аше, материаллар, ёкилги, энергия, бутловчи буюмлар ва транспорт воситаларига бўлган талаби ва уни қондириш манбалари; мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар;
- фирма маҳсулотини доимий ва катта ҳажмларда истеъмол қилувчи миқозлар, уларнинг талаблари, баҳоларни белгилаш тартиби тугрисидаги маълумотлар; улар билан олиб борилган ёзишмалар;
- корхонани бошқариш билан боғлиқ маълумотлар: фирмада ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш, бошқариш принциплари, ходимларни моддий рағбатлантириш тартиби тугрисидаги маълумотлар;
- корхона ходимлари тугрисидаги маълумотлар: ходимларининг малака-си, иш қилишнинг қўшимча қилиги, контракт шартлари, ходимларнинг иш ҳақи, фирма фаолияти учун аҳамияти катта бўлган ходимлар тугрисидаги маълумотлар;

- компьютер тизимларига киришга ва кодларни билишга ҳукуки бор ходимлар руйхати, кодларнинг номлари ва алмаштириш муддатлари;
- фирма шаънига путур етказишда ишлатилиши мумкин булган маълумотлар;
- фирманинг тижорат сирини химоя қилиш тизими тугрисидаги маълумотлар.

Фирмада ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳукуки булган ходимлар доираси чекланган, шундай ҳуқуққа эга булганлар эса фирма сирини билан боглик маълумотлар билан ишлаётганликлари тугрисида огохлантирилган булишлари лозим. Тушунмовчиликни олдини олиш мақсадида тижорат сирини сифатида талқин қилиниши мумкин булмаган маълумотлар тупламига ҳам аниқлик киритиб олиниши лозим. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фирманинг таъсис ҳужжатлари ва Низоми;
- тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар (руйхатдан утганлик тугрисидаги гувоҳнома, лицензия, патентлар);
- солиқлар, туловлар ва ажратмаларнинг ҳисобланиши ва утказилиб берилиши тугрилигини текшириш учун зарур булган маълумотлар;
- солиқлар ва ажратмаларнинг утказилиб берилганлиги тугрисидаги маълумотлар;
- меҳнат шартлари ва буш иш жойлари тугрисидаги маълумотлар;
- атроф муҳитни ифлослантириш билан боглик маълумотлар;
- антимонопол қонун шартларини бузиш билан боглик ҳаракатлар акс этган ҳужжатлар;
- инсон саломатлигига зарар етказган маҳсулотларни сотиш билан боглик ҳаракатлар акс этган ҳужжатлар.

Бу маълумотлардан қорхонанинг тегишли йуналишларини қонуний тарзда текшириш ҳуқуқига эга булган ташкилотлар тамонидан бемалол фойдаланишларида фирма тусқинлик қилмаслиги лозим.

Тижорат сирини тугрисидаги қонун ёки кодекснинг йуқлиги шароитида ишбилармонларнинг узлари фирма бизнесининг хусусиятларидан келиб чиқиб, маълумотларнинг қайсиларини тижорат сирини таркибига қушиш ва қайсиларини эркин фойдаланиш масаласини мустақил равишда ҳал қилишлари лозим булади. Аммо бу анчагина мураккаб жараён булиб, тадбиркордан жуда қўп омиллар таъсирини ҳисобга олишни талаб қилади. Тадбиркор у ёки бу маълумотни тижорат сирини таркибига қи-

ритиш ёки қиритмаслик масаласини ҳал қилиши учун аввалам бор, уни ошқора қилиниши қандай салбий оқибатларга олиб қелиниши ва бунинг натижасида фирма қанча зиён қуришини урганиб чиқиши лозим. Тижорат сирини ошқора булишининг салбий оқибатлари қуйидаги қуринишларда акс этиши мумкин:

- инқирозга учрашига сабаб булиши;
- ҳамкорлар билан иқтисодий алоқаларнинг ёмонлашуви, узилиши;
- нафли битим тузиш имқониятидан маҳрум булиш;

- шартнома шартларини бажарилмай колиши;
- бозордаги мавкеининг пасайиши;
- бозорни урганиш буйича кушимча изланишларни олиб боришнинг заруриятини юзага келиши;
- илгари қабул килинган, лекин сирни ошкор булиши натижасида маълум молиявий зарарларга олиб келувчи ёки самарасиз қарорлардан воз кечиш;
- қулга киритилган махфий маълумотларни рақобатчи фирмага рақобат қурашини кескинлаштириш имконини бериши;
- рақобатчи фирма тамонидан илмий-текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари учун кетадиган харажатларни камайитириш, технологиясини такомиллаштириш имконини бериши;
- фирма шаънига путур етиши;
- кредитлар олиш шароитининг ёмонлашуви;
- таъминот ва усқуналар сотиб олишда қийинчиликларни юзага келиши;
- иктисодий хавфсизлик даражасининг пасайишига олиб келиши ва бошқалар.

Фирма раҳбари ҳар бир йуналиш бўйича тижорат сирни мақомига эга бўлган маълумотларни рақобатчилар ихтиёрига тушиб қолишдан қуриладиган зарарларни аниқлаш ва уларнинг энг муҳимларини ажратиб олиш учун қорхонанинг малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиши лозим бўлади. Ҳар бир ҳолатга баҳо бераётганда экспертлар қуйидаги саволларга эътибор беришлари лозим:

- маълумотларни рақобатчи фирма қулига тушиб қолиши қандай моддий зарарларни келтириб чиқаради?

- бу ҳолат фирманинг кейинги фаолиятига қандай таъсир қурсатиши мумкин?

- етказилган зиёни қоплаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим?

Экспертлар ҳулосаларига асосланиб фирмада ута муҳим ва муҳим аҳамиятга эга бўлган "тижорат сирини" мақомини талаб қилувчи маълумотлар гуруҳи аниқланади.

Ута муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар фирма раҳбаридида сақланиши ва бу турдаги маълумотлардан фойдаланиш унинг назоратида бўлиниши тавсия қилинади. Иккинчи гуруҳга кирган маълумотлар фирма ходимларига узларига тегишли қисмида ҳавола қилинади ва улар тижорат сирини билан боғлиқ маълумотлар билан ишлаётганликлари ва бу маълумотларни фирма раҳбариятининг рухсатсиз ошқора қилинишининг оқибатлари туғрисида ёзма равишда огохлантириладилар.

Бозор иктисодиёти шароитида маҳсулотлар уртасида юзага келадиган рақобат уларни эгалари уртасидаги рақобатни келтириб чиқаради. Тижорат сирини рақобат тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Зеро сирини сақлай олган тамон рақобат қурашида устунликка эга бўлади.

Рақобатчилик бозор иктисодиётини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланса ҳам, бозорда ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам уз

мавкеини саклаб қолиш учун ҳаракат қилаётганлар тамонидан рақобатнинг нопок йулларидан фойдаланиш бизнес оламига энди кириб келаётган ишбилармонларни каттик саросимага солиб қуйиши, янги бошланаётган ишни эса боши берк қучага қиритиб қуйиши, бозор тизими асосларини ларзага келтириши мумкин. Рақобатчиликнинг тугри усулларидан фойдаланиш орқали устунликка эга бўлишга қучи етмаган, осон йул билан бойлик орттириш иштиёқида бўлган, қучи ва бизнесини ривожлантириш борасида ишлашни хохламайдиган ёқи билмайдиган ҳамда бизнес оламига бўзгунчилик қилиш мақсадида кириб келган "ишбилармонлар" жаҳон иқтисодиети ривожланиши тажрибаси қурсатишича қз манфаатлари йулида рақобатнинг нопок усулларидан қенг фойдаланадилар.

**Охириги харид нархлари буйича бахолаш усули (LIFO-- охириги кириш , биринчи чикиш).** Охириги харид килинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотилган товарларнинг кийматини аниклаш учун ҳисобот даврининг охирига булган захираларнинг таннархи эса биринчи навбатда харид килинган товарлар таннархи асосида ҳисоб килинади деган тахминга асосланган.

**Соф сотиш киймати** — товар сотилишининг тахминий кийматидан товарларнинг сотув олди таёргарликлари ва унинг сотилиши харажатларнинг айирмасидир.

**Моддий активлар (асосий воситалар )** — жисмоний, табиий қурилишга эга булган ва узок муддат фойдаланиладиган активлар булиб, уларга ер , бинолар , иншоотлар , ва табиий ресурслар киради.

**Ерни ободонлаштириш** - ерни кийматини оширмасдан турли харажатларни амалга оширишни ифодалайди. Ерни ободонлаштиришга килинган харажатлар Ер счётига эмас, Ерни ободонлаштириш счётига олиб борилади. Келгусида бу харажатлар амортизация килинади. Бундай харажатларга мисол сифатида ер майдонини тусиклар билан тусиш, машина тухташ жойларини барпо этиш ва хоказоларни киритиш мумкин.

1. **Бошлангич киймат** — бу асосий воситаларни яратиш ( қуриш ва кайта қуриш) еки сотиб олиш буйича хакикий амалга оширилган харажатлар киймати булиб, жумладан туланган ва кайта копланмайдиган соликлар ва йигимлар, шунингдек ташиб келтириш ва монтаж килиш, урнатиш ва фойдаланишга топшириш буйича харажатлар ва активни тайёрланиши буйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боглик булган бошка харажатларни уз ичига олади. Асосий воситаларнинг бошлангич киймати инфляция суъратини ҳисобга олган ҳолда маълум даврда кайта бахоланади. ( Ўзбекистон Республикасида ҳукумат қарорига мувофиқ асосий воситалар киймати оширилади). Кайта бахолаш натижасидан кейинги асосий воситалар киймати кайта тиклаш киймати деб аталади.
2. **Жорий киймат** — бу маълум санада амал килаётган бозор бахолари буйича асосий воситаларнинг киймати еки узаро манфаатдорлик томонлар уртасида активларни алмаштириш мумкин булган суммадир.
3. **Қолдик киймат** — асосий воситаларнинг бошлангич киймати еки жорий кийматидан тупланган амортизация суммасини айирмасидан кейинги ҳисоботда акс эттириладиган кийматдир.
4. **Тугатиш киймати** — бу асосий воситаларнинг фойдали хизмат килиш муддати охирида асосий воситаларни тугатишда пайдо буладиган кийматдан

тахмин килинаётган чикиб кетиш харажатларларини айиргандан кейинги тахмий кийматдир.

**пайдо булиши буйича хисобга олиш усули** — бу буйича харажатларни уларга зарурат пайдо булганда хисобга олишни ва харажатларни бутун давр давомида таксимлашни назарда тутди.

**таксимлаш усули** — бу усулдан фойдаланиб жорий таъмирлаш систематик характерга эга булган ва хажм буйича учун ахамиятли булганда тавсия килинади.

**Капитал харажатлар еки капитал куйилмалар деб** — асосий воситаларни ва бошка узок муддатда фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва яратиш билан боглик булган харажатларга айтилади.

**Капитал куйилмалар** — бу баланснинг активлар кисмида акс эттирилган харажатлардир ва бухгалтерия нуктаи назаридан харажатлар хисобланмайди.

**Харажатлар эса** — бу чиким деб тан олинади ва таннархга олиб борилади.

**Асосий воситаларнинг ошиши деб** — ишлаб чикариш кувватларининг жисмоний кенгайиши хисобланади.

**Номоддий активлар** — хужалик юритувчи субъект томонидан фойдаланиш учун сакланадиган, узок муддатли давр давомида фойдаланиш учун сотиб олинладиган ва оддий фаолият давомида сотиш учун мулжалланмаган активлардир.

**ПАТЕНТ** — хукукий тан олинган ва руйхатдан утказилган мутлок хукук. Патент хукуки узининг эгасига патентга таалукли булган буюмни, жараённи ёки фаолиятни фойдаланиш, ишлаб чикариш, сотиш ва назорат килиш хукукини беради. Бунда четдан бошка шахслар бевосита аралаша олмайди.

**САНОАТ ДИЗАЙНИНИ РУЙХАТДАН УТКАЗИШ** — Бу ишлаб чикарилган буюмнинг шакли, намунаси ёки безакларига нисбатан берилган патентга ухшашдир. Саноат дизайнини руйхатдан утказишда ташки куриниш химоя воситасининг вазифасини бажарса, патент хизмат курсатишни химоя кила олади.

**МУАЛЛИФЛИК ХУКУКИ** — бу муаллифларга адабиёт, мусика, тасвирий санъат ва бошка яратилган асарлар учун конун йули билан берилган химоя шаклидир. Муалифлик хукуки эгаларига бериладиган хукуклар — уз ишларини чоп эттириш, кайта босиш, ва купайтириш, сотиш ва нусхаларини таксимлаш ва уз асарларини ижро этиш хамда ёздириш хукукларини беради.

**САВДО МАРКАСИ ВА САВДО НАМУНАЛАРИ.** Савдо маркалари (Масалан : нестле , адидас) ёки савдо намуналари (кока- кола) компаниялар томонидан махсулот ёки хизмат учун берилган номлар ёки идентификацияни аникловчи бошка размлар улар эгалик килишни асосли равишда олиб бориш учун руйхатдан утказилиши мумкин . Руйхатдан утилган савдо маркалари ва савдо намуналари учун ноаник даврларга муддатни узайтириш йули билан енгилланиши мумкин. Бу холда номлар рамзлар ёки махсулот идентификациясини белгиловчи бошка рамзлар юридик хисобланади.



**ФРАНШИЗАЛАР** — маълум бир формула, технология ёки ташки курунишини куллаш буйича узига хос ҳуқуқ. Франшизалар (масалан : кабель телевиденияси компанияси) одатда ҳуқуқат органлари томонидан давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш ёки коммунал хизмат курсатиш (электромонташ ) учун ва хужалик субъектлари томонидан конкрет бир ишлар ва конкрет хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан эгалик қилиш учун тақдим қилинади. Франшиза тугрисидаги ҳар бир контракт франшизанинг амалда бўлиш даврини, шунингдек франчайзор (фойдаланиш ҳуқуқига имкон берувчи субъект) нинг ҳамда франчайзи (бу имтиёзни олувчи субъект )нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари конкрет белгилаб берилади.

**ТАШКИЛИЙ ХАРАЖАТЛАР** - бу фаолиятни ташкил қилишга кетган харажатлардир. Ташкилий харажатларнинг базилари тугридан-тугри капитализацияланади. Бундай харажатларга мисол тарикасида ҳуқуқий масалалар буйича, бухгалтерия буйича, канцелярия товарлари учун қилинган харажатларни келтириш мумкин. Ташкилий харажатларни капитализация қилишнинг сабаби, улар келгусида даромад келтиради. Барча харажатларни биринчи йилда ҳисобдан чиқариш харажатлар ва даромадларнинг мувофиқлик тамойилига путр етказди. Шунинг учун ташкилий харажатлар одатда эркин танлаб олинган қиска давр ичида амортизация қилинади.

**ГУДВИЛ** - ноаниқ номоддий актив. У энг куп тарқалган ва муҳим номоддий актив ҳисобланади. Гудвил компаниянинг ижобий характеристикаларидан қелиб чиқадиган қиймат бўлиб, компаниянинг аниқ активларидан қутилаётган даромадларнинг қушимча равишда қупайтиришга хизмат қилади. Компаниянинг узи томонидан юзага келтирилган гудвил актив сифатида акс эттирилмайди. Чунки бу компания сотиб олинаётганда сотиб олиш баҳоси ва компания активларининг ҳақиқий баҳоси уртасидаги фарқ сифатида юзага чиқади. Гудвил асосан компаниянинг оддий курсаткичларидан юқори бўлган молиявий курсаткичларининг тахмин қилинаётган қийматини акс эттиради. Бу тахминлар компания еки унинг операцион муҳитига алоқадор бўлган номоддий ижобий тавсифлар еки омиллар бундай даромадлар олишига ишонч тугдиради. Улар компаниялар учун уртачадан юқори бўлади.

**Салбий гудвил** - сотиб олинган соф активларнинг ҳаққоний қиймати компаниянинг харид қийматидан юқори бўлса пайдо бўладиган фарқ сифатида номоён бўлади. Бу сотиб олаётган компания учун қулай хариддир. Бундай ҳолларда моддий активлар қийматлари шу даражага қамайтилиши лозимки, бунда салбий гудвилга урин қолмаслиги керак.

**Сотиб олиш қиймати** — жами туловлар умумий суммасининг ёки олинган активларнинг жорий бозор қийматидир (қайси бирини аниқроқ ҳисоблаш мумкин бўлса).

**Ижара (лизинг )** -- активларнинг эгаси (ижарага берувчи) бошқа томонга (ижарага олувчига) маълум бир вақт ичида тулов эвазига активларни ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқни топшириши буйича битимга айтилади.



**Операцион ижара** битими буйича бино ва асбоб - ускуналарни киска вақтга ( бир кундан бир йилгача еки купрокка ) ижарага бериш кузда тутилади. Ижарага берувчи асосий воситаларни таъмирлаш ва ижарани амалга ошириш буйича барча харажатларни ижара тулови хисобига амалга оширади.

**Инвестициялар** -- маълум давр давомида иктисодий фойда куриш мақсадида куйилган капитални билдиради.

**Жорий инвестициялар.** Жорий инвестициялар --эркин сотиладиган ва бир йилдан куп булмаган муддатда эгалик килишга каратилган кимматли когозлардир,улар одатда бозор (ликвидли) кимматли когозлари деб аталади. Бозор кимматли когозлари куп холларда буш турган нақд пулларнинг вақтинча куйилмаси булади.

**Жорий (киска муддатли) мажбуриятлар** «баланс хисоботи санасидан бошлаб бир йил давомида ёки оддий операцион цикл давомида, агар у бир йилдан куп булса, туланадиган суммалар» деб таърифланади. Жорий активлар деб корхонанинг ишлаб чиқариш цикли ёки хисобот давридан бошлаб бир йил давомида, улардан кайси бирининг муддати узунрок булса, нақд пулга алмаштирилиши мумкин булган ёки асосий фаолиятида кулланиши мумкин булган активлар хисобланади. Жорий активлар ва жорий мажбуриятлар орасидаги богликлик борлиги сабабли, жорий активларга кулланиладиган вақтинчалик курсаткичлар, асосан жорий мажбуриятларга ҳам кулланилади.

**Туланадиган пул маблағлари ва мулклар шаклидаги туланадиган дивидендлар.**

Директорлар кенгаши томонидан эълон килингандан кейин, пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар, агар улар келгуси йил ёки операцион цикл давомида, улардан кайси бири узунрок булишига боглик холда, жорий мажбурият деб акс эттирилиши керак. Пул маблағлари ва мулк шаклидаги дивидендлар ҳуқуқий асосда эълон килинган санадан туланиш санасигача мажбурият деб акс эттирилади. Директорлар кенгаши томонидан расман эълон килинмаган имтиёзли акциялар буйича дивидендлар ва бошқа хар қандай дивидендлар буйича мажбуриятлар тан олинмайди. Кумулятив имтиёзли акциялар буйича мажбуриятларда дивидендлар молиявий хисоботларнинг тушунтириш хатларида очиб берилиши керак.

**Хисобланган мажбуриятлар.** Хисобланган мажбуриятлар уз ичига таътил туловлари, мукофотлар ва кредиторларга бериладиган, лекин хали туланмаган фоизларни олади. Хисобланган мажбуриятлар хисобот даври охирида тузатиш ёзувларини киритиш орқали акс эттирилиши мумкин.

**Бунақлар ва қайтариладиган депозитлар.** Компания миқозлардан ва ходимларидан депозитлар олганда махсус мажбурият вужудга келади. Депозитларни келгусида келиб чиқиши мумкин булган мажбуриятларни тулаш ёки битимни бажариш ёки хизматлар курсатиш қафолати сифатида миқозлардан олиш мумкин. Масалан, буюртма олинганда, компания буюртмани бекор қилиш холатида келиб чиқиши мумкин булган зарарларни коплаш учун бунақ тулашни талаб қилиши мумкин. Пул маблағларни олаётган компанияда бундай бунақлар натижасида ҳужалик муомаласининг якунланиш пайтигача мажбуриятлар келиб чиқади. Бунақлар пул маблағларни дебетлаш ва мажбурият ёки миқоз депозитлари каби счётни кредитлаш орқали акс эттирилади.

**Келгуси давр харажатлари (бунақ тарикасида олинган даромадлар).** Юкни етказиб бериш ёки хизмат курсатишдан олдин бунақ тарикасида олинган пул маблағлари буйича мажбурият келиб чиқади. Даромадни идентификация қилиш тамойишга асосан, бу

маблаглар даромад деб тан олинishi мумкин эмас. Бунак тарикасида олинган даромадларга: коллежда укиш учун тулов, ижара тулови, чипталарнинг сотилиши ва журналларга обуна булиш учун туловлар мисол була олади. Бундай хужалик муомалалар пул маблагларнинг дебети ва тегишли жорий мажбуриятлар хисоб варақлари кредита буйича акс эттирилади. Купинча «келгуси давр даромади» деб аталадиган бу хисоб варақ, аникловчи сузга эга булиши мумкин, масалан обуна учун туловни олганда у обунадан олинган келгуси давр даромади булиши мумкин. Бу хисоб варақ бошка номларга ҳам эга булиши мумкин, масалан: «олдиндан туланган обунадан даромад» ёки «бунак тарикасида олинган обунадан даромад».

**Солиқлар.** Хукумат конунлари тегишли хукумат муассасалари учун компанияниг мижоз ва ходимлардан тегишли солиқларни олишини талаб килади. Бундай солиқлар булиб, дивидендлар буйича ходимлардан ундириладиган даромад солиқлари, мулк солиқлари ва иш хаки солиқлари булиб хисобланади. Бундай солиқлар бирлашмалар, сугурта компаниялари ва касаба уюшмалари номидан йигилади. Ундирилиш дейилганда, мажбуриятлар тегишли томонга утказиб берилгандаги холат тушунилади.

**Кушилган киймат солиғи.** ККС учинчи томон (бу ерда хукумат) учун ундириладиган бошка солиқ хисобланади. Даромадлар ундириладиган ККСнинг айирмаси билан хисобга олинishi керак. Товар ва хизматларнинг сотиб олиниши копланишга мулжалланган ККСни айиряш билан хисобга олинishi керак, ва тулашга ёки олишга мулжалланган ККС мое равишда мажбурият ёки актив (олинадиган хисоб варақлар)га киритилиши керак.

**Фойда солиғи.** Фойда солиқлари Солиқ кодекси томонидан белгиланади. Молиявий хисобот максадида хисобланадиган фойда ва солиқ солиш максадларидаги фойда орасидаги фарқлар мукаррардир. Тахмин килинаётган мажбурият фирманиг максимал аник хисоб-китобларига асосланган жорий мажбурият сифатида хисобга олинishi керак. Йил давомида тахмин килинаётган солиқнинг узгаришига мое равишда даврий туловлар мажбурий булиши мумкин. Бу мавзу кейинрок батафсил курилади.

**Кафолат мажбуриятлари.** Агар компания сотиш вактида уз махсулотига кафолат берса, унда мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд булади. Кафолат суммасини сотиш амалга оширилган даврда харажатлар хисоб варақларнинг дебети буйича акс эттирилади, чунки кафолат махсулот ёки хизматнинг сифат тавсифи ва сотиб олишга ундайдиган сабаблардан бири хисобланади. Утган тажрибадан келиб чиккан холда, келгуси даврга берилган кафолатларнинг компанияга келиб тушадиган суммасини хисоблаш

**Кайта молиялашга тегишли булган киска муддатли мажбуриятлар.** Компания узининг айланма капитали буйича хисобот курсаткичларини яхшилаш учун жорий мажбуриятларни узок муддатлиларга кайта классификациялаш сабабларига эга булиши мумкин. Кайта классификациялаш сабабларидан бири шу булиши мумкинки, компания карзни кайта ' молиялаштирмокчи булса, у жорий мажбуриятлар буйича туловларни амалга оширишни режалаштирмайди.

Масалан, фирмалар одатда бинолар ва асбоб-ускуналар курилишини киска муддатли карз мажбурияти (облигациялар) хисобига молиялаштирадилар, унга биноан кейинчалик узок муддатлилик асосида молиялаштириш кузда тутилади, сунгра карзни узок муддатли сифатида акс эттирадилар.

**Фоизли векселлар.** Фоизли векселлар векселнинг асосий суммасини номинал киймат сифатида аник курсатади. Бундан ташкари, векселда белгиланган фоиз ставкаси курсатилади. Фоизли вексел буйича карздор номинал кийматга тенг пул маблаглар, бошка актив ёки хизматлар олади, кейин эса бу сумма билан белгиланган фоиз ставкаси буйича фоизларни ҳам тайинланган муддатда кайтариб беради.

**Фоизсиз векселлар.** Фоизсиз сузи - бу турдаги векселлар учун энг яхши таъриф эмас, чунки хакикатда бундай векселлар фоизлар туловини англатади. Бундай векселларнинг номинал киймати карз суммасини уз ичига олганлиги каби, бу карз буйича фоизларни хам уз ичига олади, бу тулаш муддатида ягона тулов суммасини ташкил килади. Карздор векселнинг номинал кийматига тенг булган суммани эмас, балким номинал суммаси ва вексел буйича фоизлар орасидаги фаркни олади. Векселда, олинадиган пул маблаглар деб курсатилган сумма - бу номинал кийматнинг реал фоиз ставкасини куллаш натижасида дисконтланган кийматидир. Колган сумма, яъни дисконтланган пул маблаглар киймати ва векселнинг номинал киймати орасидаги фарк, фоиз хисобланади. Реал фоиз ставкаси шунга ухшаш булган риск даражаси билан хужжатларда кулланиладиган бозор фоиз ставкаларига караб аникланади.

**Облигация** - катта суммалардаги капитални узок муддат асосида химоялаш учун компаниялар ва давлат ташкилотлари томонидан чикариладигая карз гувоҳномаларидир.

**Облигациялар** - бу фирма-эмитентнинг облигациялар эгалари(инвесторлар) томонидан инвестиция килинаётган капитални кайтариш учуй асосий сумма ва фоизларни тулаш тугрисидаги расмий берган ваъдасини ифодалайдиган конуняй хужжатдир.

**Фоизли усул.** Фоизли усул облигациянинг бутун амал килиш муддати давомида узлуксиз даражани такозо килади.

**Чегирма ва мукофот** атамалари облигация эмиссияларининг салбий ёки ижобий сифатларини курсатмайди. Улар шунга ухшаш облигациялар буйича фоиз даромади ставкасини бозор ставкаларига мослаштириш учун сотиш бахосидаги тузатишлар нитажаси хисобланади.

**Фоизлар тулаш орасидаги муддатда облигацияларнинг сотилиши.** Бундай холда, инвестор фоизлар туловлари орасидаги муддатда, облигацияни сотиб олганда, фоизлар буйича охирги туловлар санаси ва облигациянинг сотиш санаси орасидаги жорий кийматини тулайди.

**Облигацияларнинг акцияларга утказилиши.** Бошка кимматли коғозларга алмаштирилиши мумкин булган облигациялар конвертация килинадиган деб аталади. Бу алмаштириш облигация эгаси хохиши буйича амалга оширилади.

**Узок муддатли векселлар ва гаров хатлари.** Узок муддатли вексел - карз муддатларини белгилайдиган расмий хужжатдир. Векселлар одатда конкрет харидлар ёки маълум мақсадларга учун мулжалланган карзлар учун кулланилади.

**Устав капитали** - чикарилган акцияларнинг номинал ёки эълон килинган кийматига тенг булган ва куйилган капитал сифатида акс этирилиши лозим булган минимал миқдордир.

**Номинал киймат** - акционерлик капитал счётларида акс этилиши керак булган ва устав капиталини аниклаш учун ишлатиладиган, кимматбаҳо коғозларида курсатилган битта акциянинг номинал киймати.

**Оддий акциялар** - бу, одатдагидай, овозга эга булган акцияларнинг якка туридир.

**Имтиёзли акциялар** оддий акциялар олдида бир ёки купрок позициялар буйича имтиёзларига эга.

**Конверсияланувчи (алмаштириладиган) имтиёзли акциялар** - бу, акционер хохиши билан оддий акцияларга алмаштирилиши мумкин булган имтиёзли акциялар.

**Кумулятив акциялар** - вақт ўтиши билан туланмаган дивидендлар тулланиб бориладиган, ва улар оддий акциялар эгаларига эҳтимол тулланиши мумкин бўлган давргача маълум бир йилда тулланиши лозим бўлган имтиёзли акциялардир.

**Дивидендлар-акционерлар** орасида, одатда, пул маблағлари қуринишда, корпорация активларининг тақсимланиши.

**Муддати ўтган дивидендлар** ~ ўтган йиллардан қолган, кумулятив имтиёзли акциялар бўйича тулланган туланмаган дивидендлар.

**Сотиб олинган хусусий акциялар** - бу, эркин бозорда сотиб олинган корпорациянинг акциялари. Ўз сотиб олинган акциялар бухгалтерия балансида капиталнинг контр ҳисоби сифатида акс этилади.

**Тақсимланмаган фойда** ўзида акционерлар орасида дивидендлар сифатида тақсимланмаган хусусий капиталнинг бир қисмини ифода қилади. Чикарилган капитал билан бир қаторда, тақсимланмаган фойда активларни сотиб олиш манбаи ҳисобланади.

**Тақсимланмаган фойда тугрисидаги ҳисобот.** Харажатдаги миллий бухгалтерия стандартларига асосан республика ҳудудида фаолият қурсатаётган компаниялар ўзларининг йиллик ҳисоботларида 5 хил молиявий ҳисоботларни қурсатади: баланс, молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот, асосий воситаларнинг харажати тугрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тугрисидаги ҳисобот ва пул маблағлари харажати тугрисидаги ҳисобот. Ўзбекистонда тақсимланмаган фойда тугрисидаги ҳисобот хусусий капитал тугрисидаги ҳисоботни очиқ беришнинг бир қисми ҳисобланади. Тақсимланмаган фойда тугрисидаги ҳисоботнинг тузилиши қуйидагичадир (БХМС бўйича):

Компания ХХХ Тақсимланмаган фойда тугрисидаги ҳисобот 31 декабр 19хххх.да тугайдиган йил учун

|                                                     |                |
|-----------------------------------------------------|----------------|
| 2004 йил 1 январдаги тақсимланмаган фойда қолдиғи   | 500 000        |
| ' Плюс Соф фойда                                    | 278000         |
| . Минус Дивидендлар                                 | <u>100 000</u> |
| 2004 йил 31 декабрдаги тақсимланмаган фойда қолдиғи | 678 000        |

**Солиққа тортиладиган фойда (зарар)** — бу солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган, ҳисобот даврининг даромад(фойда еки зарар) суммаси. Корхоналар солиққа тортиладиган даромад(фойда)ни ялпи даромад(фойда) суммасидан ҳамма харажатларни (иш активлиги билан боғлиқ бўлган) айланиш орқали аниқлайдилар.

**Туланадиган солиқлар** - бу солиққа тортиладиган даромад(фойда)га ҳисобланган ва тулланиши лозим бўлган солиқ суммасидир..

**Бухгалтерия ҳисоби фойдаси** - бу молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботда солиқ айланилмагунча еки зарар билан боғлиқ ҳисобланган солиқнинг потенциал қайтариш суммаси қилинмагунча акс этирилган қавқулудда моддаларни ўз ичига олган ҳисобот даврининг жами даромади(фойдаси) еки зараридир.

**Доимий фарқлар** - бу жорий ҳисобот даврида вужудга келадиган ва кейинги даврларда қайта ҳисобга олинмайдиган, солиққа тортиладиган даромад(фойда) ва бухгалтерия даромади орасидаги фарқдир.

**Вақтинча фарқлар** - бу даромад ва харажатларнинг айрим моддалари солиққа тортиладиган даромад(фойда)га киритилмайдиган ҳисобот даври учун улар бухгалтерия



даромад(фойда)ига киритиладиган хисобот даври билан мое келмаслигидан вужудга келадиган, соликка тортиладиган ва бухгалтерия даромад(фойда)лари орасидаги фарклардир. Вактинча фарклар бир ёки бир неча кейинги даврларда хисобдан чиқарилади.

**"Анализ"** - атамаси грекча суздан олинган булиб, унинг таржимаси "буламан", "қисмларга ажратаман" маъносини англатади.

**Иктисодий таҳлил фан сифатида иктисодий қонунлар ҳаракати, йўналишлари ва конкрет қорхоналарда иктисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятини урганиш вазифасини бажаради.**

**Хужалик фаолиятининг яна бир вазифаси ёки функцияси** -бу қорхона режалари ва бошқарув қарорларининг бажарилиши устидан ҳамда ресурслардан унумли фойдаланиш устидан назорат урнатиш.

**Таҳлилининг энг марказий масаласи эса** - бу қорхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг имкониятларини излаб топиш.

**Таҳлилнинг кейинги функцияси бу** - қорхоналар фаолиятини уларнинг режалари ҳамда ресурсларидан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳолаш.

**Ва, нисбат, таҳлилнинг яна бир муҳим вазифаси ёки функцияси** - бу аниқланган имкониятларини ишга солиш ва улардан фойдаланиш бўйича қоратдибларни ишлаб чиқиш.

**Таҳлилнинг утқазилиш даврига қараб у дастлабки ёки перспектив - истикбол ва кейинги, яъни ретроспектив ёки тарихий таҳлил турларига бўлинади.**

**Ретроспектив таҳлил** уз навбатида **тезқор ва яқуний таҳлил**га бўлинади.

**Тезқор таҳлил** одатда хужалик муомалалари амалга оширилиши биланок амалга оширилади, чунки унинг максоди қамчиликларни тезқор равишда аниқлаб, хужалик жараенига тезқорлик билан таъсир қурсатиш ва уни ижобий томонга узгартиришдир.

**Яқуний таҳлил** эса хисобот даври яқунлари бўйича утқазилади ва бунда қорхона фаолиятини комплекс равишда баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

**Техник-иктисодий таҳлил** - унинг мазмуни шу билан ёритиладики, бунда техник ва иктисодий ҳодисаларнинг узаро боғлиқлиги урганилиб, техник узгаришларнинг иктисодий натижаларга таъсири аниқланади.

**Молиявий-иктисодий таҳлил** - бунда асосий диққат эътибор молиявий натижаларга, қорхона молиявий ҳолатига қаратилади, жумладан фойда ва рентабелликни ошириш йўллари кидириш, қорхона тулов қобилятини қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

**Аудиторлик ёки бухгалтерия таҳлили** — бу қорхона молиявий барқарорлигининг эксперт диагностикасидир ва у аудитор томонидан қорхоналар молиявий барқарорлиги баҳолаш ва унинг истикболини белгилашда ишлатилади.

**Социал-иктисодий таҳлил** — бунда социал ҳодисаларнинг иктисодий воқеа-ҳодисаларга таъсири урганилади.

**Маркетинг тахлили** — бу тахлил тури корхона ташкарисидаги во-келикни урганишда, жумладан бозор талаб ва таклифини урганиш ва унинг корхона дастурини белгилашга таъсирини аниклашда ишлатилади.

**Таккослама тахлил** хисобот даври хакикий маълумотларининг режа ёки утган давр хакикий маълумотлари билан солиштириш учун ишлатилади.

**Омилли тахлил** — натижавий курсаткичларга таъсир килувчи омиллар ва уларнинг таъсирини аниклаш учун кул келади.

**Диагностик ёки экспресс тахлил** — бу у ёки бу ходисаларнинг руй бериши ва узгариши сабабларини тезкорлик билан аниклашда фойдаланиладиган тахлил туридир.

**Маржинал тахлил** — бу махсулот сотиш, унинг таннархи, фойдаси-ни харажатларни узгарувчи ва узгармасларга булиб тахлил килиш усулидир.

**Иктисодий-математик тахлил** ёрдамида иктисодий масалаларни хал килишнинг энг оптимал варианты танланади.

**Стохастик ёки корреляцион тахлил** урганилаёиган воқеа ва ходисаларнинг стохастик боғликлигини аниклаб беради.

**Функционал киймат тахлили** эса резевларни аниклаш усулидир.

**Ички тахлил**-корхонани ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа соҳаларини бошқаришда утказилади.

**Ташки тахлил** банклар, инвесторлар, хиссадорлар ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

**Объектларни камраб олишига** караб **тулик ва танланма тахлил** турлари мавжуд.

**Тахлил дастурининг мазмунига мувофик** эса **яхлит ва алохида** мавзулар буйича тахлил турлари мавжуддир.

**Иктисодий тахлилнинг предмети деб**, хужалик юритувчи барча субъектларнинг моделлаштирилган иктисодий ахборотлар тизими орқали акс эттирилувчи ва турли (ички ва ташқи) омиллар таъсири натижасида юзага келувчи молиявий-хужалик фаолиятига айтилади.

**"Тахлилнинг методи** — бу махсус усуллар ёрдамида режа, хисоб, хисобот ва ахборотларнинг бошқа манбаларини ишлаш йули билан амалга ошириладиган, хужалик режаларининг бажарилишига ва хужаликнинг ривожланиш динамикасига айрим омиллар таъсирини системали, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштириш усулидир". (Экономический анализ хозяйственной деятельности предприятий и объединений. Под.ред. С.Б. Барнгольд и Г.М.Тация. М.,Финансы и статистика,1986й.,21-б).

**Иктисодий тахлилнинг методи** — бу турли хужалик юритувчи субъектларнинг доимий ривожланиш ва узгаришдаги молиявий- хужалик фаолиятини урганишга диалектик ендашган ҳолда, иктисодий ахборотлар манбаларида келтирилган курсаткичлар тизимини махсус усуллар ёрдамида қайта ишлаш йули билан уларни узгариш сабабларини аниклаш ҳамда улар орасидаги узоро боғлиқларни тизимли, комплекс урганиш, улчаш ва умумлаштиришдир.



**Иктисодий таҳлилнинг усули, яъни методи куйидаги иккита элементи билан белгиланади:**

**1)системали тарзда ёндашиш;**

**2)комплекс таҳлил услубияти.**

**Энг кун кулланиладиган усуллар:**

1. Таккослаш усули.

2. Мутлак, уртача ва нисбий курсаткичлардан фойдаланиш усули.

3. Гурухлаш , жадвал ва графиклардан фойдаланиш усули.

4. Занжирли боғланиш усули.

5. Абсолют ёки мутлак курсаткичлардаги фарklar усули.

6. Индекс усули.

7. Интеграл усули.

**Сотилган махсулот хажми**— бу харидорларга шартномалар асосида юклаб жунатилган ва туланган товар махсулот киймати;

**Номенклатура**—бу корхона ишлаб чикарадиган махсулот турларининг руйхати.

**Ассортимент эса**—махсулот турларининг микдорининг курсатилган руйхати.

**Эскириш коэффиценти** (Эск.к.) куйидаги формула буйича эскириш суммасининг асосий фондлар дастлабки кийматига нисбати билан аникланади:

АФЭ 1ш.,011-сатр

Эск.к. = АФ даст.к.= 1ш., 110 - сатр

бунда АФЭ- асосий фондларнинг эскириш суммаси;

АФ даст.к. - асосий фондларнинг дастлабки киймати буйича баҳолаш;

1ш. - 1-шакл “Бухгалтерия баланси”

010 ва 011-сатрлар - баланс сатрлари

**Асосий фондларнинг яроклилиқ коэффиценти** куйидаги формула буйича асосий фондлар колдик кийматини (дастлабки киймат айрув эскириш) уларнинг дастлабки кийматига нисбати сифатида хисобланади.

АФ колд.к. 1ш., 012-сатр

Ярок.к.к. = Афдаст.к. = 1ш., 010 - сатр,

**Янгиланиш коэффиценти** (Янг.к.) йил давимида янги келиб тушган асосий воситалар суммасини уларнинг йил охирига колдигига нисбатига асосланган куйидаги формула буйича аникланади:

АФ кел. 3-ш. 4 гр, 130-сатр

Янг.к.= АФ даст.к.к. = 3-ш. 6 гр., 130- сатр

бунда АФ кел. - янги келтирилган асосий фондларини баҳолаш;

АФ даст.к.к. - асосий фондларни давр охирига дастлабки киймати буйича баҳолаш;

3-ш 3-шакл “Асосий воситалар харакати тугрисида хисобот”;

4-гр. ва 6-гр. - 3-сон шакл графалари

130-сатр - 3 шакл сатри;

**Чикиб кетиш коэффиценти** ( Чик.к.) йил мобайнида сафдан чиккан асосий фондларнинг улар йил бошидаги колдигига тенг булиб, у куйидаги формула буйича аникланади;

АФ чик.

Чик.к. = АФ д.даст.к. = 3-ш, 5-гр, 130 сатр  
3-ш, 3-гр., 130- сатр

бунда АФ д.даст.к. - асосий фондларнинг давр бошига дастлабки киймат буйича суммаси;

АФ чик. - хисобот даврида чикиб кетган асосий фондлар суммаси.

**Фонд рентабеллиги** асосий воситаларнинг 1 сумига тугри келадиган фойда улушини ифода этади. У соф фойданинг асосий воситалар йиллик уртача суммасига нисбати сифатида куйидаги формула буйича хисобланади:

$$Раф = (СФ \times 100) / АФ$$

бунда Раф - асосий фондлар рентабеллиги;

СФ - соф фойда.

**Омиллар** деганда эса шундай элемент, сабаб ёки шароитлар тушуниладики, уларнинг таъсири остида узгаришлар руй бергани сабабли, уларни руй бераётган иктисодий воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб айтиш мумкин.

**Материал кайтими** аниқлашда ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳажмини материал харажатлар кийматига бўламиз. Бу курсаткич 1сумлик сарфланган материал ресурслардан канча маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини курсатади.

**Материал сигими** харажат килинган материалларни кайтимини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига булиш оркали аниқланди. Бу курсаткич 1 бирлик маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар суммасини англатади.

**"Аудит"**- лотинча "audio" сузидан олинган булиб, "у эшитади" деган маънони билдиради.

**Халқаро аудиторлик фирмаларига** "Артур Андерсен", "КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Куперс Энд Лайбрэнд", "Прайс Уотерхауз" ва "Делойт энд Туш" каби фирмалар қиради.

**Аудитнинг асосий максади** ҳужалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботида ақс эттирилган маълумотларни ҳаракатдаги қонунлар, андозалар ва бошқа меъерий ҳужжатлар талабига мос келиши, уларнинг объективлиги аниқлиги нуқтаи назаридан ҳолисона баҳолашдир.

**Аудиторлик текширувларини куйидаги турларга бўлинади:**

**1. Ривожланиш эволюциясига кура:**

- а) тасдиқловчи аудит;
- б) тизимли-мулжалли аудит;
- в) таваккалчиликка асосланган аудит.

**2. Қонун буйича белгиланишига кура:**

- а) қонунда курсатилган қорхоналарда утқазилган аудит;
- б) ташаббус оркали ташкил қилинган аудит.

**3. текширув утказувчи субъектларга кура:**

- а) ташки аудит;
- б) ички аудит.

#### **4. Текширувни амалга ошириш даврига кура:**

- а) дастлабки аудит;
- б) кайтариловчи (келишилган) аудит.

**Ташки аудит** бухгалтерия хисоби, тафтиш, иктисодий таҳлил, иктисодий математик усуллар, давлат сиёсати, солиқлар, истикболни белгилаш, конун-чилик, рухшунослик йуналишлари бўйича мукамал билимга эга булган, аудиторлик текширувларини утказиш учун рухсатномаси (лицензияси) булган мустакил аудитор ёки аудиторлик фирмаси томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

**Ички аудит** фирманинг шу мақсадлар учун ташкил этилган махсус бўлими ёки ходимлари томонидан амалга оширилади. Бу фаолият турининг хусусияти шундаки ички аудиторлар корхона раҳбарига бўйсундилар ва унинг штатида турадилар.

**Дастлабки аудит** аудиторлик текшируви ёки унинг консалтинг хизматидан биринчи бор фойдаланаётган корхонада амалга оширилади.

**Кайтариловчи (келишилган) аудит** аудиторлик фирмасини мижоз корхона билан узок вақтлар давомида ҳамкорлик қилиш натижасида амалга оширилади.

**Якуний аудит** асосан ҳисобот даври якунлангандан кейин амалга ошириладиган аудит.

**Давомли аудит** турига жуда зарур ҳоллардагина мурожаат қилинади. Чунки бу жуда қиммат турувчи хизмат туридир ва ундан факат молиявий жихатдан бақувват корхоналаргина фойдаланишлари мумкин.

**Муолажа тарзида утказилган аудит** асосан аудиторлик хизматидан доимий тарзда фойдаланилмайдиган корхоналарда муҳим ҳужжатларни расмийлаштириш ёки уларни тегишли истеъмолчиларга тақдим қилишдан аввал фойдаланилади.

**Мустиқлик** аудиторлик қасбининг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бу фаолиятнинг фалсафий таркибини ташкил қилувчи мағиз ҳисобланади.

**Ҳужжатли исбот** деб-текширув жараёнида аниқланган ва инкор қилиб бўлмайдиган даражада тасдиқлов қучига эга булган маълумотларга айтилади. Улар аудиторга мижоз фирма молиявий ҳисоботи тугрисида мумкин булган аниқликда ҳулоса айтиш имконини беради.

**РАСМАН ТЕКШИРУВ**- бу усулнинг мақсади ҳужжатларни расмийлаштиришда ва уларнинг реквизитларини тулдиришда йул қуйилган қамчиликларни, ҳужжатларда қелишилмаган тугрилашлар, бўяшлар, матн ва рақамларга қушиб қуйишлар мавжудлигини ҳамда мансабдор шахсларнинг имзоларини ҳақиқийлигини аниқлагандан иборат.

**АРИФМЕТИК ТЕКШИРУВ**- бунда текширувга жалб қилинган дастлабки ва йиғма ҳужжатлар, ҳамда уларга бириктирилган иловалардаги ҳисоб қитоблар арифметик амалларнинг бажарилишини тугрилиги нуқтаи назаридан урганиб чиқилади ва зарур бўлса уларга тегишли узгартишлар киритилади.

**ЙУКЛАМА КИЛИШ-** мол-моддий кийматлар,асосий воситалар,пул маблаглари ва ҳисоблашшларнинг мавжудлиги,сакланиши ва ҳолати тугрисида аниқ далил олиш имконини берувчи усулдир.

**КАРАМА-КАРШИ ТЕКШИРУВ** - аудиторлик далилини олишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади.Унинг ёрдамида бир хил ҳужалик муомиласи акс этган бир неча ҳужжатдаги,ёки уша ҳужжатнинг нусхаларидаги маълумотларнинг бир-бирига мос тушиши урганилади.

**ВОКЕЛИККА ХУКУКИЙ БАХО БЕРИШ.**Аудитор бу усулдан шубҳали ҳужалик муомилаларига дуч келганда уларни корхонанинг низоми, ҳаракатдаги қонунлар ва ҳукумат қарорларига зид эмаслигини текширишда фойдаланади.

**ЭКСПЕРТИЗА** - зарур шароитларда малакали мутахассисларни жалб қилиш орқали утқизиладиган текширув усули.Бу усул қўлланданда мижоз фирмада технологик интизомга риоя қилиш, хом ашё ва материаларнинг ҳаражат меёрларини ишлаб чиқиш ва қўллаш тугрилигини аниқлаш;ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмини ва унинг сифатини баҳолаш;ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат томонидан белгиланган андозалар ва техник талабларига мос тушишини солиштириб чиқиш орқали аудиторга бу йўналишлар бўйича асосланган фикр айтиш учун имкон яратилади.

**СУРОВ ВА ТАСДИКЛОВ ОЛИШ.** Бу усулдан аудитор мижоз корхонадаги айрим ҳужжатларнинг ва ҳужалик муомилаларининг тугрилигига шубҳа тугилган ва ундаги маълумотларни учунчи шахслар томонидан тасдиқлаб олиш зарурияти юзага келган ҳолатда фойдаланиши мумкин.

**ЁЗМА РАВИШДА ТУШУНТИРИШЛАР ОЛИШ.**Бу усул текширув жараёнида топилган қонунбузарлик ҳолатларини келтириб чиқарган сабабларни аниқлашда жуда қўл келади.

**ЮЗЛАШТИРИШ** - асосан аудиторлик текшируви жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган идоралар томонидан тайинланганда қўлланилади.Бу усулнинг моҳияти,моддий жавобгар шахсларда қамомат ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар аниқланганда вазиятга уша шахслар ва уларнинг қўрсатмаларига қўра шу ҳолатларни келтириб чиқарган қимсаларни юзлаштириш натижасида аниқлик қиритишдан иборат.

**ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ** аудиторга иқтисодий жараёнларни янада қенгрок ва чуқуррок урганишга имкон яратади.

**ЮЗАКИ ТАНИШУВ.** Аудитор текширувни ёки хизмат қўрсатишни бошлашдан аввал мижоз корхонадаги аҳвол билан юзаки танишиб чиқади.

**ТАНЛАНМА ҚУЗАТИШ.**Урганилиши лозим бўлган тўпладан зарурий миқдордаги бирликлар махсус усуллар билан танлаб олишса ва улар устида утқизиладиган қўзатиш маълумотлари бутун тўпламга тарқатилса,бундай усул танлама қўзатиш дейилади.

**ДАЪВО ВА ТАЛАБЛАРНИ УРГАНИШ.** Аудитор бу усулдан текширув жараёнида корхонага ёки корхонани учунчи шахсларга нисбатан молиявий ҳисоботга сезиларли таъсир қўрсатиши мумкин бўлган даражада талаб ва

даъволари мавжудлиги тугрисида ахборотга эга булган ҳолатда,бу воқеликка аниқлик киритиш мақсадида фойдаланилади.

**СУРОВ УТҚАЗИШ.** Аудитор лозим булган ҳолатда мижоз корхона ишчи ва хизматчилари уртасида узини кизиктирган масалалар буйича суров утқазиши мумкин. У суровномадаги саволларни шундай тузиш керакки,суралувчи (респондент) унга "ха" ёки "йук" деб жавоб кила олсин.

**МАНТИКАН БАҲОЛАШ.** Бу усул орқали ҳужжатлар билан расмийлаштирилган ҳужалик муомилаларини замон,макон ва ҳажмда юзага кела олиш имконияти аниқланади.Бошқача килиб айтганда ҳужжатда акс этган воқеликни мантикка мос келиши урганилади.

**ИЖРОЧИЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОКОТ.**Бу усул ноқонуний ҳаракатлар акс эттирилган ҳужалик муаммоларини амалга оширган ишчи ва хизматчилар билан воқеликка аниқлик киритиш мақсадида бевоСИТА суҳбатлашув тарзида амалга оширилади.

### **Фан буйича асосий ва кушимча адабиётлар руйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби" тугрисидаги Қонун, Тошкент 1996 й.
2. Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти ҳақида"ги Қонун, Тошкент, "Адолат" 2000 й.
3. «Махсулот таннарихига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби ҳақида»ги Низом, Тошкент, 1998 й.
4. Каримов А.А, ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби: Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик Ғ Муаллифлар: А.А. Каримов, Ғ.Р. Исломов, А.З. Авлоқулов. — Т.: «Шарқ», 2004. — 592 б.
5. Дж.К.Ван Хорн "Основы управления финансами", Москва, Финансы и статистика, 2000.
6. Международные стандарты бухгалтерского учета. I том. - Ташкент, 2000.
7. Международные стандарты бухгалтерского учета. II том. - Ташкент, 2000.
8. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланмаси. Султонова Д., Тулаходжаева М., Мўминова С., Мўйдинов Э., Тухсанов Х. — Ўзбекистон Республикаси бизнес фанлар ўқитувчилари ассоциацияси, Тошкент, 2004 йил.
9. Мюллер Г., Гернон Х., Миик Г. "Учет: международная перспектива." — Москва, Финансы и статистика, 1992 г.
10. Сидней Грей, Бэлард Нидлз, Финансовый учет: глобальный подход. Том 1,
11. Сидней Грей, Бэлард Нидлз, Финансовый учет: глобальный подход. Том 2,
12. Нидлз Б., Андерсон Х. Колдуэлл Д. "Принципы бухгалтерского учета", Москва, Финансы и статистика ,2002 г.
13. Попков Д.А. Бухгалтерский учет и анализ в зарубежных странах., Минск, ИП "Экоперспектива",1998.
14. Ткач В.И., Ткач М.В, Международная система учета и отчетности, Москва Финансы и статистика, 1992 г.
15. Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. — Часть 1. "Х.Г.С.", — Москва, 1992 год.
16. . Френк Вуд. Бухгалтерский учет для предпринимателей. — Часть II. "Х.Г.С.", — Москва, 1992 год.
17. "Финансовый учет 2" Учебное пособие I том. Корпорация "Прагма" Ташкент — 2002.



18. "Финансовый учет 2" Учебное пособие II том. Корпорация "Прагма" Ташкент – 2002.
19. Разъяснения Международных Стандартов Финансовой Отчетности. Учебно – справочное пособие. Корпорация "Прагма", Ташкент, 2001.
20. Management accounting. The Capital Budgeting Process Version 1.0. authors: Thomas Klammer Jan Bel Shahid Ansari The Me Graw – Hill Companies, Inc. , 2000
21. Advanced Accounting Joe B. Hoyle, Thomas F, Schaefer, and Timothy S. Doupnik C 1998 by The Me Graw – Hill Companies, Inc
22. Intermediate accounting / Lanny G. Chasteen, Richard E. Flahevy, Melvin C. O' Connor. – 6<sup>th</sup> ed. C 1998. Exclusive rights by The Me Graw – Hill Companies, Inc
23. Advanced accounting Joe B. Hoyle , Thomas F. Schaefer. Timothy S. Doupnik, – 5<sup>th</sup> ed C 1998 by The Me Graw – Hill companies.
24. Юсупова М.Б. Жумабоев Г. "Молиявий хисоб тамойиллари" Андижон 1999 й.

## МУНДАРИЖА

### I қисм. БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ АСОСЛАРИ

|                                                                     |         |
|---------------------------------------------------------------------|---------|
| 1- Мавзу. Бухгалтерия хисобининг концепциялари ва тамойиллари. .... | 3- бет  |
| 2- Мавзу. Молиявий хисоботлар тавсифи. Счётлар режаси. ....         | 18-бет  |
| 3- Мавзу. Хисоб цикли ва ёпиладиган бухгалтерия ёзувлари. ....      | 42-бет  |
| 4- Мавзу. Даромад ва харажатларни тан олиш. ....                    | 48-бет  |
| 5- Мавзу. Пул маблағлари ва олинадиган счётлар хисоби. ....         | 55-бет  |
| 6- Мавзу. ТМЗ ва ишлаб чиқариш харажатлари хисоби. ....             | 60-бет  |
| 7- Мавзу. Асосий воситалар ва номоддий активлар хисоби. ....        | 65-бет  |
| 8- Мавзу. Ижара ва инвестиция хисоби. ....                          | 83-бет  |
| 9- Мавзу. Мажбуриятлар хисоби. ....                                 | 98-бет  |
| 10- Мавзу. Даромад солиғи хисоби. ....                              | 108-бет |
| 11- Мавзу. Хусусий капитал хисоби. ....                             | 115-бет |

### II қисм. ИКТИСОДИЙ ТАХЛИЛ

|                                                                                           |         |
|-------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| 1- Мавзу. Иктисодий таҳлилнинг аҳамияти ва корхоналарда<br>уни ташкил қилиш тартиби. .... | 125-бет |
| 2- Мавзу. Иктисодий таҳлилнинг предмети ва методи. ....                                   | 135-бет |
| 3- Мавзу. Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили. ....                                   | 149-бет |
| 4- Мавзу. Ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш таҳлили. ....                            | 153-бет |
| 5- Мавзу. Махсулот таннархи таҳлили. ....                                                 | 167-бет |

### III қисм. АУДИТ АСОСЛАРИ

#### 1- II қисм. ИКТИСОДИЙ ТАХЛИЛ

|                                                                                                                 |         |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------|
| 1-Мавзу. Бозор иктисодиётига утиш шароитида аудитнинг роли, максоди ва<br>ташкилий принциплари. ....            | 173-бет |
| 2-Мавзу. Аудиторлик текширувларининг ташкилий принциплари. ....                                                 | 208-бет |
| 3-Мавзу. Аудиторлик текширувларини режалаштириш. ....                                                           | 231-бет |
| 4-Мавзу. Аудиторнинг иш хужжатлари. ....                                                                        | 257-бет |
| 5-Мавзу. Аудит натижаларини расмийлаштириш. Ўзбекистон<br>Республикасида аудитни ривожлантириш муаммолари. .... | 275-бет |
| Таянч иборалар. ....                                                                                            | 288-бет |

Фойдаланилган адабиётлар руйхати. ....314-бет